

84(513)  
3-85

Адиб  
ва  
жамият



МАЪМУРА ЗОҲИДОВА

# МАНГЛАЙДАГИ ЁЗИҚ

Қиссалар

84(5 43)  
3-85

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ  
“ИЖОД” ЖАМОАТ ФОНДИ

*Адиб ва  
жамият*

МАЪМУРА ЗОҲИДОВА

# МАНГЛАЙДАГИ ЁЗИҚ

*Қиссалар*

Nizomiy nomli  
T D P U  
kutubxonasi

4

У-8829/1

ТОШКЕНТ  
“ADABIYOT”  
2021

УЎК: 821.512.133-32

КБК: 84(5Ў)6

Т 71

**Зоҳидова, Маъмура**

Т 71 **Манглайдаги ёзиқ** [Матн]: Қиссалар / Маъмура ЗОҲИДОВА.  
– Тошкент: «Adabiyot» нашриёти, 2021. – 368 б.

ISBN 978-9943-6782-1-7

**Масъул муҳаррир**

**Собир ЎНАР**

Ушбу китобдан муаллифнинг учта қиссаси ўрин олган. Қиссаларнинг тағ-моҳиятида миллатнинг ўзлиги, миллий қадриятлари аён кўриниб туради. Бир қарашда шунчаки ҳаёт манзаралари содда тил билан чизилгандек тасаввур берадиган бу асарларда ижодкор инсон қалби фожиалари, унинг қисмати, миллат дардлари, тилимиз оғриқлари, ундаги ўрнини тўлдириш мушкул бўлган йўқотишлар, таълим жараёнларидаги камчиликлар, одамлар орасида кадр-қиммат, оқибат, садоқат, эътибор кабиларнинг йўқолиб бораётгани кабиларни маҳорат билан акс эттиради. Ҳаёт қиёфаси чизгилари ортида қалбнинг чуқур изтиробларига олиб келган ҳодисаларни куюнчаклик ва элпарварлик, миллатпарварлик билан гавдалантиради. Эзгулик ва ҳушёрликдан бадий оҳанглар орқали дарс берадиган ушбу китоб ўқувчиларда яхши таассурот қолдиришига умид билдирамиз.

УЎК: 821.512.133-32

КБК: 84(5Ў)6

*Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
“Ижод” жамоат фонди ҳомийлигида чоп этилди.*

ISBN 978-9943-6782-1-7

© М. Зоҳидова, 2021

© “ADABIYOT”, 2021

## БОЙЧЕЧАК

– Нима истайсан мендан?

Шундай деди-ю, болохонадор сўкиниб, пишқирганча бетма-бет келиб тикка сакраётган рўпарасидаги йигит ўрнида бир маҳалдаги нимжон, сариқдан келган аразчи болакайни кўрди. Ана, ошнасининг кўзлари баттар хунуклашиб кетди. Тишини тишига қаттиқ босибди. Ўрганган қилиқ ўлганда қоларкан-да.

– Нима истайсан?! Ўчир овозингни! Тилингни омбурда суғуриб оламан! Э сенга диплом берганларингниям!.. Домлачилигингга тупурдим сени!

– Қаёқдаги бўлмағур гапларга ишониб бекор қиялпсан! Одамларни билмайсанми?

– Кетасан! Ғовадан бошингни олиб чиқиб кетасан! Барибир тинч қўймайман! Гулдай синглимнинг номи-ни чиқардинг! Ҳаммаёқни расво қилдинг! Эркак деб адашиб юрган эканман сени! Йўқол! Қайтиб кўзимга кўринма!

Ёқа бўғишишдан бошланиб, аччиқ-тиззиқ шартлашишга ўтган можаро, асли можаро деган от бу айтди-дедига кўплик қилаётган, оғайнисининг иссиқ юзини қилиб паст келувидан якун топай деб турган эди-ю...

– Ёшгина қиз, алдасам бўлади дедингми?! Ит! Ифлос! Яхши кўраман деб йўлдан урдингми?! Шунақа дедингми?! – ёқаси ошнасининг қўлида тортилиб бориб-кела бошлади.

– Йўқ! Бас қил!

– Айт, ифлос! Нима гапинг бор унга?! Ўлдираман сени ҳозир!

Оғзидан икки оғиз гап учиб чиқди. Чиқмаганига қўймади-да ўзи.

– Яхши кўраман, нимаиди?

“Келиб-келиб мен билан талашасанми орингни? Сенга қанча бўлса менга ҳам шунча оғир. Бунча тези-кишма. Мушт солсам ўнгланмасанг-чи”.

– Ифлос-с!!!

– Ҳаммасини яхши кўраман, ошна. Бўлмаса бунақа қилиб... Имм!

Икки қайта мушт тушди. Кўзидан ўт чиқди. Тепки зарбидан нарига силтаниб кетди. Уриб бўлмаса. Айб ўзида-ку. Шу ишларни кўнгли сезиб юрганди.

– Ит эмган! Марраз! Ошна дема мени!

...Бирови келди. Бегона эди келган. Судраб кетди ўн йиллик синфдошини, яна неча йиллик даврадошини. Бурнидан келган қон оч ҳаворанг қўйлагига томди. Четга ўтди. Ана, болалик оғайниси бир умрлик юз-кўрмас бўлди, бировнинг қўлида тортилиб-тортилиб, худди қўйиб юборса аждарҳога айлангудек важоҳат солиб наригача борди, сўкинди, чирт бурилиб, тупуриб кетди. Сўкингани ҳам майли, тупургани ёмон бўлди. Ўринсиз қилиқдан ўринли юмруқ<sup>1</sup> яхшийди.

Нарида, тошгузар муюлишида томошаталаб уч-тўрттаси ярим-ёрти қараб, қулоғини диккайтириб турарди.

Ариқчада юз ювди, рўмолчасини бурнига босиб бошини кўтарди, кийими барларини текислади, ёқасини тўғрилади.

Қайтар дунё.

Рўпарасидаги қоратолга унинг тикка-тикка хивичларини санаётгандек тикилиб турди. Кейин бир силтаниб йўлга тушди. Уйга қайтди. Боғдан чиқиб келаётган бувисини кўриб ичи жиғиллади, болали-

<sup>1</sup> Юмруқ – мушт.

гидаги каби қўйнига отилгиси, қалампирмунчоқ исига тўйиб, кўз юмиб, эркалангиси келди. Ярим-ёрти сўрашди-да, чап берди.

Бу тун ҳам кўзига уйқу илинмади.

Эрталаб яна ишга. Аввалги ҳафсалалар қани, боши баттар эгилиб жинкўчанинг тошларини санаб борди.

Келишиб олгандай, дарвозадан кириши билан йўлига қараб турган завуч<sup>1</sup> дейдиганлари қўл силкиб имлади, хонасига бошлади, ортидан етгунича жойига ўтирди-да ранг-қути ўчганча жиддий кутиб олди. Бу галги тараддудланиши бошқача.

– Турғунбой, нима қиламиз энди?

– Нимани нима қиламиз?

– Энди, ўқитувчилик осон иш эмас-да. Мактаб эгасиз ҳам эмас. Кеча селектордан чиққанимизда заврай-оно директор билан менга алоҳида топшириқ қилди. Сизнинг ишингиз билан боғлиқ алоҳида топшириқ! Битта ариза қилиб, тинчгина бўшаб олаверинг. Энг биринчи ўзингизга яхши бўлади. Минг айтдим, нармалний ишламадингиз. Каттани катта демайсиз, кичикни кичик демайсиз.

У тили тинмай сайрагани билан кўзини нари-бери олиб қочаётган бошлиқ бўлмишга бирпас тикди-да, қоши ўртасига кириб олган тугунчакни ёзмоқчидай пешонасини силади. Завуч дейдиганлари деразадан ташқарига қараб турган бўлса ҳам, ҳеч нарсани кўрмас, афтидан, кўзида шаҳардаги мажлисдами ё мудирнинг рўпарасида тик турганлари айланарди. Кейин у бир чўчигандек бош силкиб Турғунга ўгирилди.

– Ўзингиздаям бор. Дарс тартибини унутиб қўясиз. Пала-партиш ўтасиз. Тилчи бўлмасангиз ҳам майли эди. Қаёқдаги нарсаларни ўйлаб топасиз. Алмисоқдан

<sup>1</sup> Ўзга тилдан кириб, ўз тилимизда муқобили бўлса-да, нутқимиздан кенг ўрин олган шу ва бошқа сўзлар ажратилган.

қолган мақол-соқолга осилганингиз нимаси? Айниқ-са, ана у кунги ишингиз... бошим кетишига сал қолди-я. ҚВЗнинг<sup>1</sup> нима кераги бор эди? Иши йўқ одамдек... Бир қарич болаларни халқ артисти деб эълон қилдирасизми-ей. Ҳамманинг олдига пахта масаласини олиб чиқишга бало бормиди? Қанча ота-оналар келган экан.

Турғун кўзғалди: “Навбатдаги пўписа”.

– Дарс бор эди. Ўн биринчи “Г” да.

– Ие, сиз қизиқмисиз?! Вапше дарсга кирмайсиз энди! Бўлди! Жуда ишлаб ташладингиз! Директор кечасиёқ чақириб аризасини ол деганиди ўзи. Ўтиринг! Биздаям бошқа виход қолмади. Қолдирмадингиз.

– Директорнинг ўзи айтсин, ёзаман.

– Энди директор сиз билан гаплашмоқчимас. Ўзбошимчаликларингиз унияман бу ерига келтирди.

Ўриндиққа гурс этиб қайта ўтирди. Завуч дейдиганларининг столидаги айлана органайзерми алламбало дейишадиган матоҳ ичидан кўк рангли ёзғични суғурди. Кўзи баттар олайиб, хавотирда хунук йилтирай бошлаган раҳбарнинг шундоқ олдида турган қоғозни ҳам бир узалиб юлқиб олди.

Ёзди.

Бу бешинчи марта ариза ёзиши. Шундоқ ҳам туни билан нима қилсам деб ўйлаб чиққан эди.

Жонқутқарар қоғозни осонгина ёздириб олганидан хурсанд бўлиб кетган завуч дейдиганлари энди унинг олдига айланиб ўтиб, елкасига қўл қўйганча, гапга тушган, панг овозда, асли Турғунни яхши кўриши, бир вақтлар аввалги директорга ўзи айттириб ишга олдиргани, ҳали бир отамлашиб ўтиришлари, ариза ёзиб тўғри қилгани, пайсалга солганда заврайоно ўзи келиб, мажлисларга солиб, қайтиб ўқитувчиликда

<sup>1</sup> ҚВЗ – “Қувноқлар ва зукколар”, сахнадаги беллашув.

ишлолмайдиган қилиб ёздириб кетиши мумкинлиги, фурсати келиб замон айланса, яна ишга кириши-ю, терим ётоқ билан ягана пайтлари болаларни олиб ётишда туриб бериши, яна эҳ-ҳе.

Мактабнинг жинкўчага олиб чиқадиган дарвозасига етганда бир титради.

Тор кўчадан катта-катта қадам ташлаб қайтди. Елкалари қунишган, оёқлари зилдек эди. Кулоқ-чаккаси қизиб борарди. Ҳар бутага ўт тушса ўзи куйиб ўзи ёнаркан-да.

Ёнида шерик бўлиб бир ариқ сув оқиб боряпти. Би-жирлаб нималардир деётгандек.

Барибир чақириб олишади. Аввалги сафарлардагидек, “Майли, энди кўзингизни каттароқ очинг, тирикчилик бор”, “Кампирнинг ҳурматларини қилдик. Уруш беваси бўлсалар. У кишига раҳмат денг. Бошқа хато қилманг”, ё бўлмаса, “Энди тўғри ишланг. Шу шарт билан қайтариб оламиз сизни”, дейишади. Ишга қайтганида ҳа-ҳу қилишадиган ўқитувчилардан бир эмас, бир нечтаси якка дуч келган маҳалда, “Мен директорга айтдим, ишлайверсин, ўзи яхши домла бўлса, дедим”, дейди. Ўн биринчиларнинг синфбошилари ғурур билан гапиришади: “Устоз, биз синф билан йиғилишиб ариза қилдик”.

Уч-тўрт кун ўтиб, ягана ётоқ бошланади. Болаларни олиб ётиш унинг чекига тушгандек, тайёргарлигини кўраверади. Шунақа. Бугун ариза буюрган директор ҳам ҳеч бир алоҳида чақириб ё ҳеч йўқса, оғзидан чиққанини икки юмалаб бажарадиган завуч дейдиганлари орқали бўлсин, ётоққа ҳозирлик кўришини тайинлаб ўтирмайди.

Йўқ. Бас.

Қайтмайди энди. Бу гал ҳам хўрознинг учгани томгача бўлмасин.

Уйга юрмади. Бувисига баҳона қидиргандан кўра бошқа борар жой ахтарди. Йўлни далага солди.

Ё Худо! Шундоқ рўпарасидан Шомирза келиб турибди. Қозоққа, кейин Тошкентга қурилиш ишига ёш-ёш йигитларни юбориб жойлаб ташлайди. Фарғонага ҳам одам жўнатади. Қаёқларгадир бориб, қайтишда машинасига аллақандай бегона кишиларни солиб келади. У кўча, бу кўча бошида, озиқ-овқат дўкони олдида, ошхонада, гузарда ўша бегоналар аралаш қишлоқ одамлари билан давра қуриб нималарнидир гаплашадди, нималарнидир белгилайди, кейин уларга уч-тўрт йигитни бириктириб ё ўзининг машинасида туман марказига ташлаб келади, ёки гузардаги бекатдан автобусгами, енгил машинагами солиб юборади. Шомирза билан ўйлаб гаплашадиган. Тиббиёт пунктида ҳар куни беш-олти одамни кўриб касалига ул-бул даво ёзиб берадиган Ҳусан дўхтир бор. Идорада ўтириб нимадир ишларни ишлаб кейин оқ кўйлак-қора шимининг тахини бузмай жиддийгина бўлиб кўчадан ўтадиган Тилаш юрист бор. Шайх кўчадаги уйига қараб бораётганда бола-бақранинг саломини эшитмаганга олиб, сал одам бўла бошлаган каттароқларникига эса билинар-билинемас бош силкиб ўтади. Шу иккисидан ҳам Шомирзанинг обрўси баланд. Ана у, қаппайиб чиқа бошлаган қорнини аранг беркитиб турган кўйлак тугмалари қуёшда ялтираб кўзни олганча яқинлашиб келаётир эди.

Турғун тараддудланди. Балоқ<sup>1</sup> турилмай балиқ тутиб бўлмаса. Бир-иккида тузук-қуруқ гаплашмаган экан. Салом берди. Шомирза ҳайронланиб қўл узатди.

– Ака, сизда бир оғизлик гап бор эди.

– Ҳа, домла, тинчликми, ишқилиб?

<sup>1</sup> Балоқ – шимнинг почаси.

– Иш бўлса кетай девдим, Тошкентга.

Шомирза бирпас оғзини очиб турди, кейин юзига кулги ёйилиб:

– Ҳа-а, мен бирорта мактабболангизни билмай бир ёққа жўнатворибманми деб, – деди, кейин кўзларини каттароқ очиб унга тикилди. – Ўзингиз ишламоқчимисиз?

Турғун бош силкиди. Шомирза меровланиб бирпас турди.

– Ҳа, бу, домлачилик нима бўлади?

Турғун елка қисган бўлди:

– Шу бугун-эртаёқ жўнасам яхши бўларди. Қанақа иш бўлса ҳам майли.

Устомон бўлгани билан бировни эшитаётганда оғзи хиёл очилиб турадиган ўртакаш кўз қорачиғини пешонасига тортиб, ўйлаб кўрган бўлди.

– Қурилишда ишлайверасизми? Сал оғир-ку? – Шомирза унинг дазмолланган кўйлаги енгидан чиқиб турган оппоқ қўлларига қаради. Оғзи яна хиёл очилиб борар экан, яқиндагина қорин тўйдирганини сездириб кекириб юборди.

– Ишлайман. Қачон энди?

– Бўлди. Ўзим хабарини бераман. Ҳозир сиз билан икки киши бўлди. Яндаш аканинг ўғли ҳам айтган. Тўрт киши бўлинглар, дарров Тошкент билан гаплашиб жўнатвораман.

Турғун раҳмат айтиб ундан узоқлашди. Шомирза ортида ҳайрон-ҳайрон, лаби бурилганча қолиб кетди.

\*\*\*

Хулласи, мана бундоқ бўлувди. Яқинги гап. Узун гап. Айтмаса бўлмайдиган.

Охирги аризадан тўрт йиллар бурунгими...

Лекин минг йилги гаплар десаям бўлади.

Чўзмаса бўлмайди гапни.

Бор гапни айтиб олмаса ҳеч бўлмайди. Ҳеч.

\* \* \*

*Бойчечагим бойланди,  
Қозон тўла айронди,  
Айронингдан бермасанг,  
Қозон-товоғинг вайронди.*

Ишга элтадиган жинкўчага тушгани заҳоти кўнглига шу айтимнинг оҳанги келаверади. Одамда икки хаёл бўлиши рост экан. Бири билан хиргойи қилиб йўл босяпти-ю, иккинчи хаёли Ойдинда эди. Сулув-да ўзиям. Ҳозир нима қилаётган экан. Бунақа қилиб уйда юраверса, харидори яна кўпаяди. Кел, ярашайлик, деёлмаса. Хаёлидан қуволмаса.

Қайтиб кел деса қайтмасмиди.

Энди аввалги Ойдин эмас у.

Лекин энди ўзи ҳам аввалги эмас...

Ҳолини нима деб чамаласин. Тиш синса – оғиз ичида.

Ўзинг суйганни олгунча, ўзингни суйганни олгин экан.

Бувисининг тез-тез такрор қиладиган гапини эслади: тирик бўлиб сонда йўқ, ўлик бўлиб гўрда йўқ. Кампир буни тўртта боласини етим қолдириб ўттиз олти-сида ўлган қизини ерга қўйганидан кейинги доғ-доғ аҳволидан ўз-ўзига бирда бир сўзланганида айтарди.

Яхшиям, иш бор, чалғиб кетади.

Ҳар куни бориб-келишига битта йўл. Энтиган-тентиган биров ўтмаса, кимсасиз. Лекин хаёл зерикишга қўймайди. Йўлни йўлчи енгади, дейдилар-ку.

Мактаб дарвозасига етгунча тўрт юз ўттиз қадам атрофича йўл босади. Бошида санаб кўрган. Йўртиб юрса йўл унаркан. Шу йўл устида баъзан айрича ға-

ла-ғовурга, тасодифларга, кулги ортига яширинган ғамгинликка, ҳайратга, яна алланечук ажиб, номлаб бўлмайдиган туйғуларга қоришиб ўтган болалигини эслайди. Эслаганида эса ҳозиргина чиқиб келгани – баланд кўтариб солинган, таъмир қилинган уйни, супачаси, ошхонаси, товуқхонаси тартиб билан жойига ўрнаган ҳовлини эмас, бутунлай бошқа манзарани кўради. Манзара эдики, кўнгил кўзлари бедор-бедор чоғларда юрагининг тўр-тўридан жой эгаллаб, энди хотирасининг доимгилик ҳамроҳига айланганди. Ўша паст деворли ҳовли бутун дунёдан кенг эди. Унинг эски ҳовли саҳнида айланадиган тасаввурлари ҳозирги ўчоқхонадан бошланиб кетарди. Негаки, ўчоқ ҳозир ҳам жойида турибди. Уни бувиси бузишига қўймай опқолган: “Кўй, исли ўчоғим – ризқли ўчоғим”.

У ҳамон йўл кечиб юриб борарди. Йўл – йўл эди. Ортдагиси ортда қолган эди. Юрган йўлдан топади, ўтирган қайдан топади.

Гоҳ-гоҳ ён-веридан мактаб болалари урро кетди қилиб ўтишади.

“Болам бояқиш бўзчининг мокисидай ишга қатнайди”, дейди бувиси.

Бежизгамас.

Бир кетиб, бир келганидан кўра, уйига у-бу иш билан бир ё икки-уч бориб қайтган кунлари кўпроқ.

Мактабнинг ўқишдан бошқа ишлари анча-мунча. Даҳмаза дегандек. Давлат ҳамма жойга шанбалик айтганми ё катталар эртага текширув келаридан потраб қолган кунлари Турғун қайтиб келиб бошқа кийиниб, зарур асбобларни олиб чиқиб кетади. Бошқа пайт белкуракми, кетмонми, замбилми, аравами, чўлтоқ ё ойим, ё қизил супургими, “Турғун ака” деб чақириб келган болалар нима сўраса, кампир бериб юборади. Кейин оралатиб мактабни, гапи орқасида Турғунни

яниб қўяди: “Қўшниси мактаб бўлгандан кейин ҳар йили меҳим<sup>1</sup>ларини янгилаб қўяверсин экан одам. У қўшнининг рўзғорида на эга бор, на барака. Бир нарса сўрайди, йўқ деб бўладими. Шўрлик нарса боради-келмайди, боради-келмайди”.

Турғун дамини ичига ютади. Нима десин? Ёшлигида резавор тагини чопадигани, сопиям темирдан кетмонча бўларди, ерни чаққон ўядиган бир учи ингичка метин, сал букри бўлсаям, лўм, беш-олти кетмон, битта устақўли теша, кичкина арра – ҳаммаси мактабнинг шанбаликларида йўқолиб кетди. Супургининг-ку, саноғи йўқ.

Э-э, бу майда-чуйда гаплар.

Сўқмоқ эса барибир қадрдон эди.

*Тинглангиз бу қиссани, эй, дўсти ёр,  
Бу – ҳақиқат, ҳолимиздан ошкор.*

Дунёда айтиб бўлмайдиган қиссалар қанча.

Ойдин кўнглини ўтга солиб бир ўйнатиб, бир келиб, бир ҳайё-хуйт деб кетгандан бери алланарсаларни такрор қилиб юрадиган бўлди.

Мактаб ҳовлисига кирди дегунча ҳамма нарсани – бувисининг кексайганда келиндан ёлчимай қийналаётганини, ўзининг тенг-тўшлари билан сўзи чиқиш-маслигини, акасини тез-тез бориб кўролмаётганини, Ойдиннинг давқур-давқур кўз олдига келиб турадиган қиёфасини унутиб юборади. Орқада қолади бари. Синфхонага қадам қўйганида эса ўқитувчи опахонлар кўрсатадиган нағмаларни, аёлликларига бориб, баланднинг остидан, пастнинг устидан ўтишларини, ёзиш керак бўлган бир ғарам қоғоз-поғозларни, икки ойлаб кечикадиган ва ҳали олмаган маоши устида бўлиб ётадиган тўлов-ўлпон машмашаларини ёддан

<sup>1</sup> Меҳим – рўзғор буюм.

чиқаради. Уям орқада қолади. Рўпарасида дунё дардларидан йироқ, ҳар бири бир олам болалар. Бола бўлиб келаркан одам, бола бўлиб кетаркан, орада би-ир чалғиркан. Чалғир чоғларида Одам дегани боланиям, кексаниям ожиз кўраркан, “бола – бола-да”, “қаричилик шу-да” деб парвосизгина қараркан.

Асли одам дегани бола дегани экан. Ҳали айниб улгурмагани одамлигини бой бермагани экан. Қариб ўлар бўлгани одам бўлгани экан.

Бир болани катта қилгунча бир шаҳар пайдо бўлармиш.

Қарчиғай қариса чумчуққа майна бўларкан.

Иккинчи соат дарсдан кейин ўнинчилар билан ўн биринчиларни ташқари ҳовлига тўплашди. Директор ўринбосари, асли у ҳам бир неча йил аввал адабиёт ўқитувчиси эди, кўпларнинг наздида омади келиб, раҳбар бўлиб олган. Бир қошиқ ошим, ғалвасиз бошим деб ўтирмаганидан бирда бир ичидан зил кетадиган ўша ўринбосар зинага чиқиб ваъз ўқиди:

– Так, значит, сизларга бугунги бешинчи-олтинчи соат дарсдан жавоб берамиз. Ҳамма уйига бориб, ётоққа тайёргарлик кўради. Эрта-индин срочна команда бўп қолиши мумкин. Иссиқ кийимми, кружка-пружками, постел-мастелми, майиз-туршакми, тахт қилиб қўйинг! Фақат шийпон, тоест, штаб белгиланишини кутяпмиз. Тағин команда бўлганда, этагим йўқ эди, раскладушкам синган, касалман, деган баҳоналар бўлмасин. Этак запаси билан бўлсин. Военный ҳолатда тайёр турамиз. Сурункали касалман, деб юрганлар бўлса, айтиб қўяй, мундоққина қоғоздаги справка-ми-правка ўтмайди. Фақат ВКК олиб келса, пахтадан озод қилиниши мумкин. Ҳа, айтганча, ВКК район баниссасиники бўлиши шарт. А то барибир проблема бўлади. Эртадан яна ўқишга! Дарсдан прогул қилиш йўқ!

Тушдан кейинги дарслар, яхшики, бузилмади. Лекин барибир еттинчиларни ҳам сал кечиктириб ётоққа олишади. Ундан қуйи икки синф қатновга боради. Ундан қуйиси ҳам ишсиз қолармиди. Кеч кузада мактаб ҳовлисида тариллаб трактор юриб қолади. Бу вақт мактабда фақат бошланғич дейиладиган синфларгина қолган маҳал. Доимги мактаб формасидан бошқача, ҳар турли кийиниб келиб, мактабҳовлининг у ер-бу ерида тўпланиб ўтира-ўтира охири туш маҳал сариқ автобусни тўлдириб узоқ-узоқларга жўнаган ака-опаларини “тезроқ катта бўлсам, мен ҳам пахтага борардим”, деб ҳавасланиб кузатиб қолган кичкинalar аввалига трактор овози негалигини тушунмай, кўринармикан деб деразадан мўралаб қўядилар. Ўқитувчилар эса уф тортадилар. Мана, неча кундан бери ана келади-мана келади деб турилган кўсакни спорт зал эшигига тўкишади. Энди уни ташиш керак. Кейин ўқишга келган шўрлик болапақирларни бир соат-ярим соат дарс билан алдаб, залга опчиқиш. Куруқ полга чўккалатиб кўсак чувитиш. Бирортаси ўрнидан турса, гапнинг қуюғини эшитади. Керак бўлса елкасидан босиб, керак бўлса алдаб-сулдаб жойига ўтирғизишади. Ахир оёғи увишган ҳамма болалар туриб кетиши мумкин. Кейин иш расво бўлади.

Қўнғироқ жаранглар-жарангламас ҳовлига отилган майда болалар спортзал рўпарасида тўхтаб турган тракторни ўраб олиб, ичларига сиғмай севинадилар. Унинг яшил кабинасию панжарали судрамаси, каттакон ғилдираклари, улама темирлари ғоят антиқа. Лекин трактор кўп қолмайди. Юкини ағдаради-ю, катталар ҳайҳайлаб болаларни ҳар ён қилиб очган йўлдан тариллаб жўнаб қолади. Хўл кўк кўсакни энди кўраётган, ўқитувчиларнинг кўзини шамғалат қилиб ичидан сув аралаш пахта чиқадиган антиқа думалоқ нарсадан

бир-иккитасини чўнтагига тиқиб олган биринчи синф болалар дарс маҳали секингина синфдошларига кўрсатиб мақтанадилар. Хулласи, бунақа гапларга икки ойлар бор. Ҳали биринчи терим ҳам бошланмаган, юқори синфларни олиб кетиш учун автобуслару кўрпасини босиш учун юк машиналар мактаб дарвозаси рўпарасига териблиб турмаган бўлса-да, сув кўрмай ечилган этикнинг эгаси етказган эълон сабаб ичкарида об-ҳаво ўзгарган эди. Янги ўқув йилини шашт билан бошлаган ўқитувчилар энди ҳафсаласизгина дарсларга кириб чиқишмоқда, ўқувчиларнинг ҳам кайфияти алмашган, кўчанамо кўриниш олган.

Мажлис ҳам ҳар бир ўқитувчи пахта “сезон” киришига тахт туриши, ётоққа борадиганлардан ташқари ҳамма қатновга чиқиши, ётоқ бўлсин, қатновда бўлсин, пахта “норма”ни бажариш шартлиги, мактабда бир ярим минг ўқувчию бир юз ўн ўқитувчи борлиги учун кунлик терилган пахта тўғрисида юқорига “сводка” етказишда уялиб қолмаслик лозимлиги борасида бўлди.

Мажлисдан кейин у йўл билан йўллашиб уйга қайтди. Ҳа-я, бу кичик йўлдан домлалар ичида битта ўзи юраркан.

Ҳовлига оёқ қўйди. Тилаб азиз қиладигани, тафтини оладигани – бувисининг юзига нур югурди.

Кампир неварасини ҳар кечикканидаги каби яна учиб-қўниб кутиб олди, чўғда туриб анжирнак<sup>1</sup> бўлган чойдан қуйиб узатди.

– Болам-эй, кўзим тешилиб кетди. Мунча кечикдинг? – деди тагидаги чўғ беҳолгина милтираётган қозондан сопол лаганга икковора овқат сузаётиб. – Қачон эди пишгани, совийди деб ичим тушди.

– Мажлис бўлди.

<sup>1</sup> Анжирнак – ранги тўқ.

– Йўқ кўраман<sup>1</sup>-да шу майлисингни. Нима гап экан? Пахта-махтага айтишдими? – деди кампир дастурхон ёнига чўкаркан кенг кўйлаги энглариани ҳимариб<sup>2</sup>.

– Ҳозирча йўқ.

– Акаларинг устудентларини олиб ётоққа кетганига шу бугун бир ҳафта бўлибди. Яхши сизларни айтмай турибди. Зора катталарнинг эсидан чиқиб қолсанглар.

– У ёқларда эртароқ очилади-да. Бу якшанба кўриб келаман акамни. Агар кетиб қолмасак.

Кампирнинг кўзи чўғланди. Томоғини енгил қирди, Турғун томонга қиялаб олди.

– Ўқиган жойида қолавермади шу болаям. Узоққа кетади. Кетса келолмайди, келса кетолмайди. Ойлигингдан акангга бирорта кўйлакми, обборгин, болам, йўқ, яхшиси биронта бўтик олақол. Бу ёғи совуқ тушади. Ўрдак есанг, ғоз бойла. Сенга ашулақўяр опкепберди-ку. Нимайди оти? Майнатопон. Янаям одамжонликкина аканг. Ўзининг уст-бошига қарамай, сани хўйлабди. Ишини унуми йўқ, кетини тиними йўқ. У матоҳни опкелган куни устудентлигида обераман, дувдим, битириб кўйдиям оберомадим, деб бир ўкинади.

– Ҳмм, олинг ўзингиз ҳам, – Турғун бувисига маъюс тикилди. Ичи гапга тўлиб кетган. Бечора, куни билан якка ўтиради.

– Акангнинг бутун умри мардикорда ўтиб кетди. Эр бошига иш тушса, этик билан сув кечар, қиз бошига иш тушса, қизилоёқ қир кечар. Шанба бўлса кўзим яйнаб<sup>3</sup> йўл қарардим. Икки кўзим эшикда бўларди. У бўлса ўзимни ўзим эплайин деб, кўрган кўчада ишлаб юраркан. Сан-ку оралатиб бўлса ҳам, ироқ<sup>4</sup> (йироқ)да

<sup>1</sup> Йўқ кўраман – ёмон кўраман.

<sup>2</sup> Ҳимармоқ – шимармоқ.

<sup>3</sup> Яйнамоқ – жавдирамоқ, кўз тутмоқ.

<sup>4</sup> Ироқ – йироқ, узоқ.

ўқидинг. Аканг ҳафтасига келадиган бир қадам жойдайди.

– Сиз қаёқдан биласиз мардикорчилик қилганларини? Айтмасдилар-ку?

– Билмай ўламанми, – кампир сўзлай туриб, сўри тагидаги ариқчада қўл чайди. Бошидан сирғалаётган рўмолини қўли учига тортар экан, ийманиб набираси томонга ўгирилди. Унинг бошқа ёққа қараб турганини кўриб рўмолини шошқин ечиб, қайта ўради. – Мени кўнглим топади. Акангни хўй-феъли яхши. Ҳозир илгариги оқибат қоптими? Ҳамма ўз кўмочига кул тортади.

– Ишлариям бошидан ошиб ётибди.

– Секин айтасанми. Умринг узоқ бўлгур ишини тигнаб қиладиган чиқди-да. Бунақа ўқишни битирган ёшлар ҳозир давлатига дам беради. Бошлиғи бўшаб кетиб битта хотин киши келганмиш-ку. Жиринкоз<sup>1</sup>гинами дейман, тиндирмайди-я. Хотиндан оқсоқол чиқса, эчкини икки қирқтираркан.

– Ҳамма гапга бир мақол-а, буви.

– Ҳа, энди жойи келса айтарлик-да. Акангни қадрига етавур. Укаларим деб ўт келса ўтга киради, сув келса сувга. Қуллуғчага анча ёрдам қилди. Ман бор-йўқ, ишқилиб... Опангниям якка ташлаб қўйманглар.

– Ҳм, сафарга чиқдингизми?

– Ҳаммамиз сафарга чиққанмиз, болам. Мени мазгилим яқин. Шунча кун кўрдим, ер босдим. Ўлсам ғиқ этиб йиғламанглар. Қуллуғниям ўзинг уришиб тургин. Ризвонга қийин бўладими дейман-да. Салга во-й-вой қилади.

– Сиз ҳам холабувимни битта синглим деб нақ жон берворасиз-а?

– Айтганча, эрта ишдан чиқиб, холабуvingга бозор қилиб кеббергин. Униям қораси қоритон Бектурди

<sup>1</sup> Жиринкоз – баджаҳл, феъли тор.

акаларинг даладан келолмайди, шекилли. Сув талаш эмиш. Кейин ужув<sup>1</sup>ини топсанг, уларданам хабар оласан. Бирам кўргим келади йўқ бўлмагур Бектойни-ей. Мениям, Ризвонниям кичигидан хола дейдиган бўлди. Лекигин чол бўлиб ётибди-ку, ақли кирмайди.

Ўзингизни обораинми?

– Мен этагимни оғирини зўрға кўтараман, болам. Ораси анча-да. Йўл қаёқда-ю, мен қаёқда. Укам раҳматлик тирик бўлса, Бектойнинг олдига унча-мунчаси тушолмасиди. Йўқ бўлди кетди-ей. Бирам меҳрибон эди, – кампир кўзига ёш олди. Қисилган томоғида овози хирқираб деди. – Икки товоқ мош шопириб қўйдим. Оборасан.

– Дайсан товоқдами?

– Дайсан товоқ қоптими ҳозир. Елпиштовоқда.

Буви, дайсан товоқ дегани нима?

Яна сўроқ-саволингни бошладингми?

– Ҳа, нима қипти, айтинг. Ҳов анави куни Мели тоғамнинг қизини чиқиб кетиши билан “дайсан товоққа ўхшамай қол”ми дедингиз-ку.

– Билмадим-э. Мен нима дейман-у. Ўшани эсимга солдинг-да. Кўрсам, худди мижиб<sup>2</sup> ўлдириб қўйсам дейман. Кеннойинг ёмонам бошига чиқариб олган-да. Сиртини силашдан бошқа иши йўқ.

– Битта қиз деб папалайди-да, – Турғун ўз гапи ўзи га нашъа қилиб кулди.

– Қизнинг эркаси – итнинг серкаси. Ҳингир-ҳингир кулади, шу кулгисини йўқ кўраман. Айёрлигини айтгин. Орқам тутиб турган бўлса, қаттиққина уришиб бераман-да. Тилининг тагида тил бор бу қизнинг.

– Ие, зўр гап-да шу. Тилининг тагида тил бор дегани нима? Гапириб туриб бошқа нарса...

<sup>1</sup> Ужув – барор.

<sup>2</sup> Мижимоқ – эзиб қўймоқ.

– Бўлди, сен бола. Ундан кўра, хотинингни опке-  
лишниям ўйла. Қанчадан бери юрибсан. Талоқ тушиб  
бўлди аллақачон. Ҳали ярашадиган бўлсанг, эшонлар  
сўратиб олинглар, дейди.

Турғуннинг кўзидаги париллаб турган завқ ал-  
лақаёққа йўқолди. Сўрига чўкиб, уф тортди.

– Ҳў бола, уф тортгунча Худо дегин, тавба дегин.

– Намозингиз кечикяпти.

Кампир аччиқ хўрсиниб, намозга кириб кетди.  
Турғун гулзорча томонга назар ташлаб, хаёлга берил-  
ди.

Ҳовли барча тоза туйғуларнинг, баланд ва ширин  
орзуларнинг учи эди. Ҳовли бугун унинг саҳнида айла-  
ниб уриниб юрган серажин кампир бувисидан аллақа-  
чонларда эшитгани, қулоғига ўрнашиб қолгани ва  
кейинроқ эсига олганида уларнинг нима маъно бил-  
дириши тўғрисида кўп ўйлагани – тагдор сўзларини  
қай пучмоқларида яшириб тургандек, агар қазноқ<sup>1</sup>қа  
осилган кувани, шоли солинадиган ёғоч идишни, жав-  
дар туйиладиган келини, бир пайтлар сувидишлик  
вазифасини қойил қилиб, энди тепага осиб қўйилган  
чети учик таррақовоқни ва унинг ичига солинганича  
қолган чўмичқовоқни, қорни пачоқ бўлган кичкина  
мисқозонни яна нима-нималарни олиб чиқиб ичига  
бошни солгудек қилиб гапирилса, ўша бирда доно,  
бирда пардасизроғу нимҳазил, бирда узун-узн оҳан-  
гларга қоришиқ, не-не одамларнинг тилида узоқ-узоқ  
кун кўрган, не-не йиллар, балки ўнлаб асрлар, балки,  
ундан ҳам кўпроқ вақтлар оғизларда яйраган ўйноқи  
жумлаларни сайраб юборадигандек. Бувиси яна ҳам  
аввалги айтганларини айтмай қўйди. Унда шугина  
кампирнинг кекса онаси ҳам тирик эди-да, кўпини  
ўша билан гаплашганида айтарди.

<sup>1</sup> Қазноқ – рўзгор буюмлари сақланадиган омборхона.

Хаёлдаги ҳовли этагида қийшайиб ўсгану, худди меҳнат қила-қила қариб бели букчайганга ўхшаб қолган, кексанинг куни курсинми ё шунга ўхшаш айтилмиш сўзларни эслатадиган олманинг бўйнига, кетгунингча бекор турма дегандек, ҳайинчак осилганди. Олмадан уч-тўрт қадам наридаги ярми ерга ботган, сирти силлиқлашиб кетган, ер асли кимники, бизларники, ишонмасанг келиб кўр дегувчи улкан кўкиш тошлар атрофида сўқмоқ йўлчалар кўринар, уларнинг бири ўнг томондаги сойга, бири чап ёқдаги анҳорга, яна бири қадим, бир ёнга энгаш қийшиқ эшиклари очилиб ётган уйга, бошқаси олма дарахти тагига элтар эди. Йўлларнинг ҳаммаси ўзиники. Изларнинг ҳаммаси ҳам ўз-ўзиники эди. Ўз дунёси бор эди. Биров аралашмасди. Биров индамасди. Онасининг ўрнини босай деб, не-не кунларни бошидан кечирган ўзгинаси бояқишнинг табарругу ғаниматлигини унутган, балки унутган эмас-у, билмайдигандир, бувисидан бўлак ҳеч кимнинг у билан иши йўқ эди. Бувиси қиладиган ишнинг ҳам мағиз-мағзи у эди.

Юрагида олиб юрадиган тоза-тоза дунёси ҳам шу ҳовли эди. Ундан қараганда ҳамма катталар яхши, ақлли кўринарди.

Энг зўр одамларгина раисми бошлиқ бўлишига ишонтирарди ҳовли.

Кейинги хотини билан Задарё томонларга кўчиб кетган отасини ҳам бирда-бир келиб чақиртирганида кўрарди. Келиб-кетганидан кейин бувисининг ич-ичдан пишиб бир нарсалар деб пичирлаб, юзига фотиҳа тортишини, яланбуви уйига кириб кетганича ё боғ этагига кетганича кўзини қизартириб чиқишини билганидан отасини тумтайиб кутиб олиб, тумтайиб кузатар, лекин барибир уни ҳам энг зўр одам деб биларди, яхши кўрарди.

Дунёси ғоят гўзал эди.

Эрта турмушга узатилган, ора-чора эшикдан йиғлабми-йиғламсиб кириб келадиган опаси Қутлибека ётиб қолган кунлари ҳовли тўлиб кетарди. Акасини дадаси ҳали онаси ҳаётлигида катта шаҳардаги ётоқ-мактабга олим бўлсин деб берган, шунинг учун акаси билан тўйиб ўйнаган кунларини эслолмасди. Ёш бошидан мусофирлик заҳматини тортган ака ҳозир учма-уч яшаса ҳам, оилали, битта болали бўлиб олганича шаҳарда ишлар, ишга ботиб, кам келарди.

Бувисининг Соттиби холага йиғлаб қилган ҳасратини қулоғи илиб қолиб, қўй боққан кимсасиз жойларида кўзига жиқ-жиқ ёш олиб юрганида Турғун тўртинчига борарди. Кампир боғдан чиқиб келган неварасини пайқамай ҳасратга тушди: “Эри қаёқдан ҳам ўгай холам қизимизни сўраяпти, берайлик, дебди. Мана, гулдай болам йўқ бўлиб кетди. Холаси курсин, бир марта биттасини беринг деб сўрадим. Бировга жавдиратмасдим ҳам-ку. Болам шўрлик қизимни берсам, яна битта қиз туғай, бермай десам, эрим ёмон кўриб қолади, деб, қўй, яримжонсан деганимга қулоқ солмай иккиқат бўлди. Барибир қизи турмади-ку. Бола жонга ора кирармиди. Эри ёмон кўрса кўрсин эди, эрсиз ўтса ўтсин эди, эшигимда юрса бўлмасмиди”.

Бир гаплар ёдида қолди. Кейин неча-неча кечаларни уйқусиз, қоронғи деразага тикилиб ўтказди. Сеҳргар бўлиб қолсам эди, дейдиган бўлди.

Худди ўша ёз доим келиб турадиган тиланчи билан қизиқ иш бўлди. Кампир бу гал ҳам унга нимадир узатгач, “Қачонгача йигит нарса бунақа қилиб юрасан, битта ҳунарнинг бошини тутсанг бўларди”, яна ул-бул дакки берди. Тиланчи шундоққина очик эшик остонасига кетини қўйди-да, пешонасига шапиллатиб урганча ҳўнг-ҳўнг йиғламоққа тушди. “Э эна, ишла-ишламиш-а, қисматкитобни битмалари битган. Пешонам

ҳам ёзуғдан нарисини кўрмайди”. Кейин унга юзланганди: “Ҳой бола, пичоқ опке. Бор анграйма, опке, шу пешонамни кесаман. Ёзиғини хатосини мўманг тўғри-лаб берсин-чи. Бор, опке. Ўхў-ўхў, увв-увв”.

Турғун урра қочиб кетди.

Ўшандаёқ қисматнинг билгисиз ёқларда – осмоннинг қай бир томонларида битилишию ўзгармас эканини болачасига бўлса ҳам ўй қилди, ишонди.

Онасидан кейин синглиси Лолахон ҳам икки ёшга тўлай деганда ўлиб қолди. Ўша кунларда Турғунни Бектурди акасининг олдида ушлаб туришди. Кейинроқ эшитиб ақли етишича, қаттиқ ичикканидан ўлибдимиш.

Ғам-ҳасрат эрта келса эрта чарчатар экан. Юракни безиллатиб қўяркан. Ғамдан нари бўлишга уринар экан одам тушмагур. Бир-икки йўлини топар экан. Ўзини қувноқ тутиб баридан бирйўла қутулмоқ бўлди. Ҳар нарсадан кулги чиқарди, бошқаларнинг кўзига хушчақчақ, елҳак<sup>1</sup> кўринди. Ичидагиси ичида бўлди.

Бир умр ўзини шундай тутиб юришга ҳозир рози эди.

Кейинроқ бўлса... яна бари чирпирак бўлиб кетди.

Ўшандоқ бўлгунича у вайрону талқон кўнглини овутмоқ бўлибми, ўзини китобга андармон қилди. Эски кутубхонада ўқимагани кам қолди.

Энг катта китоб умрнинг ўзи экан. Бирам бетлари бўларкан, суратлари билан, эсдан чиқмайдиган, чиқариб бўлмайдиган.

Уқдим деганнинг уқмагани шу экан.

Синамасиз фариштадан синашта шайтон яхши бўларкан-а.

Шундоқ-шундоқ бўлди-ю, ҳар нарсадан кулги ясаб бўлмай қолди.

Кўнглининг қат-қатларига бедаво дард чўкди.

Юрагига бирам чандиқ ёпишди.

<sup>1</sup> Елҳак – беғам, беғубор.

Кўксига чанг солганни бевафо деб бўлмаса, вафодор деб бўлмаса.

Юрагингга қўнган ғубор ҳам давлатингдай гап экан. Кампир намоздан чиқиб сўрига чўкди.

– Бурунда икки қўшни уришиб қопти, болам. Айтмаган сўзи қолмапти. Ҳеч бири бирини енголмасмиш. Ахийри биттаси томга чиқиб наригисини, “Э, у кунингдан баттар бўл, нонида кулчаси йўқ, кирида кўйлакчаси”, деб мот қилибдимиш.

Турғун ён берган бўлиб мийиғида кулди.

– Сиз ҳам, ҳар куни мени мот қиласиз. Кўп нарса биласиз-а? Айтмаганларингиз қанча экан? Ах, кундузгида ўқимадим-да, институтда қолармидим? Қадимги қанча гапларни тўплаб китоб қилардим, олим бўлардим.

Кампир кўзини ариққа қадади. Нимадир дейишга чоғланди, лекин набирасининг уй томон шайланганини кўриб, кўзлари мўлтиради, гапини ичига ютди.

\* \* \*

Қуёш ҳар кунгидан қаттиқроқ қиздирарди. Асфальти ўйдим-чуқур бўлиб ётган катта йўлда машинаю мотоцикллар тариллаб у ёқдан-бу ёққа ўтиб турарди. Дарвозаси устига “Добро пожаловать”, кейин эса “Хуш келибсиз” ёзувлари осилган мактаб ҳовлиси айнаи пешин бўлганидан ғала-ғовурга тўла.

“Мактаб боғи” деб аталадиган тарафда – уч қаватли бинонинг шундоқ ортида ҳали кузни тан олгиси келмаётган дарахтларнинг тўқ яшил барглари орасида охириги шираларга тўйинган рангдор олмалар кўрилади. Қатор-қатор дарахтлар тагида уч-тўрт бола хира тортган ажриқларни тепкилаб айланишиб юришарди.

– Бу бешюлдуз дейилади, тўғрими? – деди бир бола иккинчисига ҳозиргина шохни эгиб узиб олгани – қип-қизил олмани кўрсатиб.

– Ҳм, шунақа, шекилли. Мен бунақасини яхши кўрмайман. Оқ олма бўлса экан.

Голден дегин. Оқ олмани голден дейилади.

Ҳи, ўша.

Бола олманинг чангини кўллари билан артиб, карс этиб тишлади.

– Вой, бунинг ширинлигини қара.

Ботир, маралний дегани нима дегани?

Нима дейсан?

Маралний?

Билмасам, қаердан эшитволдинг?

Арслон акам армиядан келди-ку, кеча шунақа деди-да.

Э, билмиман, ошна. Зўр бўп кептиларми?

– Ҳа-да, армия кийимини кўрсанг. Менга айтдилар, шапкаларини кийдириб, расмга туширтирарканлар.

– Шаҳарга обориб-а?

Ҳа-да.

– Ў-ў, маза экан-ку.

– Ҳм, кейин ҳар куни эрталаб заниматса қиялпмиз.

– Нима қиялпмиз?

– Заниматса. Тушунмийсан-да. Тринирофкаям дейдилар. Машқ қилиш дегани.

– Ва-а, ўзингам билмасдинг-ку. Энди акангдан ўрганволиб айтяпсан-да.

– Русчани анча билволдим. Энди Яйрахон устоздан “беш” оламан, кўрасан-ку.

– Хи-и, кўрамиз-ку.

Болаларга зимдан қулоқ бериб, наридаги ўриндикда ўйга ботиб ўтирган Турғун энди бинонинг ўнг четидаги қизлар ўйнаётган саҳнга қаради. Маҳмадона бир қизалоқ тенглари орасидан чиқиб, беш-олти қаддам нарида турган бошқа бир қизчага қараб деди:

*Зарифахон ойим,*

*“Икки” олар ҳар доим.*

*Пешонаси тиришган,  
Ҳамма билан уришган.*

Зарифа деганлари лабини бурди, мазахлагувчининг аламини келтирадиган сўз қидириб лабини ўнглади, аланглади, кейин “э бор-е”, дегандек қўл тўлғаб, узунгина жамалакларини силкиб-силкиб чопганича нари кетди. Қиз шу томонга яқинлаб келаётган бошқа қизга яна шеър ўқиди:

*Муслимахон ойим,  
“Икки” олар ҳар доим.  
Пешонаси тиришган,  
Ҳамма билан уришган.*

Турғун завқи келиб кулимсиради. Дарсга қўнғироқ чалинди.

Мактабнинг кенг ҳовлиси томонда эса болаларнинг қий-чуви ҳали босилмаган, лекин ҳамма бирдек кириш эшиги томон юрибми чошиб келарди.

Она тили дарсида олтинчи “А”га атоқли отларни ўтиб берди-ю, гап исмларнинг маъносидан очилди. Ҳамма ўз исмининг маъносини сўраб билиб ола бошлади.

– Устоз, кўп отларимиз арабча экан-ку.

– Ҳа, шундай. Лекин тожикча исмлар ҳам бор. Мана, Феруз, Умидаларнинг исми тожик тилидан олинган. Ҳа, Бахтигулникиям.

– Устоз ўзи ўзбекча исмлардан ичимизда борми?

– Сизларда камроқ. Ўткирники ўзбекча. Учкун, Қизлархон, Тилак, Турсун, кейин Юлдуз ҳам бор экан.

Исмларнинг эгалари синфдошларига ғурурланиб қараган бўлдилар.

– Ўзбекча отни ҳозир кам қўйишадими?

– Ҳа, кам қўйишади. Кўпи эскирган сўз ҳисоб бўлиб қолган. Оймомо, Пошшахон, Туроб, Мели – шунга ўхшашлар ўзбекча отлар.

– Устоз, мени отим нима маънони билдиради? – сўради охирги партада ўтирган бола.

– Бурҳон... Бурҳон... Сеники арабча эди... Бурҳон... Сен менга шуни вазифа қилиб бергин-а. Ҳозир қўлимда исмлар китоби йўқ эди. Эртага айтиб бераман. Сизларга эса уй иши бор. Мана, мана бу – соф ўзбекча отлар луғати. Буни “Исмлар китоби”дан ажратиб, ўзим тузиб чиқдим, – Турғун ўн-ўн беш варақли, муқова дейдиган жойи ҳам оқ-қора ёзувдаги китобчани кўрсатди. – Ҳаммангиз навбат билан олиб кетасиз-да, ўтган боболарингиз, момоларингизнинг исмларидан ўзбекчасини топиб келасизлар, топилганича. Қани, ким кўпроқ ёзиб келаркин. Бунда сизга ота-оналарингиз ёрдам беришади. Биласизларми, “қариндош-уруғ” деган жуфт сўзнинг қариндош қисми она томон қариндошларингизни, уруғ қисми ота томонингизни билдиради. Чунки қариндош – қориндош дегани. Тушунарлими? Сиз ҳар икки томондан аجدодларингизнинг отларини, сизга қандай қариндошлигини билиб оласиз.

Болалар эртага зўр бир ишни қойил қилиб келишларига ишонганча, кўзларини катта-катта очиб, ўқитувчиларига тикилиб туришарди.

Бола-бақранинг ҳам салобати бўларкан. Ишга келибдики, уни ҳаммадан қаттиқ ботгани шу бўлади. Бўлмаса не-не текширар одамлар келиб-кетди, не-не селектор отлик йиғилишларда директори билан бориб тик турган вақтлари бўлди. Ҳаяжон дегани болани ўқитаётганда бир бошқа бўлади. Болаларнинг увоққиналиклари раҳминими, бир нарсани кўзғайди, беғуборликлари эс-ҳушини андармон қилади. “Бугун нима ўрганамиз?” деб туришлари-чи, кўнглига бир нималар беради. Партақаторлар оралаб юрганида кўзига мўлтираган жужукчаларнинг оппоқ кўнгилла-

рини кафтига олиб эҳтиётлагиси келиб кетади. Қани эди, бир умр шундоқ беғубор бўлиб қолишса. Беш-олти йил ўтиб, катта одам бўлиб кетишади. Кейин...

Барибир ҳозир ҳаммаси яхши...

Шунча бола ўқитувчисининг ҳар бир ҳаракатидан индиёт<sup>1</sup> олиб турса, қилт этиб кўрсин-чи.

Танаффусда бино йўлаги бўйлаб кетаётганди, ортидан ўқувчилар чопиб келишди:

– Устоз, китобни Тилак олволди. Бизга берсин. Биз еттитамиз бир маҳалладанмиз-ку. Душанбагача ҳаммамиз вазифани бажариб келиб, кейин бошқаларга берардик.

– Хўп, чақиринглар. Ана ўзи. Тилакжон, буларга берақол. Сен душанбада олиб кетасан.

Тилак китобни маҳкам тутганча, қувлик билан деди:

– Устоз мен олиб кетаверай. Эртага олиб бориб бераман.

– Йўқ, айтганни қил. Бер. Индинга оласан.

– Хўп, – бола бўйи ўзидан баландроқ қақажон қизга китобни зарда аралаш узатди, кейин шарт бурилиб чопиб кетди.

Болалар ўқитувчисидан узоқлашишди.

Уйга тараддудланиб турган чоғ Жўравой мажлис хабарини бериб қолди. Ҳа, рост, шекилли, ана, ошхонадан берироқда бир қанча аёллар тўпланиб туришибди. У ўқитувчилар хонасига қайтиб кириб, текширадиган дафтарларини қўлига олди. “Мажлиси бошлангунча...”

Шу мактабда ўқиб юрган вақтларида ўқитувчилари авлиё кўринарди. Жуссаси майда бўлганидан бошқа бола-бақра қатори катталарни улуғвор, ҳайбатли кўрарди. Кейинроқ қараса, жуда унақа эмас экан. География ўқитувчиси увоққина, математика, физика домлалари, синф раҳбари – ҳаммасининг бўйидан ўзиники баландлаб кетган, назарида уларнинг ҳаммаси

<sup>1</sup> Индиёт – кўчирма.

ёши улғайган сари чўкиб қолгандек. Ўн биринчи синфда ўқишнинг охирги ойларини мактабни битирганларига ишониб-ишонмай ўтказишар экан, бир-бирларига ҳам, ўқитувчиларига ҳам доимгидан хушмуомала, меҳрибон бўлиб қолгандилар. Сўнгги қўнғироқ куни синфдошлари Қорахўжа тоғига чиқиб кетган, у эса уйга келиб, олма тагидаги каравотда ёстиққа ўзини ташлаб, осмонга қараб хўрсиниб-хўрсиниб ётганди.

Ўқитувчилар анча кўпайиб, у жой-бу жойда тўп бўлиб суҳбатлашиб турган хонага котиба кириб мажлис жиддийлигию тумандан одам келишини, ҳамма шунга яраша ҳозирлик кўришини, ҳатто, эркаклар галстук топиб тақиб туришларини тайинлаб кетди. Ҳамма мажлис ўтадиган синфхонага йўналди. Яна орадан бир ош пишар вақт ўтди.

– Нима дейишарди. Ётоққа ўқувчиларни тортиш ҳақида бўлади-да. Маҳаллама-маҳалла бола сурамиз энди. Уфф.

– Менимча, мажлис унгамас. Бу йилги пахта яна йигирма кунда етилармиш. Кечки сорти экан. Жа недоволен бўлавермайлик. Шунчалик кечикканигаям шукур. Қор ёғса барибир тугайди. Бизни вақтимизда қорини силкитиб ҳам териларди. Ҳозирги ўқувчиларга осон бўп қолди.

– Бўлмаса нега кеча ўн-ўн бирларга дарсдан рухсат берворишди? Шуни касрига, мана, давомат ҳам етмиш процентга тушди. Кўп болалар пахта бошланди, деб ўйлаяпти.

– Тайёргарлик дейишди-ку, эшитмадингизми?

Бошқа бир ўқитувчи дафтарида бошини кўтарди.

– Йўғ-а, мана, Санобар опа айтдики, кеча эрталаб “Эртага районодан сизларга одам боради”, дейишса, булар “Энди дарслар отмен бўлади, пахта бошланди”, деб тайёргарлик эълон қиворишибди-да.

– Барибир энди пахта бир ёқли бўлмагунча дарсларнинг тутуриғи бўлмайди. Любой время ётоқ бошланади.

– Бошқа нима гап бўлса экан.

– Кеча мажлис, бугун мажлис. Настренияниям расво қияпсизлар лекин.

Хона ғала-ғовурга тўлганди. Ҳали раҳбарлар йўқлигидан ҳамма бемалол эди. Бувиси айтганидек, ҳар бору ҳайдар йўқ.

Ниҳоят, бошланди. Унгача Турғун ўн биринчи “А” синфнинг диктантини текшириб, баҳоларини журналга туширди. Ҳар галгидек охирги партага ўтириб олди, кейин кечагина шу хонада ўн биринчи “В” синфга дарс ўтгани, дарсда қизиқ гаплар бўлиб ўқувчиларнинг ичак узилгудек кулишгани, қўшни хонадан Доно опанинг “Тинчликми?” дея чимирилиб чиқиб келгани, ўқувчилар шунда ҳам ўзларини кулгидан тиёлмаганларини эслади. Ўша қизиқ гапларни яна ёдига келтириб, кулгисини кафти билан яшириб ўтирган эди, бирдан ўринбосар чопиб келиб, ҳаммани тик туришга ундаб қолди. Ҳар турли ёшдаги муаллимлар буйруқни бирдай бажо қилдилар. Директор туман бўлимининг ёшгина вакилини эргаштириб кириб келди. Вакил ҳаммани бир кўздан кечирган бўлди-да, пакана бўйини баланд кўрсатишга интилгандек кўкка чўзилиб, кейин ўзини виқорли тутишга беҳуда уриниб, такаллуф қилди:

– Ўтиринглар, домлалар, – сўнг ёнидаги директорга юзланди. – Мажлисни протоколлаштириб боришсин, нимаики гап бўлса, полний ҳаммасини ёзишсин.

Ўқитувчилар шувиллаб чўкишди. Хона қўшимча стуллар қўйилиб тўқсон чоғли одамни сиғдирган бўлса-да, сув қуйгандек жимжит эди.

Ниҳоят, президиум мақомидаги ўқитувчи столидан туриб, директор янги вакилнинг шу мактабга

“районодан куратор” этиб тайинланганини эълон қилди ҳамда унинг бўлим билан мактабга қўйган пойқадамига бир вақтнинг ўзида қарсак чалиб қўйилди. Орқадаги бир-икки ўқитувчилар қўлларини бир-бирига икки-уч бор енгил уриб, юзларида аччиқ истеҳзо кўрсата бошлашди. Кейин мактабда (худди шу раҳбарлар юқорига ўтирмагунча) носоғлом муҳит ҳукм сургандек, соғлом муҳитни юзага келтириш, юқори орган топшириқларини сўзсиз ва бехато бажаришга чорловчи қисқагина нутқ сўзланди.

Янги вакилга навбат берилди.

Янги вакил, айнаи вақтда янги куратор ўз наздида янги гаплар айтар, лекин бу гаплар шу – мажлис учун мақбул деб қачон танланганини ҳеч ким эслолмайдиган хонада нечанчи бор қайтариқ қилинаётир эди. “Бундан кейин янгича ишлаймиз”, дея таъкидлади нотик. Баландқанот сўзлар пешоналарга тириш солиб, қулоқларни ғувиллатди. Гап билан ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмаслигига ақлими, тажрибасими, фаросатими етиб турганидан кўзларнинг ифодаси ўзгармади. Қайтага қотган чаккалардан юзларга нишон қалқиди.

Ҳамма жим, айримлар шунча одам олдида тик туриб қолишга тўғри келмасин деб, олазарак бўлишар, кейинги вақтлардаги ҳужжатларидан ўзлари камчилик қидириб, нима эътибордан қолганини эслашга тиришишарди.

Гап гапга уланди. Ёшгина ваъзхон насиҳат билан даккига ўхшаш дарслардан яхши баҳо олгандек, мактабнинг бош вазифаси борасида тўлқинланиб, тошиқиб гапирар, дарслар сифатини яхшилашнинг усулларини истиҳола деган нарсанинг бўйинини узганча уқтирарди.

Давоматнинг пастлиги, якка тартибда дарс оладиган ўқувчилар, уларга дарс беришга борувчи ўқитувчиларнинг ялло қилиб юришгани, тарбияси оғир бо-

лалар, “спид” деган балoга чалиниш билан ўз жонига қасд қилишнинг олдини олишга ундовчи ёзма ишлар йиғма маълумотларининг ҳануз туман бўлимига бормагани масалаларига қаратилган нутқ узайиб, алла бўла бошлади.

Бирдан вакил: “Кимнинг шу масалалар юзасидан гапи бўлса, райoнога таклифларми бўлса, марҳамат, биз борлигимизда айтсин”, деб қолди. Айримларга бу гап “мажлис тамом” деган маънони билдирди, бир-икки елимхалталар шитирлай бошлади.

Шу чоғ Турғун ҳаммани ўзига қаратиб, “Менда бор”, деди. Директор шошиб ўрнидан турди, савол назари билан вакилга қаради. Вакилнинг ишораси билан,

– Марҳамат, Юлдашев, – деди сўзига сирли маъно бериб: “Кимнинг рўпарасидалигингни унутма, оғзингга хушёр бўл”.

– Ассалому алайкум. Мен демокчиманки... Хуллас буни таклиф деб тумангами, вилоятгами, етказилса ё бир раддия деб билсалар ҳам майли. Мен шу кунда талаб қилинган иншоларнинг ўқувчиларга ёздирилишига қаршиман. Ўзим умуман ёздирмадим.

Тушунмадим, қайси иншони назарда тутяпсиз?

– Ўзингни ёқма, дори ичиб қўйма, дорга осма, дегандек иншолар ҳақида.

Директор баттар шошди, ўнғайсизланди, вакилга яна бир қаради-да, деди:

– Юлдашев, сиз бунга ўхшаш шахсий фикрларингизни ўзимизга битта қоғозга тушириб берсангиз, биз райoнодаги тегишли отделга тақдим қиламиз. Ҳамма гапниям бунақа мажлисга олиб чиқилмайди.

Турғун тик қараб тураверди. Кўнглидан бошқа гаплар ҳам ўтди. Энди бирор ой орасида унинг яхши ўқитувчи эмаслигини таъкидлашлар, дарсларини кузатишга кириб-кирмай, ҳужжатларини сўраб олиб,

кейин уларга қараб-қарамай пўстак қоқишлар, танобини тортишлар, ҳайфсанбало билан пўписалар... Лекин гапнинг хонаси келди-да.

– Ахир, биз болаларнинг хаёлида йўқ нарсаларни айтавериб, эсига солсак, мияларига жойлаб қўямиз. Кейин улар кимдандир аччиқланган вақтда биз таништирган йўлларнинг биридан...

– Юлдашев, нима, сиз бу ерда юқоридагиларнинг топшириғини муҳокама қилиш учун ишляапсизми? Бу сизнинг фикрингиз. Ҳозир майда гапларга вақт йўқ дедим сизга.

– Воҳид ака, менимча, бу майда гап эмас. Чунки...

– Мана, ўзингиз айтиб турибсиз, “менимча”, деб. Тушунганингиз яхши. Значит, фикр ўзингизники. Нега топшириқ келганда сразу олдимга кириб айтмадингиз? Иккаламиз районога боғланиб, таклифларингизни айтардик. Ҳозир бошқа гап бўляпти. Инспекторнинг қимматли вақтларини олиб ўтирмайлик.

Қимматли вақти олинаётган инспектор, афтидан, ўз вақти баҳосини чамалаб кўрдими қошини бир кўтариб қўйди, янаям виқор билан ўтирганларга қараб чиқди, кейин ўрнидан туриб, директорга юзланди.

– Воҳид Ибрагимович, аслида ҳали иккимиз мажлис темасида сўзлашганимизда бу ерга ташриф буюришимга ким сабаб бўлганини билдирмоқчи эдим. Лекин унинг масаласини сизнинг хонангизда, мен, сиз ва ўқитувчи – уч киши ўтириб, бирга разбор қилсак керак, деб ўйлагандим. Ситуация шундай бўлдики, именно ўша ўқитувчининг ўзи жуда калта ўйлашини, зиёли одамларга хос фикрга эга эмаслигини кўрсатиб, проблемани ҳозирнинг ўзида, ҳамманинг ичида кўтариб гапиришимизга олиб келди.

Кўплар мажлис эълон қилинганида шундоқ ҳам, “Турғун бирор нарса бошламадимикан”, деб ўйлаб

қўйишган эди. Ҳамма унга ўғирилди. Уйга эртaroқ кетсам эди, деб ўтирганларнинг уфлари тортилган, тинчгина ишлаш ўрнига ғалва кўзғайверадиған касбдошларидан хафа, бугун то тўққиз-ўнларгача қолиб кетиш хавфи ортганидан хавотирда эдилар. Кимдир районо инспекторини ишлаб турган тинч ўрнидан бетинч қилган, шошилинч мажлис чақирилишига боис бўлган маҳмадонани дўнғиллаб койиди. Бу ёғи нима бўларкин, дейдиганлар эса мажлис қизиқ бўлиб бораётганидан оёқларини типирчилатиб қўйишмоқда эди.

Вакил давом этди:

– Бу ўқитувчингиз, ўрганишимизча, она тили-адабиётидан дарс берибгина қолмай, ўзича янгиликлар қилар экан. Ўқувчиларни, дарс планини бузиб, қаерларгадир олиб борар экан. Тўғрими?

Турғун бирдан қаддини тик тутди-да, вакилнинг кўзига ботириб тикилди. Ўтирганларнинг кўпи партага икки қарич қапишиб кетишди. “Ўрлиги қурсин шунинг”. Ён қаторда ўтирган Муҳаббат опа Турғуннинг қўлини силкиб ўзига қаратди, ишора қилди: “Қўй, шуларга гап ҳайф. Ўзингга ёмон қилиб кўясан”.

– Ҳа, олиб чиққанман. Ўзимиздаги ижодкорлар билан учрашув ташкил қилдим. Лекин режадан чиққан им йўқ.

– Ўртоқ директор, бу ўқитувчингиз бир йил аввал нимадир “чп” қилиб ишдан кетадиған бўлган эканлар. Шунда ҳам ўтган йилнинг ўзида экскурсиялар қилган эканлар. Бу йил ҳали янги ўқув йилига уч ҳафта бўлмай, яна. Рухсат олганмилар ё бу мактабда дарс вақтида сайр нормалний ҳолат ҳисобланадими?

Директор ваҳимада олайган кўзлари билан биринчи қатордаги ўринбосарини қидириб топди ва қош кўтарди. Ўринбосар уқди: “жавобини сен берасан”.

– Юлдашев экскурсия қилишда ҳеч ким билан ке-

лишмадилар. Умуман, бу киши тартиб-қоидаларни чақаям олмайдилар. Мактаб программасига кўпда амал қилмайдилар. Ўша куни нотўғри чиқиб кетяпсиз, десам, “Дарс соатимиз бажариляпти, ўқувчилар ўзимиздаги шоирларни ҳам ўрганишсин, режага икки соатгача мустақил ўзгартириш киритиш мумкинлигини биламан”, деб менга ҳам ақл ўргатдилар. Ўзи бу ўқитувчимизни нима қилсам экан, деб...

Ўринбосарнинг охириги сўзлари орасида титроқ сезилди. Вакил деди:

– Нега нима қилсам дейсиз? Так, тўхтаб туринг, шу кейинги гаплар отделно ёзилсин. Бу бошқа протокол бўлади, – завуч дейдиганлари қоғоз шитирлатиб, ёзаяпман, дегандек ручкасини бир кўтариб қўйди, вакил давом этди. – Воҳид Ибрагимович, дарсларни контрол қилиш шу кишидами?

Директор бош силкиб, ўринбосарга жавоб беришини ишора қилди. Ўринбосар сал довдиради. Кейин томоқ қириб олиб, тик қолган Турғунга қараб қўйди-да, гапга тушди:

– Бу кишининг паспортларида фамилиялари Юлдашев. Ўзларининг дакументларини тан олмасдан, ўқувчиларнинг олдида бизни уялтириб, саводсизга чиқаргандек ё устимиздан кулгандек, журналнинг ҳамма саҳифасига Турғун Йўлдош ўғли деб ёзиб чиқибдилар. Ўқувчиларга ҳам, “Мени Юлдашев деманглар. Турғун ака, денглар, фамилиям Йўлдош ўғли”, дер эканлар. Унда дакументларини ўнглаб келсинлар, ўнглолмадиларми, тегинмасинлар эди дейман-да. Эртага генералний комиссия келса, мен жавоб бераман. Кейин бу киши бутун ўқувчиларни ўзларига оғдириб олиб, кружок ўтаман, дейдиларми, бешинчи синфдан ўн биринчигача “Бизга она тилидан шу устоз кирсинлар, бошқаси бўлмайди”, деб ариза қилгани-қилган.

Вакил уч сўқмоққа рўпара келиб, маъкулини танлаётган қахрамондек, бир ўринбосарга, бир Турғунга, бир мажлис аҳлига қараб ўйланиб турди-да, нимадир ёдига тушди, чамаси, деди:

– Сиз бу ерга направление билан келганмисиз?

– Йўқ.

– Хўш? Унда қандай?

– Шундоқ катта йўл билан диплом кўтариб келганман.

– Саволга тўғри жавоб беринг! Илмоқ гапларингизни ўқувчиларингизга айтасиз!

– ...

– Ким ишга олган? Воҳид Ибрагимович, сизми?

Директор бир силкинди:

– Йўқ, менгача олинган.

Ўтирганлардан бири луқма ташлади:

Олдинги директор.

Олдинги директор? Қариндошмисизлар?

– Йўқ, қариндош эмасмиз.

– Мен бу ёққа келишда сизнинг делонгизни ўргандим. Нега дарс соатингиз биринчи йил келганингиздаёқ кўп бўлган? Директорга крупнийроқ потхот қилганмисиз? Яширманг. Эски раҳбарингиз энди йўқ-ку.

– Ундай эмас. Билмадим.

– Ўртоқ завуч, бу ўқитувчингизнинг меҳнат интизоми қандай? Дарс қолдириш, прогул, кечикишга ўхшаш нарушениеларга йўл қўйиб турадимиз?

Завуч ёзишдан тўхтаб ўрнидан турди.

– Унақа ҳолат кузатилмаган. Меҳнат интизомига юз процент амал қиладилар, деёлмайман-у, лекин вақтида келиб, вақтида кетадилар. Мана, мен ўзимга метка қилиб бораман. Бизда юздан ортиқ ўқитувчи бор-ку, шунга ҳар кунлик кечикиш, дарс қолдириш, балничнийга кетиш, ҳаммасини белгилаймиз.

Вакил узатилган дафтарга тикилди.

– Птичка қўйган экансиз. Икки марта. Нима бу?

Завуч изоҳ берди. Вакил яна Турғунга юзланди:

– Нега шунча она тили фани ўқитувчилари бўла туриб шу ерга ишга кирдингиз? Бошқа мактабларга борсангиз бўлмасмиди?

Олдинги парталардан Муҳаммад аканинг овози чиқди:

– Энди... Дарс ҳаммага етади. Бу йигитнинг уйиям яқинда-да. Кейин ўзи ўқиган мактаб. Гапнинг очиғи, менимча, анча-мунчасидан яхши дарс беради. Ўзи золотой бола лекин.

Директор уни тўхтатди:

– Холматов, сиз рухсат берилганда гапиришни ўрганинг. Кераксиз жойда нима қиласиз бурун тиқиб? Золотойми, бошқами. Доим падвадит қилиб юрасиз.

Муҳаммад ака жойига ўтирди.

Вакил қовоқ уйиб деди:

– Юлдашев аттестациядан неча балл билан ўтган? Фанини яхши биладими?

– Ўзларини предметлари бўйича баллари 94 балл.

Касбдошлари орасида кўрсаткичдан беҳабарлар бор экан, чоғи, томоқ тақиллатишлар эшитилди. Амалдор давом этди:

– Лекин педагогик психологиядан билимлари яхши эмас.

Вакил директорга юзланди.

– Вот, кўрдингизми, проблеманинг илдизи қаерда? Сиз ўқитувчиларнинг маънавий саводхонлигини ошириш учун махсус соатлар ташкил этишингиз керак. Бу бир-икки марта эмас, пастаянно ўтказилиши керак. Ҳали бунақа ёш, практикаси кам ўқитувчилар орамизда қанча экан. Давр билан ҳамнафас бўлмаган, педагогикани билмаган ўқитувчи оқсайди. Энг ёмони, ёш ав-

лод тарбиясини ҳам чўлоқ қилади. Бу ўқитувчики, дакументлар бўйича иш юритилишини тан олмаяптими, демак, у маънавий бузғунчилик қилишга қодир. Тем более, она тили-адабиёт ўқитувчиси! Бунақаларни тартибга чақириш, ўз вақтида хурмачасига тиқиб қўйиш ҳаммамизнинг бурчимиз! – вакил Турғунга қаради. – Сизнинг дарс вақтида қандайдир одамнинг уйига ўқувчиларни бошлаб борганингиз бўйича бизга жалоба тушган. “Бу ўқитувчи билганини қилади, хоҳлаганда мактаб программасини бузади”, деган мазмунда.

– Айтдим-ку, биз бир соатлик дарсни саёҳат дарси қилиб шоир билан учрашишга бордик. Бор гап шу, – у қоғоғини солиб олди, овози ҳам одатдагидан баттар дўриллади.

Вакил директорга ўғирилди.

– Қишлоқларингда шунақа знаменитий ёзувчилар кўпми жа?

Директор истехзо аралаш деди:

Йўғ-э, агар арзиганида китобга киритишган бўларди-ку.

Вакил Турғунга қаради.

– Нега китобдаги темалар қолиб, ўқувчиларни бошқа нарсаларга чалғитяпсиз? Шаҳар бедарвозами сизга?

– Чалғитганим йўқ. Ҳамма мавзуларни ўрганамиз. Фақат шу Вали Дархон шоир болалар учун яхши шеърлар ёзганига у киши билан учрашиб, ўқувчиларимни суҳбатлаштириб келдим.

Орада чироқ ўчди. Кимдир ёндиргичидаги фонарчани ёқди. Мактаб қоровули иккита шам ўрнатиб кетди. “Свет шунақа кўп ўчадими?” деб сўради вакил оғриниб. Директор чайналди. “Ҳар куни”, деди кимдир. Яна бошқаси, “Кунда икки маҳал бир соатдан ўчиришади, пахта сушилкалари ишлашни бошласа, умуман свет беришмайди”, деди, чамаси, қоронғидан куч олиб.

Ёш вакил яна Турғунга қаради:

– Шоирингиз билан учрашувни мактабда крупний планда ташкил қилсангиз бўлмасмиди?

– Шоирим анча қариганлар. Кейин пойтахтдан келиб, шеърларини олиб, қўшиқ қилиб айтишганида, биз ўлиб кетишларини кутмасдан суҳбатларини олсак, ёмон ери йўқ шекилли.

– Жуда зарур бўлса, абетдан кейин экскурсия қилдириб олиб бормайсизми?

– Ахир дарс режада ҳам саёҳат соатлари бор-ку? Мен уни ўзимизга маъкул мавзуга мослаштириб олдим, холос. Ўқувчилар жиддий ўрганишсин, дедим.

– Қойил, агар ҳамма ўқитувчи иш планини ўзига мослаштирадиган бўлса, районо билан облонода ўтирганларга иш қолмабди-да, – вакилнинг кўзларида хавотирми, нимадир йилтиллади. – Может планларимизни полности кўриб берарсиз?

Турғун мажлисда бўйнидан боғлангандек ўтирганларнинг деворда акс этиб турган катта-кичик сояларига қаради.

– Битта синфни олиб борганмисиз?

– Йўқ, учта ўн биринчи синфни.

Кимдир пиқ этиб, ким овозсиз кулди.

– Бир кундами? Жа зўр бўпти-ку. Шундай қилиб неча соат дарс ўтилмади?

Турғуннинг ўрнига завуч дейдиганлари жавоб берди:

– Йўқ, икки кун ичида. Уч соат.

– Уч соат? Вапше кашмар! Бориб турган виждонсизлик бўлибди.

Ўзини кайвонилардан санаб юрадиган, ҳалидан бери ким нима деса ўша томонга ўгирилиб, кўзойнагини бир ечиб, бир тақиб ўтирган ўқитувчи аёл ёнидаги ҳампартасини туртиб, “Ана, кўрдингизми?” дегандек ишора қиларди. Ёнидагининг ғаши келар, лекин ни-

мадир дейишдан тийилиб, бурнини жийириб қўярди. Кайвони анча тадорик кўриб турган эди, шарт туриб гап бошлади:

– Воҳид Ибрагимович, майлими мен гапирсам?

Директор бетартиб ўқитувчиларидан хижолатланган қиёфасига рухсатми деган яна бир ифодани кўшиб, вакилга юзланди. Вакилнинг боши ирғалди.

– Мен бу мактабда ўттиз йилдан бери она тили-адабиёт фанидан дарс бериб келаман. Руқия Юсупбаеваман. Шунча йил постепенна бир жойда ишлаб унча-мунча тажриба орттирдим. Бу касбнинг иссиқ-совуғидан, мактабнинг баланд-пастидан яхши хабардорман. Ҳали ўқитувчи кам вақтларда икки смена ишлаган, огоҳлик бўйича ишхонамизни қўриқлаш учун ночнойга дежурлик қилиб қолган кунларимиз ҳам бўлган. Беш йил аввал, у маҳалда директор Ориф Исанов эдилар, ўзи бизга она тили дарслари етишмай ётган пайтлар эди, шу Турғун Юлдашев иш сўраб келдилар. Директор бир оғиз маслаҳат қилмай, бу кадр қанақа экан, деб ўтирмай, ўн битта она тили ўқитувчиси устига ишга олдилар.

Вакил иягини ушлаб турган қўлини бирдан юқори кўтарди.

– Тўхтанг, опа. Нега ўшанда директорингизга тушунтирмадингиз?

– Йў-ўқ, кирганман. Янги ўқитувчи олманг, ўзи декретнойда ўтирган иккита ўқитувчимиз бор. Биттаси яқинда ишга чиқар экан, деб дарсини замешение қилиб ўтиб юрибмиз, дедим. Кулоқ солмадилар. Битирувчиларнинг дарсини полний шу кишига ишондилар. Ҳайрон қоладигани – Юлдашев ўшандан бери ўн биринчиларга дарс бериб келяптилар. Мана аҳволимиз. Бу киши бўлса... Манимча, уже ўзларига иш план тузиб ҳам олгандирлар. Бир куни “Шу программаларимизни ким тузади ўзи? Янгилашга таклиф ки-

ритсак бўларкан”, деб мениям тортмоқчи бўлдилар. Менинг ўз фикрим бор, ким нима деса кетаверармидим. У куни дарс маҳалда хоналарида шовқи-и-ин-сурон бўлиб кетди. Кирсам ўзлари кўринмайди. Қанилар ўқитувчи десам, ўқувчилар доскада турган бир портретни кўрсатишяпти. “Бу нима майнавозчилик?” десам, “Майнавозчилик эмас, янгича дарс. Эсда сақлаб қолиш учун зўр усул”, дейди ўқитувчи столига ўтириб олган ўқувчи. Кейин орқа партадан бу киши туриб келдилар. Кап-катта одам ўқувчи ролини ўйнаётган эканлар. Доскадаги портрет ўзи ҳақидаги маълумотларнинг тўғри-нотўғрилигини ўқувчилар билан бирга тасдиқлаб ё инкор қилиб турармиш. Қанақа қилиб, десам, айтишмади. Бирпас кириб ўтирингмиш. Бировнинг дарсига бунақа дуч келган вақтда киролмайман ахир. Агар раҳбарият вақтида қараб, виговорми берганда, бугунгидек...

Вакил сўради:

- Юлдашевнинг дарсига неча марта киргансиз?
- Уч-тўрт марта.
- Хўп, сиз нима дейсиз, ўқувчиларга бирор нарса бера оладиларми?
- Мен ёнларидаги хонада дарс ўтиб турганимда шовқин бўлиб кетгани учун ё нимадир иш билан кирганман. Ҳалиги... ўқувчиларнинг кругозорини...
- Йўқ, дарс анализига кирганмисиз, баҳолаб беринг, демоқчиман.
- А... анализга... йўқ. Чунки... Бу кишининг дарсла-рида ўқувчи билан ўқитувчи орасидаги субординация йўқолиб кетади. Тўғриси, дарс ҳам бир ўйин бўлиб туюлади. Шунгами, киргиси келмайди одамнинг.
- Ўртоқ директор, яна она тили фан ўқитувчиларингиздан кимлар бор? Бошқалар билан ҳам Юлдашевнинг муносабатлари яхши эмасми?

Ҳаммани севинтириб бирдан чироқ яна ёнди.

Директор тагин ўринбосарига қаради. Ўринбосар ёнга аланглаб, ўттиз беш ёшлардаги баланд бўйли аёлга ишора қилди. Аёл сирғалиб секин турди.

Хўп, кимлигингизни таништиринг.

– Мен Алимова Клара, она тили адабиётдан 8-синфларга дарс бераман.

– Хўп, Юлдашев билан муносабатингиз қандай?

– Олдин... ёмон эди, ҳозир яхши. Ишга янги келган вақтларидаёқ директоримиз менинг хонамни бу кишига бериб қўйдилар. Мен бир йил аввал ўша хонага катта пул расход қилувдим. Плакатларим анча билан битувди. Юлдашев кузги каникулдан кейин мен бюллетенга чиқиб, баниссада бўлганимда ҳаммасини янгилаб, мен қўйган жиҳозларни ташлаб юборибдилар.

– Юлдашев, шу тўғрими? Нега ташлаб юборасиз? Ўзларига қайтариб берсангиз бўлмайдими?

– Тўғри. Қайтариб берганим билан барибир ишла-толмасдилар. Паннолардаги ёзувлар ўзгарган алифбе бўйича ёзилмаган экан. Нотўғри алифбе ўқувчилар хотирасида сақланиб қолиши мумкин. Шунинг учун олиб ташлаганман. Орқа томони ҳам ишланган паннолар эди, – Турғун чимирилиб жавоб қилди.

– Барибир одобсизлик бўлибди.

– Хоналарини жиҳозлашда ёрдам беришимни айтганман. Лекин ҳали жиҳозламадилар.

– Хона тегмаяпти-ку, қанақа қилиб жиҳозлайман?

Вакил яна директорга қаради:

– Тушунмадим, хоналарни қандай тақсимлайсизлар ўзи?

Завуч деганлари ўрнидан турди:

– Хоналар кураторлиги бор ўқитувчиларга берилади. Ўша синф билан бирга жиҳозигаям, тозалиги, по-жарний ҳолатидан тортиб ҳаммасига жавоб беради.

– Тушунарли. Воҳид Ибрагимович, сиздан сўрамоқчиман. Нега ёш кадрга сиз битирувчиларнинг она тили-адабиёт дарсини ишониб топширдингиз? Ахир, опитний ўқитувчиларнинг ҳурмати бўлиши керак-ку?

– Ҳа-ҳа, тўғри. Очиги, бу кадрни ҳар йили пахта мавсумида қийинчилик бўлавергани учун юқори синфларга дарсга қўйганмиз. Чтоб эртага ётоқда ўқувчилар ўқитувчимиз деб тан олсин деганмиз. Олдинги директор ҳам шуни кўзлагандир. Аёлларимиз – яхши ўқитувчи. Лекин на ягана, на теримда буларнинг бирортаси болаларни олиб ётоқда ётолмайди. Айниқса, ўтган йили битирувчиларимиз тўқсон кун пахтада бўлишди. Шу вақтда мана шу эркак домлаларимиз туриб беришади. Лекин, агар... Ҳали педсовет ҳам чақириб Юлдашевнинг масаласини кўриб чиқамиз. Бизга муҳими – дарс, тарбия. Ўқитувчиликка муносиб бўлмаса, иш планни бузса, бунақа ўзбошимчалик қилаверса, албатта, чорасини кўрамиз, – деди у.

– Бу масала нетолка мактабда, районодаям кўрилади. Кейинги ҳафта сешанба куни Юлдашевни соат ўнда районога етказишга масъулсиз. Мудирнинг шахсан ўзлари билан ҳал қиламиз. Тушунарли-а, Юлдашев?

Бирдан ўртада ўтирган аёллардан бири шартта ўрнидан турди.

– Воҳид ака, майлими икки оғиз гапирсам? Узр, вақтингларни олмайман. Мен ҳам она тили ўқитувчисиман. Турғунжоннинг дарсларига кўп кирганман. Таҳлил дафтар тўлдиришгамас, дарс техникаларини ўрганишга. У билан бемалол фахрлансак арзийди. Агар бола ўқитиш масаласи биринчи планга чиққанида бу ўқитувчимизнинг олдида мактабимиздагина эмас, райондаям ҳеч ким тушолмасди. Билими кучли. Ўқувчиларки шу кишини танлаяптими, демак, биздан кўра болаларнинг кўнглига кўпроқ у йўл топяпти. Шуни ҳам ҳисобга...

Директор уни ҳам сўзлашдан тўхтатди:

– Ҳозир биз бу ерда ким кимнинг кўнглига йўл топаётганини муҳокама қилмаяпмиз. Проблема қаерда? Тартиб-қоидаларнинг бузилганида. Билими яхши бўлса, ютуқ ўзиники. Ундан ҳеч ким тортиб олиб қўймайди. Лекин зўр эканман деб билган ишини қилмайди-ку. Юқоридан олинсин деган иншоларни олмаса, дарс вақтида кўчама-кўча юрса. Кейин сиз ҳам навбат берилганда гапиришни ўрганинг. Ўзи аёллар кўп жойда ишлаш бизга қанчалик қийинлигини ўзимиз биламиз. Ўтиринг, сизга тушунарлими, Юлдашев?

Аёл тап этиб жойига ўтирди. Турғун “ҳа”га ишора қилди, стулга чўкиб, қандайдир китобнинг букилган саҳифасини очганча, ўқимаса ҳам тикилиб олди. Бироқ вакил уни яна турғизди.

– Ҳозир экскурсияларингиз ҳақида заврайонога битта обеснителний ёзасиз. Қаранг, менга қаранг, сизга қандай ёзишни ўргатаман, туман халқ таълими бўлими мудири Н. К. Пашшахаджаевга деб бошлайсиз. Фамилияни тўғри ёзинг лекин. У киши чўткий ишлаб ўрганганлар. Хатингиз қайтиб келиб ишни кўпайтирманг тагин.

Турғун қовоғи уйилганича билинар-билинемас бош ирғади.

– Энди бошқа масалаларга ўтсак. Бу йилги олимпиадани ҳар доимгидан ҳам самарали ўтказиш тўғрисида облонодан алоҳида топшириқ бор. Энди танлаб олинган ўқувчи билан индивидуалний ишлаш...

Мажлис кеч тарқалди. Роса чўзилгани билан бир тузук мавзуси ҳам, якуни ҳам бўлмади. Турғун ҳамманинг кетидан чиқар экан, директорнинг Жўравойга имо-ишора қилаётганини кўрди. У қанча орқада қолиб раҳбарларга кўринмасликка тиришмасин, бўлмади. “Машинаниям мактабига малай қилиб олган булар. Бирортаси беш тийин пул қўшибмиди. Эшшака-

рава қиворади”. Жўравой Турғунни бир туртиб, зарда билан директор томон кетди. Айримлар тушунарсиз тўнғиллар эдилар. Ёмон бўлди-да, Жўравой энди неча кун гапириб юради. Ахир ана у маҳмадона вакилни шаҳарга элтиб қўйиш керак.

У жинкўча томон юрди.

Туни билан ҳайҳотдай ҳовлида ёлғиз қолган бувисини ўйлаб чиқди. Авваллари қўни-қўшнилар билан узоқ-узоқ суҳбатлашиб ўтирарди. Энди тенглари тугул, ундан беш-ўн ёш кичикроқлар ҳам бир-бир ўтиб кетишяпти.

Қайси куни деразадан кузатиб турди: бувисининг ҳаракатлари чаққон, ғайрати кўп, лекин белини ушлаб-ушлаб қўяди. Шу ёшида хизматини қилиб дуо оладиган келин бўлмади-да Ойдин.

Узоқ ўйлади. Тонг-ла Ойдинни олиб келиш учун боришга қарор қилди.

Бироқ тонг – тонг эди. Буткул бошқа рангларда эди у. Турғун оқшом ўзига берган ваъдаси учун ўзини ёмон кўриб кетди. Соқол қираётганда ойнадан уялди. Кўчада Ойдин билан етаклашиб юриши-ю орқасидан Йигиталининг етиб олиб ўтиб кетишини кўз олдига келтирди.

Тушгача у-бу ишлар билан андармон бўлди. Кун пешиндан оққанда бувиси неча кунки, қиблага қараб, “Ҳаво ёғиб қўймаса бўлди”, деб ташвишга тушаётгани учун томдаги шафтоли қоқисини йиғиб олишга уринди. Нарвонга оёқ қўйди. Уч-тўрт қадам юқорилагач, бирпас тўхтаб турди-да, бир поғона пастга энди.

– Томнинг кандигида<sup>1</sup> илон бор экан, буви.

– Илон дейсанми?

– Ҳа, тилини чиқариб мени масхара қиляпти.

– Тилини чиқаргани менга тегма дегани. “Жонивор, сенга зиён етказмийман, сен ҳам менга зиён ет-

<sup>1</sup> Кандик – томга чиқиш жойидаги тўсинлар ораси, қовоқпеш.

казма", дегин. Туш, бўлди, бошқа вақт чиқасан. Уям бола-чақасига ул-бул опкираман, деб чиққан-да.

– Ўлдирсам-чи?

Нима қиласан ўлдириб?

Ўзи нима қилади бизнинг уйда?

– Ким айтди сенга бу уй сеники деб? Бир ўйла-чи, биров шунақа дедими?

– Хўп, тавба қилдим, сизники, – Турғун мийиғида кулган бўлди.

– Меникияммас, – кампир пешайвон қирғоғидаги ёғочғалтак атрофида ғинғиллаб юрган сариқ арига ишора қилди. – Пашшадир, чивиндир, чигиртка, курт-қумурсқадир – ҳаммасининг уйи.

– Қаёқдаги гапларни айтасиз-а, буви.

– Нимага қаёқдаги гап бўлсин? – кампир кўрсаткич бармоғини васса терилган шифт тўсинига тўғрилади. – Ҳу анави ваҳмакни кўрдингми, удир, ана у кун иртўладан олиб чиқиб ташлаганинг бор-ку, чаёндир, итдир, мушукдир, ана у айвондаги сигир борми, эчки-улоқми – ўшаларнинг уйи.

– Буви-и.

– Ҳа!

– Ҳалиям ёш бола деб биласиз-а?

– Ёш боласан ҳали.

– Э-э, мени роса боплагансиз ўзиям. Илгари музқаймоқ олиб берганингизда, уни қаердан опкелишади, десам, булутларни кўрсатардингиз. "Самолётда оптушишадими", десам, "Ҳа", дердингиз.

Нима бўпти?

Энди эртакларингиз ҳам катталарга мос бўлиб ўзгарипти-да.

– Сен ҳали ишонмай юрибсанми? Ростданам музқаймоғинг булутдан бўлади.

– Роса кулгига қолганман. Иккинчи синфмидим, Бойқўзи домламиз кулиб-кулиб айтиб берган,

“Музқаймоқ сут билан шакардан бўлади”, деб.

– Нодонсан ҳали. Олийга ўқиб диплом олганинг билан менинг мактабимни битиролмайсан. Ўша шакар ҳам, сут ҳам булутдан бўлади.

Турғун хохолаб кулди. Кейин жиддий тортиб, бир нималарни эслади.

– Буви, ўшанда музқаймоқни бидонда опкелишарди-а? Бидон ёғоч бочкада бўларди. Бочка билан бидоннинг орасида катта-катта музлари бўларди. Музқаймоғи шунақа мазалийдик. Биз ошналарим билан оролни айланиб ароқ, пиво ичиб кетган одамлардан қолган шиша идишларни йиғиштириб келардик. Тўртта шишага битта музқаймоқ олса бўларди. Самижон ака бидони ичидан қошиқда олиб қоғоз идишга солиб берарди. Менинг ўша музқаймоқчига роса ҳавасим келарди. Унга маза, музқаймоқ егиси келса, идиши тўла, дердим. Лекин шунча пойлаб, еганини ҳеч кўролмаганман. Гавдали, баланд бўйли одам эди.

– Секин гапирасанми. Раҳматли Бодомчанинг бешта ўғли бориди. Туронбой, Сувонбой, Тешавой, Самижон, Валижон. Ҳаммасиям гавдали йигитлар бўлган. Нақ арслон дейсан.

– Бирор нарса эсингиздан чиқмайди-я. Отларида адашмаганингизни-чи. Ҳозир ҳам Самижон акадан бошқа ҳаммалари борми?

– Йўқ-да. Тешавой билан Валижон икковиси бор, Лайлакуяда дадаси экиб кўрғонча қилиб кетган боғда қўшни ўтиради. Самижон тушмагур сойга оқиб ўлиб қолди. Тўнғичлари Туронбой бўйнига битта кўк яра чиққани баҳона, эрта кунда уям омонатини топширувди. Сувонбойи ўзига жавр қилиб катталар билан олишиб, мана, қаро ерда ётибди. Болам, умрним уволи бор. Ўзининг жонини асрамаса, одам деганга бу бошни нимага берибди. Биров билан олишиб, сира бўйни

йўғонлик қилмагин. Худо у дунёга бир жойи эзилиб борганларни сўроқ қилармиш. “Мен сенга бутун тана берганидим, қани?” дермиш.

– Буви, бўйни йўғонлик қилсам нима бўлади?

– Дард бўлади, бало бўлади.

– Бўлди, айтинг. Нега тили узун ё бошқа нарса демай шунақа дейишаркин-а?

– Дорга осар замонларнинг гапи бу. Пошшо билан унинг одамларига терс гапирадиганларни, “Жа гапирдинг, осса ўлмайсанми, бўйнинг шунча йўғонми?” ё “Бу дорга оссаям ўлмайди, бўйни йўғон-да”, дейишаркан. Шу. Бўлди, гапни кўпайтирмай илонга қара-чи, кетган бўлса, қоқини оптуш.

Турғун нарвонга оёқ қўйди.

– Кетибди.

– Одам бор жойда илон бўлади-да, – кампир томга чиққан неварасига далда қилиб овозини кўтарди. – Жони қаттиқ бўлади илонларнинг. Илон одамни кўрганда, “Бўйи курсин-эй, мунча баланд бўлмаса, тикка туришини-чи, турқиям бирам совуқ”, дермиш.

– Қовоқпешнинг орасида пўсти қопти, олиб тушайми?

– Янгими?

Билмасам.

– Қўлингни теккиз-чи, синиб кетмаса ҳозир ташлаган бўлади. Йўқ. Кўпам ҳозир ташламаган. Вақти эмас.

– Вақти қачон экан? – Турғун кулди.

– Бир ой-бир ярим ойча бор.

– Эски экан, қуриб ётибди.

– Ҳа, тузук. Кўкламгиси яхшироқ эм бўлади. Худонинг бергани буям. Қоқингни ташлаб тушавер. Мен бўздан халтача тикиб берай, ўшанга соласан, эзибички қип қўяман, – кампир ичкаридан игна-ип, оқ латта олиб чиқди.

Турғун қопни пастга ирғитиб, томдан тушди. Бувисининг қўлидан янги битган халтачани олиб яна

чиқди, илон пўстини халтага жойлаб, бандини тортиб, оғзини ёпди. Нарвондан туша туриб деди:

– Илгари бедазорларда мол боқиб юрганимизда ошналарим илонларни роса кўп ўлдиришарди. Думидан ушлаб симёғоч симига ирғитишарди. Нечтаси тепада ток уриб ёпишиб осилиб қолган, нечтаси икки бўлиниб тушиб келган.

– Сен-чи, қўшилармидинг?!

– Йўқ. Ўлдирмаганман.

– Томошасини кўрганман, дегин.

– ...

– Худо яратган махлуқнинг жонини олиб нима топиш<sup>1</sup>? Ҳаммасининг сўрови бор. Бир жонга азоб берсанг, ўзинг ҳам азобингни тортасан. Бир маҳали, унда аянг иккинчида ўқирди, Хузрум томондаги сигирларга касал келиб, беш-олтитаси ўлибди. Кейин эгалари кўмишга жой тополмай тоққа чиқариб пат-пат юрар жойгача оббориб, қарға-қузғунгаям овқат керак деб чуқурроқ жойга ташлаб келаверишибди. Эртаси яна бир сигир билан бузоқ ўлган экан, Яндашали тегирмончи бўларди-ку. Кўтарманинг бошидаги. Эслайсанми?

– Ҳа, ҳа.

– Ўшанинг гурсиллаган бир акаси бўларди. Гапирса ҳаммаёқ гулдираб кетарди. Ўша ўзим ташлаб келаман, деб борибди. Қараса йўғонлиги мана шу кувидай келадиган илон уч-тўрт кунлигида ўлган бузоқчани ютаётганмиш. Оғзи юмилгунча қараб турибди. Ютиб бўлганда ўзини эпполмай бирпас-яримпас туради шекилли-да, трахтиридан паншаха опкелиб илонга тиқиб-тиқиб қийнабди. Кўзи қотиб, думи буралмай қолганда қайтибди. Келиб, “Ўлдирдим”, деб ҳаммага мақтанибди. Беш-олти кун ўтиб қизиқибми, нечаям киши атай кўргани боришса, илон ётганмиш-у, еганини ҳал қи-

<sup>1</sup> Топиш – фойда.

ворганмиш, дўппайган жойи йўқмиш. Боши ҳам қаерда қолган бўлса, ўша ердан қимирламаганмиш.

Ўлмабдимикан?!

– Энди бу ёғини эшит. Ён-веридаги ўн чоғли ўлик молларнинг бирортаси йўқмиш.

– Илоннинг шериклари келиб егандир-да, а?

– Ҳа-да. Яна ким билсин, қайси махлуқ келиб еган. Тилов подачи илонлар одам иси йўқ жойга судраб кетган деган эди. Билмасам энди. Кейин уч кун ўтиб, Яндашалининг акасини, оти Болтавой эди, қидир-қидир қип қолишди. Бирови даштга кетганмикан, шу ёққа қараб ўтирадиган бўп қолувди, бирови ғалатироқ гапириб юрувди, дейди. Ота-энаси доғида одош бўп кетди. Худо кўрсатмасин. Болам, илонниям Ўзи яратган. Униям уйи, жойи, бола-чақаси бор. Худо берган умри бор. Кўзини кўргандирсан, шуни Худо даргоҳимни кўрсин деб яратганмасми? Кўзини юмдирган одам Яратгандан зўрман дегани-да.

Турғун ҳовли четидаги буралиб ётган ток зангла-рига тикилиб қолди.

– Биз томонларда ҳам шунақа катта илонлар бор экан-да?

– Бўлган дейишади-ку. Бўлсаям тоғи тошдадир. Бир емишлиги сероб жойларда бўлмаса, ҳамма ердаям катта илон бўлмайди. Қорни осон тўймаса.

Кампир сўрига чиқиб, чордона қурди.

– Турғунбой, кўк териб келмайсанми?

– Куз кунида қанақа кўк тераман?

– Ана, Сотимбойнинг кечки маккасига бор, учинчи экинга бачки<sup>1</sup> (пояси учунгина экилган маккажўхори) эккан, ичи тўла шўра.

– Йўқ, буви, ўзимизнинг боғдан бўлса майли эди, биров кўриб қолса, нима дейди? Уятга ўлайми? Эркак кишига... Мен энди кўкат терармидим.

– Эркакмиш. Кўчада пешоб қилсанглар уят эмас-ку, кўкат териш уятми? Ўғирликмиди, ғарликмиди, уяласан? Эрта-индин ётоққа кетиб қолсанг, кўк сомсага тўйдирай дувдим. Ўзимниям бир кўнглим кетди.

– Сомса ёпмай қўяверинг. Кўчадан Тўйчивой тоғанинг ошхонасидан олиб келайин, еймиз.

– Қўй-э, ёш-ёш болаларни ишлатиб юради. Қўлини ювиб қиладими, ювмай қиладими. Ҳалқумимни булғама.

– Тоза қилади, буви, ўзлариям ейди-ку.

– Тўйчивойинг ҳам пул топай деб қанақа гўшт ишлатаркин? Тоғда касалдан ўлиб-нетган, ичи ўтиб чалиш-палиш бўлган молларнинг гўштини, дейман. Пулни човлаб чотига, пуфлаб путига уради.

– Майли, опкелаверай.

– Йигит тушмагур-эй, алакни палак билмайсан-а. Ўзи ойлигингни неча вақт кечиктириб оласан. Қўй, қора қозонни қайнатганимиз яхши. Ис чиқиб турмаса, барака кетади. Озгина тоза пахта опчиқ, ёғ қизиганда чироқ қўйиб юбораман.

– Ўтганларимизгами?

– Ҳа. Ер-сув эгаларигаям. Ўлик тўймагунча тирик тўймайди, болам.

Кампир ўчоқбошига кетди. Қозон тагига хашак қалаб ёқишга тайёрлади, чойгумни сувга тўлдириб ўчоқ оғзига қўйди. Ариқ сувига солиб бўғзидан ип билан боғлаб ток зангига тортиб қўйилган ёғоч идишдан гўшт олиб ёнғокдек-ёнғокдек қилиб тўғради. Пиёз парраклади, картошка арчиди, бир бўлак қовоқ майдалади. Ўчоқ ёнига ташланган гўзапоя боғини ечиб, ичидан танлаб синдириб олган калтагига тоза пахтани ўраб, тирсакча узунликда чироқпилик ясади. Уни қозондаги ёғга ботириб олди-да, оловга тутди. Чироқпилик ўт олди. Кампир уни ўчоқ четига тиклаб ўрнатди.

Шу жойга келганда Турғун ҳар галгидек, яқинлашиб, чўккалади. Кампир Қуръон тортди. Омин қилдилар. Яна оловни баландлатиб, қозонга гўшт ташлади. Дим-ламанинг оловини пасайтириб, чўғни чойгумнинг қорнига сурди.

– Турғунбой болам, сигирни эртароқ олиб кириб қўяқол. Жағи жарда қолсин-а. Пичанини сопқўйдим. Сениям бир кўрсин. Мол эгасининг кўзидан сув ичармиш.

Турғун мол-ҳолни тинчитди. Сигирнинг узун-узун товуши тўхтади, подадан маърашиб келиб жойига кирган эчки-улоқлар жимиб қолди. Катакка терилган товуқлардан бир-иккиси оҳиста “қуқ” деб қўйди.

Ҳалигина қушларнинг ҳовлини тутиб, ариқдаги сув овозини ҳам босиб кетган чуғури ўрнини чигирткаларнинг узоқ-яқин чириллаши эгаллади.

Пешайвон саҳнини хира ёритиб турган чироқ атрофида капалакчалару чивинлар айланиб учиб юрарди. Ўртада ярми ейилмаган овқат, дами чиққан чой турар, икки четдаги яккақават кўрпачада буви билан невараси ўз хаёлига берилиб ўтиришарди.

Турғун пиёласида илиб қолган чойни хўриллатди.

– Буви.

– Ҳм?

– Қурбақанинг қуриллашини қаранг.

– Ҳм?

– Энди тушуняпман тилини. Ўзимнинг уйимдаман, хоҳлаганимча қуриллайман, деяпти, шекилли.

– Ҳа-да.

– Хах.

– Нега куласан? Бори шу, – кампир дастурхоннинг ўзи томонда қайрилиб турган четини очиб текислади.

– Болам, шуни еб қўйгин. Ёмондан ёрти қошиқ қилмайлик.

– Йўқ, емайман, буви, тўйиб кетдим. Сал тузини паст қилибсиз.

– Овқатга нато<sup>1</sup> ўқима. Овқат дастурхонга келганда, ўтирганлар мени ёмон демасмикан, деб қалтираб турармиш. Ёқмаса емагин эди.

Йўқ, ёқди. Яхши-ю...

Буви чимирилди.

– Ит бақага тўйди, житта-житта қўйди.

– Э-э, буви.

– Суммат сенга нўкор<sup>2</sup>ми? Жинимни келтирсанг, очингдан тириштирвораман.

Кампир шақир-шуқур қилиб йиғиштирган бўлди. Кейин қўлини дуога очди:

– Омин, еган-ичган, тўкилган сочилганнинг савобини аввало ўзингга, жами пайғамбарларга, Муҳаммад пайғамбаримизга, аҳли муслимларга, жами ўтганларга, шаҳидларга, аввалги ер-сув эгаларига, еттидан етмиш авлодгача умидвор бўлиб ётганларга, шу қаторда, ўзинг бериб ўзинг олганинг – Олмахон қизимнинг руҳи покига бағишладик. Гўри тўла нур бўлсин, йўлдошлари ҳур бўлсин. Кетидан борган гўдаккина Лолахон неварамния қоронғу гўрини ёруғ қилгин. Иккисиниям раҳматиларинг қаторида қилгин. Бу дунёда кўрмаганини у дунёда кўрсатгин. Художон, кўпга бергин, кўпни қаторида шу мунглиғгина болаларимга кенг феъл, кетмас савлат, танисихатлик, хотиржамлигини бергин. Ўзинг ўт балоси, сув балосидан, иллату фалокатлардан, оби азоб кунларидан, вабои жонлардан асрагин. Ғийбатдан, бўҳтондан, ҳасаддан, жин ҳамласи, шайтон васвасаларидан сақлагин. Болаларим тупроқ олса олтин бўлсин, кул олса кумуш бўлсин. Яхши кунларингни кўрсатгин. Омин Оллоху акбар.

<sup>1</sup> Нато – нақл.

<sup>2</sup> Нўкор – қарол.

– Мен юваман, буви.

– Қўявур. Намозга ҳали бор. Ўзим юваман. Сен ёзарингни ёз. Дарсингни қил.

– Даладан пичан ўриб келайми? Эчкиларни ўти қолмапти.

– Вой тавба. Шомдан кейин-а? Далага боргунингча икки хуфтон бўлади-ку?

– Ой чиқяпти, қаранг. Ёп-ёруғ.

– Қўй, қурт-кумурсқа қишлик жой ахтариб карахт бўлган пайт. Қўл-пўлингни бирор нарса чақиб олади.

– Телевизорда айтишибди. Эртага совуқ тушаркан. Хазонак эртароқ келадими дейман.

– Йўқ, болам, қорақарға<sup>1</sup>нинг қай<sup>2</sup>и. Яна ҳаволар жўнашиб кетади. Дала-тузда экин-тикин бор. Давлатнинг пахтаси бор. Қантароғди<sup>3</sup>гача қанча иш бор ҳали.

Ҳмм.

Дарвоза тўсатдан тарақлади.

– Сумматби хола, Ҳо Сумматби хола!

– Вой, Чаманми, югур, қара, келавер, Чамангул!  
– деди кампир шундоқ ҳам дик туриб, дарвоза ёққа отилган неварасига.

– Нима бўлди? Якка келдингми?

– Йўқ, кўчада Элбек бор. Хола, Азлар холамникига юраркансиз. Айтадиган гаплари бормиш.

– Вой мангина ўлай. Ўсал бўпқолмадими, ишқилиб?

– Йўқ, олдингидан анча яхшилар. Кеча бир табибни чақиришган экан. Шундан, шекилли. Икки кундан бери кўзларини очмаётган эканлар. Бугун яхши бўлиб, сизни сўрабдилар.

Хабарчи жувон ийманибгина кўрпача четига ўтирди. Пешайвон дамидаги човгун томонга шошиб кетаётган кампирнинг тайёр бўлишини кута бошлади.

<sup>1</sup> Қорақарға – октябрь ойи кириши ўнқунлиги.

<sup>2</sup> Қай – кириш вақти, мавсум қайрилиши.

<sup>3</sup> Қантароғди – декабрь бошидаги ўнқунлик.

– Яхши бўлдилар деб кўрқитмагин, қизим. Оёғимнинг қалтираганини қара. Икки кундан бери ана-мана дейман. Вой-ей, қилча кучим қолмади-я.

Турғун сўритокка қайрилма сим билан осилган челақдан човгунга сув қуяркан, деди:

– Нега оёғингиз қалтирайди? Яхши деяптилар-ку.

– Ҳа, бола-я. Қуй, қуй тезроқ. Қочақол, ариқда юваман. Азларби қандоқ эди-я. Даладан бери келмай ишларди. Айғиротдай кучи бор эди.

Чиқиб кетишди.

Ҳовли жимжит бўлиб қолди.

Турғун ўчоқбошини йиғиштирди. Идишларни ариқда ювиб тандир ёнида симга осилган ёғоч узумқутига тўнкариб қўйди. Қозон устини маҳкамлади. Ўчоқ оғзига кирпитикан кириб чўғда куймасин учун тунука лаппак ўрнатди. Кейин ўн бир тўсинлик “дарсхона” уйга кириб, портфелини титкилади. Сал мизғийман, деб ухлаб қолибди.

Тушида худди шу ўзи ухлаётган уй деразасига Ойдин яқин келиб, унга энгашиб қараётганмиш.

“Нега кечасида келдинг?” дебди Турғун. “Шундоқ, ўзим. Токчада исирғам қопкетибди”, дермиш Ойдин. “Қайтиб келмайсанми?” дебди у. “Сизга юз марта айтаманми? Барибир сизни яхши кўрмайман. Ваъдалашганим бор. Кузда у билан қочиб кетамиз”, дермиш хотини. “Йигит тарра биланми?” деса, “Йўқ, Эргашали-ку”, дермиш.

Чўчиб уйғонди. Аввал деразага, ундан оша дарвозага ошиқиб қаради. Уйланганида тўлдирилган, кейин бир йил ўтиб келиннинг сеплари олиб кетилган икки хонали уйи томон отилди. Калитини туширолмай аранг очди. Ичкаридан Ойдиннинг бўйи юзига ургандек бўлди. Ипор иси сандиқдан кетмас деганча бор экан-да.

Оёғи тагига ўриндиқ олиб келиб чиқди-да, баланддаги кичик токчага қаради. Йўқ, исирға йўқ. Фақат

бир қоғоз кўринди. Сурат. Тескари бўлиб ётган экан. Тўйдаги. Ёнларида иккитадан ошною дугоналар билан. Ана, хотини. Чиро-о-ойли. Келин либоси бирам ярашган. Лекин чимрилган. Суратдаги ўзи хижолат-да турибди. Сочлари қоп-қора бўлган экан. Хотининг яхши бўлса ёканг оқаради, ёмон бўлса сочинг, дерди бувиси Бектурди акасига.

Ўксиниб кетди. Ҳовлига чиқди, сўрига оғир чўкди, кейин чўзилди, юлдузларга тикилди.

Дарвоза очилди. Кампир қовоқлари шишган, кўзлари қизарганча кириб келди. Турғун у томон юрди.

– Азларби бўлмай қолди, хуфтондан кейин омонатини топширди.

Турғун омин қилди.

– Худо раҳмат қилсин.

– Ҳа, Шокаптардаги қизи шу ерда экан. Катта қизини эри Русияга опкетган. Энди етиб келолмайди. Азбонаси бор эди-ку. Яхши кўрган қизи ўшайди-я.

Азбона дейсизми?

– Ҳа. Ҳаммага топилган нон шуларга топилмадимиз, ўша ёқларга кетди. Қорни қопдек, ичаги енгдек бўлмаса. Азлар тушмагур, энди юрган-тургани бир пул бўлади.

– Тоблари йўқмиди шунчалик?

– Ётиб қолувди-да. Бу кеча нега тушим булғашди дедим-а, – кампир юзидан оқаётган ёшларни қўли билан сидирди, овози бузилди. – Эртароқ борсам айтадиганининг ҳаммасини айтармиди.

– Сизга бирор нарсa дедиларми?

– Деди-да. Аввалига ҳол сўраб инқиллаб ўтирди. Вақтини ўтказиб қўйди-да. Қўшниси бор эди. Ҳадеганда чиқавермайди. Ёлғиз қолишга илҳақ бўлди-ёв. Кейин бир-икки оғиз гапирди. Яна бир нима айтар бўлувди, тилдан қолди. Э Худойим-эй. Ўргилайин жонимнинг эгаси, Яратганим! Сен нима десанг шу бўлади. Дам ўтказганингга шукур.

– Азлар хола қизларига ул-бул мерос васият қилдиларми?

– Ўлма-я, хаёлинг меросдами? Нимаси борки, васият қилса. “Асалбидан ўзингиз хабар оптуринг. Ювгани ўзингиз киринг. Асалби кўрқади”, деди.

Кампир йиғлади.

– Нега, кап-катта хотин-ку, Асалби хола ҳам?

– Катта бўлган билан эридан калтак ейвериб чўчийдиган бўпқолган.

– Эрлари ҳалиям ичиб юраркан.

Шуни айтгин.

Катта қизларининг оти ғалати-а?

Нимаси ғалати?

Азбонаям отми энди?

Тилга шунақа ўрнаб қолган-да. Бошпитида Азизабону. Ҳа, шунақамиди? Мен бўлса...

– Раҳматли билан кўздай қўшни эдик. Шу уйимиздан бизни ҳақсиз қилиб чиқарганда тўққиз ёш эдим. Дадамни қулоқ қилиб опкетишди. Бувим билан ўзимизнинг жойимиздан жой беринглар, деб ялиниб ўн саккизга бўлинган ҳовли-ерларимиздан шу бўлдакни олиб қолганмиз. Келин бўлиб тушган жойимнинг тепа томонида Азларбиларнинг уйи бор эди. Гапимиз тугамасди. Худо раҳмати-ей, ялага бирам устайди. Овози ўтқир, ёқимлик эди. Бировга сира эшиттирмаган. “Опа, ичкарига киринг, ўзингизга айтиб бераман”, дерди.

– Эрлари бобомга ўхшаб урушдан келмаганми?

– Йўқ, болам, Азларби мендан ўн ёш кичик-ку. Эри япон урушга борган. Бир бурдагина бўлиб қайтиб келганиди. Кейин бир кеча ухлаб ётсам, қаттиқ товуш келяпти. “Опа-опа, чиқинг, Келсинбойингиз хириллаб қолди”, дейди. Кириб борган жойимда ғўлдираб-ғўлдираб жони узилди. Нимадан ўлди, кўрган-кечирганига юраги дош бермадими, билолмадик. Болам, да-

мингни олақолгин. Саҳар туриб ун ошига жаз қилиб, хамир кесиб кетаман. Қарашасан. Азларби ун ошини яхши кўрарди. Ўзиям кўп пиширарди. Маъракасида уринганларга опчиқайин. Ҳали қирсан-барақсан<sup>1</sup> бўлганда суюқ ош керак.

– Яна чиқиб кетасизми?

– Ҳа, чиқайин, болаларига далда бериб турмасам, эрталабгача икки букилиб қолади. Худойим-эй, шоти тинмай қолди-я.

Кампир пешайвон тахмонига яқин келди. Турғун дик турди.

– Ўзим солволаман. Энди ёш бола қилиб жойимни-ям солиб берасизми?

– Дарвозага ташқаридан калтак тиқиб кетаман. Мен бориб тайёрлик қилишай. Латта-путта, бозор-ўчари бор. У-бу ёқни йиғармиз. Саҳар келиб ўзим турғизаман сени. Ўт ёқиб берасан, мол-ҳолни эрта тинчит, кейин ўзинг ҳам бориб эшигининг оғзида тургин. Дўппи-мўппингни тайёрлаб қўй. Чироқни ўчирма.

Туни билан уйқуси ўчди.

Калима келтирди.

Уч юзгача санади.

Кейин осмоннинг кўриниб турган бир парчасидан яна Ойдиннинг юзини ахтарди, топди, ширин энтикди.

Кўзга яқин, кўнгилга яқинсан, Ойдин... Сен... яхши кўриб боғланиб қолиш нималигини... Йўқ, билмайсан эмас-ку... Уфф...

Сенга уйланаман деб эски уйимизни бузиб уй солдирдим. Бувим мендан беркитиб қанча йиғлади. Бувимнинг оталари, эналари яшаган уй-да. Кўп ўтганларимизни кўрган. Ўша эски паст томли уйлар, чорбурчак хоналарида шифтигача кичкина-кичкина токчалари бор деворлар менгайм қадрли эди. Шундоқ

<sup>1</sup> Қирсан-барақсан – ғала-ғовур.

кўзимда турибди. Ичкарида бир уй бор эди. Дарчаси кичкина, чироғи йўқ. Пешиндагина ичи сал ёришарди. Яланбувининг уйи деб мени Полвон акам кўрқитган эди. Каттароқ бўлгунимча киролмасдим. Яланбуви кимлигини билмайман.

Ойдин, бир куни, “Менга қачон кўнгил қўювди ё сўз берган жойим бормиди? Шунақа қилиб ҳам уйланадими?” деб аччиқ сўз қилдинг. Биласанми, “Фарҳод Ширин”да Фарҳод, “Ишққа чалинганимда ҳали руҳим танам билан бирлашмаган эди”, деркан. Кўрдингми, бизнинг руҳимизда севги ўзи бўларкан. Фақат биз ундан кечроқ хабар топарканмиз. Худо вақти билан билдираркан.

Ойдин, сенга кўнглим бойланганда энди ўн бешга кетаётгандим. Еттинчини битирган йилим Кенжавой ошнам билан эчки боқаман, деб бир кунгина подасига подамни қўшибман. “Тоққа борамиз, мен ҳар куни тоғда боқаман”, деди Кенжа. Эчки дегани тоққа ўч бўларкан. Фақат қояга ўрлайди. Отақўзи тоғанинг кўрғончасига ўтиб кетмасин деб олдини қайтаргани югурибман. Тоғда югуриб бўлмас экан-да, Ойдин, одам куйига эниб кетаркан, ўзини тўхтатолмай қоларкан.

Эчкилардан қанча ўтиб кетдим ҳамки, оёғим югураверади. Охири учиб кетдим. Неча думалаб тушдим. Иккала қўлим синган, чап оёғим ҳам. Юзим шилинган. Уйга Отақўзи тоғанинг иккита ўғли замбилга солиб осилтириб олиб келишди. Қўл-оёқ пастга осилиб турса, синган жой оғримас экан. Бувимнинг войвойлаганини кўрганинга эди. Ўша замбилда Бадалвой тоғанинг пат-пати га юклашди. Ёнимга бувим ўтирдилар. Бир ярим соатда шаҳарга касалхонага олиб боришган, Ойдин. Пат-пат трахирни биласанми? Тескари бўлади. Олдинда каваси, орқада калласи. Ўшанда бориб, ўшанда келдик. Иккала қўлим тахтакачланган, оёғим қотириб қўйилган,

шу ҳолимда... Сени кўрганман. Ўзи аввал ҳам кўрардим, лекин ўшанда бошқача бўлиб қолганингни, юзингинг тип-тиниклигини, қошларинг қоп-қора, қайрилмалигини, киприкларингнинг узун-узузлигини кўриб...

Варақи сомса олиб чиқдинг. У вақтда бизга яқин жойдаги ҳовлингларда турардинглар. “Аям бериб юбордилар”, дединг. Бувим ўчоқда айрон қайнатаётганди. Кувидан олган сариёғини юмалоқлаб, устига туз сепиб турганди. “Вой бўйларингдан айнанай. Аянг жон қўшним-да, бугун овқат қилолмаганимни билибди-я. Она қизим, шу акангга совуқчой ичириб қўй. Менинг қўлим ёғ”, деди. Сен аввал менга, кейин сўридаги чойнак-пиёлага қарадинг. Пиёлага чой тўлатаётганингда худди катта бир ишни бажараётгандек, кунтингни қўйиб, паст лабингни тишлаб, чойга қаттиқ тикилиб турдинг. Кейин жилмайиб менга яқин келдинг. Эҳтиётлаб ичирдинг. “Яна берайми?” дединг кўзларинг жавдираб. Мен уялиб бошимни сарак-сарак қилдим, йўқ дедим, лекин чанқоғим қонмаган эди. Томоғим ёнаётган эди. Оқ докада бойланган оёқ-қўлларимга қараб бир сесканиб кетдинг. Раҳминг келиб яна кўзимга қарадинг. Ўша кунги мўмиёни эртароқ ичиб қўйибман-да. Эсимдан чиқиб қолмасин, дебман. Сенинг шомдан кейин мени кўришга чиқишингни бунақа чиройли бўлиб ёнимга келишингни билганимдами!

Мўмиё ичган одам гапирмай ухлаши керак экан. Чунки овоз суякдан чиқармиш, Ойдин. Сен ақалли раҳмат ҳам айтмади, деб хафа бўлгандирсан-а?

Э йўқ, бу ўзим ўйлаб топган баҳонам. Барибир ўша куни бир оғиз гапиролмасдим. Ҳушимни шундоқ олиб қўйгандинг. Айтайми, ҳали ҳам томоғим қақрайди. Ҳали ҳам совуқ чой тилайман. Лекин унақа чойни қайтиб ичмадим, Ойдин.

Сенга айтадиганим кўп эди.

Энди бу ғози йўқ гаплардан нима фойда. Қуйруқни ейсанми, буйруқними, дейишади-ку.

Сенинг бир умрлик дард бўлишингни билганимда... Қўлингдан қайтиб куюгимни босар чой ичолмаслигимни ҳам билган бўлармидим.

Ойдин, мен энди сен минг марта ўтинсанг ҳам қўлингдан чой ичмайман.

Лекин минг уринсам ҳам, кўзимдан кетмайсан...

Уфф...

Юкингга келгунларича токчалардаги қанча идишларингни синдириб ташладим. Тошойнани майда-лаб қўлимни кесиб олдим. Фойдасиз, биламан. Бувимни адо қилдим холос. Идишларингни бошқатдан бордан келтирдим.

Одам ўзининг ичиниям, хаёлиниям шунақа янгилаб ололса экан.

\* \* \*

Сап-сариқ автобус илонизи йўлда пўр-пўр овоз чиқариб қишлоқ сари кетиб борар, узумзорлар орасидан ўтаётгани учун уловнинг ичига олтингугурт иси тўлиб олганди. Одам тикилинч, орқа томонда тик турганлар қаторида темир устунга осилгудек келаётган Турғун ҳозиргина катталар билан бўлган майда гапларнинг дудини эсхонасидан қуволмай, охири оғзидан чиқариб юборадигандек, уф тортиб қўярди.

– Отпунктда ташлаб кетинг, шопир ака.

Йўловчилардан бирининг ҳайдовчига хитобини эшитиб севиниб кетди. Хайрият, тушадиган бор экан, нариги бекатдан қайтиб келишнинг ҳожати йўқ. Йўлкира узатди.

– Ий, сизам тушасизми, домла? Бугун дарс йўқми?

Турғун бошини сарак-сарак қилиб автобусдан тушди.

Дарвозадан кирганда бувиси кўшнининг қизи Чароснинг сочларини майдалаб ўриб ўтирарди.

– Ҳа, болам, ётоққа эканми?

– Йўқ, шаҳарга жўнатишувди. Келяпман.

– Дарсинг-чи?

– Бугун сизга рухсат дейишди. Бошқалар ўтишаркан.

– Эрта кунда кепсан. Бориб дарсингни ўтавермайсанми? Бировнинг ишига бировнинг саратонда қўли музлайди. Пулингниям ҳалоллаб оласан, болам. Вақт топсанг, бошқаларни иши чиқадами, тоби қочадами, дарси бўлса ўтиб кетавургин, Турғунбой. Юк кўтарган юзага чиқади.

Ўйланиб қолди. Ростдан ҳам мактабга боргиси келди. Лекин яна дарсхонаси томонга қадам қўйди.

– Энди борсам ғалати. Даламизга бориб келарман.

Турғун кийиниб чиқди. Кампир қатор-қатор терилган кокилларни иккига ажратиб, ўнг ёғидагисини чапга, чап ёғидагисини ўнгга тортди-да, деди:

– Худойим, шу қизгинанинг жамалаги ойда қулоч-қулоч, кунда қарич-қарич ўссин. Бахтли-тахтли бўлсин. Тенгини ичида сўз бермасин, қайнанасига суюмлик бўлсин.

Турғун сўри четига чўкиб, оёқ кийимини кия бошлади.

– Жичча эртасми бунингизга қайнана тилашга?

– Тилакка ҳеч эртас. Бола ўнга киргани – ота сонга киргани.

– Соч ўришгайм ас<sup>1</sup> бўп кетгансиз-а, буви, майинлигини-чи, буғдойбошоққа ўхшайди-я.

– Не-не узун сочларни ўрганман. Тўпа аммам раҳматлининг бир невараси борида. Хулкарби деган. Унақа чиройли қиз бу яқин орада яна бино бўлмас. Сочи бирам қалин, бирам узун эди-ей. Раҳматлик. Тўланбой тегирмончининг ўғлига кўнгил бериб, икка-

<sup>1</sup> Ас – уста.

ласи аҳди-паймон қилиб юраркан. Отасининг сўзини қайтармай, йиғлаб-йиғлаб бошқага тегди-ю, беш-олти йил яшаб юрак оғриғидан ўлиб қолди. Болаям кўрмади. Шунинг сочини ўриб чарчардим.

Турғун оғир хўрсинди, кейин ўрнидан турди.

– Далага дедингми? Гилдиржўрангни дами чиқиб ётибди-ку?

– Ҳа-я. Эсимдан чиқиб кетибди. Ҳозир янгисини кўяман.

– Кўрпачаларни ювиб кўювдим. Қоплашсанг-чи ундан кўра?

Турғун ўзига жавдираб қараб турган қўшни қизга қош учирди.

– Ана, Чаросча бор-ку.

– Вой, бу гўдак-ку. Сен ўлмагур ё хотинингни опкелиб бермайсан, ё ишларга хотин иши деб қарашмайсан.

Турғун симтўрга, дорга осилган авра-астар қуроқ кўрпача жилдларига қараб бирпас турди-да, пешонасини тириштирди.

– Асқар акамнинг қизини чақиринг, қарашади. Мен...

– Нима бўлса ўша бечорани чақираман. Ўзи ўтчи-элакчи биттагина қизи бўлса Асқарнинг. Тағинам очиққина. Чақмоқни ўти дейверасан. Нима иш айтсам, индамай қилади, умринг узоқ бўлгур бирор марта “Ишим бор эди, чиқиб кетаверайми?” демайди-я. У кунни бирам сепма юпқа пиширди. Ҳа-я, единг-ку. Товонидан ўт чақнайди. Қарсиллайди. Бирни айтиб ўнни кулади. Бу йил эрга берармиш, оқлик берворибди. Онаси сеп йиғиб юрибди.

– Ўлмасойни-я? Ҳали ёшмасми?

– Болам, вақтида бергани яхши. Қиз асрагунча туз асра. Аммо мен чўлоқ бўламан. Ўтимдан кириб кулимдан чиқади-я.

– Яхши-да, ўргангани ўзига, қилиб бергани сизга, – Турғун кулимсиради.

– Мани гапимни такрорлама. Ҳали Сумматби бўлишинга анча бор. Иш қаёқда-ю, мен қаёқда, деган. Кеча онаси, “Ўлмасойни Турғунжонга бераман, деб юрардим, хола, бир оғиз сўрамадингиз ҳам”, дейди.

Кампир сўридан тушиб жўмрак олдидаги ойнага оёғи учида интилиб сочларини кўрмоқ бўлган Чарос томонга Турғунни ишора қилиб қаратди. Турғун бориб қизни кўтариб ойна кўрсатди. Қизча хурсанд бўлиб сочларини селкиллашиб чопиб чиқиб кетди.

– Куннинг ўтишини қара, кечагина эмасмиди, шу қизни бешиқсолди қилгани. Чочалоққа қанд олиб келайми, деб турсам, Бектой умринг узоқ бўлгур бир калла печак билан кириб келди. Ўшани опчикувдим.

Турғун қизча ортидан ёпилган дарвозадан кўзини узди.

– Буви, “Бойчечак”ни ўзингиз ҳам бешиқ устида айтганмисиз?

Кампир аввал биров жавдиради, ниманидир эслатадигандай, ҳовли деворига, кейин қари олма дарахтига, ундан нари ҳозир қазноққа айланган эски уй эшигига қаради.

– Йўқ, мен айтмаганман. Бешикка яқин келсам бошқа нарсаларни айтгим келарди. Ҳамманиям айтадигани дард эди-да, болам. Ўзи дадам қайтмаганларидан кейин бувим ҳам укаларимга “Тор кўчанинг бошида жовдираган етимлар”ни айтардилар.

– Айтиб бермайсизми?

– Қўй, мани йиғлатасанми?

– Ҳадеб йиғлайверармидингиз, айтинг. Бир марта, буви.

– Йўқ, кел энди, ишингни қил.

– Ишим шу-да, буви.

– Ҳа, жа ишинг шу! Ҳали алла, ҳали ёр-ёр дейсан! Маман чолдан бир нарса ёзиб келодирман деб ўн кун

қатнадинг. Ёғи чиқармиди. Нима қиласан оворайи сарсон бўлиб? Дарсингни бер. Болалар орқангдан югуриб юрибди. Дарди-фикринг эски мақол, эски ашула. Ўзингнинг ишингни қилмасдан газитга ёзганингга сўроқ-савол бериб юрибсан-ку.

Турғун кўзларини олайтириб, бувисига ўгирилди. Ёзнинг бошида ҳам шаҳарга бориб бир-икки катталар билан тортишиб келганди. Маман чол мардикордан омон келган Ўнарвой деган киши билан тоғавачча бўлиб ундан эшитганларини Турғунга айтиб берганди. Ўнарвой чол айтган эканки, “Қарғалар учса қарайлик” қўшиғи Марғилондан борган мардикорларнинг қўшиғиймиш. Ўрмон ичида тўп-тўп бўлиб узоқлаб кетиб йўқолиб қолган, бир ҳафталаб топилмаганларни ўлигини дарахтларнинг тепасига чиқиб, қаердан гала-гала қарға учса ўша жойдан қидиришганмиш. Ўшанда улар гала учган қарғаларга қараб, “Биз Марғилонга етармиканмиз”, деб қўшиқ айтишганмиш. Шунини вилоят ҳокимлик газетасига мақола қилиб берган эди.

Бувиси барибир бугунгисиниям билади ҳали.

– Мен... Сиз қаёқдан эшита қоласиз-а?

– Гап беркитиб қаёққа борасан? Ерни тагида илон қимирласа биламан. Шаҳарга чақирганиди-а ўшандаям?

– Чақирганиди-да.

– Нимага?

Турғун қувлик билан кулди.

– Ўшанга.

– Унақа дамхапа бўлмай айтмайсанми? Ўтган галги гапгами?

– Йўқ, унда газетадан келишган эди. Босмахонада гаплашувдик.

– Нима қилиб қўювдинг ўзи?

– Бир олим илмий иш қилган экан. Мен нотўғри мақола ёзганмишман. Шунини қайтадан ёзиб, бўлмаган

гап эди, аслида бунақа дейсан, бўлмаса ўзимиз алла-  
нарсга ёзамиз дейишганди.

– Нима қилдинг кейин?

– Ҳеч нарсга. Айтганман уларга ҳам. Мен унақа қил-  
майман, эркакман деганман. Мана, ёзмадим-ку. Қанча  
вақт ўтди.

– Тавба, ҳар турлик одамлар бор-да. Бир тўпори  
ўқитувчи бўлсанг. Менга қара, бугун ҳам ўша босмахо-  
насига боргансан, шекилли-а?

– Йўқ, бугун районога бордим.

– Раянада нима иш бор экан сенга? Хайрликми ахир?

– Хайрлик, хайрлик.

– Ишқилиб, шунақа бўлсин. Қўй, унга-бунга суқил-  
май тинчгина ишлагин, болам. Домлаликдан яхши иш  
йўқ. Савобиям катта. Чин дунёга ҳаммамиз ҳам кета-  
миз. Одам у дунёга борганда олдига дастурхон қилиб  
қилган ишларини қўяркан. Илойим, дастурхонимиз  
бўш бўлмасин. Аммо ҳушёр бўлгин. Ҳозир у кўзинг бу  
кўзингга панд берадиган замон.

Мактабда ишлагим келмаяпти.

– Энди элпа-телпа<sup>1</sup> бўпсан. Шунча бола ҳурматин-  
гни қилса, орқангдан эргашиб уйгача келса. Илминг  
бутун бўлса.

– Ишхонада эркаклар қолмаяпти, буви. Ҳаммаси  
аёллар. Одамга ноқулай.

– Ўв, бола, қулай жой гўрда бўлади. Тутам-тутам  
ойлик олсанг. Кети бир чироқ ёғ элтмаган одам ана  
шунақа у шохгамас бу шохга сакраб юради. Текин мўн-  
талоқ<sup>2</sup> бир жойда қараб ётибдими?

– Эрали яхши қилди, савдога чиқиб кетди. Менам...

– Гапирма ўшани! Илмини хўр қилиб, топган пу-  
лида хайр борми унинг? Жойидан кўчган дарахт кеч

<sup>1</sup> Элпа-телпа – эси оғган.

<sup>2</sup> Мўнталоқ – пул.

авж олади, болам. Мактабда битта бўлсаям эркак домла бўлса ёмонми? Қайтанга қарқара<sup>1</sup> бўлиб юрасан, – кампир сағал хаёл қилди. – Сандан бошқа ҳеч ким қолмапими? Тўхтарвой домла-чи? Дарси нимаиди?

– У жисмонийдан беради. Эркаклар тўрттамиз. Муҳаммад ака, Жўравой.

– Ий, ана, Турсимат бор, Валижон, Тўравой. Кеча учаласини ароқхонанинг олдида кўрдим. Пиво оламиз деб турган эканми.

– Улар биттаси қоровул, бошқаси уста, монтер-понтёр-ку, буви.

– Ҳа, нима бўпти? Қоровул одаммасми? Мантўр-пантўрмиш. Жа ўзингга бинойинг баланд-ку. Амал тегди хундига, бошини суқди мўндига. Ҳамма одам бир одам.

Бувиси қовоқ уйиб олди. Турғун ҳар доимгидек:

– Хўп, буви, – деди.

– Эркак домлаям жуда керак, болам. Бизла лотин ёзув ўқиганмиз. Ҳамма домлаларимиз эркак эди. Кўчада паранжи ёпиниб бориб, мактабхона ичида йиғиб қўярдик. Бир синфда ҳар турлик ёшда ўқийверардик. Эшимбой деган домламиз бўларди. Болалар кўпайганида парталарни орқага суриб, тахтадан қатор қилиб парта ясаттирганиди. Ўшанда ўтирардик. Ўн беш кун ўқиганимдан кейин, дадамда савод чиқарганмасманми, Эшим домламиз Бузрук Яшин деган коттаконимизга менинг ёзувимни кўрсатганда, қўлимдан етаклаб учинчи синфга кўшиб қўйган. Эндиги домлалар хотин киши бўп кетди. Тарбия беришга эркак одам тузук ўзи. Хотин киши – рўзғорнинг одами. Домлачиликни эркаклар қилса, ўғилу қизниям тамизи бутун бўлади, майда-чуйда билан экалашмайдиган, дали-ғули бўлади. Рўзғордаям ҳадеб хотинини теварагида айланишаверган эркак сийқа бўп кетади.

<sup>1</sup> Қарқара – эъзозли.

– Муҳаммад акаям кечаги кун “Хотинлар билан ишлайвериб майдагап бўпқолдим шекилли”, дейди.

– У Муҳаммад акангни бир хотини бор-эй. Битини сиқиб қонини ялаган. Ўшанинг нағмасига ўйнаб шунақа бўлдим, деса ишонаман. Лекигин-чи, ўзи ўқиш-ни битириб келганда бирам қилич-қилич йигит эди. Худди мирзаларга ўхшарди. Олчину қамчин қизлар турганда шу ўғай аммасининг қизига унаштириб, уч кунда тушириб беришди.

– Йўғ-э, Салтанат хола Муҳаммад аканинг аммасининг қизими?

– Ҳа-да. Она кўриб қиз ол. Санталатнинг онасини қара – Умрижон. Бургадан пайшанбалик олади. Чолиниям нақ ўзига ўхшатган-олган. Кўча-кўйда бирор боланинг ўйинчоғи қопкетса, ўшаниям уйига опкириб кетади. Умрижоннинг раҳматли онасиям текин кафан бўлса ўлиб оладиган хилидан эдилар.

– Шунақа денг. Ёш кетгандирлар-а?

– Нимага?

– Текин кафан чиқиб қолган бўлса, дейман-да, – Турғун қаҳ-қаҳ отиб кулди.

– Кулма! Икки қўлим ёқамда, тавба қилдим, ер бориб айтмасин, ердан уялмасинлар.

– Аттанг, шу Муҳаммад аканинг бирорта қизи йўқ-да. Ўзим уйланиб олардим. Бой-бадавлат бўпкетармидик. Хўп, буви, ўтириб туринг.

– Кўп қолиб кетмагин.

– Даладан хабар оламан, сув бўлса суғорарман. Қайтишда ўт ўриб келаман, – деди Турғун велосипед баллонига камер ўрнатар экан. Кейин не-не қисматларга гувоҳ улкан тошларни айланиб ўтиб, қазноқдан ўроқ олиб чиқди-да, ташқарилади.

\* \* \*

Мактаб янги машмаша топиб қўйган экан. Завуч хонасига чақириб, бир хатни ўқиб берди: “Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўн уч йиллиги муносабати билан вилоятда йиғилиш...”

– Тил-адабиётдан тажрибали ўқитувчи бориши керак экан, Турғунбой. Ўзингиз энг яхши кадримизсиз, – деди завуч, – бирров қатнашиб, борми-бор қилиб келинг.

– Ёши каттароқларни жўнатмайсизларми? Ҳарқалай...

– Ҳа, биз ҳам ўйладик. Руқия опага айтсам, боролмайман, бугун қудаларим келади, деяпти. Салима опа билан Фотимага айтдим, районда бўлса бошқа гап эди, област узоқ дейишди, эрлари қўймасмиш. Энди... бориб келаверинг. Зато етти соат дарсингизни бошқалар ўтади, сиз шаҳарлаб келасиз.

– Ким ўтади?

– Э, ўтиладими, йўқми, нима ишингиз бор? Сиз ҳам сал левий<sup>1</sup> қилинг-да.

– У ёқда сўзга чиқишга тўғри келмайдими?

– Бораверинг-чи, хоҳ сўзга чиқинг, хоҳ йўқ, менга не паркует, районога йиғилишда биздан қатнашилгани информациясини етказсак бўлди. Агар эпласангиз рўйхатдан ўтиб, плюс қилдилинг-у, бабулянинг ёнларига қайтиб келиб, ишингизни қилаверинг.

– Боришга бораман, лекин...

– Ўзим ҳам директорга айтдим, спортсменларнинг семинарига шу йигитни жўнатдик. Таниб қолишса-чи, десам, танимайди, бораверсин, деди.

Остонада Руқия муаллима пайдо бўлди.

– Турғунжон, яхши келдингизми? Энди ҳаммамизга келган тўй-да бу семинар дегани. Ўзингиз борма-

<sup>1</sup> Левий – фойда, маошдан бошқа йўл билан топиладиган даромад ёки ишламай топилган пул.

сангиз бўлмайди. Билимингиз зўр, ёшсиз, ўсадиган кадрсиз. Тилчиларимизнинг суянган устунисиз. Бу ёқда биз дарсингизни ҳашар қиворамиз.

Борди. Бошланишига нима янгилик бўлса экан деб, тигнаб ўтирди, лекин оворайи сарсончиликка арзийдиган бирор тайинли гап топилмади. Икки-уч илғор ўқитувчилар навбати билан чиқиб тайёрлаб келган маърузаларини ўқидилар. Ниҳоят, вилоятнинг катта тилшуноси, фан докторига сўз берилди. Унинг овози жуда пастлигидан анжуманхонада йиғилганлар эшитолмай ҳомуза торта бошладилар. Шивирлашишлар кучайди. Ниҳоят, унинг қўлидаги тах-тах қоғозда ёзувлар тугади. У қоғозларни икки буклади-да, йиғилганларга юзланди. Овозлар тиниб, ҳамма жимиб қолди:

– Азизлар, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилганига, мана, уже ўн уч йил бўлибди. Хўш, биз бу вақт орасида нималарга эришдик, келгусида қандай вазифаларни бажаришимиз лозим? Бунақа саволларга ҳаммамиз ҳар доим ўзимизнинг олдимизда жавоб бера олишимиз керак. Тил масаласи бу бирор одам панжа орасидан қарайдиган масала эмас. Лекин ҳаммаша она тилимизнинг амалда қўлланишида қандай ҳатоликка йўл қўйилса, калтак именно она тили ва адабиёт фани ўқитувчиларининг бошида синади. Мана, институтимизнинг университет мақомини олиши билан кўп ютуқларга эришдик. Мукамал дарсликлар яратилди, чоп қилинди. Энди алоҳида луғатлар устида ишлашга бел боғлаганмиз. Барчангизга раҳмат.

Йиғиндан мақсад нималигини англолмаган ё англашга уриниб ҳам ўтирмаган иштирокчилар қутулганларига шукур қилиб, ўзларини ташқарига урдилар.

Уйга етиб келганида кун чошгоҳдан ўтганди. Чой ичиб олди-ю, бувисининг кийимлари турадиган токча пардаси учун сим тортиб беришга уринди. Ишни

битириб, ёғоч курсига чўкди. Хаёли кетиб қанча вақт ўтганини ҳам билмади. Эшикдан бувиси мўралади, ҳайрон бўлди.

Нима қилиб ўтирибсан?

Турғун бувисига бошини ликиллашиб жилмайди.

Ўзи сенда бир қамчи бор-да.

Турғун яна кулди. Кампирнинг ортидан ҳовлига чиқди.

Буви, шу... бир қамчи дегани қаёқдан чиққан?

– Худди ўлдираман сени. Бир оғиз гапиришга безорман. “Бу нима дегани, у нима дегани”.

– Уришаверманг. Ҳали қарзингиз кўп. Ўзингиз Ни-колай пошшо даврида айтган ашулалардан айтиб берарман дувдингиз.

– Нима бўпти деган бўлсам?

– Энди... концерт қачон, дейман-да.

– Тозаям хира бўлдинг. Ёш боладек ғишава қилишингни-чи. Бурнингни ерга ишқаб қўйсамми.

– Э, бувим-а, бабушка бўп қоляпсиз-ку кун сайин.

– Бабишка дема мени! – кампир сўрига ёйилган белбоғ устига бир чангал пахтани ирғитиб, ўзи чиқиб ўтирди-да, чивишга тушди.

– Каттабувим ҳам қизик гапларни айтардилар. Ақлим бўлганда ҳаммасини ёзиб қўярдим. Ахир кўп гапларимизни йўқотиб қўйяпмиз. Ичим куйиб кетади.

Кампир ўйланиб қолди. Бир чети кўриниб турган боғ томонга, кейин ўчоқхонага узоқ қараб турди.

– Не-не лапарлар бўларди. Йиғлатса жонинг ўртайдиган, кулдирса танинг яйрайдиган. Ёзганингда нима бўларди. Биров ишлатармиди?

– Ҳозир одамлар анчагина бошқача гапиришади. Буви, бўлди, гапни айлантормасдан айтинг. Бир қамчи бор дедингиз-ку. Ўша нима дегани?

– Илгарилари йўядиган йўйимчилар, қушночлар, орқасида одами бор бахшиларга ҳамма касалини қа-

ратарди. Қўрққан, чўчиган, ёнғоқнинг тагида ухлаб жин чалганларнинг жинини ҳайдаб савалашарди. Ўша бахшилар касалнинг жини маҳкам бўлса бешта қамчи билан, жуда маҳкам чалмаган бўлса озроқ, иккитами, биттами, қамчи билан уриб ҳайдашганда, болам. Шунга сенга ўхшаш довдир-совдир гапирадиганларни “бир қамчи” дейди.

Турғун қошларини кўтариб, баралла кулди.

– Ҳа-а, унда Ризвон холабувимга ўнта қамчийам кам экан-да.

– Нимага унақа дейсан?

– Гаплари телба-тескари-ку. Ўзи зўрға юрибдилар. Иккинчи қамчидаёқ нарёққа жўнаворсалар керак.

Кампирнинг юзига бирдан мунг инди.

– Болам, боласан-да. Ҳаҳ, илойим, юрган йўлингга йўргам<sup>1</sup> юқсин. Ниманиям билардинг. Бошига қандоқ кунлар тушмади унинг.

– Нега билмас эканман, саккизта болалари турмаган. Битта шу Самсоқ тоғам яшаб қолган.

– Бола-я, биз кўрган кунларнинг оғирини туя кўтаролмасди, туя. Самсоқ тоғанг холангни ўз боласимас, Турғунбой. Самсоқ тоғангнинг насабини тоза дейишгаям, тайинсиз дейишгаям ҳайрон бўламан, Худо кечирсин.

– Нима деганингиз бу?

– Аввалини айтайми сенга? Кенагасни ўрис пошшони одамлари босганда битта каттаси Мулла кўзанинг ойдаи чиройли қизини берасан, деб сўраган.

– Мулла кўзангиз ким?

– Муллавой бутун Қўқон бозорига кўза чиқарган хунарванд экан. Донғи дарвоза бўлган дейишади. Хотини Хива хонининг кичкина хотинидан бўлган қизининг қизиймиш.

<sup>1</sup> Йўргам – ишни юритувчи яхшилик.

– Вой-бў, қизининг қизи бўлса...

– Ҳа, нима? Зоти тоза-да. Отасиям қайсидир хон авлодидан бўлганмиш. Палаги бутунлардан дейишарди. Жуда кўҳлик бўлган экан. Хотинининг бобоси Қўқондан кўзагар уста чақиртириб уйида хум ясаттирганда шу набираси билан бир-бирига мойил бўлиб қолганаканлар. Хива томонлар тинч бўлмаганигами, бобоси уйида тўй қилиб, неварасини кўзагарга бериб юборибдимиш. Раҳматли энамдан эшитганман-да. Ўрисни каттаси шуларнинг Жавҳарнисо қизининг таърифини эшитиб, уйигача бостириб борган экан.

Хотинликками?

– Турғунбой, лодонсан-а. Ўрис сартни хотин қилиб юрадим. Қўнгилхушликка-да. Аммо жа чиройли бўлганакан, қурғур. Йўқ деганига Муллавойни кечаси қопқасини олдиға чақириб оғзини бекитиб, бошиға қоп кийғизиб далаға олиб чиқиб кетиб калтаклатган, кейин қопининг оғзини бўғиб Тентаксойға ташлатиб ўлдирворган дейишади.

– Кўзагарни-я?

– Ҳа-да.

– Кейин-чи?

– Кейин қизини Қўқонга опкетган экан. У қиз беш ой ўтиб, ғала-ғовур вақтларда қорнида бола билан қочиб келган экан. Шўрлик Жавҳарнисо туғруқдан ўлибди. Қариндошлари боласини никоҳсиз деб қарашмай кимга керак бўлса олсин деганидан кейин Тошлоққирдаги еттита ўғли, бир қизи бор Бўривой амаки савобга боқиб олган экан. Бола катта бўлиб жуда адабли, яхши йигит бўлганидан Бўривой: “Сени боқиб олганман, шунга сенга қизимни бераман”, дебди. Уям кўнибди. Болали бўпти. Лекин қурғур Бўривой ҳам, боқиб олган, ўғли, яна бошқа икки ўғли ҳам урушдан беш-олти йил ўтганда хатга тушиб қамалиб кетди. Нимадан

– биров билмади. Қизи бўлса эри билан дадасининг кетидан шаҳардаги қайсидир турмахонага тушганда араванинг тагидами ё аравани кўтаролмаган кўприкнинг тагидами қолиб кетиб ўлибди. Туриб-туриб танг қоламан: бир ёзгиликлар бор – ўтганларида бўлса қайтиб келадиган. Самсоқ тоғанг ўша Бўривойнинг жувонмарг кетган болаларининг ўғли, билдингми?

Во, буви-и, Самсоқ тоғам холабувимга роса ўхшайди-ку.

– Ҳа энди, Худонинг иродаси-да, болам. Тагин бировга гапириб юрма. Билган бор, билмаган бор. Самсоқ тоғанг жуда кўнгилдагидек бола бўлмади. Аввалига яхши эди. Кейинроқ қайси бир қилбир етказиб қўйди, шекилли, онасига қайишмай қўйди. Болалиям бўлмади-я, қурғур. Ҳозир ҳисобласам, саратонда элик иккига киради.

– Ҳа, кейинги вақтларда Ризвон холабувим паршонроқ бўлиб қолганлар. Ҳеч нарса билан ишлари йўқ. Ҳов бир куни, зоғора берганингизда, ҳовлиларига кириб, олдиларига етиб бордим ҳамки, хаёллари бир жойда, мени кўрмадилар.

– Шу ароқхона ўлгурлар аввал йўқ эди. Қаёқдан ҳам чиқди. Кимни кўрсанг, байрам қилиб олган. Дадаларим бир хум-бир хум мусаллас қилиб, ўшани ичишарди. Ични қизитади, шамоллашдан асрайди, дейишарди. Лекин бунақа гандираклаб қолишмасди, бўлар-бўлмасни гапиришмасдиям. Ризвон холанг энди кун кўраман деганда... Ёш умри хазон бўлди-я, синглим бечоранинг. Ўн еттисида эр қилувди. Ўттиз бирида кейинги эри ҳам, “Ичингда заҳаринг борми, уч боламни ўлдирдинг”, деб ҳайдади. Чиқиб кетиб, “Энди эрнинг юзини тескари қилсин, бола боқиб оламан”, деб талама-тақдирни қўйди. Шу Самсоқ ер қитиқлагурни икки ойлик чоғидан эшигига ётиб ялиниб ол-

ган. Пуф-пуфлаб, ерга қўйсам чанг бўлади, осмонга қўйсам гард бўлади деб катта қилди-я. Бир йили баҳор сарида, унда кучим ҳам кўп эди-да – олтмишдан ўтувдим, борсам, Ризвон бояқиш олдидаги патинжон экадиган бўлди ерни кетмончада чопиб юрибди. “Ўғлинг қани?” десам. “Кўчага кетди. Уришсам ёлғиз, уришмасам, ялмоғиз, опа, нима қилай энди”, дейди.

– Самсоқ тоғам нега ҳашар-пашарларда илашмай бир четда туради десам...

– Ҳа, йўнмаган таёқ дегин. Меҳнатга тоқат йўқ. Тайёр ошга баковул бўлишни билади. Холангнинг елкаси офтоб кўрмади-я.

Турғун бувисига яқинроқ сурилди.

– Буви, шу... нега кўкрагига шамол тегди, дейишадими-ю, елкасига офтоб тегди, дейишади?

– Сал ақлингниям ишлатиб юборавер, болам, барибир бекор ётибди.

– Буви-и.

– Энди исинаман деган одам елкасини тутати, шабадалайман деган одам кўксини тутати-да, болам.

– Ҳа-а. Лекин... Шугинамас, шекилли.

– Билиб айтасан-а. Зийраксан-эй. Шундайгина бўлса экан. Бу гаплар пошшо замонидан қолган. Зиндонларда пишган гап, болам. Зиндондагилар тирик чиқмаса ҳам гапи чиққан-да.

– Зиндонда?

– Ҳа, ким ётади чуқурда? Беайб ётади. Ўлпон бериб жонини қутқаришни уdda қилмаган ётади. Ётгандаям юраги куйиб, кўкраги оташхона бўлиб, бағридагиси оғзидан оҳ бўлиб тутаб ётади. Кўкрагимга шамол тегармикан, дейди. Шамолнинг қадрини ўша қоронғи чоҳларда димиққанлар билади. Кўкси ачишганлар билади. Беайбгина ётганда ёмонам билинади, болам. Ташдагиларнинг куюгини ўчирса бўлар, бири биро-

вига ёрилар, тўкилар, лекигин чуқурдагиларникини йўқ. Дард-ҳасрати ошиб-тошган билан деворларга урилади. Елкалари ерга ботиб музлайди. Кураклари зах тортиб ачишади. Елкамга офтоб тегармикан, деб тепага умид тикади.

Кампир кўйлагининг енгини қайириб, намланган кўзига босди.

Турғун хўрсинди.

– Қанча нарса биласиз-а?

– Туянинг ташиши тилла, ейиши янтоқ бўлади, болам. Тур. Дард жоймонимни очмасимдан ишингни қил.

Турғун михдон билан тешани жойлаш учун ертўлага тушди. Ёнтокчада қатор терилган шиша идишларга кўз югуртириб, Ойдин билан шарбат идишларни бит-талаб терганларини эслади.

Ўлақолса Ойдин бор ертўлага тушмасди у. Аксига олиб икки кун аввал олча билан қизилсултондан тайёрланган шарбатларни бувиси, “Иккингиш ташиб кўйинглар”, деб қолди.

Ертўла тўйда омборхона бўлганди. Гўштни мана бу тўсинга мих қоқиб илиб чиқишувди.

Эҳ...

Тўй жуда чиройли бўлганди, тинч ўтганди. Ўзи жанжал чиқмаган тўй кам.

Эртаси минг ҳаяжон ичида ёнига кирганда пиқ-пиқ йиғлади у. “Сизни ёмон кўраман, чиқиб кетинг. Барибир яшамайман сиз билан, кетаман”, деди.

Ўзига келар деди.

Янгаларни гал<sup>1</sup> бериб алдади.

Кутар бўлди.

Лекин кейин...

“Барибир кетаман. Сизни яхши кўрмайман. Севганим бор эди, ваъдалашгандик. Дадам кўнмадилар. Да-

<sup>1</sup> Гал – алдов.

дамнинг юраги яна ушлаб қолмасин, дедим. Ўзимни ўлдиролмадим”.

Келиннинг сири келган ерида билинаркан-да.

Ҳар кимнинг томига қор ёғса ўзи кураркан.

Кенгашмаган ишнинг пушаймони кўп экан.

Аввалига раҳми келди.

Кейин...

Жирканди.

Кейин...

Номус! Номус!

Икки номус бир ўлим бўлса.

Юраги ўпирилиб тушди.

Ор! Ор!

Чиппа-чин экан-да йигитнинг хўрлиги ўлимдан қаттиқ деганлари.

Бағри жаз-жаз ачишди. Куйиб қолганда ачишгандан баттар.

Қаёқдан келган бу ўт?

Биров билмасин-эй!

Қирқ кун...

Яна амал-тақал ўн кун...

Ўтнинг тафти сағал пастлади.

Лекин битта ингичка ип узилиб кетмай азоб бергани берган.

Тортими қаттиқ. Тортими нозик.

Ҳеч узилмайди.

Ингичка тортганлари курсин.

Ингичка тортган сари ичида ғалати-ғалати оҳанг чалиб юргандек.

Тинғ-тинғ.

Дард бўлди, бало бўлди.

Ойдиннинг оппоқ юзи, қошу кўзи, ғунчани қизартириб қўядиган лаблари, қуюқ қайрилма киприклари...

Борлигию борда йўқлиги.

Йўқлигию бордеклиги.

Ойдин...

Шундоқлар қиласанми?

Шу ҳовлида уч ойлаб уриниб юрди, юраверди-я.

Бувиси лол-лол қараб қўяр, кўзини ерга олар, қанча гапини ичига ютиб, камгап бўлиб кетганди. Қарқара қилиб олиб юраман, деганда келини бунақа қилиб ўтирса. Ўртадаги ижробозликни аллақачоноқ англаганди у. Рисолага келтиришга чора ахтарди. Ўзини айбдор билдими, ҳарқалай, икки кунда бир ҳали Қутлибеканикига, ҳали кексариб мункиллабгина қолган синглисининг уйига кетарди. Қутлибеканикига куним бориб, куним келар, синглисиникида неча кунлаб қолиб кетарди. Бирданига Тошкентдаги, Бўкадаги, Фарғонадаги, Чустдаги офтобда қатиқ ялашмаган қариндошларини соғинганини эълон қилиб, жўнаб юборар, шу кетганича неча кунлаб келмасди. Қўшнилари ҳам кексарганда юримсак бўлиб қолган кампирдан ҳайрон эди. Кутиб олгувчилар ҳам ҳайрон бўлган-да. Келин-куёвнинг ораларидаги совуқчиликни шу йўл билан кўтармоқчи бўлар, лекин бу чоралар тескарига ишлар, кеч тортиб, кампирнинг шу кун келмаслигига кўзи етган Ойдин уйига ётиб келиш учун жўнаб юборар, эртаси бўйнидан боғлагандек ижирғаниб кириб келар, гап йўқ, сўз йўқ, тақир-туқур уринар, шом маҳалиёқ ичкари уйга кириб кетиб, эшигини қарс ёпарди.

Турғун сўрида муштдек йиғилиб ўтириб қолади.

Аччиқ кулимсирайди.

“Бу нима жазо бўлди ўзи? Чил беришди менга.

Азоб чекишимни қара, Ойдин. Кўкайимга мушт солган ўзинг бўлсанг.

Азоб чекишингни-чи, Ойдин.

Ўзингни ҳаммага бахтли қилиб тоқай кўрсатасан? Қадаминг боғда, юрагинг доғда.

Нодонсан.

Отангни ўйладинг.

Йигиталини севдинг.

Мен-чи, менинг ҳаётимни нега бундай қилдинг?..

Шуям гапми, қўйиб берса, эр бошимга йиғлагулик ҳолим бор. Бектурди акам, “Турғунни олиб кетаман. Сиз билан юрса қиз боладек юмшоқ бўп қолади”, деганда бувим шунақа хафа бўлгандики. “Менга сўконғич бола керакмас? Ўлар чоғимда қарасин. Чироғимни ёқсин. Қўй, сен аралашма”.

Маили, У азобланмасин. Шу қўйларга мен солдим. Кетгиси келганда кетар. Рангида ранг йўқ. Келин бўлиб очилиб-сочилмаган қиз”.

Тонглар деразадан ҳовли супуришга уринган Ойдинни кузатади, шалоп-шалоп сув сепиб юрибди.

“Сенга урилган совуқ шамоллар кўксимни тешиб ўтади”.

Ишқилиб, ел еб қолмаса эди.

Ичи куяди, олдига чиқиб гапиришга... Нима дейди. Кет уйингга дейдими? Ё бўлмаса, маили, Йигитдан қолган бўлсанг қолибсан, энди менга хотин бўл, дейдими? Кесакдан ўт чиққандай бўлади-да агар... Шу.. ўзини оёқ учида кўрсатувчи қизни, шу калтаўй келини, ҳамиша қош чимириб турадиган сулувни оддийгина... яхши кўрди, холос. Ўзга ҳеч ким унинг ҳаёлини... Хуллас, кейин худди ҳаёти бундан ўзгача бўлиши мумкин эмасдек бўлиб қолди, юрак ютиб бир сўз демади. Фақат, бувисини аяб жим юргани, ичида ўт куйгани бир сари, шугина – ўз қадр-қимматини унутган деса унутмаган, унутмаган деса, унутган келинчак, бутун ҳаёлини банд этган Ойдиннинг ўзини, севгисини қурбон қилганидан бешбаттар бўлди.

Ишқилиб, шу бегонани тенг-тепасидан Худо уриб қўймаса бўлди.

Ич-ичидан, юрагининг нозик бир жойидан туриб жирканди: ҳеч нарса бўлмагандай юрибди.

Ҳаёт давомда эди.

Кун тун бўларди, тун кун бўларди.

Бедаво дард, ёрилмаган хўппоз яра.

Қўкайида ишқи қаттиқ.

Қўксида нафрати ундан баланд.

Бол деди, балога қолди.

Икки қўли бошида энди.

Беғалва бош бош бўлармиди.

Охири бир баҳонани пуфлаб-пуфлаб шиширган келинчак отасини бир ойга дам олиб ҳаво алмаштиришга жўнатишган куни қўлидаги пушти рўмолчасини маҳкам сиқимлаганча отланди. Бошқача отланди. Ҳовлидан чиқарда ўчоққа олов қалаётган кампирга анчагина қараб олди. Ортида турган, ҳамманинг назарида эри, ўз наздида ёвга зардасини кўрсатиб кўча эшикдан чиқди.

Кампир қайрилиб қараб ҳайрон бўлди.

Кампир... энди кеч бўлгунча бир жойда ўрнамай юз марта эшикка чиқади, юз марта киради.

У эса ҳеч нарса бўлмагандай ишга жўнади.

Ранги бўзлади, кўнгли бўзлади.

Йўлга тушганда эса...

Тавба, яшаш шунчалик осон экан. Елкангда юкинг бўлмаса, пардек бўлиб юравераркансан-ку одам.

Ростдан ҳам қушдай енгил эди.

Кўзларида аламни яширолмаган ёш айланди. Бир томчи тўкилмаса ҳам, ҳарнечук бир ғуборларни олиб чиқди. Ғуборлар осмондаги билгисиз ёқларга парлаб кетди. Юракда аламлар янги қат очди.

\* \* \*

Чоршанбани неча кунки кутиб юрганди. Олтинчиларда дарси бор. Биттагина синфга киради. Яна энг қизиқ дарс.

Дарслар ичида ҳеч бири адабиётчалик бўлмас.

– Турғун ака, мен гапирай.

– Мен айтаман, мен янги мавзуниям ўқиб келдим.

– Мендан сўранг. “Бошгинам оғрийди”ни ёдлаганман.

– Турғун ака, мен “Халқ қўшиқлари”даги ҳамма қўшиқларни ёддан айтиб бераман. Мен чиқай доскага.

Турғуннинг бир хаёли кун сайин этагининг оғирини ҳам зўрға кўтариб юрганини бот-бот айтар бўлган бувисида, бир хаёли Ойдинда, кейин бугун тунқоронғисида унинг никоҳли хотини билан учрашишга борадиган Йигиталида эди.

“Нималар қилиб қўйдинг, Ойдин?”

Йигиталинг менинг олдимга келмади. Нега келмади? Тўй бўлмасдан бурун қаердайди? Оти ҳам йўқ эди-ку? Ҳа, ҳали ҳам биз ёқларда ўзи йўқ, фақат оти бор. Иккимизнинг ўртамизда унинг ўша кунда айтилган, бир мартагина айтилган оти бор. Энди ҳаммамизнинг номимиз қора. Сенинг, менинг, унинг.

Э, қаёқда. Ойдиннинг юрагида-ку ўша Йигит. Наҳот шундай кўнглинг билан келиб-келиб Йигитни севдинг?! Бошқаси бўлса алам қилмасмиди.

Ойдин! Йигит сенга жонини берар бўлса, қани ўзи?! Бир марта бўлсин сиёғини кўрсатмади-ку!

Йигит ҳув аввал Пўлатвойнинг қизи билан кўз қишишиб юарди-ку! Қачон Ойдин билан топишди? Ойдин қачон уни бунчалар қаттиқ севди? Қаттиқ севмаса, бугун кетмасди. Кетолмасди.

Эҳ, бир рўпара келмади-да Йигит.

Аҳдлашганинг сени деб, мана, нималарга тайёр, сен-чи, дермидим?

Бувим айтгандай, бошим тошдан бўлсин-да. Оғришни бошлаворди-ку”.

– Ойижон, ойижон-эй!

Бошгинам оғрийди-я!

– Бошгинангдан онанг ўргилсин,  
Нималарга оғрийди-я?

Бу болаларга қачон хўп деди, иккита қиз ёзувтахта  
ёнига чиқиб олиб бир-бирига қараб олиб чунон бери-  
либ куйлашяптики.

Кетидан “синфком” дейдиганлари ўрнидан туриб  
бидирлаб кетди:

– “Бойчечак” кўшиғи, одатда, баҳор фаслида ижро  
этилган. Бу гул – баҳор даракчиси. “Ҳамён-ҳамён тил-  
лоли” деганда халқимиз бойчечакни кўтариб борган  
болаларга катталар пул беришганига ишора қилади.

– Тўхта, ўтир, Кумушой. Китобдан ҳеч ким “Бой-  
чечак” кўшиғи ҳақидаги жойни ишланма қилиб ёзиб  
ўтирмасин. Ҳамма менинг айтганларимни ёзади. Бо-  
шладик: “Бойчечак” – аслида топишмоқ шеър. Халқ  
кўшиқларини ҳам узоқ ўтмишдаги энг яхши шоирлар  
яратган. Фақат ким ёзгани унутилган. “Бойчечак”ни  
момоларимиз чақалоқни биринчи марта бешикка бе-  
лашганда айтишган. Кейинроқ у кўкламда айтилади-  
ган кўшиққа айланган. Кўкламда айтилиши бойчечак-  
нинг кўкламда очилиши билан боғлиқ”.

– Бўлди, яна икки оғиз гапни дарснинг охирида  
ёзиб қўямиз. Бу кўшиқнинг мазмуни анчагина чуқур.  
Мазмунини яхши билиб олиш учун катталардек ту-  
шунча керак бўлади. Ҳозир тушунмасанглар каттароқ  
бўлганингизда чуқурроқ билиб оласиз.

– Турғун ака, китобда унақа дейилмаган-ку, – би-  
ринчи партада ўтирган сарғиш сочли бола дарслиги-  
дан ўқишга тушди. – “Бойчечак” баҳорга етиб келган-  
лик, шукроналик белгиси сифатида қабул қилинган.  
Кўшиқ болаларга хос содда, самимий, ҳазил-мутойиба  
тарзидаги мисралар билан бошланади”.

– Ҳа, китобда шундай дейилган. Лекин “Бойчечак”-  
нинг қандай кўшиқлиги айтилмаган.

– Китобимизда хатоми, Турғун ака?

– Китобимизда айтилмаган жойлар бор. Уни ҳозир бирга ўрганиб оламиз, келишдикми?

Болалар бош силкишди.

– Мен ўтган дарсда ҳулла нималигини билиб келинглар, дегандим. Эсингиздами?

– Ҳа, ҳа, – деди бир қиз шоша-пиша дафтарини ва-  
рақлаб, – мана, ёзиб келдим. Каттабувим айтдилар.  
Ҳулла – бешикнинг ёзги ёпқичи экан. Юпқа бўларкан.  
Ичи кўринадиган матодан тикиларкан.

– Қойил, энди ўзинг “Бойчечак” кўшиғидаги “ҳул-  
ла” сўзи бор бандини айтиб бер-чи.

Қиз дик этиб ўрнидан турди. Бирйўла кўшиқ қилиб  
айта кетди. Ҳамма уни мийиғида кулганча тинглади.  
Кўпларнинг боши оҳанг ортидан силкинди.

*Бойчечагим ҳуллоли,  
Ҳамён-ҳамён тиллоли,  
Ҳамма бозор – бир бозо-ор,  
Атрофлари лолазор.*

Қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак,  
Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак.

– Яхши ўқибсан, Ўғилой. Сенга ҳулла нималигини  
билиб олганинг учун ҳам “беш” баҳо қўяман. Энди, бо-  
лалар, китобдаги биз ўрганишимиз зарур бўлган бит-  
тагина маълумотга диққат қилинглар. Ўқийман.

“Кўшиқ матнидаги “Бойчечакни тутдилар, тут  
ёғочга осдилар”, деган жойнинг маъносига эътибор  
берайлик. Бойчечак халқ орасида рамзий аҳамиятга  
эга бўлиб, унда чуқур маъно бор. Уни “тутадилар”, “тут  
ёғочга осадилар”, “қилич билан чопадилар”, “бахмал  
билан ёпадилар”. Халқда ўз кучи билан қийналиб мак-  
садига эришса, “Ахир у қаттиқ ердан қаталаб чиққан

бойчечак-да", дейишади. Буларнинг барчасида бойчечак меҳнаткаш инсон рамзи эканига ишора қилинади".

Эшик очилди. Директор ўринбосари бир ўқитувчи билан кириб келди. Ўқувчилар салом беришди.

– Нечта прогул бугун?  
– Учта келмаган.  
– Касал бўлганлар ҳам борми?  
– Битта Эргашев Ойбек касал. Эртадан чиқади.  
– Справкасини класкомга бериб қўйсин. Сен, тур учинчи партадаги, йўқ, сен. Нега сочинг ўсган? Нармалний қилиб олсанг бўлади-ку, тўғрими? Қиласанми? Ўтир. Эртага ўзим кўрволаман. Формасизлар ўрнидан турсин. Вой-бў, синф раҳбари вапше ишламай қўйибди. Сиз ҳам, Юлдашев, дарсни қуруқ ўтиб кетмасдан, ўқувчиларнинг тарбияси билан шуғулланиб турсангиз бўлади-ку. Ё шунчалик қийинми? Сен Далабоевмидинг? Бу ёққа чиққин. Қизим, сенам бу ёққа кел. Мана, мана шунақа аккуратний кийиниб келамиз, келишдикми?

Болалар бир овоздан "хўп", дейишди, бош силкишди. Ўринбосар давом этди:

– Эҳ-ҳе, ҳаммаёқ мусор-а? Қоғоз ташлабсизлар. Уборшицанинг меҳнати ҳам қадрлаш керак, болалар. Уям одам. Дарров тозалаб қўямиз. Синфда дежур нима иш қилади? Тозаликкаям қарасин-да. Ҳамма жой чистий турсин.

Болалар у ёқ-бу ёққа эгилиб, парталар тагидаги қоғозларни ола бошлашди.

– Ҳа, кейин олимпиадага қатнашадиганлар метрикасидан кўпия опкелиб кураторига бериб қўйсин. Срочна, лекин. Кейин кўчамиздаги киоскадан қарзинглар бор экан. Эртагаёқ раҷчёт қилиб қўйинглар, хўпми? Юлдашев, шу масалани ўзингиз тугатиб беринг. Киоскачимиз растрата бўлиб қолдим деяпти.

Турғун бош ирғади.

Эндиги гал ростдан ҳам чиқиб кетишди.

Майда гап катта ишни ғарқ қиларкан.

Орқа партадан кимдир “растрата” деди-да, бошини пасайтирди, овози ўчди.

Аълочи қизлардан бири Турғунга деди:

– Устоз, адабиёт дарсида ҳам фақат она тилимизда гаплашамиз-а? Аралаштирмаслигимиз керак-а?

– Ҳа, энди ёзамиз, ўқувчилар.

“Бойчечак” кўшиғидаги Бойчечак – аслида чақалоқдир. “Бойчечакни тутдилар” – чақалоқнинг икки билагидан тутиб, елкаси аралаш силкиб олиб, кейин бешикка белаш ҳақида. Кўшиқнинг нақароти инсонни дунёга келтириш энг қийин жараён эканига ишорадир”.

Болалар, халқнинг бу кўшиғи бешик маросими билан боғлиқлигини ёддан чиқармаймиз-да, охирги бандга эътибор қиламиз. Ким охирги бандини яна бир эслатиб юборади?

Болаларнинг ярми тенгдан қўл кўтаришди.

– Сен айтақол, Комилжон.

– Бойчечагим ҳуллоли,

Ҳамён-ҳамён тиллоли.

Ҳамма бозор – бир бозор,

Атрофлари лолазор.

– Ана, энди ўйлаб кўрамиз. Бешикнинг ҳамён-ҳамён тилласи қаерда экан?

– Ҳа, устоз, топдим. Ҳамён тилласи тувагида бўлади.

Болалар жавоб бериш учун ўрнидан туриб кетган қизга қараб баравар кулиб юборишди.

Турғун уларни тинчлантирди.

– Э, қойил, яна ҳар доимгидек топқирлик қилдинг, чиндан ҳам ҳамёни тувагида. Сенга, Малоҳат, “беш” баҳо қўяман.

Турғун бу гал анча ғира-шира қилиб уйга қайтди. Мактабдан чиққанида бувисининг кўзига қандай қара-  
рашини ўйлади. Осмоннинг бир томонида сузилиб  
чиққан ойга тикилди. Бирпас тўхтаб қолди. Кейин  
ён-верига аланг-жалаңг қараб, йўлига тушди.

Ойлар ортда қолди. Ой неча тўлиб, неча ингичка  
тортаркан, бу иккига ҳайрон бўлгандир. Униси унда,  
буниси бунда юрибди, дегандир.

\* \* \*

Яна йўл. Овлақ йўлда, катта сада тагида... ўшами?  
Ўзими? Кимни кутиб турган экан?

Ер остидан унга қараб тараддудланяпти.

Наҳотки уни кутияпти?

Унга интиқ бўлиб турибди.

Ойдин-а?

Кўпдан турганми?

Турғуннинг кўзларидан олов чиқди.

Вужудини қалтироқ тутди. Яқин келди. Ойдиннинг  
оқ юзлари баттар оқарди.

Недир ҳаяжонларни англатганча қимтилиб, қан-  
дайдир сўзларни аранг тутиб турган қизил лаблар ен-  
гил титраб олди.

– Ях-шимисиз? Сизда г-гапим бор.

Турғун аллақерларга қараса ҳам, унинг ойдай  
юзини кўриб турарди. Жисмига нимадир ерданми,  
кўкданми, сирғалиб кириб борар, оёқларининг учида  
яшин ургандек сезги бўлар, нафасидан елкалари кўта-  
рилиб тушар эди.

– Нима дейсиз? Исирғангизни йўқотдингизми?

– Йў-ў... А? Нима деганингиз бу? Унгамас.

– Нима унда?

– Мен... ҳалиги... Уйга қайтмоқчиман. Кечирсангиз агар...

Орқадан мактаб болаларнинг овози келди.

– Энди онангизни ўлимдан опқолмоқчимисиз? Йўқ, борманг. Биз яшаб бўлдик. Сиз билан ажи-ажи ўйнамоқчимасман.

Орқадаги болалар яқинлаб қолишди.

Ойдин шошиб нари кетди.

У уйга юрди. Юраги гурс-гурс тепарди.

Бунча ҳам чиройли бўлмаса Ойдин. Нега у... Нега жонига офат қилиб яралган экан-а? Нега у бошқани севди? У юрагини очмасидан севиб улгурди? Кўнглини бировга берди? Севиб қўйди? Нега? Кафтларида тутмасмиди? Истаганини муҳайё қилмасмиди? Чўғдан ясантириб, ҳамма қизларнинг кўзини куйдириб олиб юрмасмиди?

Йигиталига сира рўпара келмади-я. Нима дерди экан у? Ўзи-чи?

\* \* \*

Тунлар шундай узун бўларканми. Аввал билинмасди. Бувиси ҳам ухлолмай у ёқдан-бу ёққа ағдарилиб ётибди. Ҳали эрталаб барибир “Мижжа қоқмадинг-а болам”, дейди. Бир нарсани яшириб бўлса экан.

Нималар қилиб қўйдим.

Хатонинг йўлдоши жазо бўларкан.

Мол-ҳолни тинчитиб, чойга ўтирди. Кампир ҳам намоздан чиқиб, сўрига қадам қўйди.

– Болам келинга бир бориб-келсанг бўларди. Изига ёниб қолгандир. У куни бувисешанбада Қантижов ҳамманинг ичида ярашишмадими, деб сўради. Ёр ёрилмади-да.

– Келмайди энди, буви. Керакмас.

– Оғзингни ёп. Бўлар-бўлмасни гапирма. Ҳар гапга фаришта омин дейди-я, ўлмагур. Ҳали шунақаям бирга яшайсанки. Қорлар ёғилади – излар босилади. Куй куй бошқадан бўлиб, жа ...

– Йўқ, буви, у...

– Санга сиёсат қилади-да. Шунақа ўқимишли эрни қаттан топади?

Турғун хўрсинди.

– Энди бўлди. Кўча-қўйда гапириб юрманг. Уйига-ям борманг.

– Ҳа, сен бола уни бирорта билан сўрашиб қўйганини кўргандирсан-да. Қўй, бир юзинг билан пишгин. Кейинги хотин – чопоннинг ямоғи. У-бу ерга чақириб гапиргин, йўлга сол. Бирам кўхлик-эй, қурмағур.

– Ора очди бўлган. Уйига одам қатнаяпти. Эрга беришади энди.

– Гумон қилма, болам. Ёмон бўлади. Гумон имондан айиради. Сенга ким айтди?

– Билдим-да.

– Ким экан?

– ...

– Энди этаксиз жинни бўпти хотининг. Жинни хатига тушипти. Бунақа қилиб ошни қайноқ ичиб қўй-маса бўларди.

Турғун даст ўрнидан турди.

– Аммо бир оғиз бўлсин, хотинингга тегишлик қилт-пилт гап эшитмадим. Тўғри юрган кийикнинг кўзидан бошқа айби йўқ.

Буви бармоғини тишлади. Сўри четига тикилиб, оғир хўрсинди.

– Менга қара, кел, ўтир. Ўй ўйлайверма. Дунёни бир қавати, болам.

– Ўйламайман, буви. Фақат, шу... Қайтиб гапирманг шуни.

Турғун дарвозага қаради. Кампир ҳам ўша ёққа кўз ташлади.

– Келиб қолса, Худодан умидим бор. Битта тирноқ бериб қўйса эди, ўшанга овуниб қоларди хотининг жонивор. Худо бир йўлга солар.

– Буви шундан гапирманг, бошқа қиладиган ишмиз йўқми?

– Кўзим очигида бола-чақа қилсанг, ёним ерга тегарди. Ўттизга кирган йигитнинг ўтин олгудай ўғли бўлсин экан. Ётган-турганимни, еган-ичганимни билмайман.

– Энди келмасин... Керак эмас. У... Биз бошқа-бошқа йўлдамиз. Шаҳарга кетамиз, буви.

– Ҳўв, бола, эна – кетингга қараб чена. Шаҳарда нима бор? Мени ташлаб-а? Ёлғиз ўчоқ – Тўхта чўло бўламанми? Қаёққа борасан?

– Сиз ҳам кетасиз.

Турғуннинг вужудида енгил титроқ турганди. Янги дамлаб келган чойдан ўзига қуяётиб беихтиёр тўкиб юборди, пиёлани қўйиб, қўлини силкий кетди.

– Ана, кўрдингми, бемаза гапириб, куйдинг. Куйин арвоҳлардан. Арвоҳлар ҳозир. Кесакдевор бўлса ҳам ўйингнинг чироғини ёқ. У ёқда хешинг бўлмаса.

– Танишлар бор. Кел, иш кўп, дейишяпти, – деди Турғун қўлига пуфларкан.

– Бегонани ошнаси этигимни пошнаси, билдингми? Қўй, ўзим ҳимога йиқиламан деб юрибман. Ёним ер тортгани тортган. Этагимнинг кириям оғирлик қилади менга. Мунча энди қўлингни силкитдинг? Ёмон куйдими?

– Э-э.

– Ачишиши қолмадими? Ариқдан лой олиб бос. Ўзим опкепберай.

Кампир кенг-мўл этагини бир қўлига йиғиб олиб қўзғалди.

Керакмас, ўтиринг-э. Куйгани йўқ.

– Мени қимирлатаман деб хомтама бўлма. Қариганимда бегона жойда йўққўримчиқ<sup>1</sup> бўлишим қолувди. Мизоннинг устида турибман ўзи. Тўримдан гўри яқин бўлса.

<sup>1</sup> Йўққўримчиқ – ортиқча кўриб қараладиган одам.

Турғун боши билан девор томонга ишора қилди.

– Мана бу деворни ҳар йили бузиб ярим қаричдан сурадиган қўшнилариңиз билан олишиб юрасизми? Кетамиз.

– Ким олишибди? Майли, Худо кўриб турибди. Ер қисгани гўр қисармиш. Худо булар билан уй қўшни қилди, ер қўшни қилди, ишқилиб гўр қўшни қилмасин.

– Ҳа-я, еримиз ҳам ёнма-ён. У ёқдаям шу аҳвол. Тош теришса, бизникига ирғитишади. Ариқнинг у бетидан чим кўчириб, бу бетига босишади. Кетиш керак. Бунақа майда-чуйдаларга чалғийвермасдан. Каллак буғдой эккан йилимиз эсингиздами, боғлаб терак билан олмаларга тиклаган жойимизда қанча буғдойни товукларига едириб юборишди. Борардим, ҳайрон бўлардим. Нега бу буғдойбоғларнинг оёғи осмондан бўпқопти. Шуниям тўғри қўёлмабманми, деб. Кейин тушунсам, эллик-олтмиш товукларини боққани олиб чиқиб, мен тиклаган буғдойпояларни бошоғини пастга қилиб қўйиб беришаркан.

– Болам, майли, куюнма, ўтган ишга салавот. Гапириб оғзингни чарчатганинг қолади. Қиличвойлар ўлиб кўрмаган, холос. Шунақа қилгани билан кўрага қўй ёйиб юргани йўқ. Ит ҳам баҳра олмайди. Битта рўзгорини зўрға қимирлатади. Бир хотинни ҳайдаб, олган хотини шу. Уям бурганинг кетини кўрган хотин. Қайнонасига қариганда захар косада ош бериб безиллатди-да. Ким этмагай – ким тортмагай. Бировни гапирдим-а, Ўзи кечирсин. Сен қўшничиликни бузма. Сув ичирмасга сут ичир деган.

– Олдинги хотинлари ким дегандингиз?

– Пардавойни катта қизи бўларди. Қилич қўйиб юборгандан кейин беш-олти йил ўтиб Кўктошга ўзларини қариндошларига тегиб, тиниб-тинчиб кетди.

– Кунимизни шунақалар билан олишиб ўтказамизми энди? Алам қилади-да. Кетганимиз яхши. Ўримпош холам билан топиштириб қўяман. Зерикмайсиз.

– Қийинчиликдан, сиқлиятдан қочма, болам. Кўк йиғламаса, ер кулмайди. Нолима, Худога ётишмай қолмасин. Борақол ишингга, кечикма.

\* \* \*

– Домла, ассалому алайкум.

Олтинчи синфнинг йигитчалари чошиб келишди.

Ваалайкум ассалом.

Домла, сумкангизни беринг, мен кўтариб оламан.

Йўқ, менга беринг. Элтишиб қўяман.

Қўяверинглар. Оғир. Ўзим кўтараман.

Келинг, бераверинг. Менинг кучим кўп. Даламизда пиёзни тўрхалтада ўзим ташийман.

Йўғ-э, зўр экансан-ку.

Орқада эргашиб келаётганлари чуғурлашди.

– Бугун бизга иккинчи соат адабиёт.

– Домла, бугун мендан сўра-анг. Ҳаммасини ўқиб келдим.

– Хўп, хўп.

Ўқитувчилар хонасида муаллимлар кўп экан. Завуч рўпара келди.

– Юлдашев, какраз сизни қидираётувдим. Энди келяпсизми? Уйингиз бир қадам-ку, эртароқ келавермайсиз. Мана, Лобар билан Фотима икковиси Шарғилдоқдан пешком келишади. Бир соат бурун шу ерда бўлишади. Иш план янги бўлди. Кеча районодан опкелдим. Руқия опадан олиб, ёзволинг. Бугуноқ. А-то улгуролмайсиз. Конспектларниям тайёрланг. Обший ҳаммасига биттада қўл қўйиб бераман.

Турғун бош ирғади.

Биринчи дарсдан кейин ўқитувчилар хонасига кирди. Уни кўрмаганга олиб ўтиб кетаётган Руқия муаллимага салом берди.

— Опа, иш режа сизда экан.

— Нима?

— Иш режани сизга беришибди. Шуни бераркансиз, кўчириб оларканман.

— Ўзим энди олдим-ку. Аввал мен кўрай, ёзиб олай, намуна ўпкангизни қўлтиқлаб?

Турғун елка қисди. Йўлакка чиққан эди, ортидан учган пичинг сўзлар қулоғини ловуллаптиб, ўзини тўхтатиб қўйди.

— Одамда сал юз бўлсин. Баъзилар тайёр ошга баковул бўлмоқчи бўлади-я.

— Кимни айтасиз, Руқия опа?

— Кимни бўларди, Юлдашевни. Мен бўлмасам, мактаб тушиб кетади, деб ўйлайдими, дейман.

— Ҳозир ёшлар роса ўзидан кетиб қоляпти. Катта-мисан, аёл кишимисан, фарқи йўқ.

— Мактаб ҳам мактабга ўхшамайди. Илгари эсингиздами? Аҳмедов домла, Саидов, Ўролов, Валиев домлалар ишларди. Усмонова, Кабирова муаллималар дарс берарди. Мактабни обрўсиям анча баланд эди. Бизла катталар бор бўлса, ўқитувчилар хонасига киролмасдик. Ҳозиргилар тап тортмай кириб ўтирволади. Яна тўрга. Кейин бемалол гап талашишади. Туф десанг, бет дейди.

— Қозоннинг кичкинаси тошаркан-да ўзи. Ўқитувчи дегани ҳамма томонлама болаларга намуна бўлиши керакмасми? Аслида бир-иккита ажрашиб, уришиб юрган ёшларимизга аввал оиланг бут бўлсин деб шарт қўйилса экан. Маҳаллакомитет билан билла профсоюзимиз яраштириш комиссия қилиб, ишласин, нима энди? Ўқувчилардан гап яшириб бўладими, ҳаммаси-

ни билади. Ўзининг боласини тарбияламаган, эридан ё хотинидан аразлаб ажрашиб юрганларнинг ўқувчиларга тарбия беришга қанақа қилиб ҳаққи бўлсин?

Турғун ҳафсаласиз дарсга кирди. Гарангсиб юрди. Кун бўйи кўнгли очилмади. Қайтарда шаҳар томон йўл олган кичик сариқ автобусга дуч келди. Ҳаммасини ташлаб узоқ-узоқларга кетса, барини унутса. Ҳеч кимни кўрмаса, бировга ҳисоб бермаса, миннатсиз ишласа. Ҳеч кимга оғирлиги тушмаса. Биров нега хотинсиз юрибсан, деб сўроқ қилмаса. Ойдинни... Буткул хаёлидан ўчирса.

Ҳовлига қадам қўйди, бувисига юзма-юз келди-ю, енгил тортди. Йўлига термилиб ўтирибди.

Кечда бувиси кўшниникига эртанги кун бериладиган тўйни йўқлаб чиқиб кетди.

Турғун эзгин-эзгин хаёллардан қочолмай уй ичида шифтга тикилганча кўрпачага чўзилиб ётарди. Чала юмуқ кўзлари олдига яна Ойдиннинг қиёфаси яқинлашди. Турғун бошини силкиди. Барисидан бир лаҳзада қутулгиси, хотиридаги ўша тоза бўлиб тоза бўлмаган, кир бўлиб кир бўлмаган хотираларни чиқариб ташлагиси келди... Қиёфа кетмади, хаёл тарқамади.

Остонада Ойдин турарди.

Бу гал ҳаммаси ўнгда эди.

– Мен келайин, ҳайдаманг, мени ҳам ўйланг, – деди.

– Сиз... Кечда қандай келдингиз?

– Кечиринг. Қўлимни бировга ушлатганим йўқ. Ҳаммаси қаёқдаги гап экан. Кетганим баравари уйимдан чиқмадим. Чиқсам сизга йўлайин деб чиқдим. Эрли хотин деб у... келмади. Сизни алдамайман, жиянимдан хат юборсам, “Сени ҳеч яхши кўрмаганман”, дебди. Уйланяпти.

Турғун қалтираб кетди. Кўзлари қаҳрли оловланди. “У!!! Ахир...”

Ойдиннинг кўнглини оёқости қиладими?

“Йигит, сени... Нима қилсам экан?”

– Кетинг. Мен сизга захира ўйинчимидим.

– Турғун ака, орамиздаги гапни сиз билан мендан бошқа ҳеч ким билмайди. А-ана у ҳам, “Бировга гапириб юрма. Ҳаётим тинч бўлсин”, дебди. Мени кечиринг. Энди аввалгидек... Ҳеч қачон айтганингиздан чиқмайман.

– Айтганимга кирган вақтингиз бўлганмиди?

– Турғун ака, ахир қайтиб келсам, ҳайрон бўларлик жойи йўқ-ку.

– Чиққани пастаккина том яхши, дебсиз-да.

Орада никоҳ бор.

– Никоҳни сиз айтманг, Ой... Ярашмайди. Гуноҳ бўлади. Никоҳимиз сиз сачраниб чиқиб кетганда бузилган. Йўқ, ундан ҳам аввалроқ. Бўлди, тезроқ кетинг. Тезроқ совчи чиқади сизга.

– Ахир ҳалигача уйланганингиз йўқ.

– Қачондан менга раҳмингиз келадиган бўлди? Кетинг. Биров кўрмасин.

Ойдин ҳиқ-ҳиқ йиғлади. Оппоқ юзларини узун бармоқлари ортига яширди. Ўрнидан турди, ўша аввалги ифорларини таратиб шундоқ ёнидан, бир вақтлар зардали-зардали бўлса ҳам уриниб юрадиган пешайвондан оҳиста ўтиб бошини эгганча чиқиб кетди.

Ростдан кетдими?

Ҳа, кетибди.

Йиғлабгина кетаётгандир. Бирпас шу ерда йиғлайвермайдими?

Оёқларига йиқилиб, синамоқчийдим, ҳаммаси ёлғон эди, деса экан. Ишонтирса экан.

Буларга қандоқ чидаш мумкин? Бир дарди икки бўлибди-ку. Бундан кўра Йигит билан аҳду паймон қилиб юз йил юрмасмиди. Юз йил чидамасмиди бу бало-

ларга. Юз йил ўртаниб... Угинага яна азобми? Қандай яшасин севмагани билан? Қандай кечирсин Йигитдек номардни? Бой бердими бутун ёшлиги, чиройи, тоза севгисини?

Эртаси маҳаллада тўй бўлди. Саҳарда эшикдан биров чақирди. Турғунга каттакон ерқумғонларни тўлдиришни тайинлашди. Челак билан ташқари йўлакка чиққан эди, ариқ бўйида яна Ойдинни кўрди. Қўшнинг қариндоши у. Сесканиб тушди. Қалтираб кетди.

Ана, атрофда ҳеч ким йўқ. Унга айтсинми, бутун ўртанишлари, усиз изтироб чекаётганлари, ҳамма уларнинг ярашишини истаётганини? Ҳозир айтади.

Атай шу ерда турибди. Яна нимадир демоқчи. Ўз уйига қайтмоқчи. Уй унинг ҳам уйими? Уйи-да. Қанча жонзотга бошпана бўлган бу боғ, бу уй шугинани жон деб бағрига олмайдими?

“Ойдин, сен ялин. Мендан ўтин. Мен хўп, дейин. Кўнглимдаги азоблардан бирйўла қутулай.

Сени кўриб турсам, дунё меники бўлади, Ойдин.

Ҳаммадан чиройлисан.

Ҳаммадан бошқачасан.

Ҳаммадан ёқимлисан.

Сени хор қилганлар хор бўлади, Ойдин.

Бувим, келинимнинг ой деганда оғзи бор, кун деганда кўзи бор, дерди. Сенинг поклигингга Йигит ишонмайди, холос. Ҳамма ишонади. Мен ҳам, Ойдин.

Нега ариқ бўйида кўпроқ ўтирмадинг? Нега дарров кириб кетдинг? Мендан тортиндингми? Одамлардан уялдингми?

Сени оёқости қиялпманми, Ойдин?

Менга кўнглинг исидими ё раҳминг келяптими, ё яна дадангни ўйлаяпсанми?

Уч ойлаб уринган рўзғорингни соғиндингми, Ойдин?

Айбнинг каттаси ўзимда. Нега сенга совчи жўнатдим? Эшигингдан юз ўтганим, кўришишга зор бўлганим билан, бир оғиз гапингни олмаган бўлсам. Неча бор юзлашиб келганда ҳам ер чизиб ўтиб кетган бўлсам. Нимамага ишондим, нега бундай таваккал қилдим? Ўқиган йигитман, мени ҳамма қизлар орзу қилади, деб ўйладимми? Эҳҳ! Сени Йигитдан айирдим. Ё севгингдан айирдимми? Балки, асраб қолгандирман. Ҳа, у Йигит-пигит эмас, сенга мос эмас. Лекин сен уни марвариддек тоза кўнглинг билан... Уни бахтли қилардинг. Ўзинг ҳам бахтли бўлардинг. Уфф!

Қайтиб кел, Ойдин!

“Келдим-ку, ўзингиз қабул қилмадингиз”, дейсанми? Сен ўн марта қайтиб кел! Юз марта!

Келевергин! Зора, юрагимдаги рашк ўтлари ўчса. Зораки, сени кечирсам, зора, ҳаддимни билсам.

Ширин-ширин суҳбатлар қураимиз. Сенга латифалар айтиб бераман. Эсингдами, сўри устида ўтирганимизда бувим биз иккимизнинг ёлғондакам ижро ўйнаб юрганимизни сезмасинлар деб бир латифа айтгандим. Сен бувим боққа кириб кетганида, “Менинг олдимда анекдот айтманг. Кулмайман, кейин бувингиз ҳайрон бўладилар”, дегандинг. Майли, анекдот дейсанми, айтинг дейсанми, айтманг, дейсанми. Фақат кел.

Келмасанг, сени олгани ўзим бораман.

Эртагаёқ.

Ё индингами?”

Бориб бўларканми.

Кун неча бор чиқиб ботди.

Бормади.

\* \* \*

– Болам, кечқурунги кулчатой бағир бўп қопти. Халфананг борлиги эсимда йўқ, овқат қипман. Ўзи озгина экан. Ичиб қўя қолгин.

– Эрталабда ичмайман.

– Ичасан! Шу билан пешингача томоғингни йиртиб дарс берсанг, қорнинг пиёзпўсти бўпкетади. Юмшоққина бўлса. Лиқ-лиқ ют-қўй.

– Бугун ойлигимизни олсакмикан, – Турғун ҳафсаласизгина сўзлар, қарашлари паришон эди.

– Ҳа, тузук. Болам, ойлик олган кунларинг кўчада шашлик-пашлик еб олгин. Топганда товонингни ёғладеган.

– Уйга опкелайми? Бирга еймиз.

– Йўқ-йўқ-йўқ. Мен сира емайман, биласан-ку.

– Олтинчидан пахтага олиб кетишади, дейишяпти.

– Ҳа, энди юртга келган тўй, борасан-да. Шеригинг ким бўларкин?

– Билмасам, Муҳаммад акадир.

– Муҳаммад аканг-ку, тузук. Анави Тўравой билан ўтган йили сал жиқиллашиб қолувдинг.

Турғун кампир томон қайрилиб, ажаб-ажаб қаради.

– Буви, билмайман, айғоқчиларингиз қандай ишлашади, ҳеч нарсани сиздан яшириб бўлмайди. Аммо-лекин бир жойда шунақа бўлган экан, деб юрманг. Уялиб қолмайин.

– Эсимни ебманми. Ёмон билан ётма, эрта туриб айтма. Ўзи Тўравой нега борди? Қоровуллигини қилмайдими?

– Эркаклар кам-ку. Шунга болаларга қарайди, деб жўнатишди-да.

– Болам, ўшанақа бетамизлар билан хаттинг-хуттунг қилма. Орқангда ўзи йўқнинг юзи йўқ қилиб гапириб юради. Пайингни қирқади. Элни элагидан ўтиш осонми. Ўзи уятни билмаганлар бошқаниям уялтириб қўяди.

Тўравой қоровул ётоқда пахта тортиш вақтигача ҳали у, ҳали бу ёққа бориб табелчими, бригадирми,

сувчими билан сўзлашиб кетар, гап айлантиришдан муддаоси ё бир чеким нос, ё бир калтак сигарет бўларди. Бунинг устига ўн биринчи синфнинг кўхликрок қизлари атрофида айланиб, ундоқ-бундоқ деб гап сотгани-сотган. Ҳазил-хузулни авжига чиқаради. Бир-икки шўхроқлари билан гапи келишиб қолдими, пахтазорни қаҳқаҳага тўлдириб торттиришгача даладан чиқмай юрадиган бўлди.

Бир куни қайтарда Турғун Дилобар деган қизнинг ўзига қараб-қараб қўяётганини сезиб, гапи борлигини пайқади, етиб олди. Қиз атай қадам секинлатиб, тўп-тўп бўлиб шийпонга чиқаётганлардан ортда қолди. Овозини биров эшитмас бўлганда ёрилди:

– Турғун ака, ану қоровулимиз ёмон одам эканлар. Кеча орқадан келаётсак, дераза парданинг очиқ жойидан қизларнинг кийинишига қараб ўтирибди. Кейин... ану... Эгатдалигимизда... Э, ишқилиб ёмон одам эканлар-да.

Турғун оғзини очиб қолди. Кейин тишини тишига босди.

Хўп, сен боравер, мен гаплашаман.

Кечаси болаларни уйкуга ётқизишган маҳал шийпон пешайвонида ёнма-ён ётишаркан, нимадан гап очишни билмай турган эди, Тўравойнинг ўзи бирдан овозига сир қўшиб маслаҳат бериб қолди:

– Турғунбой, йигит киши бунақа қилиб юрманг. Бирорта қиз билан яқин бўлиб гаплашинг. Эрмакка-да. Ёш нарсасиз. Келишган йигитсиз. Эҳ, қани мен ҳам шундоқ эркинчиликда сиздай бўлиб қолсам. Хотиндан узоқда-я, эссиз. Ах, ёшлигим ўтди-кетди. Чарс эдим, чарс. Мен сизнинг ўрнингизда бўлсам, нечтасининг қаймоғини ялаб қўярдим.

– Ака, ўзингизнинг ўрнингизда ҳам тинчгина юрганингиз йўқ-ку. Анов куни пахтазордан бу ёққа ке-

либ олдингиз. Ҳа, десам овқатдан хабар оламан эмиш. Кўриб турибман-ку, ошпаз қизларнинг биттаси ловия теришга борганини кўриб, иккинчисини олдиға келдингиз. Кап-катта одам бўлсангиз. Бизға бу бўй етган болаларни ишониб топширишди ахир.

– Ие, ғалатимисиз, Турғунбой? Мен сизни туппа-тузук йигит деб юрсам хотиндан баттар гапчи экансиз-ку! Носвойим кастумимда қолгани учун чикдим! Шийпонга! Қизларингизда неча пуллик ишим бор?

– Қизларда ишингиз бўлмаса, кийинаётган вақтда пойламанг! Ҳаммаси болангиз тенги бўлса.

Тўравой ўрнидан гурс туриб кетди, устидаги чойшабни қўлиға бураб олиб ерга урди.

– Манга қара, сен валлават! Қаерда кўрдинг пойлаганимни? Мактабда қисибгина юрардинг! Бу ёққа келиб олиб-а, ўзингни каттакон хаёл қиялсанми? Ҳа-а, рашкинг келяптими?! Ўзингни бил сен! Ҳамма болалар гапиряпти. Болта кални қизи билан ажи-ажи қилиб юрибсан-ку!

– Нима деяпсиз? Секинроқ гапиринг, болалар уйғониб кетади.

– Ҳа-а, ёлғонми?

– Иккинчи бировнинг қизини оти билан атаманг. Билмай-кўрмай! Эркак одам!

– Ана, қалай, сен кўриб-нетибмидинг мени?! Мендан нечта кўйлакни кўп йиртгансанки, ақл ўргатасан?! Юрибсан-да, битта хотинни эплаб тутолмай нонни нанна, кавушни ванна деб. Э, сен, шошилмай тур! Ҳали эрталаб бригадир келсин, хонасидан директорга телефон қилиб, қилғиликларингни битта-битта айтиб бермасам юрганаканман!

Турғун бошини амаллаб ёстиққа босди. Шундоқ ҳам тўртта хонада ётган икки юз чоғли ўқувчиларнинг ғўнғир-ғўнғирлари тинган, эшитиб ётишарди.

Йўқ, ҳарқалай ўшанда эртаси эрталаб директор ўз оёғи билан келганда Тўравой сийпаланиб, атрофида мушукдек суйкалиб айланиб юрди, ўзининг жонбозликларидан оғиз кўпиртирди — ўша гаплардан оғиз очолмади. Лекин Турғун билан уч кунлаб гаплашмади. Ундан кейин ҳам совуққина салом-аликдан ўтмай кўйишди.

Бувиси ҳамон ўша Тўрани гапирмоқдайди.

— Ўтган йили куз охирида бир кўрувдим. Бурнидан қурт ёғилади. Сўрашай десам, терс қарайди. Худо юзингни тескари қилиб қўймасин-а, дедим ичимда. Бошлиқлар пахта вақтида бунақаларга иши тушиб ялинади, кейин улар ўзидан кетади-да. Майли. Ёмонга ёғ ярашмайди, калга — пиёздоғ. Шу бизни қишлоқларга ям пахта экилса, шўрлик болалар ёш бошидан ётоқларда ётмасмиди?

— Э, буви, нима қиласиз пахтани? Ўзи қаёққа қараманг, ҳаммаёқда пахта. Ундан бугдой экилса, дейман. Халқ тўқ бўлади.

— Майли, давлатни иши бизга қоптими. Ўтган йилги пахта терганинглارнинг пули нима бўлди? Болаларнинг ҳеч йўқ калишининг пули чиқармиди. Олдинглари?

— Йўқ. Ўзи бу ётоқ деганига борибманки, иккинчи теримдан бошлаб терилган пахтага бир сўм пул олиб бўлганини билмадим. Тайсаллаб туришади, кейин ётоқдан қайтиш бўлиб, қопкетади. Бола бечоралар берган уч-тўрт сўм пулига бирам севинадики. Бу йил ҳам ўша Ёрқишлоқнинг далаларида ётарканмиз. Директор ҳақларингни олиб бераман, деди-ку. Яна билмадим.

— Майли, олақарғада олимсоғинг бўлса, бир куни тегади. Дириктирингни хафа қилма. Уям бир жойни ўмариб ейман, деб бошлиқ бўлмагандир. Султон суя-

гини хўрламабди. Болаларни яхши ўқитсанг, хурма-  
тингни топаверасан.

Турғун кийинишга кирди.

Кўча томондан эчки-қўйларнинг, кетидан подачи-  
нинг “хушт-хушт” овози келди. Кампир шоша-пиша  
қўйхона эшигига кетди. Така-улоқ, қўй-қўзи аралаш  
ўн тўрт чоғли жонлиқ кўча томонга отилди. Кампир  
уларнинг орасини ёриб ўтар экан, дуррасини ечиб бо-  
шига ташлаб чакка сочларини тугалай ёпиб танғиди,  
ҳимарилган энгларини туширди-да, дарвозани очди.

– Суммат хола, ўғлингиз кечқурун подажойига чиқ-  
мади. Бугун нон навбати сизларники, – деди подачи  
белбоғини узун податаёғи учида кампирга узатиб.

– Вой, хўп, болам, ҳозир, – кампир уйга шошди.  
Нонқутидан иккита нон олиб, бетига токчадаги ли-  
кобда турган майизни солди, оғзи очик халтадан  
беш-олти ёнғоқ олиб майиз устига ташлади. Белбоғни  
тугумлади. Маҳалладагилар қўй-эчкисини подага ке-  
чиктирмай чиқаришларию ўзбошимча эчкиларнинг  
бировлар эшигини шохламаслиги учун “Ҳайё-ҳай” деб  
турган подачи нонни олиб, халтага солар экан, тугун-  
ни силкитиб кўрди.

– Ёнғоқми, қуруқлигидан билса бултурги-да-а? Ҳа-  
лиям сақлаб юрибсизми? Бойхотинсиз, Суммат хола.  
Аммо битта нон етарди.

Кампир мамнун қиёфада бош ирғаб, дарвозасига  
юрди. Чўпон, эгасини подага етказмоқ учун тепиниб  
турган отининг жоловини яна тортиб, кампир орти-  
дан қичқирди:

– Суммат хола, ўғилга айтинг, бирорта китоб бер-  
син. Ўқиб қайтараман. Иккита бўлса, яна яхши.

– Ҳозир, – кампир эшикдан кириб кетди. Бирпасдан  
сўнг қўлтиғига иккита китоб қистирган Турғун қўй-  
лаги энгларининг тугмасини қадаганча чиқиб келди.

Подачи от устидан унга жилмайиб тикилди. Сўрашишга қўл узатди.

– Саломатмисиз, домла? Ишлар билан чарчамай? – деди китобларни олиб халтасига жойларкан. – Домла, ишқилиб, бор бўлинг. Ўғлим бирам мақтайди. Олло илмингизни оширавурсин. Шу ўғилни ўқитаман деганман. Сизам маҳкам туринг. Насиб қилса, бир касбга эга бўлсин. Сизга ўхшаб оқяктак бўлиб юрсин.

Турғун қўлини кўксига қўйиб, бош ирғади.

Папкасини қўлтиқлаб, мактабга отланар экан, кўнгилхираликлари тарқаган, кўзлари порлаб турар эди.

\* \* \*

Ажаб, пахта ётоқ бу йил бир ойгина бўлди. Сира бунақа бўлмаган-а.

Хайрият, пахта ётоқ бу йил бир ойгина бўлди. Шунча йил пахтада бола олиб ётиб, сира бунақа ҳолга тушмаганди.

Ҳозиргиларнинг дадиллигини-чи. Бирови – Янгибой тоғанинг кенжа қизи, Долим ошнасининг синглиси Жамила синфдош дугонасидан салом юборибди.

Домласини саккизинчидан бери яхши кўрармиш. Олса тегардим, деганмиш. Чип-чиройли, бир ақлли, олийда ўқийман, деса билими боргина қиз.

Бир-бировига сир ишониб айтиб юрибдими бу қизлар. Ўзини ўзи гапга тиқиб қўймаса бўлгани-да. Муҳаммад ака невараси касалхонага тушиб қолгани сабаб Ғовага кетганича келмади. Мактабнинг янги ошпазини қизларга қарайди, деб жўнатишган эди, беш кунда эри машинада келиб олиб кетди. Шунча боланинг жавобгарлиги ўзига қолиб, дала билан шийпон орасида чопавериб, тунлар ухлаб-ухламай чўпдек озди. Бунинг устига анави қиз. Уч кун кўзини нари-берига олиб қочиб чарчаганида, қизнинг ҳам қизариб кўзини ерга

тикиб ўтаётганини илғганида, энди нима қилсам деб боши қотиб юрган эди, бирдан шошилишч йиғилиш чақирилди. Эгатларга сочилиб кетган болаларни ўзи чақириб чиқиб тўплади. Ўн биринчиларни бир томонга, ўнинчиларни бир томонга сафлантирди.

Эски Карл Маркс колхози Машъал жамоа хўжалигига айлантирилган, лекин ҳозир шийпон супасида теримчиларга қараб ваъз айтаётган бу шляпали кишини ҳамма Карл Маркснинг раиси дерди. У ёнига Турғунни чорлади. Табелчи дегани орқадан шипшиди: “Кетаркансизлар, қаердадир бола ўлибди. Ҳаммага отбой экан”.

– Пахта терим бугундан одош бўлди, болалар. Ҳаммангларга катта раҳмат. Энди дала шароити. Камчилик бўлган бўлса, узр. Кассир келиб қолса, нарядни ёпиб, пулингларни берворади. Ҳозир иккита аптобус билан иккита трахтир келади. Нарсангларни йиғаверинглар. Бугун уйга кетсанглар, шанба-отдих дам олиб душанбадан свежий калла билан дарсга чиқасизлар. Мана бу сизларга қараб ётган домлаларингга ҳам раҳмат. Военний йигит экан. Ҳамиша сизлар билан бирга бўлди. Круглий сутка қаттиқ ишлади. Ман просто беш кетдим. Маладес. Соғ бўлсин. Бола-чақаси кўпаявурсин.

\* \* \*

– Болам-эй, ётоқларинг ҳам бор бўлсин. Муҳаммад домла икки марта кепкетганда, бир марта келмадинг-а. Ўзининг онаси бор бўлса кўргани келармиди, дедим, – кампир кўзидан тинмай тўкилаётган ёшларини артди, тириш лабларининг титроғи босилмади.

Турғун сўрига чўкди. Бошини қуйи эгди.

– Иложи бўлмади, буви. Қизлар бор, ўғил болалар ўрлиги ортган вақти, ташлаб кетсам бўлмасди. Муҳам-

мад ака уйкучи одам. Борлигида ҳам... Ишқилиб, яхшимисиз?

– Ўтган пайшанба кечаси худди нари бориб-бери келдим, болам.

Нима бўлди? Мазангиз қочдими?

Ошқозоним тошдай бўлиб, жоним чиқиб кетай деди.

Бирорта ёқмаган нарса еганмидингиз?

– Ким билсин, бирпасда кўнглим озиб... Қутлуғни боласиям бор бўлсин. Кичкина бўлган билан ҳушёр. Кечаси билан беш марта уйғониб, ҳол сўради. Шукур, бугун учлашиб ётарканмиз.

Ариқ лабида чўлтоқ супургини ушлаганча тоғасига кўзи жавдираб Яшнар турар, кир қўлларида хижолатланиб, орқасига яширар, қандай сўрашишни билмай каловланар, мол тагини тозалаб, ҳовлиларни супуриб юрганидан бурнининг ости қорайиб кетган эди. Турғун унга жилмайди. Қўлини чўзди. Яқинлаб келган жиянининг бошини кўксига босиб, ияк тиради, оқишчанг ёпишган сочларини силади.

Яна бир оқшом борлиққа бош қўйиб келар, тун кўрпаси ҳамма томонни тугалай энлаб бўлганди. Қурбақалар қуриллар, чигирткалар чириллар, сув шилдирар, ора-сира кўчадан ўтаётган отларнинг туёғи бирдек тақирлар, ҳамма-ҳаммаси сокинликнинг, хотиржамликнинг ўзга-ўзга оҳангли алласи бўлиб туюларди. Неча кунлик ҳушёр тунларни ўтказиб келган йигит ўз уйидаги осуда оромни соғинган, боши ёстикқа етмай, қотиб ухлаб қолган эди.

\* \* \*

Душанбадан дарслар бошланди.

Мана, бугун ўша қиз ўқийдиган ўн биринчи синфда аранг дарс ўтди. Энди ҳар кирганида шунақа бўладими? Ўғринча син солса, қиз бечораям замбилбоп бўлиб

ўтирибди. Бир нуқтадан кўзини узмайди. Кўнгил ишқийин экан-да. Бошқа болалар бўлса домласига ўйчан-ўйчан қарашади. Орада бир-бирларига ҳам матноли разм солиб қўйишади.

Шивирлашган уч бўлса сир ётмас дейишган-ку.

Дард бўлди, бало бўлди.

Нима қилсин энди?

Йўл дегани бир яхши нарса. Ниманики мушкулга чора қилиб топган бўлса, шу йўл билан бирга-бирга, шу йўл билан ҳамроҳ-ҳамроҳ бўлиб топган.

Манзилларни манзилларга, чанқоқни сувга, ҳожатмандни ҳожатбарорга, беморни табибга, ошиқни маъшуқага етказувчи йўл бўлмай нима?

Бироқ бугун йўл ҳам йўл кўрсата олмади.

Кампир маккасоқол ивитилган сувни катта пиёлада сузиб олиб ҳўплаб ўтирарди.

– Қандоқ эдим-а, отлиққа йўл, пиёдага сўз бермасдим. Эндигитдан бери мени ёлғиз ташлаб ётоқларга бормагин, болам.

– Яшнар қани?

– Болагина уйини соғинди-я. Борақолгин, онангга ҳам кераксан, дедим, сал бурун чўмилиб, сочини тараб, чиқиб кетди. Ўғил бола бўлса ҳам, бир покиза Ҳамма ишни билади, қўғирмочдеккина-я.

Турғун ариқ сувига қўлини солганча жимиб кетди. Жияни билан кеча тузукроқ гаплашмаганига ўқинди. Битта китобни унга атаб қўйганди. Бериб юбормабди-да – хурсанд бўларди.

– Битта овқатнинг кўчасидан ўтайлик.

– Нима егингиз келяпти? Ўзим зўр қилиб пишириб бераман.

– Менинг иқим овқат тиламайди, болам. Сен ишдав келдинг, ўзингга ёққан бирор нарса...

Тарақлаб эшик очилди-да, Бектурди кириб келди.

Толик, холапошша, қалайсизлар?!

– Бектурди-и-им, келдингми? Бормисан сен ҳам?

Кампир сўри ёғочига таяниб ўрнидан турмоқ бўлди.

– Эй, эй, қани, ўтиринг-чи. Қимирлаш йўқ!

– Бу арвоҳчи лўли холам бор эди, хабар олай дема-  
нг. Кун-кун кўзим эшикда бўлди-я, – кампир томоғи  
иқриаб йиғлади.

Бектурди Турғун билан бағирлашиб кўришгач, кам-  
пирнинг елкасидан кучганча сўрига чордона курди.

– Бўлди, бўлди, нима йиғи-сиғи, холаш? Ўзимам  
оса соғиндим. Келдим-ку.

– Болаларинг тузукми? – кампир овози қисилиб  
озини рўмолига яширди.

– Рўзғор курсин-да. Шундан ортмай ўлиб кетасан,  
ор бугун, хабар ол Сумматбидан дедим ўзимга. Юриб-  
изми чигирткадай сакраб? Қандоқсиз энди? Чоллар-  
и йўлдан урмаяпсизми? Бемалол уворинг. Тушимда  
поқдадамни кўрдим. Ўша ошнаси айтгани рост экан.  
итта ўрмонда военний кийимида юрибди. Беларус-  
икан шу ер дедим. “Холабувимни эрга бероврай-  
ними, харидори кўпайиб кетяпти?” десам, “Беровир,  
олка пенсаси бақувватига бер”, дедилар. Хах-хах-ха.  
Ҳайт, бу ёғи ош ерканмиз” дедим, “Ўв раҳматли, раҳ-  
мат сизга”, дедим. Қалай?

– Сен жўнаган куни ўлиб қоламанми деб кўрқдим.  
Бек гўрга кўярди. Энди Турғуним шунча кўргилиги  
амдай, ёшгина бошига ўзи кўядими дедим. Дийдори-  
и кўролмийман, келгунича қаро ерга кириб кетаман  
декиллик, дедим.

Бектурдининг лаблари аянчли бурилди. Кампир-  
нинг елкасини бўшатиб, сўри қирғоғига мушт урди:

– Санларга нима бўлган ўзи, ҳамманг келишиб ол-  
анмисанлар? Ана у ёқда Ризвониям шунча йўл босиб  
елдим, борайин ёнида бирпас чўзилиб дамимни ола-

ман, бир пиёла қайноқ чой ичаман, десам, юрган-турганимни бурнимдан чиқариб, ўламан дувдим, ўлмдим, дейди. Бу ёқда буниси! Хе ўлмай ўл ҳамманг. Ўлмай ўл! Ўлмай ўлиб кет-а!

Кампир жиянининг гапига ҳам кулар, ҳам йиғлар. Турғуннинг ҳам кўзига ёш мийиғига кулги келган, меҳмон эса жағи тинмай ёзғирар, юзларидан данак-дек-данакдек ёш юмаларди.

Кампир амаллаб йиғисини босди. Енгига қайириб жойлаган рўмолчасини олиб, юз-кўзини артди:

– Тошкентларингга бориб-келдингми?

Турғун хола-жиянни ёлғиз қўйиб, гузарга шошди, гўшт олиб келиб қозонга босди. Бувиси то суюм-ли жияни билан аймоқилашгунча дастурхон тузатди. Бектурди ўзи олиб келган иккита қўқон патири билан бир ўрам ҳолвани дастурхонга қўйди. Боғ томонларга айланиб, мол-ҳолга ул-бул деган бўлди. Кейин то Турғун чой дамлагунича сўритокда осилиб пишиб ётган кишмишдан бир бош узиб келди. Энди у ҳар икки гапида хохолаб кулар, кампирнинг ҳам чеҳраси очиқ, ажинлари ёйилиб кетгандек эди.

– Холаш, битта антиқа одам билан келдим, дедим. “Ким бўлиб ишлайсиз”, десам, “Устаман”, дейди. “Уй соласизми?” десам “Ҳа”, дейди. Жа ажойиб топишмоқ одам экан. “Мен ҳам уй солдирмоқчиман, биз томонларга бормайсизми?” дебман. “Йўқ, мен ўзимиз томонга соламан, холос”, дейди. “Менга яхши уста керак эди-да, битта уйни қанчада битирасиз?” дедим. “Менга ўхшаган усталар ҳамма жойда бор. Соладиган уйимга кўп вақт кетмайди. Мен шошилишч уйларни соламан. Биткизиб киритиб ҳам қўяман. Қоронғи-ёруғлигига жавоб бермайман. Дераза-пераза ўрнатмайман. Не-не устолда ўтирган коттаконлар ҳам ўзимга уй солдиради”, дейди. Нима дейсиз шунга, Сумматбиби?

– Гўрков эканми?

– Во, – Бектурди бош бармоғини баланд кўтарди, – ҳар балога ақли етади. Эс-ҳуши жойида. Кўриши тўй, ейиши қўй, бу холашкани, ўламан деса, миям ачийди-да.

– Ҳа энди деразаси йўқ уй гўр бўлмай нима бўлсин, болам.

– Э, маладес. Лекин биттаси машина сотаркан. “Жигули”. Ўшани оладиган бўп турибман. Индинга опкелади.

Кампирнинг пешонаси тиришди. Бектурдини нуқилаб, бошига ёлғон мушт босди.

– Мошинни нима қиласан, ақли паст? Ғалва кўпайтириб. Нарса ташиб сотмасанг. Пул топиб ҳисоб топмайсанми? Қўй, чигал соқолга темир тароқ қилиб олма. Дарров қайтар. Ўзича юрадим у жонивор. Эскини тузаб эсинг кетади.

– Воҳ, жа гапирасиз-да. Қандоқ қилиб оламан, деб қўйдим, билмайман, – Бектурди пешонасига шапиллатди. – Лафз кетди, бабуля, уже опоздали. Майли, энди. Ўзи эски мотоциклим ўлгур ҳеч қаёққа сиғмай ётибди. Э-э, бўлари бўлди. Толик бу ёққа ўтир. Биз тарафда бир гап юрибди. Сенга тегишлик. Янгивой оқпалакнинг қизини олармишмисан? Мактабда топишиб қолганмишсан. Ростми?

Турғун кўзига қадалган икки жуфт кўзнинг тиғидан қочолмай сўри суянчиғига ўзини ташлади.

– Йўқ, қанақа қиз?

– Танимийман демагин тагин. Ўзинг дарс бераркансан-ку?

Кампир ўнғайсиз қолган неварасига ачиниб қаради-да, ўзи жавоб қилди:

– Ҳа, ана у куни хотинлар бир шама қилгандек бўлди. Айтдим, булар жуда ўсмоқчилаб қолди. Атай гапни уздим, йўқ нарсага йўлкарчи бўлмай деб. Шип этганга олам жаҳон гап.

– Жиян, агар кўнглингга ўтиришган бўлса, шартта бориб ҳал қилайлик. Бир тоқа бўлиб юрибсан, энди бундан бу ёғи холабибишкаям олвали билан ғайрали бўлармиди. Кун сайин пайкалдан кетяпти, тўғрим Сумматби? Энди бу шўрлик уруш эридан жудо қилган старуха Изергилга иссиқ-иссиқ овқат керак, қаров керак. Йўқ деб кўр-чи.

Кампир Турғун томонга ўғринча қараб лабини титишлади. Бектурди сўзига амрона тус берди:

– Бунақа бўшашма! Хотинингга манаман деганлардан жовчи чиқиб ётганмиш. Раиснинг кичкина келини туғолмай қора босиб ўлди-ку, шунга битта жовчис раисмиш. Нега рангинг оқаради? Э, ука, бу дунёда милтиқ билан хотинга ишониб бўлмайди...

Бошқа гапларни эшитмади.

Овқат сузиб келганида, сўзлашув бошқа бир нарсаларга бурилганидагина тилга кирди.

Бектурдини кузатиб юборгач, бувисидан кўзини олиб қочиб, аланглаб турди-да, магнитофон кулоғини бураб, қўшиқ қўйди, ҳовли этагига юриб, ишларига тутинди.

\* \* \*

Бу гал мактаб эшигида дуч келдик. Гапиролмай узоқлаб кетдинг.

Атай у ёқ-бу ёққа ўтиб юргандирсан-да.

Намунча озиб-тўздинг, Ойдин? Кўзларинг лак-лак бўлиб, бувимнинг сўзича, қаҳрига тортиб кетибди.

Кўп сиқияпсанми?

Э-э, ер ҳам юмалаб юрибди-да. Силлиққина. Сакраб юрганда менга ўхшаганлар битта-битта тушиб қоларди.

\* \* \*

– Болам, Қаям тоғангни тушимда кўрибман. Ҳасамни йўлга тўғрилаб қўй. Эгнимни кийиб чиқай. Ҳа бар олмасам бўлмайди.

– Нима қиласиз? Тинчгина уйда ўтиринг, буви. Уйлари қаёқда ётибди-ю. Ўтган ҳафта автобусда кўрдим Қаям тоғамни. Сизни сўраб қўйдилар.

– Менга айтганинг йўқ-ку, хах, ўлмагур.

– Эсимдан чиқибди-да.

– Биров бировни сўраб юборса, ўша заҳоти “Сиз ҳам саломат бўлинг”, деб қўйгин. Шундоқ қилсанг, эсингдан чиқсаям, бўйнингга қарз бўлмайди.

– Хўп, хўп. Лекин, буви, керак бўлса ўзлари сизни кўргани келишсин. Жиянларингиз бўлса. Узоққа овора бўласизми?

– Энди буниси менинг ишим. Катта уйда тоқчага тугунча қилиб қўйганман. Қора атлас белбоғда. Бор, опчиқ. Ишинг бўлмаса юр сен ҳам. Қариндош-уруғинг билан мундоқ яқин бўлишни ўргангин. Шўртумшуқ бўлмагин бунақа.

– Шаҳарга тушаман. Битта этик оладиганман. Кейин печкага тирсак ҳам.

– Мўрилиги бор эканми?

– Ҳа, иккита тирсак опкелсам бўлди. Сизни машинага солвораман.

– Йўқ-йўқ. Ўзим бораман. Мошинлари курсин. Ҳали кучим бор.

Кампир ҳеч таянмайдиган, лекин узоқ йўлга эҳтиётдан олволладиган ҳассасини қўлтиқлаб, бошига Турғуннинг эски қўйлагини ташлаб олган, бир қўлида туғуни, кўчага чиқди.

\* \* \*

Юмалаб юрган ерда яна учрашдик-а, Ойдин. Ўзи у кун кўрганимдан бери ўзимга келолмай юрганимда...

Бу гал шаҳарда, бозорда.

Бизни ҳеч ким танимас эди.

Яқин келдинг. Жилмайдинг.

“Юрибсизми? Сизни кўрсам эзилиб кетаман, важдоним қийналади. Нималар бўлди-я ўзи?” дедим. Кейин кўзингга ёш олиб, одамзорга сингиб кетдинг.

Нега йиғлайсан?

Бозорга нимага келганимни унутиб, “Форд” дейдиган уловга чиқиб олибман.

Энди бу тун мен ҳам йиғлайман. Йиғламасдан йиллаш нималигини биласанми? Билмайсан-да, ўқиб юрган йилларим, учинчи курслигимда кўз олдимизда бир қизни автобус босиб кетди. Тўрт киши эдик. Миямда бир нарсачарсиллади, кўзим бирпас ҳеч нарсани кўрмай қолди. Ёмғирли кун эди. Одам кам жой. Автобусчи қалтираб тушиб келди. Беш-олти йўловчи ойнага ёпишиб бошини сарак-сарак қилади, юзини юлади. Одам тўпланди. Нечталарининг юраги ёмон бўлиб қолди. Ердан кўтариб четга олдик, ҳамма ёқон. Милиционерлар билан дўхтирлар: “патанатомга деб жўнатишди. Курсдошларим ҳаммаси вой-войлаб йиғлади. Мен эса, йўқ. Ичимда йиғи бошланса, сиртимга чиқмайди.

Йўқ, асли кичиклигимдан йиғламаган эканман. Дадам уйланаётганда бувим “Бориб дадангнинг этагига осилиб йиғла, зора сенга ачиниб бирор йил туратурса”, деди. Сира тушунмайман. Нега бувим дадамнинг ҳеч бўлмаса бирор йил уйланмай туришини истади экан. Барибир, йиғлолмадим. Этагига осилиш тугул яқинига боролмадим. Нега бундай бўлди, буниям билмайман. Эртаси бувим йиғлаб-йиғлаб онамнинг бошига сув қуйиб келди. Келиб ҳам ҳовлини айланиб овозсиз-овозсиз йиғлади, ичкари яланбувининг уйига кириб увиллаб-увиллаб йиғлади. Мен эса, йўқ.

Сен бир кўриниб кетасан. Мен туни билан йиғлайман.

Тўйимиз ёдингдами?

Менга бир марта бўлсин, қарамадинг. Қарамаганинг ҳам қанчалик ёқимли эди-да, Ойдин. Жон-жонимни ширин-ширин ўртантирарди. Сен фақат меникисан, менгагина муносибсан, деб ўйлардим. Қара, ўзимни қандай баландга қўярдим. Кўлмак ўзини кўл санаркан.

Келиндек юрган кунларингда “Ҳеч йўқса уйимда-ку, бировнинг қўли етмайди”, деб ўзимни овутган чоғим ҳам бўларди.

Сен эса бировга...

Ҳа, буям пешона экан-да. Нодонман, ҳеч нарсани англамабман. Ҳали уйимда яйраб-яшнаб юрасан, ҳали дўмбиллаган болаларимиз бўлади деб ўйлабман.

Опам биринчи жиянимга бошқоронғилигида ғўра сўрагани-сўраган эди. Шунча дарахти бор боғимизда аксига олиб битта қўтиру битта аччиқ данакдан бошқа ўрик йўқ экан. Бувим мени Сойвали тоғанинг боғига юборди. “Болам, онанг бор бўлса, ўз боғингларга ўзинглар эгалик қилардинглар. Ўриги ҳам кўп эди, – деб кўзига ёш олди. – Бор ғўра топиб кел. Жиянинг пучуқ бўлиб қолмасин тағин”.

Бир халта олиб келдим. Опам кеч тушгунча тузга ботириб, ғирс-ғирс чайнаб ўтирди.

Сен ҳам ғўрага бошқоронғи бўлардинг. Мен Сойвали тоғанинг боғидан бўйлаб-бўйлаб киролмай қайтиб келардим. Чунки энди ёш бола эмасман, боғнинг ҳам деворлари баланд бўлиб кетган. Сен бувимга менинг эртадан кечгача куттириб тўрттагина ғўра топиб келолмаганимдан шикоят қилардинг. Бувим сенга “Ҳа, қизим-а. Бекорга айтганларми, эрингга ишонгунча эрганақ эшигингга ишон, деб. Қўявур. Турғунбойимнинг бунақа ишларга уқуви йўқ. Дарвозаси баста бўлса нима қилай, деб ўтирибди. Ўзим ҳозир топиб келаман. Камбағалга битта эшик ёпиқ бўлса, биттаси очиқ.

Бу домлалигини қилсин”, дерди. Кейин Ойимби хола-нинг уйига чиқиб, неварасига айтиб бир коса уздириб чиқарди.

Ҳали биринчи боламизни бешикка белаганда сенга “Бойчечак”ни айттираман, дердим, Ойдин. Айтмасанг ўзим айтаман, дердим. Биринчи боламиз қиз бўлармиди?

Бойчечагим бойланди,  
Қозон тўла айронди,  
Айронингдан бермасанг,  
Қозон-товоғинг вайронди.

Ҳа, менинг болам, менинг қизим бойнинг чечадек гап. Ўзингга ўхшаган чип-чиройли бўларди. Бойланиши билан сен унга насибасини бермасанг қозон-товоғингни вайрон қилиб чирилларди. Мен қотиб-қотиб кулардим.

Бойчечакни тутдилар,  
Тут ёғочга осдилар.  
Қилич билан чопдилар,  
Бахмал билан ёпдилар.

Ҳа-ҳа, маҳалланинг бешиксолдига йиғилган болачалари менинг оғзимдан илиб кетиб атрофингда шуни айтарди.

Биласанми, Маман чолнинг айтишича, қилич билан чопди дегани бешикка солинган боланинг устига иримига пичоқ теккизиб қўйганини билдираркан. Яна кейингиси ўғил бўлсин дегани экан. Яхши тушунолмадим, балки, ўғил бўлса чипронтўй бўлади, деб шунақа дейишганми. Яна у айтадики, бўй дегани кичкина маросимни, тўй дегани катта маросимни билдираркан. Бойчечак бўйчечак бўлган экан. Кичкина маросимда янги туғилган болага аталар экан. Яна ким билсин.

Бувим боламизнинг икки елкасидан тутиб енгил силкитиб, тут бешикка ётқизарди.

*Бойчечакни тутдилар,  
Тутёғочга осдилар...*

Қўлпеч билан оёқпечларини боғларди. Бешик усти-  
га бахмал ёпқич ёпарди. Сени имлаб ёнига ўтқазарди.

*Бойчечагим ҳуллоли,  
Ҳамён-ҳамён тиллоли...*

“Ҳа, энди тушундим, – дердинг сен, – ҳамён-ҳамён  
тилласи тувагида бўладими?” Кейин кулардинг.

Мен сочқи сочардим. Сен қизимиз боғланаётганда  
нон тишлаб турардинг. Жияним Яшнар нонни олиб  
қочарди. Сен уни қувардинг. “Етолмайсан”, дердим  
орқаларингдан юриб. Яшнарга тайинлардим, у қаттиқ  
қочмасди. Ахир йигирма кун аввал туққан бўлсанг. Се-  
кин юриб ҳам етиб олишинг керак. Етиб олардинг, кўз-  
ларинг чарақлаб, лабларингдан аввал куларди. Нонга  
қўл узатардинг. У бермасдан тихирлик қилиб бир-ик-  
ки айланарди. Боламиз ёнига қайтардик. Бувим эта-  
гингга солган сочқини бешик устидан сочардинг. Кей-  
ин қанд териб юрган болаларга нонни ушатиб-ушатиб  
берардинг. Мен ҳам нарида турган бир калла қандни  
олиб сочардим. Тишлаган жойингни ушатиб ўзингга  
қолдирардинг, кейин ея олмай, менга узатардинг, Ой-  
дин. Тишлаган нонингни тишласам ҳам, биз уришиб  
қолмасдик. Яхши эдинг, ҳаммадан яхши, Ойдин.

Кейин бувим кулчатой<sup>1</sup> пишириб келарди. Эварам  
кулчатойлоқдай бўлиб ётсин, дерди. Сен бир коса кул-  
чатойни ичиб олардинг. Мен боламнинг ризқи бутун  
бўлганидан севиниб тўйиб қолардим. “Ишга кетдим”,  
деб сенга кўз қисиб қўярдим. Сен бувим томонга кўз  
ғилдиратиб, унинг қилиғимни кўрмай қолганига хо-

<sup>1</sup> Кулчатой - шилпилдоқ

тиржам бўлардинг, жилмаярдинг. Оппоқ юзингдан кулгичларинг ўйнарди.

Ишдан келсам, “Боламиз кучаняпти. Бувим кигиздан бақа кесиб бераман, дедилар”, дердинг. Кейин бувим бешик кўрпачалар тагига бақага ўхшатиб кигиздан кигиз бўлакчасини солиб кўярди. “Энди кучаняпти майди. Турғунбой, эсингдами, опангнинг каттасияш шунақа кучаноқ бўлганиди. Иримини қилганимиздан кейин яхши бўпкетган”, дерди бувим.

Сен кир ювишга тутинардинг. Бувим ўчоқбошига кетарди. Боламиз бешикда йиғласа, бувим, “Отаян қарасин-да, ҳўкки<sup>1</sup> дек сўппаймасдан, ўтир хуйё-хуй<sup>2</sup> айтиб овутиб тур”, дерди.

Боламизни бувим тўлпоқдай қилиб катта қиларди, Ойдин. У опамнинг болаларини ҳам жуда папала тетилтириб<sup>3</sup> берган. Опам ҳеч қийналмади. Сал иситма чиқиб қолса, югургилаб олиб келаверади. Бувим аввал бола билан экалашади-да, охири тинчиб кўзларини мўлтиратиб турганда, боланинг тилидан: “Татабуви, биз яна телдик. Ойқамизга туқум қисилиб полди. Яқши оқат еданда сиззи эсламадик. Энди кейак бўлдиндиз. Чунақа гаплай”, деб кўярди ҳазил-чин аралаш. Эртасига мени хабар олишга жўнатарди. “Боласи куюгига кулча бўлсин. Бориб хабар ол, – дерди, кейин яна тайинларди. – Сигир соққан номи бор, ён-вери кўшни тугул ким сўраса пул олмай берсин. Шу сут-қатик сотиш бир вақтлар уят эди. Бир-бирига узатмаган одам бўлмасди. Айтиб қўй, қўлининг хайрини қилиб, қари-қартангга сўрамасидан бериб турсин. Оқликка чиққанлардан сира-сира айирбош олмасин. Оқлик сотган оқармайди”.

<sup>1</sup> Ҳўкки – эгилолмайдиган букри.

<sup>2</sup> Хуйё хуй – ота алласи.

<sup>3</sup> Тетилтирмоқ – тетик қилмоқ, оёққа қўймоқ.

Ана, дарвозамизга ҳам келибман.

Турғун хаёлини йиғди, кўча эшик сув сепиб, супурилибди. Кўнгли бир ағдарилди, ўйноқлаб тушди. Елкаси бир босилди. Ҳалқага қўл юборди.

Сўрида жиянлари ўтирибди экан. Юзига севинч ёйилди. Ана, уй тўлибди. Ҳали хаёлидан ўтувди. Опаси Турғунни кўриб, ўчоқбошида шошиб ўрнидан турди. Жиянлари чопиб келишди. Кичиги сўрида ўтирган жойида қўлини чўзди.

Сўрашиб бўлиб, кўрпача четига чўкди.

– Ишлаяпсанми? – деди опаси кўзида ёш айланганча жилмайиб.

– Ҳа, бўп турибди.

– Бўйинг янаям баландлаб кетибдими, ё кўзимгами?

Турғун жиянининг сочларини қўли билан тўзғитаркан, елка қисди.

– Буви, ўтираверинг, ўзим сузиб келаман, – опаси ўчоқда куйманиб юрган кампир томонга кетди. Кампир сўрига яқинлашди.

– Калнинг нимаси бор – темирдан тароғи. Тўрвангни қўй, ҳадеб қучоқлаб ўтирмасдан.

– Кийиниб чиқарман.

– Манави қорамайизни қара. Сени кўтаради деб интила бўлиб мўлтираб ўтирибди. Ол қўлингга.

Турғун йўлга кирмаган жиянини кўтариб олди-да, бир қўлида сумкаси билан уйга кириб кетди.

Қайтиб чиққанда дастурхонда бир оштовок палов турарди. Кампир ўчоқбошидан туриб Турғунга хабар берди:

– Тарғил сигирни тоби йўқми, кўпам тертга қарамади. Яшнар этаккача бир қур юргизиб келди.

Қутлибека бошини тебратди:

– Буви-ей, қариганда мол-ҳол ҳам ўзингизга қолиб ўтирибди. Турғунингиз бунақа кеч келса, қийин экан.

– Кучим етганини қиламан, болам. Эртаман б  
стирмани тагига чиқармаган экан. Шунга емиши  
соп қўя қолай девдим. Уканг ўзи етиб келарди. Бут  
кечикди-да.

Қутлибека пиёлаларни ариқ сувида чайиб келди  
Боласига сузган овқати билан қошиқларни олиш  
кетди. Дамлаб ўчоқ оғзига чўғ устига қўйилган чо  
накни кўтарганча, сўри томон келаётган кампир бир  
дан тўхтади.

– Ий, оймомо янги бўптилар-ку. Бу жужуқлар  
шунга момасини уйига йўрғалаган экан-да.

Кампир чойнакни Турғуннинг олдига қўйиб, ой то  
монга ўгирилди, тик турганча қўлини фотиҳага очди.

– Омин, Яратган Худоё, кўрсатган кунингга шукур.  
Етказган янги ойларингга шукур. Келар шунақа ой  
келар шунақа кунларга тўрт кўз тугал, қатордан к  
мимасдан, санокдан тушмасдан ўйнаб-кулиб етайли

Кампир пичирлаб яна бир нарсалар деди-да, қў  
лини юзига сийпаб, сўрида қатор ўтирган болаларни  
чақириб, битта-битта бағрига босди. Кичик эвара  
си ҳали бувиси чақирмасидан кети билан судрали  
ачом-ачомдан қолмаслик учун интилди. Кампир ҳар  
бирини кучоқлаганда, “Боладай беғам бўлайлик  
деди. Кейин невараларига хитоб қилди:

– Сенлар ҳам ачомлаб қўй, янги ойни кўрганда бола  
кучоқлайди.

Турғун жилмайди, бувисининг ўзи ҳали болалиги  
да ҳам шундай қилганларини эслади.

Кампир икки катта эварасига буюрди.

– Қани, туринглар, бу ер тор. Ана у супага бориб  
ёқ-бу ёққа юмалаб келинглари. Боринглари.

Болаларнинг бири онасига, бири тоғасига осилиб,  
сўридан тушиб, палос солинган супага чопиб кетдилар

– Нон кўтариб келмасанг, эшикдан киритмасми

- дик, – деди бувиси нон синдираркан Қутлибекага.
- Йўқ, энди... Бугун ёпувдим. Сингиб пишибди. Қизаравермади. Камроқ ўт туширибман, шекилли.
- Ўтинингни аяма, нонингни таяма, деган. Ёўзапоянғ қолмадими?
- Тугаб кетди-да.
- Бошидаёқ аралаштириб ёққин эди. Хала хўп, кунжара кўп қилаверсанг, шунақа бўлади-да. Ҳовли-ҳарамни супурганда, ер-андизни йиғанда тишқовлағичдек калтакни ҳам йиғиб тандирга тикиб қўй. Уволга йўл бермасанг, барака келаверади.
- Ҳа, йиғаман. Аввал ҳам айтгансиз-ку.
- Тағ-тагини тозалаб ишлат ўтинни. Ўйганники ўн кунга, қирганники қирқ кунга.
- Ҳури қайнисинглимининг ўртоқлари қайноналаримникида сумалак пиширганда ёўзапоялари йўқ экан, бизникидан опкетишувди-да, қатлама-бўғирсоқ пиширишга деб. Шунгаям сал етмай қолди.
- Майли, эрингга ғиқ этиб ғишава қилма. Қайнотанг солиб берган уйида ўтирибсан. Ис-тис қилмагин, оғзингни очма, болам.
- Қутлибека енгил кулди.
- Оғзимни очиб бўлганман-ку.
- Қўй-а, эси йўқ, тугади, деб айтсанг, келтириб беради. Қўли тошни орасида бўлмаса. Ишли бўлса. Мана, Қамбар акангни қара, бекорчи. Ишлагани ор – егани зор бўлиб ўтирибди. Кечаги кун хотини “Мол-ҳолингизни тагида хашаги бўлса опчиқиб кетай, нон ёпишга ўтинимиз йўқ эди”, дейди шўрлик. Яшнарни бостирмага чиқариб ўн-ўн беш боғ ёўзапоя ташлаттириб бердим. Эридан гапирсам, “Йўқ, мана, душанбадан ишга чиқадилар, қурилишда иш бор экан”, дейди. Кошки Қамбарни билмасам. Булар қишдан қанақа чиқар экан. Ўғли ҳали кичкина. Янаям хотини бечора пишиққина,

кепагини сичқонга олдирмайди. Учма-уч кун кўрсан кулиб тураверганини айтгин.

– Қишнинг иши қийин экан, буви. Печка гумбурла турмаса, овқат пишмайди.

– Қаттиқ ўтинни эҳтиёт қилгин. Ёз ичи тўнгала топсанг қазноққами, томгами отиб қўявур. Кир-пирт сув иситсанг, ўтинни увол қилмай тезак-пезак, эски калиш-палиш қалагин.

– Ҳа, ўтган қиш боғдаги олмурутни ҳам кесворганмиз. Яхшиям, кунлар исиб кетиб, ўшандан оз-моз қолган.

– Ҳа, оқпон<sup>1</sup>дан кейин илиб қолди. Олмурутни бекор кестирибсан-да. Ўзи қуриб тўкиларди, қорноғриққа дорийди-я. Одамлар ёзи билан қоқисини ахтариб юради. Сенларга қайнотанг боғ қилиб берган бўлса, кесиб битирасанларми энди?

Қутлибека кулди.

– Дадам ўзлари келиб кестирдилар, буви. Тепасиде тераклар бор. Шира босиб қоляпти. Бир-иккита олма кўчат экиб бердилар.

– Ҳа, тузук. Ўзимизни нондан ол сен. Жизза солганман.

– Вой-вў, намунча жizzesи кўп?

– Камбағалнинг бир тўйгани – бир бой бўлгани, деди Турғун опасига кўзини қисганча, бувисининг жавобини чамалаб.

Кампир кичик эварасини икки қўлтиғидан тутиб оёғига турғизди-да, икки қўлидан дам-дамаки тортди. “Ўроқчи, кетмончи, қу-қу қушни болоси, пўпалагим пўпалагим”. Бола қиқир-қиқир кулди. Кампир болани ёнига ўтказди. Қиёфаси бирдан жиддийлашди.

– Мен камбағал бўлсам ҳам, хуржунимнинг икки кўзи тўла. Пичоғим ёғ устида. Ҳар йил иккита жонлик сўймасам, қиш чиқарганча бўлмайман.

<sup>1</sup> Оқпон – январдаги олти кун.

– Ҳа, буви, кўлингизда барака бор. Ўзимдан қиёс, бир кун ёғим тугаб қолади, бир кун гуручим. Бир кун битта гугурт тополмай Дамариққача кеп-кетдим, – деди Қутлибека.

– Аввал рўзғорни бутлаб олинглар. Ҳайҳаяк<sup>1</sup>ни кейин қиласизлар. Йўқ кўрганим – кетида шими йўқ, овози йўғонлар.

Опа-ука бир-бирларига қараб хохолаб кулиб юборишди.

– Куёвингиз битта сотиладиган ер чиқди, пул бўлса олардик, дейди. Ўзи рўзғорга аранг етказамиз-ку, ер олармиш.

– Майли, ният қилиб юравурса, эртами кеч, ажабмас. Мол-ҳол қилиб олди-ку. Уйни кути хотиндан. Минг айтдим, намоз ўқигин, саҳарлари онангга, синглингга, яқинда ўтди – эрингнинг момосига бағишлагин деб. Ер-сув эгаларини эсдан чиқармасанг, уйингга шайтон доримайди. Болаларинг ҳам дастурхондан оминсиз турмасин. Ҳадигиринг қилиб чопавурмасин. Каттангга алҳамдулилло билан калимани ўргатдим. Ўйинини ўйнаб келгандан кейин Худо дейишсин. Ота-онасига умр тиласин, олим бўлай деб ният қилсин.

– Менга ўхшабми? – гап ташлади Турғун.

– Ношукурсан, болам, сендай бўлолмаганлар қанча. Хотинлар тўй-тўйчиқда домла неварангиз ҳам ишлаб юрибдими деса ҳузур-ҳузур қиламан.

Қутлибека укасига мамнун тикилди.

– Нон ёпишга қийналмаяпсизми? Кўз дўхтири иссиқдан эҳтиётланг деганиди-я, нима қияптилар экан, деб ҳар тандирда сизни ўйлайман, буви.

– Ҳамирини Асқарнинг қизи ишлаб беради. Нон ёпиштирганда кўзимни юмиб-юмиб кираман. Кўпда Санамби ёпиб беряпти. Иккита калла қанча нон ердик.

<sup>1</sup> Ҳайҳаяк – янги кийим кийиб юриш, ўйин-кулги, байрам.

Кичкинанигни бу ёққа узат. Ўзинг униси билан оворасан. Томоғи тушиб кетди аялимнинг, – кампир гапни бошқа ёққа айлантирди. – Қайнисинглингни ўша Туроббойнинг ўғлига берадиган бўлишдими?

– Ҳм, шунақа, шекилли.

– Энам чойдиш қўйдила, Қайнамасин дедила, Манн чолга бердила, Ўинамасин дедила.

Қутлибека укасига қаради. Иккиси яна кулишдила.

– Энди биз ҳам қиз бермасак, Эркинбой ёлғиз ўтмасин дедик-да.

– Туроббойни ўғли ўзи пасманда, кўнгли осмонда бола бўлган экан. Э, Худо, ўзинг кечир. Бировнинг устидан гапириб қўйдим-а. Кулгилик эмас, тақдир-да болам. Ҳукмида нима бўлса шу бўлади. Раҳматлики энам айтардилар, ўзингда турибди бир айб, кишига кулмагин қинқайиб.

Неваралар ерга қарашди. Қутлибека жимликни бузди.

– Сен ҳам юравермай, турмушингни бир изга солишни ўйласанг бўларди, ука. Кўрганга сўроқ бераман. Нега ажрашишган, дейишади. Анов куни Ортиқпошша опа ҳамманинг ичида “Ишқилиб, укангнинг тани соғми? Бувингга саксондан ўтган чоғларида қийин бўлди-да. Янаям кучлари бор экан”, деди. Биров билан бизнинг қилдек ишимиз йўқ. Одамлар изза бўлсанг, маза қилишадими дейман.

Кичкинанинг нон тўғралган сутини қошиқда ичираётган Турғун пиёлани дастурхонга қўйди-да, ўрнидан туриб кетди.

– Бувим ҳам рўзғорга қийналяптилар ахир. Бизни шу умидда катта қилганмилар? Келинимизнинг аммаси гапириб юрибдимиз. Ярашаман, деса, сен кўнмаётганмишсан. Ўзингмасмиди, бошқа ҳеч ким, бўлса шу деган? Нега энди бунақа қилиб юрибсан?

– Бўлди, Куллуғча, еган овқатини заҳар қилмагин, Худо бир йўлга солар. Тақдири чала бўлмаса, ярашиб кетади. Келғунича қачон келади, деб эсинг кетди. Энди сиркадек сидирганинг нимаси? – Кейин оёқлигини кияётган Турғунга қаради, – ўтир, ноннинг юзини қил.

– Ўзингиз қийналяпсиз-да, буви.

Мен нимага қийналаман? Бўлди. Кўп дакки берма, қоқбош.

Эртага нон ёпиб бериб кетайми?

– Кўй, йўлдан чиққан йўлдош бўлармиди. Нонимиз бор. Сен ёш бола билан ўзингни эпла. Ўзи кўзимдан нари у ёқда юрасан, тағин дастёрини олиб кўйдим, бир ойлаб ишимни қилдирдим, деб ичим тўкилди.

– Нега энди? Қийналадиган ишим йўқ.

– Онанг раҳматлик бор бўлса, бола туққанингни ҳам, қандай катта бўпқолганини ҳам билмай қолардинг. Бирам болани яхши кўрарди-я. Кичкинангни олакунга ўтирғизиб тургин. Гулофтобпараст бўпти. Филмаккина-я. Рангида қони йўқ, танасида жони йўқ бўлмасин. Ҳадемай йўлўргамчик бўлади.

Қутлибека бош силкиди.

Кампир катта қиз неварасига тикилди.

Олдингдаги тишинг қани?

– Қимиллатдим-қимиллатдим, тушди. Жичча қонади.

– Аянгга бердингми?

– Беювдим, “Айёа тишим сенга, болта тишинг менга”, дегин дувдила, дедим, кейин томга о-отвойдила.

Қизча қўлини том томонга силкиди.

– Қайтиб тушмадими?

– Йў-ўқ. Каттабуви, – қизча ҳалидан бери аясию тоғаси билан бир нималарни гаплашиб тўхтамаётган каттабувисининг ўзига қараганидан севиниб кетди, чоғи, кўзи чақнаб ялинди, – битта топишмоқ айти-инг.

- Оғилдан чиққан оқэшак қайтиб жойига кирмас. Нима?
- Эшакни боласими?
- Йўқ.
- Эчкими? Улоқми?
- Сенинг тушиб кетган тишинг-ку, билмасвой.
- Тишимми? Ҳа-а. Яна айтинг.
- Тополмасанг-чи?
- Топаман.
- Акасини укаси қитиқлайди, чиққунимча топ бун.

Кампир шом намозини ўқиш учун уйга кирди. Қизча тоғасининг тиззасига уриб, ёрдам сўради. Турғунунинг қулоғига пичирлаб, “Қулф-калит”, деди. Жияни митти қўлчаларини бир-бирига уриб, чапак чалди.

Сутдек ойдин кечада у ёқ-бу ёққа ағдарилиб ётган Турғун, охири, секин ўрнидан турди-да, пиш-пиш ухлаётган жиянларининг оёқ томонидан оҳиста қадамлаганча, ҳовлига чиқди. Сўрига чўкиб, суянчиғига елкасини тиради. Юлдузлар чарақлаб ётган кўкка тикилиб турди-ю, Ойдиннинг юзларини топиб олди. Ана у! Жилмайиб турибди. Кўйлаги ҳарир-ҳарир.

Қулоғига ғамгин бир куй эшитилгандек бўлди.

*Тинглагил, най не ҳикоят айлагай,  
Айрилиқлардан шикоят айлагай.*

“Ойдин, энгингга бирор нарса ташла, шамол тегиб қолади. Нега куласан? Одам ҳам ўзидан-ўзи куладими? Биласанми, сен менинг ҳув ўшанда топган бойчечагим эдинг. Болалигимда қўй боқиб юриб, бойчечак топиб олдим. Олдидан сира кетолмасдим. Узай десам, қуриб қолади, узмай десам бирам чиройли. Ёнида ўтираверибман, ўтираверибман. Эчки-қўйларим кетиб қолибди. Икки кун қидирганмиз. Янаям инсофли одамнинг уйига бориб қолган экан.

Ойдин, ҳа-ҳа, сен ўшандай бойчечаксан. Узса қурийдиган, узмаса бўлмайдиган...

Эй, нима ўзи? Бойчечак болами, гулми?

Бола, ҳа, аввал бола, кейин гул. Гул – одам дегани.

Ойдин, бугун опамнинг алла айтишини роса кутдим. У бўлса яна бир хилда ғинғиллаб боласини ухлатди. Эшитяпсанми, мен аллаларни ҳам билардим. Агар сен айтолмасанг, ўзим ўргатардим. Бувим “Болага яхши-яхши ният қўшиб алла айтиш керак, чин-чиноғичи билан айтиш керак”, дейдилар.

Агар сен Йигитни эмас, мени яхши кўрганингда эди...

Биз ой ёруғида сўрида боламизни ухлатардик. Сенга ривоятлар айтиб берардим. “Шарқ ривоятлари” китоби эсингдами? Бир куни ишдан келсам, сен уни ўқиётган экансан. Кўриб қолганимдан ғашланиб, китобни нарига итқидинг”.

Катталар ухламаган эса ҳам, жим ётишарди. Кўча томондан магнитофон кўтариб юрадиганлардан бири ўта бошлади, чоғи.

*Севганим бир ёр эди,*

*Ҳурматим бисёр эди.*

*Бевафо эркан малак,*

*Мен эса жони ҳалак...*

Эшитгувчиларнинг бариси осуда оқшомда баралла таралаётган қўшиқни тинглаб, бир одам ҳақида ўйлашар, бирида афсус билан тадбирга, бирида ўкинч билан умидга, бирида муҳаббат билан нафратга қоришиқ ўйлар эди.

*Риштани узди ўшал,*

*Аҳдини бузди ўшал,*

*Янги ой чиққан кеча.*

*Янги ой чиққан кеча.*

Оҳанрабо овоз кўча бошига етди. Чала-чала эшитилар бўлди:

*Эски дард янги бўлар,*

*Янги ой чиққан кеча...*

\* \* \*

Жума – қишлоқда бозор ёйиладиган кун бўлади. Саҳардан машиналарнинг у ёқ-бу ёққа ғизиллаши кўпайди.

Бувиси тайинлаган енгилгина бозорликни қилиб, тор кўчага йўналган эди, шундоқ гўшт дўкони олдида турган Ботирга кўзи тушди. Ботир ҳам уни кўриб яқинлаб келди-да деди:

– Домла, бугун гап меникида, эсдан чиқмасин-а.

– Ҳа, бораман.

– Домлавой, пулли каттароқ оббораверинг. Ҳозир зарил ишлар бор. Ўзингизникида крупнийроқ тушади.

Кўрсгина жавоб қилди:

– Майли, кўрайин-чи.

Аллақачон ойнинг охирги шанбаси кепти-ку.

Кўнгли алланечук ғашланди. Бу гал Ботирникида Долим билан юзма-юз келиш бор. Бир ой ичида қанча гап-сўз айланди. Яқинда ўзини кўрмаганга солиб ўтиб кетди Долим. Уфф!

Ҳали шаҳарда ўқиб юрганида, “Қишлоққа қайтсам, синфдошларим ҳаммаси менинг оғзимга қарайди, тўй-тўйчиқни қачон ўтказишдан тортиб, кекса ўқитувчими, бетоб бўлган синфдош ё ота-онасини кўришми, маслаҳатим билан бўлади”, деб ўйлаганди. Тўдаланишса, савобли бир-икки ишларни дилига тугиб юрганди. Қаёқда. Ўнгмаганнынг ўқи қия кетаркан.

Мактабда энди иш бошлаган йили биринчи гал Тошмирзаникидаги гапга борди. Бу синфдошлар ичишни қачон бунча яхшилаб ўрганиб олишибди

экан. Тошмирза отига мос дағал йигит, ўзининг уйида бўлса ҳам аяб ўтирмади, тап тортмади.

– Дарс беряпсанми? Эркак кишиям она тили муаллими бўладими? Ўқиркансан, юристми, прокурорми, дўхтирми бўлмийсанми?

Иззаси ичига тушди. Гапиргувчи бурнини жийирди. Бошқа бир-иккиси ҳиринг-ҳиринг кулиб, гапга аралашди. Бировлари кўзини олиб қочиб ўнғайсизланди.

– Бирортаси сўраса математикадан бераман, деб қўявур. Бизниям уятга ўлдирасан бўлмаса.

– Йўқ, яхшиси, ота тилидан дарс бераман, десин.

– Вах-хах-ха!

– Бўлди эй, она тили ўқитса нима, яхши-ку?!

Ўшанда бир-икки тузук муомала қиладиган синфдошларининг-да нописандлиги ошган бўлди. Шу-шу зиёфат деган жойда тикан устида ўтиради.

Шанбадаги дарсларини ҳам ҳузур қилиб ўтди. Ўқувчилар пахта мавсум эрта тугаб қолганидан хурсанд, яна ўқишга зўр беришган эди. Адабиёт дарси бор кунни доимгидек кута-кута ўтказишган олтинчилар пешиндан кейинги охирги соатни тугатиб, энди қизиқдан-қизиқ дарсда кечган гапларни бир-бирига қайтадан айтиб, тасдиқлатиб, “Менга ундоқ дедилар”, “Сенга бундоқ дедилар”, деб дарвозадан чиқиб боришарди.

Турғун уларга аралашмай бирпас кутиб турди-да, ташқарилаб, уйи томонгамас, ўнг томонга, Ботирларнинг уйига қайрилди.

Ботирнинг ўзи ташқарида экан. Қўшнисидан нимадир сўраб турибди. Уни кўриб, шу ёққа юриб келди.

– Э домла, хайрият, кеп турибсизми? Саломат, – қўл узатиб сўрашди. Эшик олдиданоқ кўтарилган сўри бўйлаб юриб зиёфат қизиётган уйга олиб кирди.

– Турғунбой домла, келинг, келинг.

Қартабозлик авжида эди. Синфдошлар икки тўп бўлишибди. Бировининг ичи тўкилган, бирови қолиб бўлаётганидан кўзлари ўйнаган, бирови норизоланиб писинг<sup>1</sup> отмоққа ўтган.

– Ий, домламиз кептилар-ку. Қани, тўрга ўтинг, тўрга.

– Тўрда бало борми? Кеч қолиб ўтирибди-ку. Ўзи болаларни нима қилади – бурчакка турғизади. Домла, туринг бурчакка!

Долимни кўриб ранги ўчди, талмовсиради. Бирови елкасига қоқди.

– Бунча бўшашасиз? Маҳкамроқ бўлинг. Бунақада хотин эшигингизга оёқ босмайди. Юрасиз орқасидан ялини-иб.

– Бўлди, эй, гап кўпайтирмай... – бирининг гапи оғзида қолди.

– Унақамас. Домла гордий. Ўзимиздан. Тўғри қилади, ялинмайди.

Зиёфат эгаси изза қилгувчиларга ишора қилиб, жимитган бўлди.

Турғун кўз қири билан тўр томонда ранги бўзариб ўтирган Долимга қаради. Ичи зирқиради.

Бириси ўтираётган жойида шарт ўгирилди:

– Бошқа бир гап эшитдим-ку мен. Мактабда бекор юрмаган экансиз-а, домла? Тўй қачон энди?

Кимдир ғапиргувчини туртиб тахмон пардага тикилиб турган Долимга ишора қилди. Ботир гапни чалғитмоқ бўлиб “Ҳой, қани, у ёққа”, деб турган эдики, Долим шартта ўрнидан турди:

– Сен нега хотинингни ҳайдаб энди ҳамма ёқни булғаб юрибсан? А? Кимсанки, қиз болани йўлдан ура-сан? – оғзида гапи, дастурхон бўйлаб Турғунга яқинлаша бошлади.

<sup>1</sup> Писинг – пичинг.

– Ҳеч кимни йўлдан урганим йўқ. Жамила ўқувчим, холос. Ўйлаб гапир!

– Менга қара, ўв, отиниям атама! Нима, сенга мас-харамизми?! Хотинингни эплолмасанг, қиз боланинг номига доғ тушириб янгитдан уйланаверасанми?

– Ким сенга мени уйланмоқчи деди? Мен ҳеч ким...

– Менинг синглимда нима айб? Хотининг бирорта-си билан искашиб қўйганки, ҳайдайсан?

– Ҳайдаганим йўқ. Ўзи кетган. Бас қил, Долим, ноҳақсан!

– Нўхтасини тортолмаганингдан кейин юрарми-ди? Ўша ўқишингда хотин билан қанақа гаплашишдан ўқитмабди-да-а?

– Аралашма, бу менинг ишим!

Йигитлар ўзлари билиб-билмай ўринларидан туриб кетиб, ҳай-ҳай қилишга ўтишганди.

– Ие, сенинг ишинг нима ўзи?! Мактабда қизларнинг номига қора ёпиштириш ҳам сенинг ишинг!!! Сен ўзи бола ўқитасанми ё қиз пойлайсанми?! Опкелиб яша хотинингни! Эплолмаяпсанми?! Менга айт, сакраб кетмайдиган қилиб нўхталаб бериб тураман!

Турғун қачон Долимнинг ёқасига қўл юборди, қачон уни ерга босди, қачон юзига муштлади, билмади. Кўзи кўра бошлаганда, қарасаки, икки елкасию қўлидан оғайнилари тутиб турарди. Ярим гавдаси дастурхон устига чўзилиб қолган Долимнинг оғиз-бурни қон, ўртага қўйилган нарсалар сочилиб тўкилган, сингани синган, қон томчилари дастурхонда ҳам, сочилган егуликлар устида ҳам кўринар эди.

Турғун ташқарига юрди. Долим оғзини тўлдирди:

– Ҳе, онангни!..

У сапчиб ортига қайтган эдики, синфдошлари икки елкасидан ушлаб, куч билан ҳовлига чиқарди. "Бор, уйингга кет!"

– Тўхта! – деди орқадан бирови. Буниси ичкарида синфдошлари елкасидан босиб турган Долимнинг оғайниси Кенжа эди. Чопиб келди-ю, қорнига мушт солди, ўнгангунича бошига ҳам зарб тушди. Турғу рўпарасидаги синфдошини ўхшатиб тепди. Қўллари бўшалди. Шу пайтда Самад етиб келди. Турғуннинг қўлини куч билан қайириб турганларни силтаб ташлади. Икки синфдош энди бўралаб сўкинаётган Кенжани ичкарига судрашди. Бирови анча нарига боргач, бақирди: “Бор дедим сенга! Ўлмайин десанг, тезроқ кет!!! Самат, юр!”

– Ҳа, кетади, йўқол сенлар! Ҳамманг тварсан! Ажратишнинг ўрнига ушлаб бериб ўтирибсан! Одаммисан сенлар?! Тварлар!

У ёқдагилар сўкинди.

– Ким ушлаб берди?

Ботир уларнинг ҳовурини босиб, Самад иккиси томонга чопиб келди. Тинчитишга уринди. Зиёфати бузилганидан ранжиган эди. Қовоқ осиб, “кетманглар” деган бўлди.

Узун йўлакдан гандираклаб кўчага йўл олди. Самад Ботирга узрхоҳлик қилди. Ортларидан аёл кишининг қарғангани эшитилди: “Худое, домла бўлмай ўл! Ҳамма ёқни ҳаром қипти. Келмай ҳам ўл!”

Кўча бошидаги майдонда ўтирдилар.

– Қайтиб кир, ошна, сениям гапдан қолдирмайин.

– Йўқ, бўлди. Жа маза қивордим ўзиям. Ёмон тепиб кўймадимми?

– Йўқ.

– Парво қилма. Ўзи ҳаммаси аҳмоқ. Ана у... Долим сен билан бирор марта якка гаплашмадимми?

– Йўқ.

– Хотиндан фарқи йўқ униям. Сен ўйлама. Юр, тўчи тоғада ўтирамиз.

- Йўқ, - Турғун лабини тишлаб, ингроқни қайтарди, - уйга бораман. Сен кир.

Ошнаси кўчасининг бошигача шерик бўлди. Ўнғай келмаса ҳам далда қилиб у-бу деган бўлди-да, уйига кетди. Турғун ариқ бўйида ажриққа ўтирди.

Куз осмони жунжикканидан булутларга бурканган, фақат бир томонда, худди кўрпанинг бир четидан мўралаётгани каби, икки юлдуз кўринарди.

Оғир хўрсинди.

Шундоқлар қиласанми, Ойдин.

Ор талашсам, оримиз бошқа-бошқа бўлса.

Кўзида ёш айланди, лекин юзларини ювиб тушмади. Кўнглининг ғуборларини ҳам...

Туни билан боши қовоқдек бўлди. Бу зарбданмиди, алам ё ғазабданмиди, билолмади.

Ағанайверди, ағанайверди.

Ниҳоят, уфқ томон қизариб келди.

Тонг отди.

Нимқоронғи уйда жойнамозга чўккан кампир кўлидаги тасбеҳнинг шиқир-шиқири билан Турғуннинг ора-сира оқ аралаш уф тортгани эшитиларди. Ниҳоят, кампир оғиргина кўзғалди. Меҳробга жойнамоз билан тасбеҳни қўйиб, Турғуннинг очилиб ётган елкасини ёпди-да, бир хўрсинди, ташқарилади. Молхонага кириб кетди. Соққан сутини қозонга сузди, кечкурунгина ҳам устига оқ дока ташлаб чангакка илиб қўйилган жойидан олиб қозонга қуйди. Тагига хас-хашакни ҳаволгина ташлаб гугурт чақди, ўтин қалади. Сут тошмасин деб хўқачадан сариёғ олиб, қозон четига суртди. Қора қумғонни оловга яқин суриб қўйди.

Эчкихона қийини супуриб, ташқарига олиб чиқиб тўдага қўшди. Сигирнинг янги гўнгини қўлқоп билан деворга ёпиштирди. Қайтиб келиб ариқ бўйида уч қадамча жойда барқ уриб ётган совунўтдан бир

тутам юлиб олди-да, устига тунука ёпилган чуқурча ёнига ўтириб, човгумдан сув қуйиб, қўлига ишқалади. Ўчоққа яқин келди. Олов гуриллатди. Чой тайёрлаб Турғунни чақирди.

Сўрида чордона қурган Турғунга косада сут олиб келаркан, деди:

– Бугун тузук ухламадинг? Саҳардан кейин кўзинг илинди, шекилли?

Турғун кўзини олиб қочди.

– Бир еринг оғридими дейман? Инградинг. Гапирай десам...

– Йўқ, яхши. Ҳаммаёқни тинчитиб бўлдингизми?

– Бунақа қилиб юравургунча хотинингни олиб кел, гап-сўз ҳам тамом, бошқасиям.

\*\*\*

– Эшитдингизми, Юлдуз, Турғун домланинг хотини дори ичиб қўйибди. Кечаси скорий опкетибди.

– Во-ой, ростданми? Нимага дори ичади? Жинни-ми? Эри ярашмаганигамикин?

– Билмасам, ҳозир ҳамма ҳар хил гапиряпти. Ҳали миси чиқади. Ҳушига келмаган эмиш. Домла бўлса ҳеч гап бўлмагандай юрибди.

– Нимага бунақа қилдийкин-а?

– Ўладиганмасаканми?

– Ўлмабди-ю, ундан сал бери бўпти.

– Булар ўзи қанча яшади?

– Яшаб-яшамади.

– Бай-бай-бай, шунча гап бўлдимизми? Қўшни, нимага мен шунақа гапларни эшитолмай қолавераман-а?!

– Кеча чиқинг, гаплашамиз деб имо қилдим, чиқмадингиз-да. Вой, жим. Қаранглар. Эшакни гапирсанг қулоғи кўринади.

– Домла-ку.. Баниссадан келаётган бўлмасин.

– Кўргани борганмикан?

– Кўргани бориш ҳам гапми. Кеча Тўтихон медсе-  
стри кўрувдим. Эри уч кун кечасию кундузи реани-  
мационнийни эшигида турди. Бугун эрталаб камисса  
келади, деб ҳаммасини кетказворишди, дейди.

Хотинларнинг бириси олдинга чиқиб, ҳамроҳлари-  
га ўгирилди-да, шивирлаб сўради:

– Бу бетинг қургурни Ойдинни опалари юлиб  
ташламабдими?

– Йўқ, кўряпсизлар-ку, Деви Сафиддай юрибди.  
Уруғингга шумғия чиққур. Азларнинг кўнгли курто-  
ва тилар деб, шундоқ қизни увол қилди. Ўзи юз марта  
совчи қўйиб олувди-ку.

– Жим.

Четлаб Турғунни ўтказиб юборишди.

– Тавба-тавба.

– У келин роса чиройли-а? Тентак бўлмаса, битта  
эрни деб дори ичадими? Бошқасига тегмайдими ё эр-  
сиз юравермайдими? Дунёнинг бир қавати-я!

– Домланглар ҳам ғалати экан. Хотин олдингми,  
яша. Бир мусулмоннинг қизини бунақа қилиб ташлаб  
қўядими. Туяга минма, жазига бекинма деган.

Тор йўлакка сиғиб-сиғмай орқа-олдин бўлиб кела-  
ётганлардан бири, ҳалидан бери кулоқ солиб индамай  
юриб тургани, ўйланибгина гапга қўшилди:

– Менимча, бу ерда бошқа гап бор.

– Ҳамма бало хотинларга-да, туғиб жони оғриган  
ҳам, бола қараган ҳам, эрни жаврига чидаган ҳам хо-  
тинлар.

– Йўқ, барибир бошқа гап бор.

– Бу тўнка ўзи ҳеч кимга қўшилмас экан. Ошналари  
билан гапдан ҳам чиқиб кетган экан. Тавба-ю, агар мени  
куёвим шунақа қилиб қизимни кўчага ҳайдаб қўйса,  
бир кунда пилта-поғонасини битта қилиб ташлайман.

\* \* \*

Ой олти бор янги бўлди. Орада кампир Турғундан сўраб ўтирмай касалхонада икки ой ётиб чиққан не вара-келинини олишга борди. “Ажрашишмасин. Арқон кўриб бўз олдик, она кўриб қиз олдик”.

Биринчи гал қудалари андалар<sup>1</sup> билан аралашиб ўтиришган экан. Ойдиндан сўрайдиган бўлиб, яхши гаплар ясаб кузатишди. Кейингисида узр-маъзур айтишди. Кампирнинг ёши ҳурматига аччиқ-тиззиқ сўзларини ҳам ўраб-чирмаб билдиришди. “Сиз учун жон деб юборардик. Лекин бизга боламизнинг боридан фойда. Узатибмизки, бўларимизча бўлдик. Неварангизнинг бир оғиз гапини чиқариб ёмонотлиқ қилган бўлса, уни айтинг. Тағинам қизимиз оғиркарвон. Қўйинг, ёпиғлиқ қозон ёпиғлиқ. Эртага яна икки ўт орасида куйиб юрмасин. Қон қон билан топишади, ётга бало ёпишади. Майли, неварангиз биронта иси чиқмаган гулғунчага уйланаверсинлар. Шунақа экан деган гап ҳам бўлувди кузакда. Уйланиб кетганларида бунақа кўргиликлар йўқмиди. Орада қизимизнинг шаъни сингани ёмон бўлди. Пешонаси экан-да. Одам балогга ўз ихтиёри билан кирармиш”.

\* \* \*

Май ойи яқинлашганидан мактабда дарсларнинг таъсири қолмаган эди. Болалар ўйнайдиган қатор-қатор мажнунтоллар тагида уч-тўрт ёш жувонлар сўзлашишар, энг қизиқ гапларнинг жони кираётган эди.

– Обручалкангизни қачон тақишган? Тўйингиздами?

– Йўқ, у вақтда обручалка тақишмасди-ку. Ўғли туғилганда роддомдан чиқишимга қайнонам таққанлар, – ғурур билан дейди ўртарокда ўтиргани.

<sup>1</sup> Анда – қуданинг қудаси.

- Зўр-ку. Мана буниси-чи?

- Буни дадам ўқишни битирган йилим оберганлар.

Мана буниси қайинсинглимники. Уйга кепқолди-ку.

- Ҳа-я, уйингларда экан-а? Боласи қизмиди?

Жувон бурнини жийиради:

- Ҳа, қиз.

- Ким билан уришишибди?

- Билмасам, ҳали ундоқ гапиришади, ҳали бундоқ.

Қайнонам, эримга бир оғиз гапирганимга қўймай, "уйдан фаришта қочади-фаришта қочади", дерди-лар. "Энди урушсиз уй йўқ, азобсиз гўр йўқ", дейишга ўтволганлар.

- Ий, айтганча, битта гап эшитдим. Ану домланинг хотини бор-ку, Ойдин, яхши бўп қопти-ю, эридан одам борган экан, ярашмайман деганмиш.

- Яхши бўлиб қаёққа боради. Ич-бағри эриб тугаган унинг, уксус ичган-ку. Анув куни кўчага сувга чиққан экан, кўрдим, ит ғажиган қошиққа ўхшаб қопти.

- Ярашмаса, буниси бошқа хотин олиб, ануниси эрга тегмайдими. Булар ўзи соғми?

- Билмасам.

- Домлангиз ҳам анчагина писмиқ шекилли. Ўн биринчи "Б" даги Жамила бор-ку, шунинг бошини айлан-тириб юрганмиш. Буниси оларман, униси тегарман бўпти, деб эшитдим. Мактаб тугай деб қолди, кейинги ойларга тўй бўлсамикин.

- Э, хув қачонги гап-ку. Сиз анча орқада қолиб кетибсиз. Минг қилмаса даштда ўтирасиз-да. Ишгаям яқинда чиқдингиз. Бу қиз билан эскитдан гаплашарди. Домлаям домла номига доғ тушириб юрибди. Пазор, а? Яхши бўлганда ўша Ойдин ҳам кетмасди. Бир гап бўлгандирки, ажрашган-да.

Каттакон шаҳарнинг қоқ ўртасида ўн олти қаватли бино қурилишида бригада ишлар, ишчилар орасида камгапгина, кўп ишларга уқувсизлигидан юк ташиб юрадиган оқиш юзли, баланд бўйли, қора қошли йигит ҳам бор эди. У қурилишга учинчи қаватга балкалар ётқизиладиган чоғдан келганди. Қўлида ё цемент ташийдиган челак, ё замбил, ё қоп. Бир-икки ишбилар, бақироқ усталар билан теziкишиб қолган вақти ҳам бўлган. Тинмай қимирчилаб юрса ҳам, қилган ишининг прорабга кўрсатарли жойи йўқлигидан, ҳамма ердагидек майда иши сонга кирмасди. Бир иш хатобўлса, қатик ичган қутулиб, хурмача ялаган тутилганидек, айб кўпда унга тушарди.

Катта йўлнинг нариги юзидаги мактабда чалинган кўнғироқ ҳар гал унинг юрагини дукурлатарди.

Тушлик маҳали Толик лақабли бу йигит дастурхонга мактаб эшиги кўринадиган томонда ўтирар ўқувчиларнинг гурас-гурас чиқишларини кузатарди. Уларни, ўғилми, қизми, кимларгадир ўхшатиб юборар кўзлари жавдирар, хўрсинар, баъзан қўлидаги косасини ҳам унутиб қўярди. Кўнғироқ чалинганда болалар орасида ҳар турли ёшдаги ўқитувчилар, кўпроқ аёллар чиқиб келишарди.

Баланд бўйли камгап йигит тушликдан сўнг ҳар кун осмонга қараб қишлоғининг ҳам осмони шу экани, анави булутлар у ерда ҳам сузиб юрганини ўйлабувисини соғиниб энтикиб қўяр, ҳар гал ой охирида бутунлай кетарман деб диллар, ўзининг ўрнига булутсини ёлғиз қўймай қарашиб юрган жиянига ҳар турли ўйинчоқми, китобми олишни мўлжал қиларди. Иш кунасайин кўпайиб, қишлоғига икки-икки ярим ойларга бир – шанбадами ё байрамдами, бирров бориб келарди. Кўзлари сўник бўлгани билан ўзи ҳали тетик кампа

йиғламсираб кутиб олар, ўтқизгани жой топмасди. Лекин энди уни кетма деб қистамас, келган кунни гузарга чиқишини ҳам, тўй-тўйчиққа қўшилишини ҳам унча хушламас, “Болам, ишингга бор, бошинг омон бўлса бўлгани”, деб тезгина жўнатиб юбориш пайидан бўларди. Ҳатто кейинги ой охирида келолмаслигини эшитиб, андак хотиржам тортганини сездириб қўярди. Кампир сафари қаригани важдан чоғини чоғлаб қўйган, ҳар кунни даргоҳида яшатиб юрганига шукур-у, кўп қатори невар-эвараларига тилак тилаш билан бошлаб, ўзига оз оғриқ, осон ўлим беришини сўраш билан тугатарди.

Турғун эса туш кўраётгандек карахт эди. Вақт дегани, кесик дарахтнинг ҳалқаси каби, болалик хотираларини энг ичкарида қолдириб юборганди. Хотираларнинг теграсини яна-яна бошқа ҳалқалар ўраб ташлаганди. Ҳалқалар гўё уни бардошли этиб борарди. Дарахтнинг пўсти ичидагини кўрсатмаганидек, унинг нигоҳлари ҳам, қиёфаси ҳам ичидагиларни англатмасди.

Улар ўн учинчи қаватда ишлай бошлашди.

Энди мактаб болалари кўринмас, уларнинг овози ҳам пастда қолиб кетган эди. Оқшомлари ишчилар ҳар нима билан андармон бўлгани чоғда у бувиси, Ойдин, яна ўша уни севиб қолган қизнинг тинчини бузганидан ўз-ўзидан-да қочгиси келар, ўз кунидан ўйлай-ўйлай бир яхши томон топиб юраги тафтини босарди. Баъзан кун сайин юқорилаб бораётган зиналар ҳеч тугамайдигандек, бино юз қаватли бўлиб, шунақаси осмондан яна бир қайси дунёларга бориб етадигандек туюларди.

Ҳазилакамдек бир йилу етти ой ўтиб кетди. Бир оқшом прораб дейдиганлари туғилган кунига зиёфат қилиб берадиган бўлди.

Ётар жойни қишда ярмининг ён девори битириган тўққизинчи қаватга кўчиришганидан ҳамма ни пастга туширгандан кўра зиёфатни ўша қаватда уюштиришга келишилди.

– Бундоқ қилсак-чи, энг тепага чиқа қолайлик. Баха, сен ўзинг айт прорабга. Ҳамма ёқни кўриб ўтирамиз. Бу ерда девор тўсиб қолади.

– Билмасам, энди айтган жойида қилиб бераверсин-да. Қандоқ айтаман?

– Бирор нарсага бош қўшоласанми ўзи? Бўлди, айтолмадингми, энди вечерни нарсаларини ташишасан. Всё. Ўзимиз айтамиз.

Сал ўтиб беш йигит егуликлар, ичимликлар солинган елимхалталарни тўққизинчи қаватга ташиб чиқа бошладилар.

Охирги гал кўтарилишларида бири бошқасига деди:

– Сашка, бу, оқининг чўғи камми? Бир ўзим жойлаворадиган бор-ов.

– Ҳа, тепада тинчгина деб камроқ олишганмиш. Ўзи тепада ўтирамиз деган гап кимдан чиқди? Аҳмоқлар. Индамай турсаларинг, “Подснежник”да қилиб берарди.

– Ана у пастимиздаги ресторанда-я?

– Канешна, ўзи айтувди. Класс бўларди.

– Толик, подснежник нимаиди, бинафшамиди?

– Бойчечак, – Турғун шундай деди-ю, ўзининг ғалати чиққан овозидан боши айланиб, тебраниб кетди.

– Во, зўрсан, Толик. Бекор илмингни хўр қилиб юрибсан бу ерда.

Ҳамма қизил елим човгумларга катта сувдондан сув қуйиб олиб, юз-қўлини юва кетди.

Зиёфат қизиди. Унинг эса негадир боши оғрир буни чарчашдан деб билганидан тезроқ кеч бўлиб уй-

қуга ётишни ўйлар, эрталабгача тарқаб кетишидан умид қиларди.

– Толик, эркакмисан ўзи? Бунӣ эркаклар олади. Қани, битта кўтаргин-чи. Бе, шуям олиш бўлди-ю.

Уялди. Пиёлани лабига теккизди. Бунақа заҳарни қандай ичишади-я.

Гангир-гунгир суҳбат авжига чиқди. Ора-чора кўтарилувчи хоҳолаган овозлар осмон кенгликларига сингиб кетарди. Дастурхон соявурлашди<sup>1</sup>. Елимидишлар, кетидан шиша идишлар одамларнинг ён-вериде юмалади. Юмалаш навбати одамларга келди.

Энди ким нима чекса, шунга ёпишиб, суҳбат авж олди.

Турғун иккинчи зина томонга бориб, пастдаги чироқлар, кичкинароқ кўринаётган машиналар, одамларга қаради. Ер чексиз кенгликлар аро ястаниб ётармиди ё кенгликлар ер узра ястаниб ётармиди, ишқилиб шунақа эди. Ҳалигина қуёш ботиб кетган томонларда антиқа ранглар жилваланар, улар борлиқнинг мангу қиёфасини яна бир яхлитлик бағрида, бир ибтидонинг интиҳосида намоён қилганча, аста яқинлаб келаётган тун қоронғилиги қаърига сингиб боришарди. Кеч бўлса ҳам одамлар тинмай ғимирлашар, тирикчилик кўйидами, шошиб юришар, кийимларидан аллакимларга ўхшаб кетишарди. Турғун уст кийимини икки тахлаб оёғи остига ташлади-да, устига ўтирди.

Баланд бино шаҳарнинг четларидан бошланиб кетган чексиз қирларни кўзга яққол келтириб қўяр, қирлар Ғовасойдаги қўй боқиб юриладиган кенгликларни эслатарди. Ана, қирларда унган чечаклар ҳар турли очилиб ётибди. Мана бунисини мўнталоқ дермиди. Ҳа, мўнталоқ эди. Отиям ажаб. Шаҳарларда уни

<sup>1</sup> Соявурлашди – егулиги камайди.

бошқача аташади. Қизиқ, ҳамма жойнинг ўз чечаклари борми ё ҳамма жойда айтар сўзлар ердан унадимми? Йўқса нега ҳар жойда бошқа чечак? Ҳар жойда бошқа от? Ҳа, рост-да, сўз ҳам ердан унади.

Одамнинг миллати йўқ. Ранги бор. Ана, немиснинг боласини олиб келган бир тегирмончи бўларди. Ўша боқиб олган боласи ғирт ўзбек бўлган. Немис боланинг тили бидирлаб, шириндан-ширин чиққан. Худди бойчечак каби.

Бойчечак бойнинг боласи бўлади, бойчечакли одам бой бўлади, ҳар элнинг айтари ҳам бой бўлади, худдики ерни ёриб чиққан чечакдек. Шунга ҳар жойнинг айтари бўлак бўлади. Ердан унгани – тилдан унгани. Тилдан унгани ердан унгани. Бўлак ердан келган айтимлар амаллаб айтилса ҳам, барибир букри бўлади, ўзгача бўлади. Ўзини қанча тетик тутгани билан қадди бузилиб кетган бўлади. Руҳи майиб бўлган бўлади. Худди келгиндининг ҳолидек...

Худди мендек. Бузилган қадди билан юз йил тайпонгламайдими, барибир йўқ бўлади.

Турғун икки букилган қаддини бир оз тиклади. Бетон устига тўпланган тупроқда унган гиёҳ хира-шира ёруғда ўзининг қадрдон ҳовлиси четида – девор тагидан унадиган қичитқи ўтни эслатди. Йўқ, бу ерларда қичитқи бўлмайди. Қиз-келинлар “чақонғич териб келай” деб челак кўтариб ариқлар бўйида юришмайди. Уни ҳамма жойда ҳам чучварага чекишмайди. Ҳамма жойда ҳам қадрлашмайди. Ҳар ернинг гиёҳи ўз еридаги одамга эм бўлади. Ҳар ернинг сўзи ўз тилига жонангай, ширин, татимли бўлади.

Уйга қайтақолай, кун ботибди. Бувим кўчага чиқиб олади бўлмаса.

Яна пастга тикилди. Симёғочлар, қават-қават хонадонлар, дўконлар, машиналар – ҳамма-ҳаммасининг

чиноқлари секин-секин уйқашиб кетди, ажиб чароғонлик ичида ҳеч нарса кўринмай қолди. Сал ўтиб бир-бирлари билан бийрон-бийрон сўзлашаётган яқинларини таниди. Топди. Дакки бериб ва ҳам кўзига ёш олиб турган Қутлибекани, мўлтираган Яшнарни, кичкинтой жиянларини, битта гапни ўн марта ўлчаб гапирадиган акасини, нарсаларини йиғиштирган куни қўлидан тортиб мактаб ҳовлисидан чиқишига қўймай анча ушлаб қолиб кўп ялинган Жўравойни, ўша куни нари-берида кўзлари қизариб гапини айтолмай турган тўда-тўда ўқувчи болалар, қизларни, хонаси деразасидан қораси кўриниб ҳайронгина турган мактаб директорини, ишшайиб кузатган Тўравой қоровулни, кечда уйига келиб тушунтириш ишлари олиб бормоқ бўлган Муҳаммад акани, Асқар аканинг хотинидан узр айттириб юборган Руқия муаллимани, хонасига бир кеп-кетсин деб чақиртирган қишлоқ оқсоқолини, жўнар куни бекатга, “Туни билан ухламадим, Турғун”, деб чиққан, кучоқлаша туриб аччиқ йиғлаб юборган Самадни кўрди. Кейин эса уйга, ёнингизга қайтай деб ялиниб юрганида кўрганича қайтиб кўрмагани... – Ойдинни! Ҳа, уни ҳам топди. Ота уйи супасида рўмолча тўқиб ўтирибди. Ўша-ўша – чиройли, юзлари лўппигина.

Кўчада эса одамлар тинимсиз у ёқ-бу ёққа ўтиб юришибди.

Ҳамма тириклик кўйида эди, кимлардир зериканларидан бир нарсаларни гапиришар, кўргандек ишонтиришар, бировни маҳлиё қилганларидан хушнуд бўлишар, шу билан ўз вақтларини чоғ этишарди. Яна кимлар ернинг одам яшайдиган жойларидагина юз бериши мумкин бўлган ва юз бераётган мудҳиш одамкушликлар, ўт бало, сув бало, темирбало, одамбалолар олиб келган ҳалокатларни биринчи бўлиб эши-

тиб, бир-бирларига етказганларидан ўз кўнгилларидан мамнун эдилар.

Ана, қадрдон ҳовлиси. Ие, аввалгидек эски бўл қоптими? Яхши-да, эскилигича қолгани яхши. Эски уйга кирганида Ойдин кўшни бўлиб кирганди, дард бўлиб эмас.

Шу ҳовлида Турғун деган неварасига бир олам умид тиккан бувисидан у кўп билмаганларини билган эди.

Одам деганининг иккита юзи борлигини, бегона бўз эмас, сўз беришини, ёт отган тошдан жигар отган увада қаттиқ тегишини, ўзингдан ўтганни ўзагинг билишини, ёлғиз қиз – ялама тузлигини, болали кўрғонга боғ етмаслигини, жиннини жинни деса бир пичоқдами ошишини, бир қўлтиққа икки тарвуз сиғмаслигини, ит гадой билан чиқишмаслигини, қуруқ қўлга қуш қўнмаслигини, кўз ўзига, қулоқ бошқага ишонишини, дастурхон устида душман ҳам дўст кўринишини, қорачанинг қори қор бўлмаслигини, талашган ерда тариқ битмаслигини, ҳаром қўл бор жойда барака бўлмаслигини, қора булутдан тиниқ сув томишини, ўртага тушгандан ўт ушлаган яхшилигини, игнанинг ишини найза қилолмаслигини, номус ярим ўлим эканини... яна анча-мунча гапларни уққан эди.

Ия, қандай жойда турибди энди? Ҳозир қирда қўй боқиб юрганди.

Қават бино ҳеч экан-ку. Баландга чиқсанг, бир учи уйингга қараб йўл экан-ку. Ана, уй, ўчоқхона, товукхона. Ана, бувиси, ўчоқбошида нимадир пиширяпти. Кейин сўрига келди. Этак ёйиб устига бир челак қуруқ ўрик тўкди-да, тозасини ажрата бошлади.

“Аҳ, топдим, сизни, буви! Бир қўлимни узатоламан сизга! Буниси билан мана бу темирни ушлаб турай. Ҳарқалай керакка ўхшайди. Буви, нималар қиляпсиз? Мен келдим. Қаранг, мана мен. Елкамга қоқиб кўри-

шасизми? Мана, кўришинг. Юзимдан ўпасизми? Хўп. Қалампирмунчоғингизнинг ҳиди мунча ёқимлик? Шунақа соғиндимки. Бугун билла ухлаймиз. Гапчи қишлоқда қолиб нима қилади, деб мени жўнатасиз, кетақолганимдан севиниб ҳам кўясиз, кейин роса йиғлайсиз-а, буви? Ҳаммасини биламан. “Пайкалдан анча кетиб қолдим”, дейсизми, буви? Кетманг пайкалдан. Сира кетманг. Умрингиз болаларингизнинг болаларини боқиб ўтаркан-да, буви. Энди эвара боқяпсиз. Эварам менга қарайди, дейсиз. Ким кимга қараркин ўзи. Ётар бўлсам, икки кун ётай, оз оғриқ билан ўлай деб юрган бўлсангиз. Бораман, буви, бораман, кейин яна келаман, бошқа нима ҳам қиламан. Боққанларингизнинг эвази шу бўлди. Етим боққаннинг етти томири қурир экан-да.

Бошимга савдолар орттирдим. Атай қилгандек...  
Ғалвасиз бош бош бўлибдими.

\* \* \*

Даврада хохолашаётганлар саросималаниб қолишди.

– Ана у ким? Сатторми?

– Нега осилиб турибди?!

– Домла-ку! Ҳа, домла! Иий, қаранглар! Кетди!!!

– То-о-ли-ик!!!

– Жин-н-н-ни!!!

– Во-о-ой!!!

– Ҳе-ей!!!

Қўли юмалоқ темирқозикдан чиқиб кетди ё қозик қўлидан чиқиб кетдими. Ўзи учиб бора бошлади. Қулоғида хув ўша оҳанглар янгради, қаватма-қават, бир унинггина атрофида янграйверди:

Бола-бола-бола-бола,

бола-бола-бола-бола,

бойчечак,

Бо-о-й-че-е-ча-а-к...

## САДОҚАТ

*Ўз садоқати ва фаҳм-фаросати билан кўпларни  
жумладан, мени лол қолдирган ит – Қоплон  
хотирасига ва садоқатли барча итларга  
хурмат билан бағишлайман.*

Мен чўлоқ бўлиб қолдим. Тўғриси, иштаҳам ҳам бўлмапти. Ташланган нонларга ета олмаяпман. Ана, эрталабкиси, кўлмакда бўкиб ётибди. Аввалги ҳолим бўлса, шуни олиб офтобда қуритардим. Кейин тоза жойга кўмардим. Қорним очганда ердим. Нон-ку, майли, уйга ҳеч ким келмаган кунлар сувдан қийналаман. Чанқоқ зўридан муздай айвонда ё дарахтнинг соясида ётаман. Кўчанинг нариги бетидаги тегирмонга юк олиб келганлар бу уйдан кимдир чиқиб олиб келган юкини тарозида тортиб олиб қўйиши учун бир-бир чақиришади. Ҳеч ким чиқмагач, қайтиб кетишади. Шуларга уйда одам йўқлигини билдириш учун хуриб қўйишга ҳам қурбим етмай қолди.

Эрталабда ҳаво муздеккина эди. Ит бурчакдаги офтоб тушадиган жойга ғужанак бўлиб олди. У ориқлаб кетганди. Ёнидаги деворга тикилар, ўзи қаерларни кўраётганини билиб бўлмасди.

Лекин барибир ўтган кунларимдаги оқиш малла ит – Бўйноқ, сочлари узун қўшни қиз – Шоҳида кўз олдимга тез-тез келади. Аслида, маза қилиб яшадим.

Уй кимсасиз эди.

Анча аввал хўжайин хотинини шаҳарга ишга жойлаб, энди пул кўпайтириш, шаҳардан ҳам уй олиш ғамига тушган вақтлар ўзи кетмаган эди. Ҳали туман марказида ишларди. Ҳеч бўлмаганда, икки кунда бир уйда бўларди.

Хўжайин келиши билан олдига югуриб борсам, кулиб энгашарди. Энди уни кутиб оладиган мендан бошқа биров йўқ эди. Унинг кўзи ёшланарди. Мен уни соғинганимдан ёнига чопардим. Менинг ҳам йиғлагим келарди. Унинг юзини кўриш мени жуда қувонтирарди. Осмонга ирғишлардим. Бошқа ҳеч нарса керакмас эди. Мен жуда очлигимни ҳам унутиб қўярдим.

Бу ҳақиқий соғиниш бўлса керак...

Кейин у менга овқат беришга шошилар, уйда емиш йўқ бўлса, катта йўл бўйидаги дўконга чиқиб нон олиб келарди.

Уй эгаси нонга кетиб борар экан, “Бу қиш баҳорга етмай ит ўлиб қолса керак”, деб ўйларди. Уйга қайтгач, нонни шундоқ остона ёнига қўйиб, ичкарига кириб кетар, устма-уст келаётган одамлардан кеч хуфтонгача бўшамасди. Нон ҳам ўша жойда қолиб кетарди. Бечора ит нон ёнидан у ёқдан-бу ёққа неча ўн марта ўтар, эгасининг чиқиб, ўз қўли билан беришини кутар эди.

Мана энди, хўжайин оиласи ортидан кетган, беш марта ётиб турганимда бир марта келади-ю, эшик олдида турган беморларини кўриб, қўли теккандагина менга қарайди. Беморлар уф тортишиб, бетоқат бўлиб навбатга туришади. Хўжайин уларнинг баъзилари билан қўл узатиб сўрашади-да, оёғи остида турган бўлсам ҳам, мени илғамайди. Тўғри-да, ахир одамлар одамлар-ку.

Одамлар!

Уларнинг юзлари шундай чиройли, худди иситадиган қуёшга ўхшайди. Уларнинг қўлидан кўп ишлар келади. Биз итлар одамларсиз яшолмасак керак. Кўпинча бизнинг устимизда улар нима деса, шу бўлади. Ҳаммасига кўнамиз.

Хўжайинни қидириб келганлар менга қўрқа-писа қарашади.

Аввал ҳам кўрганлар унинг яхши ит экани ҳақида бошқаларга хабар беришади.

Уларнинг кўплари эрталабдан бери эшикда тик турган бўлишади. Баъзи кунлари хўжайинни машинада олиб кетишади. У кеч келади-да, ҳеч нарсага қарамай, жой солиб ётиб олади. Мен у эркалатиб бўйнимдан кучоқлайди дея кутаман, кейин ҳафсалам пир бўлади. Лекин у уйга кириб кетган кунлари кўнглим тўқ, маза қилиб ухлайман.

Бир ойда бир келадиган беканинг айтишича, баҳорга чиқсам, тузалиб кетармишман. У шундай деганда, болаларнинг кичик амакиси “Эй, бунинглар баҳорга чиқмайди. Қўтир ҳам бўлиб ётибди”, деди. Жуда хафа бўлдим. Биринчи марта чўлоқ бўлишиммас-ку. Қўтир ҳам нечанчи марта тошиши.

Бировнинг бошидан ўтгани бировнинг эсига келармиди.

Уй рўпарасидаги тегирмонда ишлайдиганлар нонларидан қолганини ташлаб кетишар, бошқа вақт унга емиш йўқ эди.

Уйимизни яхши кўраман. Менчалик яна бу уйни яхши кўрадиган йўқ. Тўғри, бекам болаларни олиб шаҳарга кўчиб кетган кунларидан кейин, бошида ҳар тўрт кунни ўтказиб, уч кунга келарди.

Унинг бундай тез-тез келишлари баҳор тугаб ёз бошлангунча давом этди.

Бека кечалари хўжайин ишда бўлганда, ҳовлига чиқиб йиғларди. Болалар ҳам “уйимиз яхши, кетмаймиз”, деб қаршилиқ қилган бўлишарди. Хўжайин бу тўғридаги суҳбатларда ҳар гал “Уй-жойни у ёқдаям қиламиз, аяси. Болаларни ўқитамиз. Яхши яшаймиз. Ишхонамнинг музлигини қара, белим оғрийди. Кетайлик. Бу ерда чироқ бир ўчса, эрталабгача ёнмайди. Болаларнинг ранги чиқмаяпти”, дерди. Чироқ ўчмай-

диган жойларга ўзлари тиклаган уйни ташлаб кетиш ҳам осон бўлди уларга. Шунини деб ҳам кетишадими ахир?

Шаҳарда одамларни тахлаб-тахлаб ичига жо қилганича туйғулардан қисиб, лекин шароитдан ёлчителиб яшатадиган кўп қаватли уйлардан бирида тўрт болани тўрт ёққа кузатиб, ўзи пешингача номига ишга бориб келадиган бека ҳар чоршанба тушдан кейин йўлга отланарди. Кичик болаларнинг қаровини каттасига юз тайинлар эди. Йўлда у бирпасда ўзгариб кетган ҳаёти ҳақида ўйларди. Болалари қишлоқнинг кенг кўчаларига ўргангани ҳолда, энди бирдан тор уйга тиқилиб қийналишаётганидан кўксида бир нима жиғиллар, нотўғри қилдикми, дея изтиробга ботиб, келгуси кунлари ҳақида ўйларди.

Ора-сира “Қоплон қарғамаса бўлди”, деб ҳам кўярди.

Мен болаларни яхши кўрардим. Улар ҳали айрилиш, яхши кўрган яқинларини йўқотиш нималигини билмасдилар. Ҳаммага ишонардилар. Шунинг учун ҳамма нарсага, ҳатто менга ҳам катта ишонч билан, ҳайрат билан қарашарди. Мен уларнинг бир умр шундай қолишларини истардим. Мана, мен ҳам анча босилганман. Кўрган-кечирганларим мени ҳам чўктирган. Аммо болаларни кўриб турсам, яшагим, уйни чиндилдан кўригим келарди.

Бека авваллари “Қийналамиз, шаҳарда яшаш қийин. Уй-жойни қандай ташлаб кетамиз”, дерди. Кетиш ҳақида суҳбатлашаётганларнинг атрофида ит айланар, унинг думи беихтиёр ликиллаб кетарди. Бир нималар айтгиси келарди жуда. Хўжайинни ҳаммадан яхши кўрар, унинг машинаси катта йўлдан бурилганини биларди. Ҳаммага хабар берарди.

Бека бир куни: “Қоплонингиз бало, бошқаларнинг машинасидан сизникини ажрата олади, мен фарқлол-

майман. Бунингиз ҳовлида туриб, машинангизни кўрмасдан ҳам асфальт йўлдан бурилишингиз билан эркаланиб бошқача вовуллайди", деди. Ўшанда хўжайиннинг меҳри ийиб кетиб, олиб келган гўштидан суяк аралаш бир бўлагини Қоплонга берган, бу зўр ит йўғимда уйимизни пойлайди, деган эди.

Эгаларимсиз ҳаётни тасаввур этолмасдим. Бу ҳолининг кимсасиз, эгасиз қолиши ҳаёлимга сиғмасди.

Шаҳарга кетиш тўғрисидаги гаплар жуда эски. Ҳали ит бу ерга келмасидан олдин ҳам бўлиб юрган қишлоқ одамларининг баъзилари берилиб кетадиган ҳаёл эди. Бироқ ҳаёт тез кунда ўзгариб кетиши ҳам мумкин экан.

Бекамдан қаттиқ хафа бўлдим. Бор умидим ундан эди. Умид нима экан. Унга ишонардим. Уйларни тозалаб, ўзича қўшиқ айтиб юрганда, унинг бахтли экани билиниб турарди. Шундай яхши, ўзи ўрганган уйини ташлаб қаерга боради, дердим. Агар шу уй аввалгидек деворлари ёрилган, кўримсиз бўлганида ҳам мен уни ташлаб кетмасдим. Чунки...

Ҳа, мен ташлаб кетмасдим.

Итнинг бу уйдаги кичик қизга, кенжа ўғилга меҳри бошқача эди. Бир гал уни қўшни хотин катта тош билан урганида, кичик қиз Асила уч кунгача атрофида айланган, йиғлаган, ҳаммадан кўп меҳрибонлик кўрсатган эди.

Хуллас, у бўлди, бу бўлди, битта-битта кетишди. Ке-е-тишди. Ёлғиз қолдим. Қийинчилик кунларим бошланди. Кечқурун оч қолганим етмагандек, эрталаб ҳам хўжайиннинг ака-укалари кун ёйилиб кетганда келишар, унгача оғзимнинг сўлаги тошиб, ҳар нimalар егим келар, ариққа сув келмаса, чанқоқдан аччик баргларни чайнар эдим. Қўшни ҳовлидаги шеригим - аввалги Зийракнинг ўрнини эгаллаган Кўрқмас девор

тагига келиб, мени омбор<sup>1</sup> орқали кўчага чиқишга, қорин тўйғазишга ундарди.

Қоплон эса кўшнисининг бу таклифини қабул қилмасди. Кечалари ўғирлик қилишга ғурури йўл қўймасди. У бу уйда шунга ўрганган эди. Қолаверса, ич-ичидан бундай ишлар тўғри эмаслигини айтиб турадиган нимадир бор эди.

Бир кеча бу кимсасиз уйда зўрға топган уйқумдан уйғониб кетдим. Ҳовлида айланма шамол учиб юрарди.

Тўғриси, шамолни унча ёқтирмайман.

Ит шамолнинг ўринсиз қилғиликларини кўп кўрган эди. Кейин у ёдига энг ёмон ҳодисаларни соларди.

Шамол бекам билан болалар ётадиган уйнинг эшигини очиб бемалол ичкарига кириб кетди, кейин қайтиб чиқиб иккита устунга тортилган чилвирга ташлаб қўйилган сочиқларни олиб ташлаб, супа четидан тўнтарилганича қолган бўш челақни даранглатиб ағдариб юборди. Уйнинг болохона остидаги хонасидан қани энди, аввалгидек, биров чиқиб, ҳамма нарсани ўз жойига қўйса. Йўқ. Масхарабоз шамол яна ҳовлини айланиб, қўлидан келган ҳамма номаъқул ишларни қиларди. Ойналарга тўзон ёпиштирарди. Коридор дейишадиган кичкина хонанинг эшигига тинмай ўзини уриб, очиб олғач, у ерга ифлос хазонларни олиб кириб сочиб юборар эди.

Ана шунда... бечора уйнинг йиғлаганини кўрдим мен. Эгаси яхши кўрмагани учун, иссиқ бағридан жой бериб, бари болаларини ёмғир-қордан, совуқ-иссиқдан асраб катта қилиб берганида, уни совуқ деб айблаганлари, ҳар куни саҳар туриб, тозалаб, супуриб-сидириб қўйиш ўрнига бир-икки ишларни оғир билиб, ташлаб кетиб қолганлари, уни у эгаларини яхши кўр-

<sup>1</sup> Омбор – деворнинг ариқ учун очилган жойи.

гандек яхши кўрмаганлари учун хув-хув овоз чиқариб йиғлади. Мен ҳам унга жўр бўлдим. Ичим ўртанди. Уйнинг бағри эзилишини кўриб бешбаттар бўлдим. Ахир у одамларга ўхшаб оёқ чиқариб юриб кетолмаса. Ҳеч бўлмаса, Ғалаба канали бўйига бориб дардларини сувларга айтолмаса. Енгил тортиб, юзларини ювиб келолмаса. Фақат кўчага термилди. Бағрида улғайган болаларни кўмсайди. Ўғилларнинг яна тўплар тепишларини, супасини қизчаларнинг супуриб қўйишларини, ҳовли этагида пишиб тўкилаётган ёнғок меваларини ҳар кун олиб келиб, пешайвон бурчига ирғитиб қўйишларини, ана у ҳозир ичи қора-қура елимхалта чиқиндиларига тўлиб ётган тандирда нон ёпиш учун томдан гурс-гурс ғўзапоя ташлашларини, иссиқ нон ҳидини чиқариб, саватни уйга олиб кириб кетгач, исирик тутатиб, ҳамма ёқни айланишларини, ерни юмшатиб ҳар хил экинлар экишларини жуда ис- тайди.

Уй ўзи севгани томондан севилмай ўксинаётган чиройли қизга ўхшарди. Ҳовли эгасиздек. Кундузла- ри, ҳарқалай, хўжайиннинг тегирмончи инилари ки- риб-чиқиб туради. Лекин кечалари хувиллайди. Шунда ит чидолмай увиллайди. Ҳовлини тўлдириб юрган тўрт болани, келиб-кетадиган меҳмонларни, бекасининг қора қозонга идишларни солиб ювгани-ю, унга нонлар- ни ивитиб суяк аралаш қилиб идишига солиб берган- ларини, хўжайиннинг синфдошларига берадиган гап- кунларини, қўй ё хўроз сўйилган вақтларни соғинади.

Эҳ, овқат нима экан. Ҳою ҳаваслар орқасидан ке- тишганида беш кун томоғидан ҳеч нарса ўтмади. Оғ- зидан, кўзидан олов чиққандек бўлаверди. Фақат сув ичди. Хўжайиннинг иниси тегирмонини тўхтатиб унинг олдига келиб чўккалаганча, "Қоплон, нима бўл- ди сенга? Касалмисан? Ё эганг кетиб қолганига хафа

бўлдингми? Бўлди, бўлди. Хафа бўлма. Мен ўзим сенинг емишингни бераман”, деб бошини силади. Эҳ, дарди биргина емиш бўлгандами. Кўчага чиқса бас. Қанча керак бўлса, топарди емишни. Лекин у бировларнинг товуғини қийратиб, тоғора тагига яширилган овқатларини очиб булғаб ўрганмаган. Маҳалладаги баъзи безори ошналари уйларида қоринлари тўймай қолганда шунақа ҳам қилишади. Бироқ у – аввал Қайтмас, кейин Қоплон деб аталган бу малларанг ит одамларнинг айтишича, мард ва зотдор олабай итлар наслидан эди. У мансуб авлод ҳаромдан ҳазар қилувчи аجدодлардан тарқалган экан.

Итлар аслида бўрилар билан қондош бўладилар. Аввал яралишда бўрилар каби яшайдиган қилиб яратилдилар. Фарқлари – одамларга содиқликларида.

Одамлар эса аллақачонлар кўп нарсаларни аслиятдан ўзгартириб юборганлари ва буни донолик санаб юрганлари каби, итларнинг асл ҳаёт тарзини шундай ўзгартирганларки, энди бошқача бўлишини тасаввур қилиб бўлмайди.

Яна бир чолнинг айтишича, олабай итлар қонида қоплон қони бўларкан. Лекин елкалари шерга келбат берармиш.

Хўжайин бола-чақаси билан икки томон бўлганидан бошлабоқ иштаҳам ёмонлашган. Аввалги қувноқ, қайноқ ҳаётим анча совиган. Мен кунларимни тагимга солиб қўйилган эски ҳарбий кийимга ўхшатаман.

Асли аввалда, ҳали кўп-кўп овқат еган, ўсиб боратган вақтларимда уйимизда ризқим етарли эди. Энди ҳам уйда пешиндами, кечдами ташлаб кетадиган бир парча нонлари менинг бу кимсасиз ҳовлини дайди мушуклару очофат майналардан асрашимга етади. Бу бурчни мендан бошқа ҳеч бир жонзот, барибир эплалмайди.

Ит кимсасиз ҳовлининг ғиштсимон плиткалар ётқизилган кенг саҳни ўртасига келиб, чўнқайиб ўтирди-да, вовулласа овоз қайтарадиган пешайвон саҳнига ғамгин тикилди.

Эҳ-ҳэ, битта индамас дардкашим – уй. Яқинда бўёқдан чиқаришган эди-я. Ана у ичида болохонага чиқиб кетадиган пиллапояси бор уйда доим чироқ ёниб турарди. Ҳозир эса мана бу чиройли дарвоза ҳадеганда очилиб-ёпилмайди. Дарвозадан кимлар чақириб келишади-ю.

Боласи бирдан касал бўлиб қолганигами, шошиб кўтариб келганларнинг тезроқ кимдир чиқишини истаб чақирган овозини эшитар экан, нималардир деб хуради, ғингшийди. Ҳамдард бўлади, шекилли.

Молхона томонга яна мушук келдими, ит ўрнидан туриб чопиб кетди. Унинг дастидан товуқларнинг тухуми қолмаяпти. Хўжайин ҳафтада бир келганида ака-укалари ўзларидан орттириб йиғиб қўйган тухумларни олиб кетади. “Уй тухум яхши кўчанинг тухуми резинага ўхшайди”, дейди у. Сарик рангли идишини олиб чиқиб пешайвонда ўтирганча, ичига тухум терганида ит унинг орқасида туриб, бу ҳафта мушукдан ҳовлини қанчалик ҳимоя қилолганини чамалаётгандай бўлади. Хўжайин унинг бошини силаб-силаб қўяди, лекин аввалгидай эркаламайди. Орқасидаги кўтирига қўли тегиб кетишидан кўрқади. Ит эса, уни бир кучоқлаб қўйсам дейди.

Авваллари...

Авваллари нималар бўлганини бу ерда туғилиб ўсган тўрт бола ҳам эслашармикан. Унинг ҳам номини айтиб, бир-бирларига гапиришармикан. Улар билмайдиди-да, ит кенжатоилар ҳали йўқлигидаги кўп воқеаларга ҳам гувоҳлигини. Уларни ит яхши тушунарди. Фақат...

Биз кимни эгамиз деб билсак, унинг хизматига со-  
диқлик туйғуси билан туғилганмиз.

\* \* \*

Эсимни таниганимда, биз етти кучукча Қўрғон  
маҳалладаги Зиёда хотиннинг ҳовлисида онамизнинг  
пинжига кириб, бир-биримиз билан елин талашиб  
ётардик. У ҳовлининг хўжайини биз туғилгунча ду-  
нёдан ўтиб кетган экан. Ўғли Назирбек маҳалладаги  
беш-олти болани битта-битта олиб кириб бизни кўр-  
сатган эди. Жуда мақтанишни яхши кўрадиган, оғзи-  
ни тўлдириб гапирадиган бола эди-да ўзиям. Онамиз-  
нинг бошини силаб ўртоқларига тинмай гапирарди.

Зиёда етти бола туғиб олиб, энди ҳеч бирини кўз-  
дан қочирмай турган она итни, “Вой бечора, намунча  
ориқлаб кетдинг, еттита ҳам туғасанми? Ҳеч бунақа  
кўпайтирвормасдинг-ку? Иккита-учта туғардинг. Ўша  
бўларди-да? Қийналмас эдинг-а”, дея келиб атрофи-  
да куймаланар, нима топса илинар, кепакдан иссиқ  
атала пишириб келиб, ялоғида олдиға қўярди. Кучу-  
қлар ичида тинчиб туролмайдиган Олабой бор эди.  
Бир куни Назирнинг амакиси итларни кўргани келиб  
деди: “Ит айниган кўринади. Боласи кўпайдими, ай-  
нигани. Лекин болалари зўр. Эй, мана бунисини қа-  
ранглар, ҳақиқий номи билан олабай бўпти. Наз, бун  
менга берасан. Ўзим катта қилиб, тоққа кўчганимда  
олиб кетаман”.

Олабой бир гал анча нарига совитиш учун қўйилган  
аталаға тушиб кетиб куйиб қолди. Вой-войлаб ҳамма  
ёқни бузганда, беканинг Моҳидил қизи ариқда ювин-  
тириб келди, кейин онасидан роса гап эшитди. “Юр,  
энди, атала ичмай ўл. Қуришиб ҳам қўярканман-да сен  
арзандани”, деб оқ латтаға ўраб уйға қараб юрди. Ола-  
бой додлаб, Моҳидилнинг қўлидан пастга тушмоқчи

бўлганда, шериклари “Мени ҳам олиб кетмасин”, деб чўзилиб ётган она итнинг орқасига яширинишарди. Унинг эса латта орасида бошини ликиллашиб кетаётган Олабойга ҳаваси келиб кетганди. Қизнинг орқасидан Олабойга қараган кўйи супагача борди.

Кейин Олабой қанча овқат еса ҳам, шерикларидан ортда қола бошлади. Аввалгидек тўлалиги йўқолди.

Назир акам ўша куни мени қайтариб шерикларим олдига олиб келиб ташлади. Биз туғилган ҳовлида дарвоза йўқ эди, лекин унга мосланган катта очик жой бор эди. Мен онам ҳам, кўча ҳам кўринадиган ўрталikka ётиб олиб катта йўлдан ўтганларни томоша қилишни яхши кўрардим. Атайин шу ерни танлаган эдим. Бирор ёмонроқ бола келиб мени кўтармоқчи бўлса ё биронта катта ит ташланса, онамнинг олдига қочишим осон бўларди.

Онамдан биргина Зиёда опа кўрқмасди.

Тўғрироғи, она ит Зиёдани ҳурмат қиларди. У нима деса, сўзсиз бажараверарди. Бека тандир олдиларини супурар экан, ит болалари билан ётган ўтинхонага келганда, “Қоч, бола-чақанг билан. Бу ерларни супуриб олай. Қара, ҳамма ёқ жун бўлиб кетибди. Оббо, пуф-э, ўтиннинг устига нега ўтиради бу бебошларинг. Шошмай туришсин, ҳаммасини сўраганларга тарқатвораман”, деб пўписа қиларди. Кўрқоқча деган кучук онасининг атрофидан бир қадам ҳам жилмасди. Уни онасининг эрка қизи деб билишарди.

Мен эса кўчадан эгаси билан ўтаётган итларнинг биз томонга қарашини кутар, улар билан тенгма-тенг тортишгим келар, тагин бизни писанд қилмасдан ҳовлимизга кириб келиб маҳалладаги обрўйимизни йўқ қилмасин, деб овозимнинг борича акиллар эдим. Аввалига эшик олдида бир ўзим ётардим. Кейин-кейин шерикларим ҳам менга яқин келиб, анча-мунча жойгача

эркин юрадиган бўлишди. Очофат Қора билан Олабой тандирнинг нарисадаги маккажўхори поянинг ичига кириб анча вақт йўқ бўлиб кетишар, онам хавотирга тушиб, уларнинг ортидан кириб, бошлаб чиқарди.

Биз кун сайин кучга тўлиб борардик ва энди ўзимизни ҳеч нарсадан қўрқмаслигимизни ҳаммага билдиргимиз келарди. Зиёда опанинг берган овқатига ҳаммамиз бош суқиб ича бошлаганимиздан кейин онамиз ўзини тийиб бир четда турар, менимча, овқат етмай қолмасин деб ўзи оч қолар эди. Шундай пайтлар ва яна уни ёнбошлаб дам олишига қўймай эмиш учун ёпишавериб ҳолдан тойдирган кунларимиз онам секин девордан ошиб кўздан йўқ бўларди. Мен унинг бирпасдан кейин кўчадан бизга кўринмай ўтишини билардим. Онам дарвоза ўрнига яқин келганда, бошини анча эгиб олар, тез-тез юриб кетар, биз дарвозахонада ўйнаётган бўлсак, суви кам оқадиган ариқ ичига тушиб, бўйини яна ҳам пасайтириб ўтарди. У бизларни эргашмасин, деб атайин чалғитар, баъзида қўшни-мизнинг девори орқали ўтиб, этакдаги дала бўйлаб қаёқларгадир кетарди. Афтидан, сира тўймай қолган кунлари ўзи овга чиқар, аввалдан шериклари билан титкилаб юрган чиқиндилар орасиданми, эмиш топиб еб келарди.

Бир гал Қоровой қўшни хотинга эргашиб чиққан Рексга ўзича қаттиқ ҳурди. Рекс баджаҳл экан. Ириллаб бир ташланган эди, қандай етиб келганини ҳеч ким билмади, онаси Қоровой билан Рекснинг ўртасида пайдо бўлиб тикка отилди. Эгаси аранг қайтариб оларкан: "Рекс билан сира уришишмасди-я. Нега итинглар бунақа бўп қолди? Вой-бў, бу кишим туғибдилар-у. Худди ҳеч кимда бола йўқдек", деб зарда билан чиқиб кетди.

Бир куни биз олтита қолдик. Бунга мен айбдор бўлдим. Онамга раҳмим келди. Ўчоқ орқасига ўтиб

йиғладим. Фойдаси борми? Лекин кейинроқ кўрсам, бу кўргилигимиз ҳолва экан.

Куёш сал нарига сурилгандай бўлиб, менинг кўчани кузатадиган ўрним ҳам ташқарига қараб сурилганда, анча дадил бўлиб қолган, кўчанинг уйимиз тўғрисидаги жойлари ҳам бизга тегишлилигини, бу ерларни қаттиқ ҳимоя қилиш кераклигини билганим учун шип этганга вовуллаб маза қилиб юрган кунларим эди. Ўша кун Очофат Қора мени ётгани қўймай ўйнашаверди. Жиғимга текканига чидолмай ўрнимдан туриб ташландим. Ўзини зўр деб ўйламасин, дебман. Панжасига панжа урдим, думимни босган эди, сонига тишимни ботирдим. Қулоғимни тишламоқчи эди, бўйнидан босиб олдим. Бир-икки ангиллаб қочмоқчи ҳам бўлди, лекин наридан қизиқиб кузатиб турган шериклардан уялиб қолмай дедими, ўзича куч тўплаб яна тумшуғимга сакради. Бир-биримизга тикка бўлиб ташланавериbmиз-у, ён-веримизга қарамаbmиз. Бир маҳал қанақадир одамнинг оёғига урилиб кетдим. Нақ кўчада туриbmиз экан. Қарасам, бир баланд бўйли бола мактабидан қайтаётган экан. Қора уни кўриб урра қочди, лекин сумкасини ерга қўйган ҳалиги бола икки ҳатлаб етиб олди-да, Қорани кўтариб қўйнига тикди. Мен унга яқин тургандим, лекин у мени нагадир олмади. Қайрилиб ҳам қарамади шекилли. Тез-тез кета бошлади. Мен аввал ҳовлига қараб қочдим. Кейин боланинг ортидан югурдим. Онамни чақирдим. Лекин онам келмади, мени эшитмади. Кўчада юриш хавфли эди. Ортимга қайтдим. Маккажўхорининг этагига иш билан тушиб кетган онам қайтиб келиб, ис ола-ола биз ўйнашган жойга келди, кўчага ҳам чиқиб, бола кетган томонларга қараб узоқ-узоқ тикилди, кейин бошини эгиб ортига қайтди. Ерга ётиб олиб, хомуш тортди. Мен ҳам онамнинг пинжига кириб,

сиқилмасин деб суйкалдим. Ғингшиб, ундан кечирим сўрадим. Онам мен айбдорлигимни билди. Тишлари билан пўписа қилиб, ириллаб қўйди. “Бас қил энди, ўзбошимча, қолганларни эргаштириб кўчага чиқсанг, кунингни кўрсатаман”.

Овқат еганларида энди Очофат Қоранинг ўрни билди. Агар у ҳозир шу ерда бўлганида ҳаммани бели, оёқлари билан ҳар ёққа суриб ташлар, товоқнинг ичига тушиб олиб, тагини битта қолмай ялаб қўярди. Эртаси эрталаб бека атала олиб келди-да, нарироқда томоша қилиб ўтирди. Кейин олдига келган Моҳидилга деди:

– Онаси қийналиб кетибди. Қоқиб ташлашяпти-да болалари.

Зиёда аталани кўпайтириб, ит ялоғига қуйишдан олдин қаттиқ нонлар топиб солиб қўяр, кейин совитиб, олиб келар эди. Қора энди йўқ эди. Қаерларда экан. Ҳозир у маза қилган бўларди. Қорни тўяётганмикин.

Кейинроқ Назир акам бир қанча ошнасини бошлаб тепамизга келди. Уларнинг ҳайбатидан кўрқиб кетиб, ҳаммамиз онамнинг панасига ўтиб беркиндик. Секин мўралаб қарасам, улар кўпчилик экан. Бизни олиб кетишга келишгани билиниб турарди. Ҳар бири биттадан олиб кетса, ҳар ёққа кетамиз. Онамиз нима қилади, деб дилдираб қолдим. Оқбўйин шеригимизга қўл узатган Назир акам уни кўтариб тикка бўлганда ошналари атрофини ўраб олди. Роса мақташди. Шеригимизни қўлига олган бола Назир акамга катта раҳмат деди.

Кейин она итга худди душманга қарагандай олайиб қараб, секин қўйнига тикди. Ҳаммалари олдинма-кейин бўлиб чиқиб кетишди. Икки кундан кейин болалари борган сари камайиб бораётганидан ўкиниб, йиғлагудек бўлиб ўтирган онасига далда бериш учун бўйнига осилиб чалғитмоқчи бўлди. Лекин она ит унга рўйхушлик бермай ириллаб қўйди.

Кучуклар ўсиб боргани сари, онасининг аввалги қайноқ меҳрибонликлари камайиб бораётгандай эди.

Ўша куни ҳаёлимда кўча томондан бир совуқ нафас, бир ёмон шамол кириб келаётгандек бўлиб, ҳадиксирай бошладим. Шунда чиндан ҳам гурс-гурс қадам товуши эшитилди. Сал ўтиб, ҳовлида иккита баланд бўйли, юзлари тиришган одамлар пайдо бўлишди. Уй эгалари билан гаплашиб бўлгач, улар биз томонга юришди.

Иккиси ҳам чўккалаб, она итдан эҳтиёт бўлганча, кучукларни битта-битта олиб, оёқлари орасини текшириб кўришди. Шерикларини кўра-кўра тандир томонга олиб ташлашди. Зиёда улардан сал нарида турганча деди:

– Сизга берадиган кучуги ҳам бор эканми?

– Назирга тайинлаганидим. Битта эркаги менга деб. Тугади, дейди. Мана бу оласини Раҳмат амакисига берганмиш. Малла эркаги ўзимизга қолди, дейди. Каллаварам-да. Шунча кун мана бу урғочиларни олиб ўтирадимми? Йўқотиш керак эди. Энди итни чарчатмай боласидан айириб, яхшилаб боқиш керак. Раҳмат ака ҳам олса, тезроқ опкетсин. Бу итни насли жа тоза. Яхшилаб семириб олсин. У ёғи мени ишим. Икки-уч ой қорнини тўйғазиб қаранг, опа. Кейин бир ойга олиб кетаман. Боғлаб боқаман. Ҳар қанақа итларни яқинлаштирмайман. Мен биламан бунинг вақтини. Кейинги сафар мана булардан ҳам зотдор кучуклар туғади ҳали. Ўшандан биттасини оламан.

– Шўрлик туғишга туғиб олиб қийналиб кетди. Вассачўпга ўхшаб ётибди, – деди Зиёда опа.

– Еттита туғиши бекорга эмас. Камдан-кам ит еттита туғади. Бунақа вақтда кучугини олиш керак. Ё етти кучукнинг, ё уч кучукнинг биттасини боққан одам ютқизмайди, – деди улардан иккинчиси.

- Урғочиларининг умуман кераги йўқ. Биров олмайдиам. Кутижарга опчиқиб кўмворарман, - деди бошқаси.

Зиёда лабини бирпас тишлаб турди-да тандир тагида онамиз томонга ўтишга йўл тополмай, қора кийимли одамнинг гавдасидан кўрқиб унинг орқасида ғингшиганча айланаётган шерикларим ёнига чўккалаб, уларнинг бошини силади:

- Увол бўлмасмикан? Бола-ушоқ опкетар?

- Олишга-ку опкетади. Болалар нимани билади. Кейин барибир кўчага чиқариб ташлайди. Тепки еб, у ер-бу ерда ўлиги қолади. Урғочи кучукларни туғилгандаёқ кўмвориш керак. Билмабман-да, икки ойдан бери онасини қотириб ташлабди. Кўзи очилмасданоқ йўқотиш керак эди буларни. Гавдаси бўлгани билан кўча-кўйда юриб зотини айнитиб юборади булар.

Уни айлантириб кўрган бири онасининг ёнига итқитиб юбориб:

- Бу эркак экан. Назир айтган Қайтмас-да. Яхши ит бўлади, - деб қўйди.

Зиёда опа бостирмадан қопчиқ олиб келиб бериб, ўзи яна нимагадир кетди. Мен шерикларим олдига чопдим. Улар ҳам онам томонга интилишарди. Кишилардан бири оёғи билан тинмай шерикларимни тепиб, онамдан узоқлаштириб турарди. Онам ҳам хавотирга тушган эди. Бир шеригим билан биз жуда ўхшаш эдик. У тезгина онамнинг орқасига ўтиб кетди, қопчиқнинг оғзини қайириш билан овора бўлганлар мени у билан адаштиришди. Келган одамлардан бири икки шеригим билан мени қопчиққа солди. Қопчиқнинг мен турган томонида тешикча бор экан. Ундан қарасам, онамиз ириллаб ўрнидан турди. Бироқ болаларини битта-битта олиб қўяётган одамлардан ҳеч бўлмаса олдидагисини сақлаб қолиш учун яна қорнини ерга

бериб ётиб олди. Бироқ юзида шундай ғам кўрдимки, эзилиб кетдим, ана у одамларнинг оёқларини тишлагим келди.

Биз Одамнинг елкасида борар эдик. Унинг ҳамроҳи йўлда қолиб кетган эди. Шерикларим онамдан узоқлашаётганимизни билиб, тинмай ангиллашарди. Қопчиқ торлигидан биқинларимиз эзилиб, қийнала бошладик. Мен Калта оёқнинг панжаси тагидан бошимни ололмай жуда қийналиб кетдим.

Ниҳоят, одам бир жойда тўхтади. Ўтириб чарс этиб олов ёқиб сигарет чекди. Кетмонини тарақлатиб ер кавлади. Кучуклар бу одам ўзларини қўйиб юборақолмаганидан аччиқланар эдилар. Улар нафас олишга қийналиб, қизиб кетаётгандилар. Охири кетмон овози тўхтаб, одам энди кучукларни қоп билан кўтариб турганда кимдир келиб қолди.

– Нима қиляпсан? Ҳалидан бери тақ-туқ қилясан? Ҳа, кучук олиб келдингми?

– Ҳа, бўладими ковлаганим? Қара-чи, чиқиб келмайдими?

– Ҳа, бўлар? Тош бостириб кетарсан-да. Қани, нечта буларинг?

– Қопнинг оғзини очвор. Учта.

Қопдан ерга ағдаришди уларни. Қайтмас биринчи бўлиб орқаси билан тўп этиб ерга тушди. Бошига ёмон тегиб додлаб юборди. Одамлардан бири уни шоша-пиша қўлига олиб кўтарди-да, ёнидагига деди:

– Тўхташ, бу эркак кучук-ку, жиннимисан?

– Эркакмас. Танийсанми ўзи? Ҳозир қараб ажратдик. Ие, эркак-ку! Ҳа, битта шунақа эркаги бор эди.

– Вай, бўламангина экан.

– Уйда қолувди эркаги. Буям эркак бўлса биз кўрмай қолдикмикан?

– Бўлди менга берасан. Бу энди меники.

– Нега сенга берарканман. У ёқда урғочиси қолган бўлса-чи? Эгасига нима дейман кейин? Қани, ҳа, бу – Қайтмас.

– Қайси бири қолгани билан ишинг нима? Мен кўриб қолмасам кўмворардинг, Тўхташ. Энди менга бу. Опкетаман.

– Бекор айтибсан. Назир нақ ўлдиради. Кошки тузукроқ бола бўлса.

Улар тортишар экан, Қайтмаснинг шерикларини қаттиқ тепкилаб чуқур томонга итқишар эди. Бечора икковиси ҳам оғриқдан тинмай инграб, орқага интиларди.

Чуқурга биринчи бўлиб Қўрқоқча тушиб кетди. Лекин у чаққонлик билан тирмашиб қайтиб чиқди. Шунда биринчи одам унинг бошига қаттиқ тепди. У додлаб чуқурга йиқилди. Кетидан Калта оёқни ҳам туширдилар. Бу жуда ҳам аламли эди. Мен уларга ёрдам бермоқчи бўлиб қанча чопмайин, кейин келган одам қўллари билан нари суриб ташлайверди. Охири кўтариб олди. Шерикларимга ёрдам бериш учун унинг қўлларини тимдалаган эдим, у мени шошиб ерга қўйди. Биринчи одамнинг оёқлари остига чопиб бордим. У шерикларим устига тупроқ тушириб, ерни бир зумда текислаб ташлади. Энди уларнинг бўғиқ додлари пасайиб эшитилмайдиган бўлди. Охири овозлар тинди. Аммо ҳали туғишганларимнинг нафаси келиб турар, агар бу одамлар менга тегмаса, тош атрофини олд оёқларим билан кавлаб уларни чиқара олардим.

Шундай қилиб, у бирга ўйнаб юрган шериклари – опаси ва синглисидан бирпасда айрилди. Мана, яна қопда қайтяпти. Қайтмас бўлса ҳам қайтяпти. У шундай ғингшир эдики, одамлар яхши қулоқ солганларида “Шерикларим билан кўмилиб кетганим уларнинг кўмилишини кўришимдан яхшироқ эди”, деётганини тушунардилар.

Одамлар эса гўё катта бир ишни қойиллатгандек хохолашиб боришарди.

– Кучук керак деб айтиб қўйсанг, ўзим топиб берардим. Токзорда биттасиникида зотдор кучуклар бор эди, қўрангга қўйсанг бўри-мўрининг нақ кекирдагини узиб оладиган. Эгаси учовисиниям оддий уй қоровуллигига берворибди.

Улар онамнинг олдида – дарвозахонада мени қолдан бўшатишди. Малла мен туфайли омон қолиб, онамнинг ортида биқиниб ётган экан.

Бизнинг хавотирли кунларимиз бошланди. Маллани олиб кетишади, деб қўрқардик.

Назир ундан кейин ҳам ит болаларини кўпчиликка кўрсатди. Ҳар гал “Маллани ким олса олаверсин, лекин бунисини бермайман”, деб Қайтмасни қўлига олиб бошини силар эди.

Кўп кунлар ўтиб, биз анча бўй чўзиб қолдик.

Ҳамма мени Назир акам қўйган Қайтмас номи билан чақирар, Маллани эса ёқтиришмас эди. Биз онамиздан анча мустақил бўлган, энди қорин тўйғазиш ғамида емиш талашар эдик.

Кунлар совий бошлаганди.

Ёмғирлар вақтида айвон эшиги ёпиқ бўлса, биз шалаббо бўлиб қолиб кетар эдик. Шунда узун йўлакдан чопачопа уйнинг пешайвонига борардик. Пешайвон тоқчасида тахланган эски шолча бор. Унинг усти иссиққина, чиқиб олсак, оёқларимиз совуқ қотмасди. Лекин Моҳидил неча марта бизни у ердан олиб лой ҳовлига иргитиб юборарди. Ҳатто Зиёда опа ҳам раҳм қилмас, шолчани лой қилишимизни, полда из қолдириб юришимизни ёмон кўрарди. Шунда биз оёқларимиз қотиб қолса ҳам, устимиздан ёмғир ўтмаганига шукур қилиб, сув келадиган ариқ трубаси ичига кириб олардик ёки тандирхона бурчагида жон сақлардик. Айвон очиқ қолса, бошқа гап.

Она итга айвоннинг очиқ-ёпиқлиги фарқсиз эди. Айвоннинг деразасиз, ёруғ туширувчи жойидан бир сакраб кириб, қуёшли кунда ҳам ўша ерда ором олар, болаларининг унга ёпишишини ёқтирмасди. Уй олдидаги маккажўхори ўрилиб, қуригач, айвонга боғлаб киритишган, эрталаб ёки кечқурун Қайтмас Малла билан маккажўхорининг тиккалаб қўйилган поялари орасига кириб оларди. Бу ер ўзи илиқ эди. Шунда ҳам улар битта жойга жойлашиб, бир-бирининг иссиғида маза қилиб ухлашар эди.

Маҳаллада одамлар кам юрадиган бўлиб қолишган, ҳаммани пахта теримига чақиришган, қолганлар тоғдан олиб келинган сигир-буқаларнинг қорнини тўйғазиш учун ўз томорқаларига андизга боғлаб, дала иши билан ўша ёқда кечгача қолиб кетардилар. Буни бир гал сигир ва икки бузоқни етаклаб олган Зиёда опага эргашиб далага борганида билганди. Ўша кунларда Моҳидил ҳам, Назир ҳам ҳар куни пахта теришга чиқишар эди.

Далада ҳамма ёқ сап-сарик. Кўпроқ аёллар соғинми йўқ сигирларни олиб келиб, экини йиғиб олинган ерлар қирғоғидаги ажриқзорларга боғлаб, боқишарди. Вақт кеткизмай, олма, олхўри дарахтларининг тагидаги буталарни чопқида чопиб, ўтин қилишарди. Айримлар ерлари бошидаги атрофи симтўр билан ўралган теракзорлар тагида пичан ўришарди. Бировлар ловияси йиғиб кетилган ерда тўкилиб қолган ловияларни доналаб теришар эди. Аёлларнинг бир-бирларига гапиришларича, бу йил ҳаво яхши бўлиб, сел кам тушибди, мол-ҳолга зиён етмабди. Тоғдаги ёмғирлар майин бўлиб, ўт ҳам сероб бўлибди. Сигир-бузоқлар тоғдан семириб-семириб икки қорни кема бўлиб келганмиш.

Шундай кунларда бир куни Зиёдага Малла икковиси эргашиб кетишди. Экини йиғиб олинган кенгли-

кларда маза қилиб юмалашиб ўйнадилар. Даладаги қуёш нури шундай ёқдики. Зиёда у ерда кун тиккага келгунча ишлаб қолиб кетди. Андиз ер этагидаги йўл бўйларидан уч боғ шувоқ супурги ўриб, тут пўстлоғи билан боғлади. Икки қўлтиғига қисганча, катта йўлга қараб юраётган эди, кучукчалар биз ҳам энди кетарканмиз, дея унга эргашишди. Йўлнинг ерлар бошидаги теракзоридан ўтиб бўлганларидан кейин ортларига қарашса, Зиёда йўқ. Қайтмас изига қайтди. Малла ҳам. Зиёда шувоқ боғларини ер бошига қўйиб, ўзи сигир-бузоқларни ариқда, суғориб бошқа ўтли жойга силжитиб қўймоқда эди.

У ўтган галгидек, ёш, шўх бузоқни энг охирида қозиғидан бўшатди. Тортилиб турган бузоқ қозиқ ердан чиқиши билан онасига қараб чопди-ю, арқон учига қозиқ аввал четдаги олмага, кейин бузоқ ортидан бораётган Зиёданинг юзига тегди. Текканда ҳам жуда қаттиқ урилди шекилли, қарсиллаган овоз чиқиб кетди.

Зиёда опа додлаб ерга ўтириб қолди. Биз нима қилишни билмай, унга яқин бориб турардик. Шунда мен вовуллаш керак деган қарорга келдим. Менга Малла ҳам жўр бўлди. Бизни кимдир эшитиши, ёрдам бериши керак эди.

Охири қўшни далада олма дарахтларига тиккаланган жавдарпояни ташиётган Фотима чопиб келди.

– Нима бўлди сизга, Зиёдаби? – деди у.

Зиёданинг нафаси ичига тушиб кетган, гапиролмас, юзига бошидаги рўмолини маҳкам босганича инграр эди.

Қўшни аёл югуриб бориб, каттагина бўлишига қарамай уялмасдан онасини эмиб ётган бузоқни тортиб нарига қокди-да, яна Зиёданинг ёнига келди. Уни суяб уй томонга юрди. Зиёда қўллари билан юзини тўсиб, бир томонга энкайганича йўлга тушди. Шувоқ боғла-

ри жойида қолиб кетди. Кучуклар ҳам улар кетидан юриб боравердилар. Зиёдани уйига олиб кириб сўрига ўтирғизган Фотима опа кўчага чопиб кимнидир дўхтирга югуртирди. Кучуклар энди ўйнашишмас эди, ҳовлига жимгина кириб, тандир ўтинхонасида ётган она ит ёнига ўтиб кетишди. Фотима опа Зиёда кўрсатган жойдан топиб, пахтани тузли сувга тиқиб олиб келди ва унинг юзига босди. Кейин Зиёда сўрига чўзилди – кўзлари орқага кетди. Ёрдам бераётган қўшни типирчилаб қолди. Зиёда ҳушидан кетиб қолган эди.

Кўчага келган “Тез ёрдам” дан оқ халатли одамлар тушиб келишди. Улар Зиёданинг юзига сув сепиб ўзига келтиришди, рўмолини олиб қозиқ теккан жойни кўришаётганда Қайтмас ҳам беканинг юзи жуда ёмон шишиб кетганини, бир кўзи беркилиб қолганини, қош-қовоқлари кўкиш-қизил рангга кирганини кўрди. Дўхтир деганлари Зиёдани олиб кетмоқчи бўлди, лекин у кўнмади.

Кечкурун пахтадан келган Назир онасининг аҳволини кўриб, аччиқланиб нималардир деб жавраб юрди. Пахтани ҳам, сигирларни ҳам сўкди. Кечроқ дўхтирлар айтгандек, Зиёдадан иситма чиқиб қолди. Назир қаердандир яна бир дўхтирни айтиб келди. Бир нарсалар қила бошлашди. Бирпас ўтиб Зиёдани ичкарига ётқизиб чиққанларидан кейин дўхтир Назирга энди нималар қилиш кераклигини тайинлар экан, бирдан кучукларга кўзи тушиб қолди.

Малла шоша-пиша ўзини четга олди. Мен эса бу уйда ягона эркак кучук бўлганим учун Назир акамнинг мени ҳеч кимга бермаслигига ишониб, жойимда туравердим.

– Назирвой, кучук ўзингникими?

– Ҳа, ўзимники.

– Боқиб олдингми?

– Йўқ, итимиз туққан эди. Биттаси қолган.

– Жа зўр кучук экан-да. Ие, ҳозир яна битта бошқачасиям юрувдими? Ҳа, ана, яна битта бор экан-ку.

– Униси урғочи кучук.

– Итинг роса катта экан-да-а? Болалариям шунақа гавдали ит бўлади. Менга бер шу кучукни, Назирвой. Итинг сенга яна туғиб бераверади.

Назир жим туриб қолди, ҳайрон бўлди. Дўхтир яна гапга тушди.

– Менга ҳозир жуда керак-да. Ёқиб қолди, Назирвой. Берақол энди. Онангни – Зиёда опани ҳар кун келиб кўриб тураман, майлими?

Онасининг соғлиги ўртага тушганиданми, Назир йўқ деёлмади.

Назир акам мени зарда билан кўтариб, олиб келди. Бир қоғоз қутига солди. Мен қутидан чиқмоқчи бўлиб роса уриндим. Лекин Назир акамнинг бақувват қўлларига кучим етмади. Юрагим дук-дук урарди. Қутининг оғзини ёпаётганда Назир акамнинг юзи жуда ғамгин, қовоғи солиқ эди. У тез-тез қутини ёпиб, оғзини маҳкамлади.

– Дўхтир, ўтиринг машинага! Бўлинг, онаси ташлаиб қолади. Кўтаринг ойнани, тез-тез! – деди Назир.

Мени машинанинг юкхонасига қўйганида онамнинг чопиб келганини билдим. Онам машинани айлана-айлана менинг исимни олди-да, юкхонага яқин келди. Тинмай вовуллай бошлади: “Бу ердан бир амаллаб чиқ. Сен шу ҳовлига кераксан. Мен сенсиз нима қиламан. Бўлақол. Бир йўлини қил”. Мен онамдан ажралмасликни жуда истар эдим. Аммо билиб турардимки, биз у билан охирги марта сўзлашяпмиз. “Онажон, мен энди узоқларга кетар эканман. Сиз сиқилманг, она. Ахир шерикларимдек тириклай ерга кўмилмадим-ку, одамларнинг уйига кетяпман-ку”.

Машина юрди. Онам вовуллай-вовуллай нақ канал бўйигача бирга келди. Машина билан тенгма-тенг юриб узоқ чопди.

Катта йўлга чиққанда машина тезлашди. Маҳалладаги одамлар машина кетидан югураётган итга қарашар, қаергача ета оларкин деб кузатишарди.

Кейин онамнинг овози узоқлардан эшитила бошлади. У энди бизга етолмай қолган эди.

Ит машина кетган йўлга қараб узоқ ўтирди. Олд оёқларини тик тутиб, қулоғини динг қилиб, ҳеч бўлмаसा, машинанинг қайси йўллардан юриб кўздан йўқ бўлишини билиб қўйди. Кейин бошини эгиб, Малланинг олдига – Қайтмас билан қуйиб қўйгандек ўхшаш, лекин ҳеч ким ит қилиб боқиб олишни истамайдиган боласи ёнига қайтди. Малла бу вақтда онасининг ортидан анча йўлга келиб қолган эди. Агар у бўлмаганида ҳам она ит ўз ҳовлисига қайтарди.

Биз бир манзилга етиб келдик. Мени қоғоз қутидан олишганида ҳамма ёғи қаттиқ ва муздек цемент қилинган кичкина ҳовлига оёқ қўйдим. Ҳовли аввалги мен туғилган ҳовлидан анча тор экан. Хўжайиннинг кичкина-кичкина иккита боласи бор экан. Атрофимда пилдираб, хурсанд бўлишди.

Болаларнинг онаси уйдан чиқиб келди-да, мени кўриб:

– Вой, мунча чиройли. Қаёқдан олдингиз. Дўмбоқча экан. Қани, қўлимга олиб кўрай-чи. Бўрсиққинам-эй. Эркакми бу. Зўр-ку, – деди.

– Оти нима, дада? – деб сўради хўжайиннинг тўрт ёшли ўғли.

– Қайсармиди, Вайсармиди, эсимдан чиқиб қолди, – деди хўжайин.

Ит ўша Қайтмас исми билан чақиришларини кутди, лекин ҳеч ким бу номни айтмади. Улар итга ғала-

ти, ўзлари ҳам тушунмайдиган отларни ҳам қўйиб кўришмоқда эди. Ҳатто “Чапа” ҳам дейишди. Хўжайин ҳаммасини бир четга йиғиштириб, “Қоплон” кўямиз, дегандан кейин ҳамма жим бўлди. Бу номга Қайтмас уч кунда ўрганди.

Мени бу ҳовлида ўз номим билан чақиришларини жуда хоҳладим, лекин бирор марта Қайтмас номимни тилга олишмади. Мен аввалига онамни, туғилган жойимни, мен сабаб тирик қолган кўрқоқ Маллани соғиндим. Каттакон дарвозадан чиқиб олсам, уларни топаман, деб ҳам ўйладим, лекин эшик маҳкамланиб, менинг чиқиб кетмаслигим учун эҳтиёти қилиб қўйилди. Уй эгалари кечгача мен билан овора бўлишди. Улар менинг бошимни силашди. Менга бер, менга бер, деб талашишди. Шунда менинг ич-ичимда бу одамларга боғлаб энди бир умр ажратмайдиган нимадир пайдо бўлди. У томоғимда ё ундан ичкарида қайноқ бир ипга ўхшар, қорнимними, қаеримнидир ёқимли куйдирар эди. Бу уйдаги ҳар бир одамнинг кўзларига қараб, уларда менга аталган ғалати бир нарсани кўрар эдим. Кўзлардан эгаларимнинг қандай кайфиятдалигини билиб олишни биринчи марта ўша куни бошладим.

Улар нима еб, нима емаслигимдан ҳам тортишишди. Бир қопни менга атаб, ҳали у-ҳали бу ерга солиб, устида ётишимни айтган бўлишди. Аммо улар қопни менга ёқадиган жойга солишмаётганди. Охири ухлаш учун уйга кириб кетишди.

Ҳовли кичкина бўлса ҳам, ерга маккажўхори экилган эди. Хурмо, ўрик, ёнғоқ дарахтларининг салқини кўп эди.

Мен тунда иссиқроқ жой ахтариб, пешайвонга чиқдим, унинг тўрида палосча бор экан. Шунда ётдим. Иссиққина. Кечаси қорним оғриган эди, пешайвон бурчагига бориб қўя қолдим. Куёш чиқа бошлаганда янги

бекам мени қидириб ҳовлига тушди. Бурчакларни қараб чикди. Кейин бу ёқдалигимни пайқаб яқинлашиб келди. Мен иш кўрсатган жойни кўриб қолгач, жойимдан кўтариб ўша жойга олиб борди ва шапатилаб урди. “Бу ер ўтирадиган жой эмас”, деб уришди. Мени пастга тушириб юбориб, жунларим ёпишган палосчани қоқиб ташлади. Пешайвонни қанча уриниб тозалади. Тушундим. Мен энди бу ерда ётмайман, бошқа иш ҳам қилмайман.

Пастда юрадиган, пешайвонга чиқмайдиган бўлдим.

Эртаси хўжайин итга уя қуриш учун лой қорди, кесак ташиди. Ҳовлининг у ерини, бу ерини мўлжаллади. Кейин бир четни маъқул топиб танлади. Уя битди, лекин хўжайиннинг бунақа ишларга укуви йўқлиги кўриниб қолди. Бу ичи қоронғи, бирор жойида туйнуги йўқ, дарвозага – ит кўрийдиган асосий жойга – оғзи тескари ўрнаган, ўзи пастак уяча жуда хунук бўлди.

Болалар ва хўжайин итни бир неча марта уя ичига киритиб қўйиб юбордилар. Лекин ит у ерда бир лаҳза ҳам қолмади.

Мен хўжайин қурган уяга бир марта ҳам кирмадим. У ерда ётиш ғалати бўларди. Хўжайиннинг ўғли бир гал мажбурлаб мени киритиб, эшигини темир тўсиқ билан ёпиб қўйди. Мен қоронғида ўтиришни истамай тинимсиз ангиллайвердим. Охири чиқариб юборишди.

Бека: “Балки қишда совуқ еса кириб яшар, қўяверинглар”, деди.

Ҳовли кичкина бўлгани билан зериктирмас экан. Қиладиган ишлар кўп. Этакда товухона бор. Ундан нариси соғин эчкилар қамалган кўра. Деворлар паст бўлганидан қандайдир итлар ҳам кўп бўйлар, ов қилишга ўтмоқчи бўлишар экан. Лекин бундай баҳайбат итлар ҳам мен ҳуриб турганда ҳовлига яқинлашиш-

мас, бу уйнинг эгаси бор, деб билишар эди. Бу уларнинг кўрққанидан эмас, шунчаки, қондаси шунақа.

Мушуклар эса бошқа масала. Улар жуда айёр, сурбет бўлишади. Қайси томондан, қачон пусиб келиб қолганини билиб бўлмайди. Беканинг айтишича, хонадонга ит келишидан бир ҳафта олдин кечаси товукхонанинг нобоп ёпилган эшигини очиб, бир мушук тўртта товукни бўғиб олиб кетибди. Иккитаси тухумлаётган катта товуклар экан. Бека хафа бўлиб йиғлаганмиш. Пешинда Қоплоннинг идишига шўрва суякларини ташлар экан, бошини, елкасини силаб:

– Энди ўғри мушукларнинг додини ўзинг берасан, Қоплон, – деди.

Беканинг сўзларини эшитар экан, ичида ўзига ишонч, кейин унга ишониб топширилаётган вазифадан ғурур туйиб роҳат қилаётган эди.

Кейин-кейин ҳам, то мени ёлғиз ташлаб кетмагунларича, берган овқатларини еётганимда мени эркалатсалар, суяклар оғзимда осон эриб кетар, овқат жуда ширин туюларди.

Ўз ишимни мароқ билан, ҳеч қаерга сиғмай бажарардим. Тунлар ухламас эдим. Мабодо мушуклар келмаслиги аниқ бўлиб сал кўзим илиниб қолганда ҳам, уй эшиги очилиб бирорталари ҳожатхонага чиқишса, уларга доим хушёр эканимни билдиргим келар, деворларда ҳеч қандай шарпа бўлмаса ҳам, ўша ёққа қараб вовуллаб чопар, уй эгаларини хурсанд қилар эдим. Хотиржам бўлишларини истар эдим. Ҳа-да, менга ишониб бемалол дам олишсин. Ахир мен бу ерда нима қилиб турибман?

Кундузлари анча қизиқ эди. Хўжайиннинг ўғли Илёс мен билан ўйнашишни яхши кўрарди. Мен ҳам унинг сумка кўтариб келишини кутар, ҳовлига кириб келиши билан ўйноқлар эдим. Илёс жуда севиниб ке-

тарди. Олдига солинган дастурхондан энг аввал менга нон ташлашига ўрганиб қолган эдим. У чойни шоша-пиша ичгач, ҳовлига чиқиб, лук деб ўйнайдиганлари — текис оқ ёғочни ирғитиб, олиб келишга ундарди. Бу ўйин менга шундай ёқардики, агар бекам ўғлини дарс қил, деб уришмаса, кечгача ўйнашга рози эдим.

Кейинроқ бека қизи Анорани боғчага бериб ишга чиқиб кетди. Бу вақтда Илёс мактабга эрталабдаёқ кетар эди. Шу кетганича онаси билан қайтар эди. Ит пешинда оч қолар эди. Қорнининг таталаганига чиолмай ҳовли атрофларини айланиб, емиш қидирар, беканинг мабодо эртароқ келиб қолишини истаб, дарвозага тез-тез қарар эди. Хув аввал ҳали кучук эканида бир мол дўхтири унинг тепасида туриб бир гап айтганди: “Олабай итларни тўйдириш қийин. Агар уларни доим гўштга боқилса, бир ўзи бўри галасига ҳам бас келадиган кучли ит бўлади”.

Мен кун-кун очлик қийнаганда ариқ сувини ичиб, тезроқ кеч бўлиши, бекамнинг ўғлини эргаштириб, қизини боғчадан олиб кела қолишини кутар эдим. Эрталабда кўпроқ овқат ташлаб кетишмаганига хафа бўлар эдим. Бир куни сабр қилолмай, ертўлага тушдим ва у ердаги томорқадан олиб келиб тўкилган йирик картошкадан битта олиб чиқиб едим. Эртага бундай қилмайман. Балки, кечқурун суяклар кўп бўлса, бирортасини туш вақти учун кўмиб қўярман, деб ўйладим. Аммо эртаси куни ҳам очлик азоб бериб, яна картошка едим.

Уй эгалари итга етарли овқат беролмаётганларини тушунмасдилар. Итнинг оёқлари ингичкароқ, танази ҳам енгилроқ эди, лекин хўжайиннинг олдига ким келмасин, “Итингиз жуда гавдали, чиройли экан”, дерди. Хўжайин ити билан ғурурланарди.

Кунлар исиганда, хўжайин соғин шохсиз эчкиларини тоққа — қирғизларга боқиш учун ташлаб келди.

Энди қовун пўчоқ бўладими, бошқами, ҳаммаси итнинг ихтиёрида эди. Бека бир қўшнисига пўчоқ берганида икки кун ўтиб унинг қўзиси ўлгани ва шу учун балога қолганидан бери энди пўчоқларни ҳовли четидаги ўрага ташлар, уларнинг яроқлилари янгилигидаёқ итнинг назаридан ўтар, қорнини тўйғазар эди.

Баъзи кунлари уйдагилар кўчадан тўқ келишар, кейин, кўпда, атрофларида қанча айланса ҳам, унга парво қилишмасди. Бир гал сира чидолмади. Ўзим қўрийман-ку, ҳаққим бордир, деб айвонда товуқ энди туриб кетган жойдан битта тухумни тишлаб кўтарди. Уни идиши бор жойга олиб келиб емоқчи эди, бека кўриб қолди:

– Вой, Қоплон тухум еркан! Ана, оғзида олиб юрибди! – деди у.

Илёс нималардир деб бақирди. Хўжайин анча сипо одам эди. У бирпас қараб турди-да, уни чақирди:

– Қоплон, бери кел.

Қоплон индамай унинг олдига борди.

– Тухумни мана бу ерга қўй.

У тухумни кўтарма пешайвон қирғоғига оҳиста қўйди. Ҳамма, ҳатто Анора ҳам чапак чалиб юборди. Хўжайин аввал итнинг бошини силади, кейин тухумни ердан олиб, ариқ сувида ювиб, силкий-силкий олиб кетар экан, уни мақтади, “Кузатиб турунглар, энди емайди” деди. Итга ҳозироқ овқат беришларини буюрди.

Шундан кейин мен маккажўхори ёки картошка-пиез экилган экинча ер ичида бир жойни танламайдиган аҳмоқ товуқлар қўйиб кетган тухумларни топиб, уларни супага олиб келадиган бўлдим. Мен бу тухумларни қайси товуқ қачон қўйишини билардим. Лекин уйга ҳамма келмагунча олиб чиқмасдим. Чунки очик жойда ҳакка (майна) тухумни осонгина кўриб қолиб олиб кетиши мумкин эди. Айвонда товуқлар бир-бири билан

ўрин талашиб тухум қўядиган жойга эса тегмасдим. Уни бекамнинг ўзи олар, доим битта тухумни товуклар жой алмаштирмасликлари учун қолдириб қўярди.

Уйда одам бўлганида ёки эшик баъзан очик қолиб кетганида мен кўчага ҳам чиқар, икки-уч қўшни ошналар билан гурунглашардим. Аввал келганимда кичкина деб писанд қилмаган катта итларнинг бўйи энди меникидан пастлик қиларди. Энди мен улардан асло чўчимасдим. Биз улар билан баъзан гаражга ўтиб, унинг кенг ва кимсасиз ҳовлисида истаганча айланар эдик.

Колхоз гаражида баъзида бир тақачининг тақ-туқ қилиб, нимадир ясагани эшитилар, бир неча одамлар битта паст бўйли тақачининг оғзига тикилишарди. У кичкина нарса ясага ҳам, худди машина ихтиро қилгандек, манманлик қилар, бир кунда иккитадан кўп нарса ясамас, илтимос қилиб келганлар: “Ахир ўн беш минутда бўласиз-ку”, деса, босқонни тап этиб гапиргувчининг оёғи остига ташлаб: “Мана, ўзинг ясаб олавер”, дер эди. У эрта саҳар келганича пешинга довур уриниб, унга навбатга туришни уддалаган одамга нимадир ясаб берганидан кейин ўша ердаги эски сўри устига кичкина, ранги ўчган дастурхонни ёзишар, тушликлари арақ ичиш билан тугарди. Улар ичиб бўлиб ҳам кета қолишмас, нималарнидир гаплашишар эди. Туриб кетганларидан кейин эса уларнинг сўриси остида бўлка нон қолдиқлари, қовун ё тарвуз пўчоқлари, колбаса четлари, гоҳида картошка димламадан қолган улуш бўларди. Қоплонга бирор полапоннинг жон аччиғида чийиллашидан ё қурбақанинг шўртанг гўштини егунча эшитишга мажбур бўладигани – ёқимсиз овоз – жон фарёдидан кўра шу узоқ кутишни талаб қиладиган емиш маъқул эди. Унинг барча маҳалладошлари ҳам ўзлари хизмат қилиши керак бўлган уйларида қоринлари тўқ эди-ю, аммо барча-

лари ташқаридан топиб ейилган овқатни мазалироқ ҳисоблашар эди. Баъзан шериклари гараж кўмирхонасининг пастак томига чиқиб, у-бу ерда ин курган мусичаларнинг учирма бўлай деб турган полапонларини овлаб тушишарди. Қоплон билан қўшни дўсти Зийрак иккиси бундай қилишни истамасди. Шериклар емишларини қарсиллатиб ейишга тушганларида иштаҳалари очилиб кетгани билан, ич-ичидан ғашлари келиб, кайфиятлари бузилар, дарҳол уйга қайтишарди.

Биз иккимиз девор остига келиб бир-биримиз билан гувраниб суҳбатлашардик. Маза эди. У уйда ҳеч ким йўқлигидан хабар берар, мени ўша ҳовлига ўтишга ундар, лекин мабодо товукларини чўчитсам, кунимни кўрсатиб қўйишини билдирар, мен эса унинг уйига асло ўтмасдим. Чунки у билан уришиб қолишни истамасдим, кейин ўз ишим қолиб кетиши мумкин эди. Бирга кўчага чиққан кунларимизда баъзан Зийракнинг ҳам феъли айниб қолар, тирик қушларни ўлдиришдан тийилса-да, пешайвонларда қолган дастурхонларни очиб, нонини ейишдан қайтмасди. У иккимизнинг эгаларимиз қаергадир кетиб, очлик қийнаган кунларимизда мени бирор эгаси далага кетган ҳовлиларга боришга ундарди. Мен кўнмасдим. Унинг ортидан бориб қолганимда ҳам ҳовлига кирмасдим. Зийрак билан бошқа дўстим йўқлигидан дўстлашган эдим. Ахир ҳеч ким ёлғиз яшолмайди. У билан бир-биримизни яхши тушунардик.

Кейинроқ маҳалладаги энг ҳашаматли уйда турадиганлар Тоймас деган итни боқиб олишди. Қоплон Тоймас билан дўстлашди. Жуда ажойиб ит эди. Эгаларининг учта бир-бири билан уришиб юрадиган ўғиллари, кейин битта ширингина қизлари бор эди. Тоймас ҳар доим кичик қизларининг ортидан эргашиб юрар, ўғиллар билан келишолмасди. Қиз Шоҳида эди.

Булоққа сувга чиқса, Тоймас бирга борарди. Мактабга кетаётганда бирга катта йўлгача кузатиб қўярди. Шоҳида камгап, босиқ ва чиройли қиз эди.

Қор ёғди. Қоплон бу бесўнақай ва қоронғи, бунинг устига сувнинг нами тепиб турадиган уйга кирмади. Бу уйчанинг ўзига яхшилик олиб келмаслигини яхши биларди.

Менга аталган қоронғи ва пастак уйдан кўра, пешайвон четида ташлаб беришган эски кийимлари устида қишни ўткази бошладим. Бу вақтда кузда тухумдан чиққан жўжалар анча кўпайиб, товуқлар тинмай тухум қўйишарди. Меҳмонга келган бир-икки қариндошлар товуқларга қараб ҳаваси келганда бекам мактанар, ҳозиргача ҳеч қачон бунча бўлмаганини, бунда менинг катта ўрним борлигини айтар, меҳмонлар менга ҳам ҳавас билан қарашар эди.

– Вой-бў, намуноча товуқларингиз кўп? Нечта бор?

– Ҳаммаси олтмиштага етди.

– Қанақа қилиб кўпайтирасиз-а? Биз ҳам роса жўжа очтирамиз. Ё мушук олиб кетади, ё илон сўриб кетади, ё қуш қўтаради.

– Қоплонимиз зўр-да, у бўлмаса, бизда ҳам шунча бўлмас эди.

– Ҳа, итингиз яхши экан. Яхши ит рўзғорнинг баракаси дейишади-ку.

Бир куни хўжайиннинг олдида Қўрғон маҳалладан бир одам келди. У ичкарига – хўжайин касал кўрадиган уйга кириб-чиққанидан кейин итни кўриб қолиб сўради:

– Итингиз бошқача эканми? Қаердан топгансиз?

– Қаердан бўларди. Жиянингиз Назир берган. Яхши ит бўлди.

– Ҳа-я, дўхтир, эсимдан чиқибди. Бу дейман, қариндош эканмиз-у. Бунинг туғишгани менда. Оти нима бунинг?

– Қоплон.

– Қоплон, маҳ. Меники Олабой. Лекин итни боқолмабсиз. Бир бориб кўринг. Олабой бунингизга иккита келади. Агар бу ўша бўлса, кичкиналигида энг йириги эди-я. Назир буни ҳеч кимга бермайман, деб олиб қолувди. Рост, боқолмабсиз. Хашаки уй ити бўпти.

– Билмасам, ўзим уйда бўлиб-бўлмайман. Болалар ҳам вақтида қарашмайди-да. Ўқиш, иш деб...

– Эсиз, хафа бўлманг, мен шунақа, тўғриси гапириб қўяқоламан. Ит ярим барабар ҳам ўсмабди. Агар менда бўлганида кўрардингиз.

– Ҳалиям боқса бўлар.

– Э-э, йўқ. Энди буни суяги қотибди. Тарбияси ҳам жойини топиб бўлган. Буни қаттиқ нонга боқибсиз-да. Бошда билмабман-да, келиб қанақа қарашни айтардим. Бизникида хотин бозорга холодес қилади-ку.

– Ҳа-а.

– Шунга суяк-илик сероб. Лекин бу зоти тоза ит барибир. Ҳозир керак бўлса мана шуниям анча-мунча пулга оладиганлар бор. Лекин бу авлод жа вафодор бўлади. Ҳалиям икки ой яхши боқинг. Хоҳласангиз сотворардингиз. Ўзим сотиб бераман. Бунақа итларнинг жойи тоғда. Қўтон кўрийдиган, бир сурувни бешикаст яшатадиган ит бу.

Жаҳлим кўзиётган эди. Менга қараб гапираётган бу одам сира ёқмаётганди. Агар шунинг ўрнида Назир бўлганида ҳам ириллаб кўчага қувиб солган бўлардим. Боқилмаганимда ҳам менга етадиган ит маҳаллада йўқ эди.

Меҳмон итнинг авзойини кўриб орқасига қарай-қарай кўчага чиқди. Бека ҳам бу гапларни эшитиб турган экан. Хўжайин эшикдан қайтиб кирганда аччиқланиб деди:

– Тавба, бировнинг ити билан нима иши бор? Хоҳласак, қаттиқ нон берамиз, хоҳласак, гўшт.

– Тўғри айтяпти. Ўзим ҳам бошда бўладиган кучук деб опкелувдим. Кейин ташлаб қўйдим-да.

– Битта ит бўлса, шундоқ бўлар-да. Яна нима керак. Катта бўп кетса яна боқиш қийин бўлади.

Хўжайин беканинг гапига кулиб деди:

– Шундоғам нон беришга қизғаниб, итни қўй қилиб қўйганман, пўчоқ ейди, дегин.

Бека жаҳл билан ичкарига кириб кетди. Ит хўжайиндан ҳам аччиқлана бошлади. Бошини осилтириб нари кетди. Балки у, ахир тўймаганимдан кейин, пўчоқми, бошқами, ейман-да. Лекин қўй эмасман. Мен ҳақиқий итман, деб ўйлагандир.

Барибир ўша одамнинг гапидан кейин итга тузукрок қарайдиган бўлишди.

Бека ўчоққа уринаётиб, каттакон қадимги косанинг лабини учуриб юборди. “Ҳаҳ, қуриб кетсин. Катта бувимни кўрган идиш. Мерос эди-я. Қалинлигига ишонсам, шунақа бўлиб ўтирибди”, деди у. “Антиквар” деб музейдан келишганида яхшигина баҳога ҳам бермаган шу табаррукни нега рўзғорга ишлатди, ўзи ҳам ҳайрон эди. Энди Қоплонга идиш бўлақолсин.

Ит эса ўз идиши олдига келди-ю, ёнида турган бегона косадаги овқатга бир қараб қўйиб нари кетди.

Менга одамлар идишида овқат солиб беришибдими?

Мен овқатга назар ҳам солмадим. Менинг ўз идишим бор. Қорним қанча оч бўлса ҳам бошқа идишдан овқат емайман, бошимни суқмайман. Ўз идишимни бекам икки марта, иккита Ҳайит байрамида, яхшилаб тозалайди. Ўшанда у одамларникидан ҳам чиройли бўлиб кетади.

Яхшики, бекам ўша кунни мени тезда тушуниб, ўша овқатни ўз идишимга солиб берди.

Товуқдек беақл жонзот яна бўлмаса керак. Товуқ боқиб, тухумини еган одам унинг истаган жойни ифлослаб, истаган жойни титиб кетишига қўниши керак.

Мен товукларни, уларнинг болаларини ит-мушукдан, жўжа кўтарадиган қушлардан асрар эдим. Яна уларнинг ўзидан рўзғорни ҳам асрашга тўғри келарди. Ҳовли четида даладан йиғиб келинган буғдой бор эди. Товуқ-жўжалар энг пастдаги қопларни чўқиб тешиб ташлашарди. Мен уларга ҳуриб-ҳуриб, худди ушлаб оладигандек ташлана-ташлана чарчаганимни хўжайинларим билишдим, охири қопларни қаттиқ брезент билан ёпиб ўраб ташлашди. Бемаъни товуклар энди пешайвонга чиқиб, полларни ифлос қилишарди. Бекам вайсай-вайсай тозаларди. Охири мен уларни ҳовлига ўтказмасликка қарор қилдим. Бу иш мени кечгача жуда чарчатарди.

Бир куни хўжайин кўчадан гўшт олиб келди-да, де-разадан қараб:

– Аяси, гўштни ол, мен кетдим, – деб супа лабида қолдирди. Бека бешикка бола белаш билан овора, эшитмай қолди.

Хўжайин супа лабида қолдирган қоғозга ўроғлик нарсадан бирам ёқимли ҳид келар эди. У гўшт эди. Бека сира уйдан чиқавермади. Катта товуклар, хўрозлар гўштга яқин келиб чўқимоқчи бўлишарди. Мен уларни тинмай ҳайдардим. Охири товукларни ҳовли этагига жўнатиб юбордим. Анча тинчидим. Бир маҳал уй бурчагида гўштни мўлжаллаб турган мушукни кўриб қолдим. Мен тўхтовсиз вовуллаб бекамни чақирдим. У ҳайрон бўлиб чиқиб келар экан, гўштга кўзи тушиб, менга миннатдор қаради. Гўштни уйга ташлаб чиққач, мени чақириб бошимни силади. Юзини юзимга қўйди. Кейин анча вақт менинг гўштга ҳам тегмаслигим, фақат ўз идишимдан овқат ейишим ҳақида ҳаммага гапириб юрди.

Кейинги қорлар ёғиб ўтганида болалар анча катта бўлиб қолишган эди. Қор кўп ёғиб, уйни иситиш учун

бир неча ўриқларни кесиб ёқиб юборишди, ҳовлида ҳали анча ёш хурмолар билан икки туп ўриқкина қолди. Бироқ қўшни ҳовлидаги каттакон ёнғоқ деворга маташиб ўсганидан, остидаги илдизлари ҳам катталашиб, девор тагини кўтариб юборган, кейин девор ёрилиб, омонатлашган экан. Ҳовлининг ўша томонидаги девор баҳорги тўхтамайдиган ёмғирлар вақтида гурсиллаб қулаб тушди.

Мен девор йиқилганидан ҳаммага хабар бердим. Бу вақтда хўжайин ҳам, бека ҳам ишда эди. Ичкаридан менинг нега вовуллаётганимга ҳайрон бўлиб чиққан болалар девор қулаб, қўшни боғлар кўриниб ётган жойга яқин келишди.

Бекага телефонда билдиришди. Кечқурун хўжайин ҳам ишдан келиб, қулаган деворга қараб, ёруғ ёз кунни эмаслиги, ҳозир деворни уриб бўлмаслиги, ҳали уни тиклаш учун иложи бўлса, ёнғоқни кестириш кераклиги, девор уриш учун ҳали ғишт ҳам қуйишга тўғри келиши ҳақида гапирди. Хўжайин машинасида бориб оқ бўз олиб келди. У билан беш-олти қадам жойдаги очилиб қолган девор ўрнини тўсишди. Ҳожатхона томонга ўтганда узоқроқдаги қўшнилари кўзи тушмаслиги учун яхши бўлди, лекин бу тўсиқ дайди ит-мушукларнинг ўтиб келишига тўсқинлик қилолмасди.

Энди менинг ишим анча қийинлашган эди. Чунки қўшнимизнинг бизникига қараганда бир неча баробар катта боғида қиши билан одам бўлмаганидан дайди итлар кезиб юришарди. Боғнинг деворлари кекса одам ҳам ҳатлаб ўтадиган бўлиб пасайиб кетган эди. Энди бизнинг ҳовлимиздан туриб пастак деворлар билан ўралган қатор-қатор экин ерлари ва ҳовлиларни кўриш мумкин эди. Уларнинг кўпида одам яшамас эди. Фақат экин экишарди. Бўз мато ости анча очилиб қолганди. Мен ундан бемалол нариги ёққа ўтиб кетардим.

Узун-узун боғлардан биридаги ҳашамдор ҳовлида ўша Шоҳида – сочи узун қиз кўринарди. У бир йил олдин шаҳарда ўқишни битириб келган, келиб, қишлоқнинг идора деб аталадиган жойида иш бошлаганди. Бу идора шу қишлоқни бўлакларга бўлиб идора қиладиган жой эди. Беғубор, босиққина Шоҳида улғайиб, жуда ҳам чиройли бўлиб кетганди. Маҳаллада уч девор нари қўшнининг Қоратой номли ити йўлга ётиб олса, ҳеч кимни қувламасдан ўтказмасди. Биргина шу қизга – Шоҳидага ундай қилмасди. Ўзи-ку, Шоҳидани Тоймас катта йўлгача кузатиб қўярди. Лекин баъзида Шоҳида ўзи ёлғиз ҳам ўтарди. Қиз ишга ўтиб кетаётганда Қоратой жимгина бошини эгиб турар, ўтиб кетганидан сўнг унинг кетидан чиқиб бирор нарса деб гап уқтираётган акасига ҳам вовуллагани вовуллаган эди. Шоҳида ҳаммиша ерга қараб юрар, худди айбдорга ўхшарди. Қоплон девор очилиб қолганидан кейин ўша томонларга бемалол ўтиб юрди. Уни луқма топиш қизиқтирмасди. У ўша қўшнилариинг итлари билан нимадир тўғрисида гувранибми, имо-ишора қилибми, гаплашишни, бу ёқимли кенгликларда истаганча сайр қилишни, ошналари билан чопишиб юришни ёқтирарди.

Тоймасга кўпда ҳавас қиларди. У бир дайди итнинг таъзирини шундай бергандики, ҳамма ҳайрон қолганди. Ўзи ҳам гавдали, виқорли эди. Бир одати бор эдики, нима учраса, қорнига уриб кетаверарди. Бека кўтарган товоқни кўриб уларнинг уйигача ҳам кириб келаверарди. Қоплон ундан ҳеч нарсани қизганмасди. У ишончли дўст эди. Улар Тоймас билан колхоз гаражидаги узун ва кимсасиз бинонинг ичкарисигача ҳам кириб чиқишган эди. Агар Тоймас бўлмаганида Қоплон учун бу бинолар билгисиз қолиб кетарди.

Бирдан Шоҳидаларнинг Тоймаси икки кунлаб кўринмай қолди. Эгалари, айниқса, Шоҳида уни қиди-

риб юрди, Қоплонларникига ҳам чиқди. Бир-бирига тутшиб ётган боғларда ҳашаматли уй эгаларининг Тоймасни қидирганлари, излари бормикан, деб лой ариқлар ичигача қараганлари кўриниб турарди.

Мен уни топишга астойдил киришдим. Кўнглим бир совуқ нарсани сезиб турарди. Ичим куярди. Лекин Тоймасни топа олишимга ишонардим. У жуда жасур ит эди. Усиз биз – кўшни итларнинг суҳбатлари ҳам бемаза, бирга чопишишларимиз ҳам зерикарли туюлаётганди. Ундан кейин шундай дўстимнинг бирдан йўқолиб қолиши жуда ғалати эди.

Биздан пастдаги бир ҳовлида кечалари қимор ўйнашарди. Уй эгаси асли деҳқончилик сабаб бўлиб, бошқа қишлоққа кўчиб кетган бўлса ҳам, ўзи сингари қиморбозларни олиб келиб, тунлари ўйнар, баъзи кечалар ўша томондаги ўчоқда олов ёнгани кўринар эди.

Бир гал ҳатто бу ерга тез-тез келадиган одамлардан бирининг тунда пешоб қилиш учун уй орқасига, бизнинг ён қўшнимиз Атобойнинг боғига ўтгани, кейин атрофни аланглаб, кўздан кечиргани, эртаси кечки пайтда худди ўша одамнинг маҳалладаги ёлғиз ўтирадиган Тўхтамаст чол ҳовлиси этагидаги катакдан қийиллатиб товуқ олиб чиққанини кўрган эдим. Мен қанча вовуллаганим билан бу одамга яқин боролмадим. Агар бизнинг уйимиздаги катакка тегсин эди, кўрарди нима бўлишини. Одам вовуллаганим билан олдига боролмаслигимни билди, шекилли, товуқни қўлтиғига қисиб, худди ўз ҳовлисида юргандай бемалол қиморхонага ўтиб кетганди.

Ўша куни Тоймаснинг иси менга ўша қиморхонадан келаётгандай бўлди. Эски тандирхона ёнидаги ўйиқ жойдан ошиб ҳовлига тушганимда иккита уйи бор ҳовлининг чироғи ёниқ хонасида одамларнинг бошлари кўринди. Уйнинг тепасидаги мўридан қову-

рилган гўшт ҳиди димоғимга урилиб бутун танамни сескантириб юборди. Уй олдига бориб, деразадан мўраладим. Одамлар ўртага қоғозларни ташлаб, қимор ўйнашар, нарида нонлар ва бир товоқ қовурилган гўшт кўринарди. Бирдан менга ичкаридан Тоймас қараб тургандай бўлди. Димоғимга яна унинг ҳиди келди. Мен ис олиб ҳовлининг этагига қараб юрдим. Ҳожатхона ёнидаги кичкина бостирмага яқинлашганим сари ич-ичим ғалати бўлаверди. Тери ҳидидан бошим айланиб кетди. Эшигига қулф солинган айвонга ён тешикдан ўтдим. Ичкарида... Тоймаснинг қора кўзлари тош қотиб қолган калласи ва оёқларидан ажралмаган териси ётарди. Мен увиллаб юбордим. Унинг ҳоли шундай ачинарли эдики, ит бўлганларимга пушаймон бўлдим. Бирдан Тоймаснинг кўзлари юмилиб яна очилгандай бўлиб кетди. Мен дўстимнинг мабодо шу танасидан нарида тўппайиб ётган ичак-чавоқларсиз ҳам яшаб кетиши мумкинлигига ишониб уни тортқилаб кўрдим. Тешик олдигача тортиб келдим. Йўқ. Тери ҳам, оёқлар ҳам қотиб қолган экан. Шунда ҳам танаси оғир эди. Уни қандай енгдилар экан?

Унинг олдида қанча қолиб кетдим, билмадим. Бошимни осилтириб, Шоҳидаларнинг боғига ўтдим. Ҳовлида ҳар доимгидек Шоҳиданинг ўзи юрарди.

Қоплон кўпинча бу катта ҳовлида юмушлар билан банд Шоҳиданинг юрган йўлини изма-из кузатар эди. Қоплоннинг бекаси Шоҳидани фаришталарга ўхшатарди. У бирдан ҳовли этагига қараб, ит шарпасини илғаб қолди.

– Тоймас, ўзингмисан? – деди. Кўлидаги нарсани ерга қўйиб шу ёққа шошиб кела бошлади. Кейин уни таниб, – Ҳа, Қоплон, сенмидинг. Дўстингни излаб келдингми? Биз ҳам излаб юрибмиз. Қаёқда қолди экан. Итотарлар отганми десак, ҳеч қаерда унақа гап йўқ. Бирор игна-пигнами, дорими еб қўймадимикан. Жуда

соғиндим, Қоплон, – у шундай деб, итнинг бошини силади, кейин қоғоз устига суяк қўйди. Қоплон дўстининг ўлиги устидан келганди. Кўзидан ёш оқарди, суякка қарамади. Аввалгидай Шоҳиданинг ишларини ҳам кузатиб ўтиришга тоқат қилмай, ортига қайрилди, ўз уйига қайтди.

Эртаси кечки пайт Қоплоннинг уйидагилар катта тараддудда у ёқдан-бу ёққа чопишарди.

Ҳовлида юрар эканман, хаёлимда кун ботиб кетган бўлса ҳам, уйимизга осмондан бир нур тушиб келаётгандай бўлди. Мен ҳушёр туришим керак эди. Негадир шу вақтда кўчадан бегонани киритмай, кейин ёввойи мушукларнинг жин илашган оёқларини шу ҳовлига туширмай туришим керакдай туюлаётганди. Шу ҳушёрлигимни кўлдан бермаганимча, бир қанча вақт ўтди. Кейин ичкари уйдан бир бегона, бир бошқача товуш эшитилди. У шундай ёқимли, шундай эрка йиғи эдики, уни қайта-қайта эшитгим келаверарди. Мен оилага яна бир болача қўшилганини пайқаб қолдим. Ўзим билмай вовуллаб юбордим.

Янги болачани бир кўриб қўйиш учун сира чиқмайдиган пешайвонга оёқ босиб, эшикни итардим. Эшик очилиб кетди. Ҳамма бақириб юборди. Мен оқ латтага ўралган чақалоқни кўрдим. У жуда кичкина, ширин эди. Уй эгалари мендан ранжишмасин деб, дарҳол ўзимни орқага ташладим. Улар мени қорни очибди деб овқатлар билан сийлашди. Мен чақалоқ учун байрам қилгандек, маза қилдим.

Энди мен яна бир бола учун куйиб-пишишим керак эди.

Бу бола ҳам қизалоқ эди.

Отини Асила қўйишган, бирам эркалатишади, кўтараман деб талашишади. Бу чақалоқни деб уйда неча кун меҳмон бўлди, дастурхонлар қуюқ бўлди. Беканинг опаси, жиянлари навбат билан қарашиб юрди.

Энди бека болаларни мактабга кузатиб қўйиб, ўзи чақалоқнинг, кейин бошқаларнинг кирларини ювади. Уй ишларини бажаради. Асилани кўк аравачага ётқизиб, ўрик тагида ухлатади. Бу ўрик ошхонанинг устида бўлганидан ўғри мушукларга ўзи билмай ёрдам бериб қўярди. Нақ Қоплондек келадиган қора мушук итнинг кўзидан беркиниб, ўрик орқали ошхонага овга тушади.

Мушук бирдан ўрик устидан келиб, аравачага сакраб, Асилани чўчитиб юбормаслиги учун мен арава тагида ётаман. Орада товукхона томонга ҳам қараб қўяман.

Хўжайин ишдан бўшамайди. Унинг ишдан келиши ҳаммага байрам бўлиб кетади. У ҳам кичкина боласини кўпроқ эркалатади, менга энди аввалгидек эътибор ҳам қилмайди. Вақти ҳам йўқ. Лекин унинг болаларини эркалатгани менинг ҳузур қилишимга етади.

Кечқурун бўз тутилган девордан нариги ёққа ўтдим. Ҳозир ҳовлимиз тинч. Мен энди Тоймаснинг ўрнига унинг ҳовлисини ҳам кўриб туришим керак.

Бу гал Шоҳиданинг уй ишлари билан овора бўлиб юришини кўриб бўлмасди. Ҳовлида ўртанча акаси бор экан. Улар уч ака-ука қаерларгадир мева олиб бориб сотишарди. Эшикларига кўпда узун ва баланд машиналар келади. Ит уларнинг айвони олдида ёввойи мушукларга бир кўриниб, бу ерлар қаровсиз эмаслигини билдириб қўймоқчи бўлиб турганида ўртанча ака қора сумкасини ёнига қўйиб дафтарга нималарнидир ёзиб, ҳисоблагичда ҳисоб-китоб қилар эди.

Айвон томида сезилган шарпани ҳайдаш учун овоз чиқардим-да, ўша ёққа отилдим. Бироқ оёғимга тош келиб урилди-да, оғриқдан додлаб юбордим. Ортимга ўгирилдим. Шоҳиданинг акаси сўридан анча берида яна бир тош қидириб аланглаб турарди. Уйга чопдим.

Бу менга ҳақорат эди. Шоҳида бўлганида сира шундай қилмасди. У мени ўғирликка келди деб ўйламасди.

Кўп вақт оёғимни қўёлмай юрдим. Лекин ўша вақтларда ҳам ўз ишимга машғул бўлдим. Оёғим анча тузалди. Бироқ энди Шоҳидаларнинг боғига ўта олмай қолдим. Бир кеча кўзимни юмган эдим, Тоймас яқинимга келгандай бўлди. “Шоҳидага қара”, деди у. Кўзимни очдим, Тоймас йўқолди.

Хаёлим ўша ҳовлида бўлиб қолди. Мен Шоҳиданинг акалари ўз ишлари билан шаҳарларга кетишганини билдим. Чунки уларнинг ислари келмаётганди.

Атир ҳидидан билдимки, Шоҳида ташқари ҳовлида нима биландир банд. Унинг елкамга шапатилаб, бўйнимни силашини истаб қолдим-да, бир кўраин деб яна девордан ошдим. Ҳовлисига кирганимда Шоҳиданинг нафаси сезилар, лекин ўзи кўринмасди. Дарвозахона томонда шивирлаган овозлар эшитиларди. Ёруғлик тушмайдиган чекка жойлардан юриб дарвозахонага яқинлашдим. Шоҳида бир баланд бўйли йигит билан гаплашиб турарди.

Ўзи жуда ғамгин эди. Чопиб бориб бегона йигитга вовулламоқчи, керак бўлса ташланмоқчи эди, лекин Шоҳиданинг юзига қараб туриб бундай қилиш нотўғри эканини уқиб қолди. Йигит Шоҳиданинг қўлларини кафтлари орасига олиб кўзларига тикилганча нималардир дерди. Шоҳида эса ерга қараб олганди. У аввал энтикди. Кейин хўрсинди.

– Мирзоҳид ака, энди келманг. Уйимдагилар рози бўлишмас экан. Акаларим қаттиқ туришяпти. Баҳодир акамнинг синфдошига беришармиш, – Шоҳида йиғлади.

Йигит унга қаттиқ ва ўкинчли тикилди.

– Нега энди? Ахир холам келганларида “маслаҳатлашайлик-чи” дейишган экан-ку.

Қиз ерга қараб жавоб берди:

– Менга умуман яхши гапиришмаяпти. Катта акам бунақа қилса ишга ҳам бормайди, деди.

– Шоҳи, ахир кимдан хато топишяпти? Менданми, ойимданми, кимдан? Биз нега тўғри келмас эканмиз?

Шоҳида ерга қараб оғир ютиниб жим тураверди.

– Мана, ишим ҳам тайин бўлди. Худо хоҳласа, тўйимиздан кейин сизнинг ҳам ишингизни шаҳарга кўчирамиз. Бирга бориб келамиз. Акамнинг уйини битириб берсак, машина оламиз. Сизни ёнимда олиб юраман. Мен сизни энг бахтли қиламан. Ваъдалашганмиз-ку, Шоҳида.

Шоҳида маҳалланинг энг чиройли қизи эди. Узун сочлари орқасини тўлдириб юрарди. Унга ана шу келишган йигит тўғри келмаса, бошқа ҳеч ким, айниқса, ана у Баҳодирнинг кўпда маст юрадиган синфдоши сира мос келмасди.

Улар сўзлашаётганда мен ўз хаёлимдаги келишган, чиройли итни – Бўйноқни ўйлайман. Мен уни кўрганман.

Биз итлар бош-бошида бўрилар билан бир авлодданмиз.

Бўрилар умрининг охиригача битта шерик билан яшашади. Аслида итлар ҳам шундай яшар эдилар. Лекин одамлар уларнинг ҳаётини издан чиқариб юборишган. Бу ишлари ёзилмас ва айтилмас қонуниятга айланиб кетган. Агар ер юзидаги озиқ-овқатлар тўғри тақсимланганидами, агар Худо яратган ҳар бир жонзотнинг ризқи ерда бор эканига одамлар ишонишганидами, яна агар одамлар бундай шоҳона дастурхонлар атрофида ўтириб овқатланишга сарф этган пулланинг оз қисмини бўлса-да, пешонасида инсониятга содиқ дўст бўлиш ёзуғи бор итларга сарфлаганларидами, Қоплон билан тенг туғилган шўрлик ургочи кучуклар ерга тириклай кўмилмасди. Ҳатто Малла шериги ҳақида ҳам яхши хабар бўлмади. Илёс Қўрғон

маҳаллага борган куни болалар бир урғочи итни то-  
шбўрон қилиб ўлдиришганини кўрганини, “Бу Назир-  
нинг ити” дейишганини отасига гапириб берди. Мал-  
ла бечора бундай азоб чеккандан кўра, ёшлигида ўлиб  
кетгани яхши эди-да. Илёс ўша воқеани айтиб берган  
кун Қоплон тунда осмонга қараб Худодан нимадир  
ўтингандай увлади.

Шоҳида йигитнинг елкасига бош қўйди.

– Ҳа, Мирзоҳид ака, доим бирга бўламиз. Ваъда бе-  
раман. Сиздан бошқасига беришса, мен бу дунёда яша-  
майман.

– Унақа гапларни айтманг. Ким айтади сизни олий  
маълумотли деб? Биз бахтли бўламиз. Вақт келиб пул-  
ларим жуда кўп бўлади. Сизга истаган нарсангизни  
олиб бераман. Мана, кўрасиз.

– Мирзоҳид ака, кетақолинг. Ойим чиқиб қолсалар,  
тамом бўламан.

Йигит қизнинг қўлларини сиқиб қўйди-да, сўзига  
итоат қилиб дарвозадан чиқиб кетди.

Мен Шоҳиданинг ортидан уларнинг ҳовлисига  
кирдим. Шоҳида супа лабига келиб чўнқайиб ўтирди,  
хўнг-хўнг йиғлади. Сочлари ерга сийпаланиб ётарди.  
Мен унинг ёнига чўкканимча нима қилишимни бил-  
масдим. Охири у тиниб қолди. Менга қаради. Елкала-  
римни силади.

– Қоплон, Мирзоҳидни яхши кўраман. Ойим икки  
дунёда ҳам бермайман, улар ялангоёқ дедилар. Кам-  
бағаллик гуноҳми, Қоплон? Манаман деган жойлардан  
совчи келаётганмиш. Танлаб тегасан, танлаб бераман,  
дейдилар. Ахир мен ҳам инсонман-ку, Қоплон.

Энди Шоҳида кўксига қўлларини муштлаб қўйган-  
ча ўз-ўзига гапира бошлади:

Мен севгини йўқ бўлса керак деб ўйлардим. Одам-  
лар бошқа туйғуларни севги деб ўйлашади, дердим.

Баъзан севги деб қиёс қилганларини худбинлик деб билардим. Севги бор экан. У менинг бор вужудимни эгаллаб олди. Ҳаётнинг рангин эканини билмасдим. Севгисиз жуда оддий, кўримсиз кунларимни ўтказиб юрган эканман. Энди... мен усиз, унинг ҳаёлисиз бир лаҳза ҳам яшолмасам керак. Балки ҳамма одамлар ҳам дунёда фақат бошқа бир одам учун, шу одамга кўнгил боғлаш учун яралгандирлар. Ҳа, чиндан ҳам одамлар пул топиш, яхши еб-ичиш учун эмас, муҳаббат учун, муҳаббатнинг лаззатини тотиш учун яратилганлар. Қолган неъматлар уларни одамлар севган одамларига, яқинларига, ўзидан кейинги давомчиларига тортиқ қилишлари учун яратилган. Ҳатто фарзанд ҳам.

Шу вақт уй эшиги очилди. Шоҳиданинг жаҳлдор онаси чиқиб келди. Шоҳида шоша-пиша ўрнидан турди. Ёнидаги обдастани кўтариб, ариққа қараб юрди. Ит эса секин қоронғи четга ўтиб, уй томонга кетди.

Мен ҳар куни Тоймаснинг уйидан хабар олар, хонадоннинг йигитлари уйда бўлган кунлари эҳтиёт бўлардим. Мирзоҳид яна кўп марта келди. Бирда гаплаша олди, бирда йўқ.

Кейинги марта учрашганларида Шоҳида узоқ йиғлади.

– Мени кечиринг, Мирзоҳид ака. Битта ҳаётимни ҳам ўзим ҳал қилишга кучим етмас экан. Мен энди чиқолмайман, – деди.

Мирзоҳид ундан кейинги кунларда ҳам ҳар куни келди. Ҳар куни кутди.

Кечалари Мирзоҳиднинг Шоҳидалар дарвозаси олдида турганини кўриб раҳмим келиб кетарди. Кейинроқ уйимиз олдидан ўтиб кетаётганда унинг шамоллаб қолганини, тинмай йўталаётганини билдим. Шундай бўлса ҳам, Мирзоҳид ҳар куни Шоҳидани чақириб учрашиш, гаплашиш учун келарди. Бу вақтларда

Шоҳидани ишга ҳам юборишмаётганди. Мен кўп бор бу йигитнинг яқинига келдим, лекин ёрдам беролмадим. Шоҳида энди ҳовлида ҳам кўринмасди. Мен уни кўриш учун боғ томондан девор тагига ҳам кўп келдим. Чунки баъзида Тоймас кўзимга кўриниб унга берган ваъдамни эсимга соларди.

Кундузи ўз вазифамни тугатиб, энди ўтиришни ўрганган Асиланинг рўпарасида чўзилиб олган эдим, у эмаклаб палосчадан чиқиб менга яқинлашди. Қиқирлаб кулиб, жунимдан тортди. Аввал унинг қўл узатишлари ёқиб кетгани учун индамагандим, лекин қизчанинг қўллари кичкина бўлгани билан кучли экан. Шундай тортдики, мен ҳов деб унинг қўлидаги жунларимни оғзим билан тортиб олдим. Шунда нарида ҳовли супуриб юрган бекам бақириб чопиб келди. Асила чинқириб йиғлаб юборди. Агар бекам бақирмаганида, у йиғламасди. Бекам Асилани кўтариб олиб, мени шу яқин орада турган ўтин бўлаги билан қаттиқ урди. Мен ангиллаб бостирмага чопдим. Бирпасдан кейин ҳовлига машинасини ҳайдаб хўжайин кирди. Унинг олдига чиққим, у билан сўрашгим келди.

Бека эса дарров унга итнинг ёввойилашиб қолгани, Асилани кўрқитиб юборгани, уни тишлаб олишига бир баҳя қолгани, ҳар куни ертўладан картошкани бека қанча олиб чиқса, у ҳам шунча олиб чиқиб еётгани, кечалари дайди бўлиб боғ ошиб кетиб қолаётгани, ўз ишини бажармаётгани тўғрисида роса шикоят қилди. Хўжайин Қоплоннинг юзига ҳатто қарамади. У ранжиган эди. У бу гаплар балки нотўғридир, деб ўйлаб ҳам кўрмади.

Одамлар шунақа, кўрганларига эмас, эшитганларига осонгина ишонадилар.

Хўжайин мени жеркиб пастга ҳайдади. Наҳотки, менинг болани тишлаб олишим мумкинлигига ишониш-

са. Ахир мен Асиланинг қўли тегмасидан кетишим ҳам мумкин эди, фақат унинг маза қилиб ўйнаётганига ҳа- лақит бергим келмаганди.

Ейдиган овқатимга унча эътибор қилмай қўйиш- ди. Шунга яраша менинг ҳам иштаҳам пасайиб, иди- шимдаги озгина ювундини охиригача ичгим келмай қолдирадиган бўлдим.

Эртаси куни кеч кирганда уйдан чиқиб, Шоҳида- ларнинг боғига ўта бошладим.

Ўртадаги деворнинг қулаганига кўп вақтлар бў- либ, бу орада кунлар икки марта жуда қизиб совиган бўлса-да, ҳамон ўртада кир бўлиб, кўп жойи йиртилиб кетган бўз латта осилиб турарди.

Хўжайин ён қўшниси билан деворни тиклаш тўғри- сида келиша олмаган эди.

Иккинчи боғ деворига яқинлашганимда Шоҳида- ларнинг ҳовлисидан йиғи ва шовқин эшитилди. Мен девордан секин ошиб ўтиб, қоронғи бурчакдан ҳовли- га қарадим. Уй олдига тўшалган палос ўртасида соч- лари ёйилиб кетган Шоҳида тиз чўкиб ўтирар, тин- май йиғларди. Ўнг билагини маҳкам ушлаб олганига қараганда калтак еганга ўхшарди. У ўтирган жойида Илёснинг ўйинчоқлари ичидаги малика ҳайкалчага ўхшарди. Шу ўтириши ҳам унга жуда ярашарди. Онаси икки тиззасига қўлларини таяганча унинг юзига яқин келиб тинмай бақирар, икки акаси икки томонда тик туришарди.

Она ўзининг овози жуда баланд бўлиб узоқларга эшитилмаслиги учун сал пасайтириб гапирар, лекин вазоҳати ёмон эди.

– Мен сени эр топишга жўнатганмидим ўқишга? Еганинг елим бўлгур. Бу кунингдан ўлиб қўя қолсанг бўлмайдими? Нимасига учасан ўша ялангоёқнинг? Вой, ер ютсин сени! Сени туққунча ит туғсам бўл-

масмиди. Одамлар нима дейди, кун кўрмагур! Вой-ей, қайтволдим, Худойим! Товба қилдим. Уфф! Вой бошим-ей!

Шоҳиданинг аҳволи ачинадиган эди. Кейин онанинг бундай қиздан кўра ит туғишга рози бўлгани ҳам ғалати эди, итнинг орини келтирадиган эди. Итларнинг айби нималигини тушуниб бўлмасди.

Катта акаси ҳам сўкина-сўкина қатъий деди:

– Бўлди. Бас қилинг, ойи. Мен охирги гапни айтдим. Эртага тайёргарлигингизни кўринг. Нон синдирилади. Бунингизга қараб ўтираверасизми? Ғиринг деса, ўзим сўйиб ташлайман. Тамом. Давай, кир уйга!!! Ана у кетингда итдек эргаштирганингни кўрсам, билиб қўй, яшашидан умид қилма!

Шоҳида, шундай чиройли, беғубор қиз, ўрнидан туриб зўрға-зўрға чўлоқланиб уйга кириб кетди. У кўп калтак еган экан. Мен пастак деворлардан ўтиб уйга қайтар эканман, кўзимдан ёш оқарди.

Мен кейинги кунлар туни билан, кундузи ҳам ухламадим. Шоҳиданинг аранг, судралиб уйга кириб кетгани, инграгани хаёлимдан кетмасди. Бунинг устига кўз юмсам Тоймаснинг қиёфаси менга яқинлашар, ҳушёр бўлишга ундарди.

Эрталаб бўз парда тагидан ўша ҳовлига қарадим. Ҳеч нарса кўринмади. Мен ора девор тагига бориб, девор устига чиқдим.

Баланд пешайвонда Шоҳида белини нима биландир боғлаб олганча судралиб уриниб юрарди. Ит ортга қайрилиб, пастга сакради. Бошини солинтириб, уйига қайтди. Супа лабида олд оёғига жағини тираб ётган ит Шоҳида учун йиғлади. Бир пайт ичкаридан чиққан бека келиб итга тикилди. Хўжайинни чақирди:

– Бунинг кўзи оғриб қопти шекилли. Зокир акани олиб келасизми?

– Аяси, битта зўр ит топиб қўйдим. Пешинга опке-  
лади. Бир-икки кун юрсин-чи. Агар яхши чиқса, буни  
бирортага берворамиз.

Бу сўзларга ишониб бўлмасди. Қайси айби учун?  
Наҳотки уни шу уйдан, ширинтой болалардан, бошқа  
ҳамма нарсадан, кейин Тоймас дўстининг ҳовлисига  
кўзқулоқ бўлишдек ишларидан айиришади? Нега энди?  
Унингдек қайси ит бу ишни уддалайди? У ҳозиргача ёмон  
ит бўлдимиз? Ҳа, қорни тўймаганда ертўладан олибми,  
пишганда ҳовлидан ковлабми, картошка егани рост, ле-  
кин шунинг учун уни сургун қилишлари тўғрими?

Чиндан ҳам пешин маҳали мотоциклда бир қора  
кучукни опкелиб ташлаб кетишди. Ўзи кайфиятим  
ёмон эди. Баттар бўлди. Мен бир четда ётар эканман,  
бекамнинг, болаларнинг янги кучукни яхши кўриб  
эркалашларидан хўрлигим келар эди. Охири кучукни  
ўрганиб бўлишди шекилли, ҳаммалари бошқа ишлар-  
га чалғишган вақтда кучук менга қараб интилаверди,  
оёқларим тагига келди. У мендан меҳрибонлик сўра-  
гандай бўлди. Мен эса ундан ҳовлимни, ўз ўрнимни  
қизғанаётгандим. Ириллаб, қаттиқ ҳуриб уни ҳайдаб  
юбордим. Бу вақтда хўжайин кўчадан кириб келаёт-  
ган экан. Менга пўписа қилди. Баттар хафа бўлдим. Кў-  
чага чиқиб, тегирмон қурилаётган томонга ўтиб ётиб  
олдим. Кўп вақтим араз била кўчада, янги тегирмон  
эшиги тагида ўта бошлади.

Икки кун ўтиб мени беканинг акасига бериб юбо-  
ришди. Унинг катта ўғли бўйнимга арқон солиб уйига  
олиб кетди.

Мен ноилож бегона ҳовлига келдим. Бу ҳовли  
шундай кенг эканки, уни айланиб қўриш учун анча  
меҳнат қилишга тўғри келаркан. Энди қандай яшар-  
кинман. Уйимни қандай унутсам экан, деб ўйга ботиб  
занжирда бир кунни ўтказдим. Уй эгаларининг мени

кўйиб юборишларини кутдим. Агар ҳовлида айланиб юрсам, ишларим кўпайиб, унутишим осонроқ бўлар дедим. Бироқ уларнинг бундай мақсади йўқ экан. Мен боғлоқда турарканман. Эркисизлик мени баттар расво ҳолга солганди. Мен иштаҳамни йўқотдим. Уйдаги беш одам ҳам мени бирдай жойи алмашгани учун овқат емаётганга чиқарганди. Бугун бўйинбоғимнинг занжирга қаттиқ латта билан боғланганини кўриб қолдим. Тунда ўша латтани ғажий-ғажий бўшалдим-да, ўз уйимга чопиб кетдим. Кўчамизга бурилганимда хурсандликдан танамга сиғмаётгандим. Дарвоза ёпиқ экан. Бир оз турдим-да, бошқа йўллар билан уйга киришни режа қилдим.

Ундан аввал – Шоҳиданинг аҳволини билиш учунми ё шунчакими, уларнинг дарвозасига келди. Саҳар маҳалидаёқ эшик олдида одам кўп эди. Машинага бир нарсаларни юклаётган эканлар. Ичкаридан одамларнинг “тўй, тўй” деб гапирганлари эшитилди. Ит Шоҳидани кўришга қанча уринса ҳам, фойдасиз бўлди. Бир марта кўзи унинг онасига тушди. У бошини боғлаб олган, афтидан, қон босими ошган эди.

Дарвозамиз олдига қайтдим. У ҳали ҳам очилмаганди. Бизнинг кўчадан кейинги кўча орқали кириб, қиморхона ёнидаги очиқ ораликдан паст деворли боғларга ўтдим-да, осонгина ҳовлимизга кириб келдим. Янги кучук пешайвонда юрарди. Мен ҳеч қачон қадам босмайдиган, агар товуклар чиқиб кетса ҳам пастдан туриб уларга вовуллайдиган жойларда у бемалол айланиб юрганди. Мен чидолмадим. Уни пастга тушишга, ўз жойини билишга ундаб бақирдим. У кўрқиб пастга чопди. Чеккадаги каттакон ёғоч қути тагига кириб олди. Унга жой қилиб беришган кўринади. Кейин қути тагида хавфсиз эканини билиб, чиранганча вовуллашга тушди.

Унинг аҳволи жуда кулгили эди.

Уйдан бека билан хўжайин чиқиб келди. Улар Қоплонни кўриб ҳайрон, ҳатто хурсанд бўлишди. Бироқ ит уларнинг олдига бормади. Хафа эди. Барибир хўжайин чақириб олди.

– Занжириггни уздингми, Қоплон? Бизни соғинибсан-да ё яхши овқат беришмадими?

Қани энди унга тушунтироладиган тили бўлса экан. Хўжайин ҳам ғалати. Асли бошдан ўзи бу олабай итга етарли овқат бериб келмаганини эсламаётган эди у. Ит нима учун қайтгани, нега у ёқда яшолмаганини тушунса эди у. Наҳотки Қоплон меҳр қўйган хўжайин яшаш маъносини фақат яхши еб-ичиш деб ўйлайди-а?

Эрталаб янги борган уйимдаги катта ўғил яна мени олиб кетишга келди. Бекам норизо қиёфада менга яқинлашиб, кўзларимга қаради. Бу гал у мени кўзи қиймаётган эди. Лекин барибир жиянини кутдирмай менинг бўйинбоғимни ушлади. Мен жим туравердим. Чунки у мен қўлидан неча йиллар овқат еган бекам эди. Мен унинг буйруқларига сўзсиз итоат қилардим. Бўлмаса итлик шаънимга оғир иснод бўларди. Агар боғлаб беришмаганида, мен ана у индамас болага ўзимни тутқизиб ўтирмасдим. Кетаётганимда бекамнинг кўзида ёш кўрдим. Унинг ғамгин кўриниши менинг кўз олдимдан кетмай қолди. Мен хурсанд эдим. Ширин ўйга ботгандим. Негаки бекам менинг ана у арзанда кучукдан яхшироқ эканимни тушунган эди.

Мана, мени яна занжирда олиб кетишмоқда. Бўйнимдан боғлашса, мен нимага ҳам ярардим. Энди ҳеч нарсага қизиқишим қолмаётганди. Судралиб борар эканман, бирдан кўчамиз бошида турган Шоҳидани кўрдим. Унинг олдига чопиб боргим келди. Бироқ занжир тортилиб, бўйнимни қийиб юборди.

У дугонаси билан кулиб гаплашиб турар, қандайдир муҳим ишни ҳал этаётганди. Шоҳиданинг тақдир-га тан берганига ишониб бўлмасди. У эса негадир хафа эмасди. Балки, бир камбағалдан қутулганига хурсанддир. Одамлардан ҳамма нарсани кутса бўлади. Лекин Шоҳида...

Яна аввал бир неча кун овқат еб-емай ўтирган жойимга ўрнашдим. Энди кўп нарса қийнади. Бу каттакон ҳовлининг деворлари менинг бўйимдан сал баландроқ эди, холос. Дайди ит ва мушуклар истаган вақтда изғиб юришар, менинг бу ерда бор ё йўқлигим аҳамиятсиз эди. Мен ҳаётдан узилиб қолгандек бўлардим. Нега яшаётганимни тушунмас, кунларим маъносиз эди. Баъзи тунлари кўзимга Тоймаснинг қиёфаси яқин келаверар, у мени яна нималаргадир ундагандек бўларди. Ана шунда мен яна Шоҳидани эслардим. Шоҳидани эслаганимда кўз олдимга ўзим кўнгил қўйган Бўйноқ келарди. Уни бекамнинг ортидан қўшни-никига усталарига овқат олиб чиқаётганда эргашган маҳалим кўргандим.

Бека ҳовлида ишлаётган усталарга “Ҳорманглар”, деб, кейин лаганда ўроғлик овқатини уй эгасига узатган, икки аёл бирпас гаплашиб ўтиришган, кейин ўша қўшни аёл бекага омборхона орқасидаги бостирма тагида болаларини ўйнатиб юрган итини кўрсатган эди. Унинг тўртта кучукчаси бор экан. Бири – ўша, Қоплон билган, жунлари бекасининг момиқ пальтосини эслатадиган, лекин ялтираб турадиган Бўйноқ эди. Қоплон уни кўриш учун бека ташқарига чиқса, ўша уйга борармикан деб ҳар гал эргашарди. Бироқ бекаси ҳадеганда у ҳовлига киравермасди. Бўйноқни у атиги тўрт марта кўрди. Охирги кўришида Бўйноқ анча улғайган, жуда Қоплоннинг бўйига етолмаса ҳам, дуркун бўлиб ўсиб қолган эди. Кейин бир гал бекасини ўша Бўйноқнинг

эгаси чақирди. У нимадандир хавотирда эди. Унга Қоплон ҳам эргашди.

– Қўшни, ҳозир итотарлар келар экан. Итлар қу тураётганмиш. Одамга зарар қилармиш. Итингизг паспорт олмаган бўлсангиз, барибир отиб ташлайди, дейишяпти, деди аёл куюниб.

Бека Қоплоннинг яхшиямки паспорти борлиги, маҳаллий уколларни ҳам вақтида олиб туришини айтиб, бошқа гапларга ўтиб кетган эдики, ташқаридан қурол кўтарган уч одам кириб келиб қолди. Қоплон Бўйноқ билан ҳали кўришмаган ҳам эди. Бекаси уларни айвонга яширган экан.

Одамлар уй бекасига шундай тушунтиришдики, у итларининг отилишига рози бўлиб қўя қолди. Уларнинг бири Қоплон ҳақида сўрамоқчи бўлиб унга тикилди. Қоплон бир хавфни сезгандай беканинг оёғи остига келган эди, бека ерга чўкди-да, Қоплонни олд оёқлари билан қўйнига олди. Бека чиқиб кетишни уддалолмаётганди. Энди нима бўлиши уни қизиқтириб қўйган эди. Айвондан аввал она итни, кейин кучукларни битта-битта олиб чиқиб девор тагида отиб ташлашди. Қоплон ҳар ўқ отилганда ерга чўккалаб олган беканинг қўлтиғи орасига кириб кетар эди. Бека ҳам ҳар гал бир сапчиб тушар, ҳалигина бидирлаб турган одам тилдан қолгандек гапирмас, орада “Войй, охҳ”, деб қўярди. Охирида Бўйноқни олиб чиқишди. Қоплон Бўйноққа тикилди. У ўқ овозидан қаттиқ кўрқиб кетган эди. Кўзларини ола-кула қилиб, олиб чиққан одамнинг қўлларидан чиқиб қочишга интиларди. Одамлар ўқ отишдаги маҳоратларини Бўйноқда намоиш қилмоқчи бўлишган экан. Бири уни осмонга ирғитди, иккинчиси унга ерга қулаётган жойида ўқ отди. Бўйноқ яна юқорига отилиб, бир айланиб, тўп этиб ерга тушди. Оғзидан қони сачраб кетди.

Қоплон шитоб билан қуролли одамлар томонга сакради, тинмай вовуллай бошлади. Бека шошиб қолди. Югуриб келиб Қоплонни қучоқлади-да, жунидан тортқилаб ташқарига қараб юрди. Эшикка уч-тўрт қадам қолганда кўтариб ҳам олди. Ташқаридагина чи-долмай ерга қўйди, лекин итини бошлаб шоша-пиша уйга чопди, дарвозани қулфлади. Кўркувдан супа чети-тига ўтириб қолди. Беканинг кўзлари олайиб кетган, Қоплон эса тинмай ғингширди.

Маҳаллада ҳамма ваҳима ва саросимада қолган эди.

Хуфтонда Қоплон узун-узн увлаб нола қилганди.

Мен ўшанда Бўйноқдан айрилдим. У одамзот қўли-да нобуд бўлди.

Бекамнинг айтишича, урғочи итларининг отили-шига уй эгасининг ўзи ҳам рози бўлганмиш. Чунки урғочи ит уйда турса, арлонлар боғ ошиб келаверар-миш. Уйдан барака кетармиш.

Шундай қилиб Қоплон ўзи кўнгил қўйган Бўй-ноққинасидан айрилиб қолган, энди бу оқиш итнинг қиёфасини кўз олди-га бир-бир келтириб кўярди.

Мана, энди Қоплон Шоҳидани ҳам кўролмайди. Ахир энди бегона маҳаллада, бегона уйда. У ерга зан-жирлангани билан тобора ҳаётдан узилиб бораётган-дек ва бу аҳволда энди узоқ давом этиб бўлмайдиган-дек эди. Янги бека уйда жуда кам бўларди. Бир куни у дарвоза томондан ким биландир суҳбатлашиб кела бошлади.

Менга худди ҳозир нимадир юз берадигандек ту-юлаётган эди. Негадир кўча томонга қарагим келар, ўша ёқда нимадир яхши нарсa кўриниши керакка ўхшарди. Қарасам, менинг севимли бекам келибди. Занжир етганича ирғишлаб юбордим. Жуда хурсанд бўлдим. Уни соғинган эдим. Бекамнинг тезроқ ёнимга чўкишини, бўйинларимга шапатилаб, бошимни сила-

шини истардим. Унинг қўлларида танамга қувват меҳр ўтарди. Мен ана шунга зор бўлиб кетгандим.

Бекамнинг жияни кўчадан бир ёғоч қути олиб кирди. Ундан анча катта бўлиб қолган Тўрткўзни олиб ҳовлига қўйиб юборишди. Ҳайрон эдим, лекин Тўрткўзнинг менга кулгандек боғловсиз бемалол юриши ғашимга тегиб, ҳуриб юбордим, уни тезроқ кетишга, даф бўлишга ундадим. Менинг неча йиллар ҳар ёққа чопиб ҳимоя қилган ҳовлимни эгаллагани етмагандек, энди бу ерга келиб, мен сенинг аввалги эганга эрка итман, дегандек гердайиб юришига чидолмаётгандим.

– Тўрткўз боғлоқлик туришга яхши. Барибир қўйиб юбормайсизлар-ку, кеннойи, – деди Қоплоннинг аввалги бекаси. – Уйларнинг ичига ҳам кириб кетавериб безор қилди.

– Майли, Илёсбек, аввал занжирдан қўйвормай, Қоплонни машинангизга жойлаб олинг, кейин буни бизга боғлаб берарсиз, – деди уй бекаси.

Бека аввал берилган итини яна қайтиб олаётганидан хижолатда эди.

Ўз уйимга қайтдим. Болалар мени хурсанд кутиб олишди. Мана, уларга яна керак бўлибман. Хўжайин мени эркалатди.

– Барибир Қоплонга ҳеч бир ит етолмас экан, – деди хўжайин.

Мен мағрур эдим. Қаддимни тик тутиб ҳовлини айланиб юрдим. Эгаларим олдида бир оз гинада эканимни ҳам билдириб қўйдим. Бу нодон одамларнинг мени билишлари учун анча иш керак бўлди-я.

Мен яна қадрдон уйимда ўзимга ҳар бир бурчаги таниш жойлардан кўз узмай, товуқларни ҳимоя қилиб юравердим.

Уйнинг тўғрисида тегирмон тинмай вариллаб ишлар эди.

Иккита хонаси бор.

Мен тегирмонни ҳам қўриқлайман. Ёз куни бўлгани учун мен кўпроқ кўчада чўзилиб ётар, одамларнинг тегирмонга келиб-кетишларини кузатар эдим. Бир куни тегирмон қаршисида кўчада ётган эдим, Шоҳида биров билан уйига қараб келаётганини кўрдим. Ёнидаги ўша Мирзоҳид эди. Уларга чопиб бордим.

Улар турмуш қуришган экан. Онаси қандай рози бўлди экан? Акалари-чи?

Бироқ яхшилаб қаралса, Шоҳида озиб-тўзиб кетганини кўриш мумкин эди. Ерга қараб, индамай келяпти. Эри велосипед етаклаб олган. Унинг ҳам юзлари сўлгин эди. Уйида ҳеч ким ҳалигача Шоҳида билан яхши гаплашмас эди. Ўша куни ҳам онаси қизини куёви билан келган бўлса-да, яхши кутиб олмади. Шоҳида нима қилишини билмай, супурги олиб у-бу ерни супурган бўлди, ўзи чой тайёрлаб, олиб келган нарсаларини дастурхонга қўйиб, онасини чақирди. Кейин ерга қараганча, Мирзоҳидга чой қўйиб узатди. Онаси боғ этагида қандайдир ишга ўзини машғул кўрсатиб юраверди.

Ўша куни кечгача менга ҳеч нарса ёқмай, ичим хира бўлди. Тегирмончилар ишни тугатиб кетишаётганда уларни кузатиб, хўжайиним олдида турган эдим, Шоҳидаларнинг дарвозаси очилгандай бўлди. Мен хўжайиннинг орқасидан уйга кирмай ўша ёққа қараб юрдим. Кеч кириб энди қоронғи тушаётган эди. Шоҳида билан унинг велосипед етаклаб олган эри кўчага чиқишди.

Эшикни ёпаётган онасини Шоҳида тўхтатди. Она бош силкиб “Нима дейсан?” дегандек имо қилди.

– Ойи, ану кулранг плашчимни олиб кетсам майлими? Ўзингиз учинчи курслигимда олиб берувдингиз-ку. Ишга кийсамми девдим.

– Плашч обермадими бойваччаларинг? Ойлигингни тутамлаб берасан-ку?!

Она шундай деб осмонга кеккайганча уйга кириб кетди. Шоҳида билан эри бошларини эгганча жим қутиб туришди. Она плашчни олиб чиқди. Шоҳида унга қўл узатган эди, она уни велосипед орқа ўриндиғи устида баланд тутиб турди-да бошқа қўлида ёндиргич чақиб плашчга тутиб турди. Кийим лов этиб ёна бошлади. Она индамай плашчни то олови кучайгунча ушлаб тураверди.

– Ойии?!

Шоҳиданинг йиғламсираган овози эшитилди. Она ёнаётган плашчни велосипед ўриндиғига ташлаб юборди. Мирзоҳид уни велосипед устидан тортиб пастга олди. Ерда силкиб ўчирди. Она эса аллақачон ичкарига кирган эди. Дарвоза қарс этиб ёпилди.

Мирзоҳид кийимни четдаги симёғоч тагига авайлаб қўйди. Улар кета бошладилар. Мирзоҳид Шоҳиданинг елкасидан қучиб борар, овутар, ҳадемай пули қўп бўлишини, унга ҳамма нарса олиб беришини, онасидан хафа бўлмаслик кераклигини, вақти келиб ҳаммаси изига тушишини паст овозда тушунтирарди.

Кайфиятим расво бўлди. Шоҳиданинг онасини баттар ёмон кўриб қолдим. Агар уйимизга чиқса, барибир тишлаб оламан.

Эртасига Шоҳидаларнинг дарвозаси томонга бордим. Бир четдаги гўнг уюми орқасида маҳалламизнинг энг дайди кучуги Йўлбарс офтобда ётарди. Унга яқин бордим. У Шоҳиданинг ярми куйган кийими устига чиқиб олган эди. Мен Йўлбарсни қувиб юбордим. Кийимни тишимда тортқиладим. Бир четга олиб қўйгим келди.

Кейинги экин экиш вақтида бека уйга яна бир чақалоқ олиб келди. У ўғил бола эди. Бунақа одамлар

ҳеч қаерда йўқдай, уларга фақат Қоплонгина мос келадигандай, уларни жон дилдан яхши кўраверди у.

Ўша йил ҳовлига эккан картошкаларини чопиқ қилган вақтда ён қўшни билан келишиб, бўз матоси майдаланиб тушиб кетай деб қолган очиқ жойни баланд девор қилиб тўсиб ташлашди.

Мен энди ошналарим билан тунда изғиб вақтимни чоғ қилишга чиқолмас, баъзида кундуз кунлари бир-икки бекорчи итлар билан кўча айланиб кўярдим. Гараж бузилиб, ўрнига бир мактаб қурилган, унинг деворлари баланд, ўтиш имкони йўқ эди. Бизни мактаб ичкарасида қандай жойлар, нималар борлиги жуда қизиқтирарди.

Йиллар шундай ўтиб бормоқда эди.

Мен уйда кенжатоини ҳаммадан яхши кўрардим. У мен билан энг кўп ўйнашарди. Боғчадан келганда менга конфетлар берар, мени чўзилиб ётишга, орқа оёқда тик туришга велосипед баллони орасидан ўтишга ундар, бу ўйинлар мени ҳам, уни ҳам жуда завқлантирарди. Биз бир-биримиздан ҳеч қачон ажралмаймиз, деб ўйлардим.

Хўжайин аллақандай ажойиб ҳаммом қурадиган устанинг бўшабини кутиб, ҳовлини тоғ тошларига тўлдириб юборган вақтлар эди. Катталарини мактабга жўнатиб, икки кичик боласини боғчага ташлаб ишга кетганича кечқурун келадиган бека бир куни бирпасдаёқ ҳовлида пайдо бўлди. Шошиб уйга кириб кетди. Кейин маҳси-калиш, кўкиш кўйлак, қора жемпер кийиб, дока ёпиниб чиқди-да, хўжайинга қўнғироқ қилди.

– Дадаси, эртароқ келасизми? Шоҳиданинг эри бўлмай қопти... Ҳа...Ҳа... Оққон экан, деб эшитувдим менам...Соат тўртга чиқаришар экан. Кечикманг, хўп.

Кейин бека супага ўтириб йиғлади. У Шоҳидани яхши кўрарди. Ўқишни битирадиган йиллари “Шу қиз жиянимга тегса эди”, деб юрарди.

Менинг кўз олдимга яна отилган ўқдан тикка учиб ерга тушган, кейин оғзидан қони отилиб кетган Бўйноқ келди. Унинг қорачиқларида менинг аксим қотиб қолган эди ўша куни.

Мен яна увладим. Кўшни аёлнинг “Овозингни ўчир”, деб ҳовлига тош отишларига ҳам қарамай увайвердим.

Қоплон ҳам, Шоҳида ҳам бахтли эдилар. Улар покиза меҳр ва севгини билардилар. Уни ич-ичларидан ҳис қилган, уни туйган, кўп кунларини унинг тафтида яшаган эдилар.

Бахтсиз ҳам эдилар. Улар бу севги тўла дунёга меҳмон бўлиб келган эдилар, холос. Уларнинг севгиси айрилиқ йўлларига элтарди.

Кунлар иссиқ, бека энди ишдан дамга чиқиб, ҳаммом устасига икки-уч маҳал овқат пиширар, менинг ҳам товоғим ҳамиша тўла эди. Ичим негадир ғаш, кўзимни юмсам, аввал Бўйноқ, кейин баҳорда ўлиб қолган Зийрак, кейин Тоймаснинг қўйхонада ётган калласи келарди. Мен ҳамма ҳам бир кун ўлишини тушуниб турардим.

Ҳаммом қураминиз деб ён томон деворини бузишгач, менга яна кенг боғлар томонга йўл очилганди. Энди аввалги дўстларнинг кўпи йўқ, ёш итлар энг бемаза қилиқларни қилиб, боғларда юришар, ити бор ҳовлиларга ҳам ўғирликка тушишар, улар итларнинг шарт бўлган тутумларини билмасдилар. Биладиганлари эса эски нарса деб парво қилмасдилар.

Уйига қайтиб келган Шоҳида чўпдай озган, яна аввалгидай, ҳовлида судралиб, уриниб юрарди. Беканинг айтишича, унинг боласи ҳам туғилибоқ nobуд бўпти. Икки акаси бир кунда уйланиб, тезда марказга кўчишган, энди биргина бўйдоқ, олифта акаси қолган эди. Дадаси эса хотинидан ўлгудай кўрқарди. Икки-уч

кунда бир ортиғи билан ичиб, судралиб кириб келар, уйда бақир-чақир авжига чиқарди.

Ҳовлисида Шоҳидадан бошқа ҳеч ким йўқ кунлар неча марта унинг олдига яқинлашдим, лекин Шоҳида мени кўрса ҳам, ҳеч нима демас, гапирмас, эркаламас, суяк ҳам ташламасди. У уй ишини тугатиш билан овоза эди. Кўзида ҳеч бир маъно йўқ эди.

Бир кеча кўзимга Тоймас кўринди. У мени девор нариги томонида чақирарди. Нариги дунёга чақирпатимикан дедим. Бор-э, нима бўлса бўлар, деб, ҳаммомнинг бўйим баравар бўлиб қолган деворидан боғ томонга ирғидим. Тоймас йўқ эди.

У яна Шоҳидаларнинг деворига келди. Онаси Шоҳидани уришарди.

– Якка ўтмай қаро ер бўлгур. Яхши гапга кўнмасанг, ёмон гапга кўнмасанг. Ёшлигингда оёғимнинг тагида бўғиб ўлдириб қўя қолсам бўлмасмиди. Шунча куйгиликлар йўқ эди-я. Одамлар нима дейди. Онани гапига кирмасанг, Худоё... Берган сутларимга... Э Худойим, минг марта тавба қилдим!

Шоҳида индамай устунга суяниб турарди. Она ичкарига кирди. Қиз ҳам ерга тикилганча, калишини судраб ортидан кириб кетди. Онанинг яна овози эшитилар, лекин нима деётганини тушуниб бўлмасди.

Уйга қайтдим. Товуқхона томондаги шарпани сезиб чопиб бордим, борлигимни билдирдим.

Ҳаммом битди. Хўжайин, бека, болалар устани кузатиб бўлиб, унинг ичига кириб бирам хурсанд бўлишар эди. Бека ўз зиёфатида дугоналарига таъмирланган уйи, ажойиб ҳаммомини кўрсатиб роса мақтанди.

Эртаси тегирмонга келган арава ортида турган катта итни кўриб қолдим. Олдига чиқмаслик мен учун иснод бўларди. У ҳадини билмай, менга ҳуриб, ичкарига яхшиликча кириб кетишимни айтди. Мен эса бу

кўча, тегирмон, унинг ҳовлиси менинг ҳудудим эканлигини билдирдим. Итлик шартларини билмайдиган мақтанчоқ, кеккайган ит экан. Роса олишдик. Ортимизда эгаларимиз ҳайҳайлашар, лекин ҳозир уларга қарайдиган вақт эмасди. У қулоғимни қонатганда чидолмадим. Дуч келган жойига тиш ботирдим. У ҳам қараб турмади. Юмалаб-юмалаб каналга тушиб кетибмиз. Яхшиям, сув кўп эмасди. Иккимиз ҳам сузиб-сузиб чиқдик-да, икки томонда ҳовримиздан тушдик.

Мен неча кунлар ерга оёқ қўёлмай юрдим.

Қоплон тузалишига оз қолганда сўри тагида ётар, унинг тепасида чой ичиб ўтирган бека хўжайинга дерди:

– Шоҳидани Маҳкамга беришибди. Эртага ундоқ-мундоқ қилиб тўйча қиворишаркан.

– Нима? Маҳкамга? Жиннимисан? Шоҳидани-я?

– Ҳа, Тошби опам энди менинг айтганимга тегади. Ўзи айтганига бериб кўрдик, деди.

Деворлар баланд бўлиб кетган, Қоплон Шоҳида томонга ўтолмаётганди, хабар ҳам ололмаётганди.

Туни билан ўша ёққа ўтишни мўлжаллаб ётди.

Негадир кўзим олдида тишлари орасидан қони сизиб чиққан Бўйноқ келаверди. Мен у билан хаёлан гаплашар, искашар эдим. У менга эркалангандек бўлар, кейин ортимдан юр дегандек имлаб, қандайдир яшил майсазорларга бошларди.

Ичимда бир сезги пайдо бўлди. Осмонга қарадим. Юлдуз кўп эди, лекин аллақайси томонлардан қоп-қора бир бўрон учиб келаётгандай. Мен Шоҳидани кўргим келиб деворлар тагида роса айландим. Ўтишнинг асло иложи йўқ эди.

Бирдан кўз олдимда, шундоқ ётадиган жойим яқинида, Тоймас пайдо бўлди. У менга бир қараб кўйиб, ҳовли йўлагидан олдинга қараб юрди-да, тандир устига сакради. Ундан нариги боққа ўтиб кетди. Биринчи

марта тандир устига чиқиб, бекамдан гап эшитганимдан кейин қайтиб қадам қўймагандим. Чунки тандирда нон пишади-ку. Мен бу вақтда Тоймаснинг руҳи учун у кўрсатган йўлдан юрдим. Тандир устидан қўшни боғга сакрадим. Шоҳида яна ҳовлида эди. У қора халат кийганча девор тагида турарди. Бирдан мени кўриб қолди. Икки қўлини узатди. Унга яқин бордим. Ўнг қўлимни ўнг қўлига ташладим, сўрашдим. У жилмайди. Чўккалаб, бўйнимдан кучоқлади. Кейин ғалати овозда шивирлади:

– Қоплон, мен яшаб бўлдим. Энди кетаман. Мирзоҳид акамнинг олдида. Тоймаснинг олдида кетаман. Ўз ҳолимга қўйишмаяпти, Қоплон. Мен... Менинг болам ўғил эди. У тирик эди, Қоплон. Уни йўқ қилишди. Ўлди-га чиқаришди, Қоплон. Сен одамларни билмайсан. Улар ваҳший. Улар тишлаб олади. Улар қутурган, Қоплон. Мен Мирзоҳид акамга хиёнат қилолмайман! Боламини эҳтиёт қил дегандилар. Қўлимдан келмади, Қоплоон.

У менга гапираверди. Аҳволи ёмон эди. Йиғлай бошладим. Унинг овози сал кўтарилди, бошқачароқ бўлиб қолди:

– Мен бахтлиман, Қоплон. Мени севдилар. Мен ҳам севдим. Дунёда севмай яшайдиган одамлар ҳам бор. Уларнинг махлуқлардан ҳеч бир фарқи йўқ, Қоплон. Улар охурга овқат деб ўзини урган ҳайвонларга ўхшайди. Йўқ, нотўғри айтдим. Ҳайвонлар бировнинг кўнглига озор бермайдилар. Уни урмайдилар. Уни тириклай ўлдирмайдилар. Ҳамиша эгаларининг кўзига қарайдилар, мени яхши кўрармикан дейдилар, қўлига қарайдилар, овқат берармикан дейдилар.

Шоҳида ўксик-ўксик йиғлади. Ич-ичидан ғамли фарёдлар отилар эди.

У супа четида бирпас ўтирди. Кейин омборхонага кириб кетди. У ердан арқон билан икки оёқли кички-

на ўриндиқ олиб чиқди. Судралган кўйи боғга қараб юрди. Унинг нигоҳларида қатъий бир ҳукм бор эди.

Девор бўйлаб юрди. Унга эргашдим. Энди кўрибман, у ялангоёқ экан. Олдига ўтдим. Кўзлари бир нуқтага қараб борарди. У кўряптимикан, дедим.

Боғнинг этагига яқин жойдаги катта олма дарахтига арқонни ирғитиб, сиртмоқ тайёрлади.

Бунақа сиртмоқни Атовой аканинг боғида ити касал бўлганда “Кутурди” деб арқонга осишганида кўргандим. Ити Бўрибосар роса қийналиб, хириллаб ўлган эди.

Мен Шоҳиданинг халатидан судраб уни қоронғиликдан уйга қайтармоқчи бўлдим. Барибир фойдаси бўлмади. У ҳув авваллари ўзи ўтириб олиб пиёз, сабзи тўғрайдиган ўриндиғига яланг оёқларини қўйиб сиртмоққа қўл юборди. Мен уйга қараб чопдим. Муסיқа овози эшитилиб турган кичик акасининг деразаси ёнига бориб овозимнинг борича вовуладим. Эшик олдида оқ кроссовка турарди.

Деразадан оқ шим билан оқ жемпер кийган акаси Ихтиёр қаради-да, итга муштини дўлайтириб яна ўтириб олди.

Мен ўзимни эшикка урдим. Фойдаси бўлмади. Деразага ташландим. Ихтиёр ташқарига чиқди. Тинмай вовуллаб турган бўлсам ҳам, аввал Шоҳида кириб кетадиган уйнинг эшиги пойгагига қаради. Кейин менга “Йўқол”, деб эски ботинкани отиб юборди. Мен чап бериб яна унинг юзига тик қараб вовуллавердим.

У сал чўчиди. Шоҳида кирадиган уй эшигига қараб “Шоҳи, мана бунингни қара. Ўргатиб расво қилдинг. Очидан ўлганми”, деди-да эшикни қарс этиб ёпиб олди.

Мен уйнинг бекаси билан хўжайини ётадиган эшикка ўзимни урдим. Кейин Шоҳиданинг олдига чопдим.

Арқон унинг бўйнида эди. Тинмай типирчилар, ўнг қўли билан бўйнининг юқорисидаги арқонни маҳкам ушлаб тепага интилар, оғриққа чидолмай ихрар, қаттиқ хириллар эди. У Қоплонга ўгирилгандай, итдан нажот кутгандай бўлди. Охири унинг қўллари икки томонга шилқиллаб тушди. Энди халатини юлқилай бошлади. Ниҳоят, қўллар тўхтовсиз қалтиради, салдан кейин тахтадек бўлиб қолди. Кўзлари катталашиб бир жойда – итнинг кўзларида қотди.

Мен яна уй томонга чопдим. Дадаси енгил кийимда ҳовлига чиқиб қайтиб кириб кетаётган экан. Унинг кийимидан тортмоқчи бўлдим. У қўрқиб орқага чекинди. Уйга ўзини урди.

Ичкаридан унинг қаттиқ овози эшитилди:

– Ташқарига чиқма. Дўхтирнинг ити қутурибди. Шоҳиям чиқвормаса бўлди.

– Вой ўлсин. Шулар ит боқмаса кимнинг кўнгли қолувди. Битини ўғри оладими?! Бир соатдан бери шу ерда-я. Номери йўқми? Ҳаҳ, ити бошида қолсин! Чақирайлик! Опчиқиб кетсин! Ихтиёр чиқса нима бўлади? Тишлаволади-ку!

Мен Шоҳиданинг эшик олдида қолган шиппагини тишлаб олиб келиб уй деразасига урдим. Тирноқларим зарбидан дераза чарсиллаб кетди.

Ичкаридан аввал қўрқинчдан додлашлар, кейин аёлнинг қарғашлари эшитиларди. Орада “Болалар чиқиб кетмаса бўлди” деган сўзлари эшитиларди.

Боғ ҳам, уй ҳам қора жимликка чўкиб кетди.

Мен Шоҳиданинг олдида қолдим. Унинг танаси тунги кучли шамолларда тебранарди. Шамолнинг уни мазахлаётганини кўриб жаҳлим чиқар эди. Шамол унинг узун сочларини ҳар ёққа тўзитар эди. Шамол одобсиз ва бағритош эди. У-ёқ-бу ёққа чопардим. Шамолни қувлардим, уни ҳайдаб солгим келар, худди у кетса Шоҳи-

дага озор етмай қоладигандек тиришар эдим. Увлай-вердим, йиғлайвердим.

Ҳамма итлар ёмон ҳодисани сезишган, шунинг учун беш-олтита боғ бирлашиб, деворлари янаям пасайиб кетган кимсасиз кенгликларда уларнинг бирортаси кўринмасди...

Ғира-ширада оҳ-воҳлар билан Шоҳидани ерга олишди.

Мен уларнинг дарвозасидан чиқиб, аранг судралиб уйимиз олдига келдим. То бекам ташқарини тозалашга чиқмагунча шу ерда пойлаб ётдим.

Қоплон Шоҳидани йўқотган эди.

Шоҳида Қоплон болалигида буткул яхши одамни тасаввур қилганичалик яхши одам эди.

Итлар энг яхши одамларни биладилар. Яхши-ёмонни фарқлашда одамлар алданишлари мумкин.

Энди кўз олдимга дўстим Тоймас ҳам келмай қўйди.

Ҳамма нарса ортда қолди.

Одамлар қилар ишни қилиб қўйиб, кейин афсус билан умр ўтказадиган жонзотлар бўлишаркан.

Бировлари гуноҳ қилмагунча тинчишмас экан. Гуноҳ қилгандан кейин эса қолган ҳаётини шу ишининг тавбаси билан ўтказаркан. Гуноҳ қилиш пешонасига ёзилганларнинг ҳаёти икки қисмдан иборат бўларкан. Гуноҳгача ва гуноҳдан кейин. Гуноҳгача улар ҳаёт лаззатини фақат шу хато ишда кўришаркан. Гуноҳдан кейин эса ҳақиқий ҳаёт лаззати ва кўнгил ҳаловати гуноҳ қилмаган кунларида қолганини тушунишаркан.

Дунё шунақа-шунақа экан.

Итлар бўри бўлиб туғилиб, ит бўлиб яшашаркан.

Уларнинг кўпайиб кетиши одамларга хавф туғдираркан. Одамлар дунёга сиғмай қолишдан, ўз емишлари кам бўлиб қолишидан чўчишаркан.

Одамлар ўзлари энг очкўз махлуқ бўлсалар-да, бир-бирларини очкўзликда айбламоқчи бўлишса, “Ит” деб ҳақорат қилишаркан. Итнинг одамга ўхшатилиши итлар учун оғир ҳақорат эканини тушунишмас экан.

*Ғалати бўлишаркан одам деган махлуқлар.*

Аммо мен бутун умримда улар деб ёниб-куйдим, соғиндим, уларга интилдим, уларни кутдим.

Эгаларимни эртаю кеч кутганимда, уларнинг бир-дан пайдо бўлганини кўрганларим – менинг энг яхши пайтларим эди.

\* \* \*

Мана, атрофимда қанот чиқарган итлар – менинг оғаларим учиб юришибди. Уларнинг овозларини атрофимда биров бўлганида ҳам эшитмасди. Билдимки, уларни фақат мен кўра оляпман, чунки улар фақат мени деб бу ерга учиб келишган. Танамдаги оғриқлар кетди. Ҳа, ўша оғаларим кўрингани заҳоти танамнинг азобли оғриқларидан қутулдим. Мен иккита дунё ўртасида бўлсам керак.

Қачонлардир бека ён кўшни ҳақида, “Дунёдан ўтаётганда жуда азоб чекди, бечора. Бола-чақасини ташлаб кетгиси келмади, шекилли”, деган эди. Шу гапдан бир неча соат олдин, кўшни кампир жон талашиб ётганида Қоплон жуда безовта бўлиб, тинмай хурган эди. Мархумни уйлари олдидан олиб ўтишаётганда осмонларга қараб улаган эди.

Ўрталикда туриб қолиш ҳам осон эмас экан. Ахир мен ҳали ҳам ҳовлимизни кўриб турибман. Баланд девор томондан этакдаги кўшнининг очкўз ўғри мушуги юриб келяпти. Мени илғамади. Мен эса, ҳатто оғзимни очишга ҳам қодир бўлмай қолибман. Энди нима бўлади? Менсиз товуқ бечораларнинг ҳоли нима кечади? Тухумютар мушук яна ялтиллаб юраверади. Хўжайин

тўлмай қолган идишга қараб, ҳайрон бўлади, томлардан, айвон туйнукларидан тухум қидиради, кейин терилиб ётган пўчоқларга дуч келиб, уф тортади. Болаларига бир идиш тўла эмас, беш-олтитагина тухум олиб боради. Уйда кичкина омбир – девор тешигидан сиғиб ўтиб келган безори дайди итлар кезиниб юради. Пешайвондаги йўлгиламчани кир-чир оёқлари билан босади, одобсизлик билан ҳамма эшикларни итариб кўради. Энг ҳурматли меҳмонлар кирадиган уйнинг қулфи йўқ. У ерни оча олса, кейин чиройли гиламларни босиб, қанд солинган ликопларни пастга тушириб, ичидагиларни еб, ҳамма ёқни расво қилади. Товуқлар жўжаларини асролмай, қақағлаб фарёд қилади. Болаларини бир марта олиб еб ўрганган майна энди то тугагунича қўймай кўтариб кетади, кейин шундоқ қўшни ҳовлидаги ёнғоқ устида ё шифер тепасида жўжани чийиллатиб паққос туширади. Бирпасдан кейин қўшни ҳовлига бир тутам пат билан жўжанинг калласи тушиб келади. Эҳ, шўрликлар. Менсиз неча-неча жўжаларнинг ёш жони увол бўлади.

Ана у қизил хўроз ҳам жуда жангари чиқди. Ўзим ҳайҳайлаб турардим. Энди ёшироқ хўрозларнинг бўйини ни қонатиб ташлайди.

Тегирмончилар дастурхонни энди товуқларга қоқишади, товуқлар ейилмаган катта нон бўлакларини четга олиб қўйишни билишмайди. У ёқдан-бу ёққа нонни тепиб ҳам ўтишаверади.

Наҳот энди қаровсиз, кимсасиз қолиб кетса бу ҳовли.

Бир гал бекамнинг айтишича, ўлаётган одамларни охирги вақтда қиблага қаратиб қўйишар экан.

Хўжайин намозни кун ботишга қараб ўқирди.

Қачондир қаттиқ шамол бўлиб анча-мунча нарсани учириб кетганида вафот этиб кетган қўшни – Майрам хола: “Бу шамол қибладан келди, қибладан келган

шамол қаттиқ бўлади. Бир маҳаллар шунақа шамол эсанки, нақ бўрон дердингиз. Қанча-қанча томларни кўтариб юборган, одамларга ҳам зиён етган. Одамларнинг кўп нарсалари йўқ бўлиб кетган. Анча мол-ҳоллар нобуд бўлган”, деган эди. Кейин жўхори олиб чиққан товоғини чертиб, эсига тушиб қолган бир кўшиқни айтиб, кўзига ёш олган эди:

Қибладан келган шамол  
Райҳонимни қуритди.  
Бемаҳал келган ўлим  
Суйганимдан аритди.

Ит бу кўшиқни эшитганда алланечук бўлиб кетган, оҳиста увлаб юборган, икки кўшни унга қараб кулиб кўйишган эди.

Ана, учиб кетяпман. Учиб кетиш қандай осон экан. Ҳамма оғриқлардан бир лаҳзада қутулдим. Танам қолди. У менга жуда оғирлик қилаётган экан. Енгил бўлиб қолдим. Оғриқлардан ўтиш учун танани қолдиришнинг ўзи етарли экан. Тириклигимда катта пашшаларни яқинимга йўлатмасдим. Ўзимни хафа қилдириб қўймасдим. Бирор жойимни чақса ҳуриб юборардим. Мана, ҳозир секин-секин учиб борар эканман, танамга ёпишиб ётган пашшаларнинг кўпайиб кетгани ва улар устаган жойимдан чақаётганини кўрдим. Йўқ, бу тана энди меники эмас. У ҳеч нарса энди. Ерда қолиши керак. Пашшаларга қараб билдимки, бу дунёда орттирганларим шу дунёда қолаверар экан. Танам ҳам шу ернинг ўзида бошқа майда махлуқлар ҳаёти учун керак бўлар экан. Ҳеч нарса бу занжир дунё ҳалқаларидан узилиб кетолмас экан. Энди улар танамни кўмишади. Эрта-роқ топишсин-да. Бир маҳаллар менинг овунчоғим бўлган Мош мушук аянчли миёвлаб, уни заҳарлаганларни қарғаб-қарғаб ўлганида танасини хўжайин чуқур ковлаб кўмган эди. Меникини ҳам шундай кўмади. Лекин хў-

жайин қачон келса экан. Бугун эмас, эртага келади-ку. Унгача танамнинг ҳиди чиқиб кетар. Ёзда ўтин остида бир товуқ ўлганда ҳиди жуда ёмон чиққан эди. Ишқилиб, ўлигим қолиб кетмасин-да. Хўжайин бошимда йиғлармикан. Йиғламасин. У хафа бўлса, мен... қийналаман.

Танамни ташлаб чиққанымга қанча вақт бўлди, лекин кўзларим кўряпти. Ҳа, ҳа, ердаги танамдан туриб кўряпти. Ҳали бир оз кўриб тураман шекилли. Ерда "ўлди" дейилганидан кейин ҳам кўз билан кўриш мумкин экан-да.

Ҳа, мана энди юқоридан кўряпман, холос.

Мен ўзга бир дунёга кетяпман. Оғриқсиз дунёга. Мана, қанотли итлар аввалида уч-тўрт улуғвор қиёфали итлар ортидан онам учиб кетяпти, кейин уч оғам. Ортида қанотлари ҳам кичкина кучуклар...

Онамдан аввалдаги итлар... Улар ҳам бизга қариндош бўлишса керак. Ортга қайтишни истасам ҳам энди бунинг имкони йўқ.

Хайр, менинг ҳовлим. Мени кечир. Сени қўриқлолмай ухлаб қолган кунларим, қўшнининг ўғли Мадамин ўғирликка чиқиб, ҳамма ёқни остин-устун қилганда, боғлоқда қолдирилганим учун уни қувиб сололмаганим, шерикларим билан айлангани чиққан вақтларимда қаровсиз қолдирганларим, бир гал боқувга янги қўйилган қўйнинг эшик бузиб чиққанини уйдагиларга билдиролмаганим-у, қўй кўп ем еб эрта сўйилгани, жуда оч қолиб кетганим ва уйга уч кунлаб ҳеч ким келмаганда, қасамларимни бузиб, ошхонада кўвачада қолиб кетган эски толқонни очиб еганларим, ҳаммаси учун кечир. Бекамни, болаларни, хўжайинимни жуда соғингандим. Кенжатойнинг шодон қулгисини неча ойлаб эшитмадим. У қайси уйларга қулиб бераётган экан. Лоақал охирги кунимда шу атрофда – ўз уйларида, ёнимда бўлишса бўларди.

Дунё ҳаваслари шунчалик ҳам қаттиқ бўларкан, шафқатсиз бўларкан.

Хайр, ҳаёт.

Бекамнинг бир гапини эсладим: “Жаннатга содиқ итлар кирар экан, китобда ўқидим”.

Мен, албатта, улар айтган мангу яхши дунёга - ўша жаннатга кираман. Мен жаннатнинг қандай-лигини ҳозир ҳам кўра оламан. Жаннатда одамлар ўз итларини ташлаб кетмайдилар. Йўлларига зор қилмайдилар. Эшикларни ёпиб ташлаб, сувсиз қолдирмайдилар. У ерда ширин ва тиниқ сувлар мўл бўлади. Ҳа, биламан: бир марта бемор аёл дуо қилганда эшитиб олганман. “Жаннатнинг кавсар сувларидан насиб этсин”. Ҳа, у ерда ҳеч ким офтобда қайнаб кетган кўлмак сувларни ичмайди. Мен ўша ерда ўз уйимга жуда ўхшайдиган бир уйга эга бўламан. Эгаларим билан юзлашаман, кенжатой билан ўйнайман, сакрашаман. Унинг шўх кўзларидан нима демоқчи эканини билиб оламан, худди аввалгидек. Қизларнинг кулгисини эшитаман. Хўжайинимнинг ёнида бўламан. Улар яхши одамлар. Улар ҳали кўп яшашади, кўп ишлар қилишади, лекин барибир ҳеч адашмай жаннатга боришади. Биз яна улар билан кўришамиз, у ёқда бирга бўламиз.

Ана, менда қанот пайдо бўлди.

У ёқда... мени отим билан чақиришармикан?

Мен... Қоплонман.

Эртаси хўжайин кўчадан кира солиб, Қоплонни чақирди. Ит кўриनावермагач, шошиб, ҳовли этагига юрди. Итнинг устига келиб, унинг очиқ кўзларига тикилди, хўнграб йиғлаб юборди. Жунларини силади. Кўтиридан жирканмади. “Агар шу ойлар ичида менга қараб чопиб келган бирор кун қучоқлаб кўришганимда бечора қандай севиначи-я”, деб ўйлади у.

Чуқур ковлаб, итни кўмди. Кейин тегирмондаги иниларини чақириб келди. Улар йиғиштирилиб келгунча ўзи хумдек шишиб яна бир марта хун бўлиб йиғлади.

– Нима дейсан? – дейишди унга инилари.

– Кел бу ёққа, ўтирларинг. Қуръон ўқийман.

– Жиннимисан? Итга Қуръон нимаикан? Ёмон бўлади.

– Ўтир деяпман сенларга!

Кўчага йўналиб кетиб бораётган ука қайтди. Аккалари ёнига ўтирди. Қуръон ўқиётганда тегирмончилар кўрсаткич бармоқларининг орқасини тишлаб, кулгидан ўзларини аранг тийиб туришарди. Фотиҳа юзга тортилиб, инилар ўринларидан туришганидан кейин тез-тез юриб чиқишар экан, хохолаб кулиб кета бошлашди.

Уй эгаси тинмай йиғларди. Энди уни йўлига чапиб чиқиб кутиб оладиган, қўлини тутса, қўл ташлайдиган, рўзғорнинг баракасини ушлаб турган ва яна одамнинг ақли етиб хизматларини санаб беролмайдиган ит ҳовлида йўқ эди. Кейинроқ ҳам узоқ вақтгача хўжайин уни айвонданми, бостирмаданми, ертўладанми чиқиб келадигандек аланглайверди.

Ундан кейинроқ тегирмончилар бир нечта кучук топиб келиб бу эгасиз ҳовлига ўргатдилар. Бироқ ҳамма кучукларнинг хурмачадан ташқаридаги қилиқлари сабабдан тезда тоққа ё бошқа боғлаб боқа оладиган одамларга бериб юборавердилар.

## МАНГЛАЙДАГИ ЁЗИҚ

Кўча томондан машинанинг дуд-дуд овози келди.

Бир ишнинг дўнганидан дарак эди бу. Сал ўтиб баланд бўйли, келишган қоматли йигит икки қўлида катта елим пакетларни кўтарганча ҳовлининг кириш йўлагига пайдо бўлди. У ёрдамлашиш учун яқинлашганларга парво қилмай, ҳар томонга аланглади. Сўрида ўтирган онасини топди-да, шу ёққа юрди.

Барибир бозорликлар йўл-йўлакай бошқа қўлларга ўтди. Йигитнинг қўлида енгилгина шилдироқ пакет қолди.

– Ойи, яхши ўтирибсизми?

Аёл ўғлига жой бўшатиб сурилди.

– Келдингми? Ҳамма нарса топилдими?

– Ҳа, топдим. Нима гаплар ўзингизда?

– Ҳеч.

– Эрталаб сўрашолмадим сиз билан. Эртароқ чиқиб кетдик. Ўзи тинчингиз бўлмай саҳарга яқин ухлаганингизга безовта қилмай дедим.

– Чарчамадингми?

Йигит бошини енгил сараклаб, кўрпачага чўқди. Ич-ичини бўшатиб, чуқур “ух” деди. Онаси ёнига ўзини ташлаб ёнбошлади. Рўмолчаси билан бўйнини артиб, елпинаркан, деди:

– Мана, камларимиз битди ҳисоб. Худо хоҳласа, тўйниям қарс-бадабанг қилиб ўтказамиз.

Камларни битказиб тўлғазишга ёлланган умрининг ярим кунини совурган йигит яна қолган ярмида битказилмаса бўлмайдиган нималарнидир хаёл қилар, режасини тузарди.

Аёлнинг назарига совуқ ва ичкин бир ҳис ҳукмрон эди. Йигит ёнбошига ағдарилди, онасига синовчан қараб турди ва унинг қўлини кафтлари орасига олди.

– Ойи-ей, кўчадан келганда мундоқ очилиб турсангиз экан. Жуда бунақа эмасдингиз-ку? Шу кеча ёмон алахладингиз. Аллакимларнинг отини айтдингиз. Нимаиди-я. Қундуз дейсизми, Фарида дейсизми, бир нарсa. Яна мазангиз қочиb қоладими деб қўрқдим. Бозордаям қандай юрганимни билмадим. Тинч ўтирганмиканлар дейман.

Аёл катталашиб бораётган қорачиқларини қай бир тайинсиз нуқтадан узиб, киприкларини пирпиратди, ерга қаради. Қошлари баттар чимирилди. Ўғил ғалтакка<sup>1</sup> суялган зар ёстиқни биқинига тортди.

– Дадамнинг ишларидан қийналяпсизми десам... Қўйинг, ойи. Дунёнинг ярми шунақа ўзи. Ҳаммасини унутворинг, орқага ўтказворинг, жон ойи. Айтардингиз-ку, “Болаларим соғ бўлса бўлди”, деб. Мана, биз ёнингиздамиз, ҳаммамиз соғ-саломат. Кучимиз кўп, уйимизда ҳамма нарсa етарли. Бу ёқда бир этак неварa билан бўлсангиз. Тўйни хурсандчиликда, маза қилиб ўтказайлик. Ўзингиз эшитдингиз, қайси дўхтир кўрган бўлса, ҳаммаси бирдек асабийлашмасинлар, дам олсинлар, деди.

– Искандар! – ташқаридан биров чақирди.

Бир этак невараларнинг овози бирпас пасайиб турди.

Кўча эшик йўлагида гултоқча чангини артиб юрган катта неварa Ўзозанинг овози келди:

– Искандар ака, ташқарига қараб юборинг.

– Қаранг, қанақа яхши кунда турибмиз. Бўлди-да. Нимадан эзилаётганингизни айтсангиз экан, одам мундоқ бир ўйлаб кўрса.

<sup>1</sup> Ғалтак – сўри, тапчан четларидаги ёғочдан ясалган ғалтаксимон тўсиқ, беама.

Мундоқ ўйлаб кўрилмаган ҳеч нарса қолмаганди.

– Бирортаси ёмонлик қилган бўлса ҳам унутинг, Худо йўлига, ойи. Ё айтмайсиз, ё очилиб юрмайсиз. Бизниям сал ўйланг.

Ўғил ялинчоқ овозда шундай дегани билан ўзи бирортаси ёмонлик қилса, шундоққина унутиб қўяқоладиган хилидан эмасди.

Она индамай ичкари уй деразаси томонга қиялади. Хўрсинди. Кўча эшикка тараддуд ичида қаради. Хушсурат ўғлининг кўзларидан кўзини олиб қочди.

– Хўп. Бор, ошнангни куттирма. Келинга айтиб ўтгин, катта газ қозонга қовурдоқ солсин. Совиткичдаги гўштнинг ҳаммасини ишлатсин. Йўқ, айтма, чақирвор ўзимга. Ҳадемай қўшнилар тарқалиб кетади.

– А-ҳа, бўпти. Эртага дадамни кутиб олишга чиқаман.

Бу гапнинг оҳанги сал бошқа бўлди-ю, ўғил онасига ер остидан бир қараб олди. Она эса эшитмаганга олди.

– Писта, ҳолва-полваям олгансан-а?

Искандар ўрнидан турди. Оёқлигини кияркан, деди:

– Олдим. Уҳ, Валишер бозорга нарса айтворувди. Хаёлим бўлинавериб, опкелмабман. Нима дейман энди?

\* \* \*

Деворнинг шундайгина орқасида – кўчада маҳалла болалари чулдираб ўйнашарди. Тўпнинг ерга урилиб сакрагани эшитилар, қизчаларнинг бижир-бижир сўзлари қулоққа кирарди. Дунё заҳрини татимаган беги-дир болалар ҳамма ёқни шодон овозга тўлдиришганди.

*Чучвара-чучвара қайнайди,*

*Ойим менга бермайди,*

*Бермаса бермас де-ейман.*

*Ҳали уйим узоқда,*

*Ичган сувим булоқда.*

Аёл юзига сув сачрагандек сесканди. Булоқ сувларининг шилдираши катта сойларнинг шовурига ула-  
ниб кетгандек бўлди.

*Ичиб-ичиб маст бўлдим,  
Лола билан дўст бўлдим.  
Лола кетди мажлисга,  
Ўзим қолдим номусга.*

У бошини сарак-сарак қилиб, қулоқларини ёпди.  
Кўзларини чирт юмди. “Нарида айтмайдими шуни”.

Ичига қил сиғмасди.

Нажот сўраган каби осмонга тикилди.

Осмон ўз бағрида сочилиб кетгани бўйи силжиб бо-  
раётган ола булутлар ортидан ер тарафга юзланганча  
шу томондаги борлиқни жим кузатарди. У булутлар  
ичида кеча бўлиб ўтган қалдиरोқларни ҳам индамай  
кутиб олган, қаттиқ овозларни қайтариқлари билан  
қўшиб кенг қаърига ютган эди.

Эй бу қанақаси бўлди? Осмонни кузатадилар, ҳеч  
оламда осмон ҳам ерни кузатарканми?

Ҳа-да, осмон кузатсин-да. Осмоннинг елкасига бо-  
силган-ку ахир қисмат, тақдир деган тамғалар.

Одамлар қачондир осмоннинг кўзларини кўрган-  
мишлар.

Осмон дунёдаги ҳамма-ҳамма мавжудликнинг  
амаллари руҳини бағрига сиғдириб олганди.

Амалларнинг ҳам жони бўларкан. Бунини тўп-тўп  
бўлиб ўйнаб юрган болаларгайм, тўй-тўйчиқда, ўл-  
ди-кўмдида катталаргайм Бойбўл чол айтган. “Қилар  
ишини кўкдан ўрмалаб келади”, деган. “Бошини те-  
пангга турганига бошини тушсин, дейди. Агар оёғини  
осмонда бўлиб юрганингда, оёғини тушсин, дерди”,  
деб қўярди бирда-бир Бойбўл чол илжайиб. Яна: “Қасд  
қилсанг, етасан, яхшисигайм, ёмонигайм”, дерди.

“Одамларга бундоқ қарама, осмонга осилиб қара, чумолидан баттар”.

“Осмонга мазза, ҳаммани томоша қилади. Кечаси буғдой билан кўмир ўғирлаганларниям. Э ўлсин, ичи жизиллаб ўғирлайди. Бола-чақаси оч қолиб, совуқ еб ўтирса, нима қилади”.

Яна бир, аллақачонда, кимлардир ўз қулоғи билан эшитишича, Маккисоқовга қараб, “Қўшганинг билан кўша қаригин дердим-у, бандаси билан кунинг кўшилмаган-да”, деганмиш.

Бандаси билан кўшилмаган куни курсин шу соқовнинг. Лекин Маккиям бир одам. Осмондан қарасанг, ҳамма қатори. Ерда бўлсанг, гунгалак, соқовлигини билиб қатордан чиқарасан-қўясан.

Ҳа. Макки тентак-ку. У якка бўлмай ким якка бўлсин.

Маккига мос деб Ўғилби анқовнинг биттагина мосовсираган<sup>1</sup> қизини топгандилар ҳам. Ўғилби анқов шугина қизга куёв чиққан маҳалда ўша айниган мияси ишлаб кетиб, “Макки ўзининг кунини кўролмайди-ю, хотин боқолармиди”, деганмиш.

Одамлар “Ер” деб атагани билан катта қисми бўзлоқ қуруқлик эмас, сувлоқ бўлган Ер отли бу тинмас яратикдан парлаган буғларнинг ҳосиласи бўлмиш айиқмонанд булутлар чексиз кўк бағрида уқаланиб кетмай бирдек айланишарди. Гоҳ ёйилиб, гоҳ йиғилишар, гоҳ у-бу ерда ожизгина сузишар, гоҳ бутун осмонни энлаб, ўзларининг ҳайбатлари ўткинчи эмаслигига ишонтиришарди. Мангу қисматлари шу эди уларнинг. Заминнинг парлари булутдан нарига ўтмай изига қайтарди. Тоғларга тушиб, сойларга айланарди.

Яна Бойбўл чол деганки, ҳар кишининг кучи осмон қувватига бўйлашармиш. Одамнинг боши – Оллонинг тоши дегани шундоққина гапмасмиш.

<sup>1</sup> Мосовсираган – анграйган, бўшашган.

Болалар ичида шумлари, катталар ичида қитмир-қувлари бўлади. Бойбўл чол ғалати гапиргани сари каттасию кичиги гапга тутиб, сўроқ-савол қилади. Бир доноси: “Осмон, осмон дейсиз, нима экан, осмон шу кўриб турганимиз-да”, деса, “Ў-ў, осмон ойтуғар, кунтуғар, юлдузтутар, елпуфлар бир кўкдумалоқ. Ваҳ-ваҳай ҳайбатингдан”, деб қўяди. Чол қорайиб кетган тўнининг ўнг этагини белбоғига қистириб олганча қўлидаги ҳассани ерга тарақ-туруқ уриб, хирллаб кўшиқ айтиб юради. Бир сўровингга вақтида жавоб қилмай аллақанақа айткиликларни минғирлаб чўзаверса, бошларинг қотиб манглайинг тиришади. Бошқа ишим йўқмиди. Ерни тепиб-тепкилаб кета бошлайсан. Шунда чол нимадир деб юборади. Сал кулоқ солса, бирам маънолари бор. “Ий, бу мияси суюлган нима деди?” Ортидан чопиб бориб, идоранинг қоровулхонасига суяниб қолган уйчасига кириб ҳам бўлсин, сўрагинг келади. У ерга кириб бўлармиди. Кўрган нима дейди?

Булутлар кун исир сари қорайиб келсалар, ерга бодрокдек дўл келиб тушади. Дўл ҳам ердаги мавжудотга аталган, ўрнида ўрнига тушгандир-ов. У тинган чоғда одамлар илма-тешик бўлган барглар, ер бағирлаб қолган ниҳоллар, ўзанидан чиққан ариқлар, бузилиб кетган жўякларга қараб ёғиннинг бевақт бўлганидан сўзлай кетишарди. Одамлар ўз сўзларини вақтида айтиб қолишни ўйлашарди. Ҳеч йўқ, суҳбатдош узоқлаб кетмасидан.

Йўл-йўлакайлик умрнинг кўп вақтлари доноларча сўйламоқ, гапириб қолмоққа сарф эди. Одамлар нимадир деб қўйишга истакли, хабарни энг аввал етказишда шошқин, бировлар ҳақида узоқ-узоқ суҳбат қилишга мойил эдилар.

– Маккисоқов ҳам одам билан гаплашаркан. Имолашиб дейман-да. Гаплашганда роса очилиб кетаркан-эй. Кулиб-кулиб қўяди.

– Қанақасига? Қўйсангиз-чи. Имолашгани тўғрику, очилиб кетармиш. Юзи йил-йил сув кўрмаса. Увада бўлиб юрса. Катта холасиникига очиладими?

– Ана қаранг, Бойбўл чол уни роса гапга солди. Бир нималар деб ишора қилгани қилган.

– Ҳа, чолми? Боланинг тилини бола тушунади, жинниникини жинни-да.

– Шу, шу. Чол ҳам унинг анг-вангига минғирлаб жавоб қайтараркан. Алланарсалар деб йўлга солди.

– Сиз у чолнинг минғир ашуласига ишонманг. Балони билади.

– Сиз чолни айтасиз. Аммо Маккиям шу. Бир йили Чимди тоғанинг кенжасини от тишлаб олай деганда берига тортиб олган экан.

– Ҳа, шунақа дейишарди. Икков тул бир бўлиб олганини қаранг. Иккита жинни бир бўлди, деб қўшиқ айтардик, эсингиздами? Уялмасдан иккинчи қаториниям баланд овозда айтаверардик.

– Маккисоқов сувсиз туrolмаса керак, дейман-да. Қачон қарасам, Каттасойнинг бўйича, бирда бир Шўркансой тарафдаям юраркан. Хотинлар кўришибди. Жинниликини туридан олади. Ҳали осмонга сакрайди, ҳали ерга чўккалайди. Минғирлаб ашула айтадими-ей.

– Эй турқи курсин. Қайнотам айтдилар, ана у куни тумандан катталар келган экан. Шундоқ идоранинг олдида Бойбўл чол билан иккаласи жулдурини осилтириб ўтиб қолганмиш-да. Битта каттаси қайнотамга: “Ҳа, Садриддинбой, бизни кутиб олишга гадойларни чақириб қўйганмидингиз? Жуда кўрсатмасангиз ҳам, ёрдам керак бўлса, ажратаверардик”, деганмиш.

– Ўўв, боплабди-ку раисимизни. Ҳазил, тағин етказиб қўйманг! Эсиз. Шунча домлалар бор, дўхтирлар бор, кўрса кўргидек. Идоранинг катталарига қирғин келибдими?

– Ҳаммасини текширув боради, деб шийпонларга жўнатишган экан-да.

– Селсовет гўрга кирган эканми?

– Билмасам, вой, мен кетдим. Чойга чиқинглар, қўшнилар.

Сокин тупроқнинг серташвиш одамлари ора-сира замоннинг нотинч ва долғали эканидан дараклар қилиб қўйишарди. Замонда эса аслида вақтнинг ҳисоби йўқ эди.

Бойбўл чол кўп ёшга етган бўлса ҳам ёш боладек.

Ҳовлисида ёлғиз яшаб юрган вақтларда қўшнилари: “Ой ботар, кун туғар, қаро ерга кирсам, гўримга тез-тез элтинглар. Сассиғим чиқииниб, ҳовлимнинг фаришталарини қувиб кетииниб, кампирдан уялиб ўтирмайин”, дерди. У пайтлар гаплари анча тузук эди. Гапириб қўйиб орқасидан “Қихх” деб кулмасди.

Чолнинг бир оғиз сўз демас кампири ҳам бор эди. Ҳўв аввалроқ-да. Қўшнинг ҳам уяси бузилмасин. Бу уй-жойлари пана-пастқам бўлган билан бирам фариштали эди. Иккисига-ку тиллага тортгисиз. Кампирнинг эси бор экан, “буз-буз” кўргиликларни кўрмай ўлиб кетди. Увва-ув қилиб чиқаришган, худди ўша иккита кичкина эшиги бор ҳовлидан. Энди пастак эшиклар ҳам, томсувоқ уйлар ҳам, кўзлари кичкина-кичкина, кесакилари қалин дарчалар ҳам, кўча эшик ёнидаги қоратол ҳам, қоратол остидаги тўрт-бурчак супа ҳам қолмаган.

Коинот соатлари бир маромда чиқиллар, кун бирдек чиқар, ой бирдек туғар, дайжур<sup>1</sup> кечанинг узун

<sup>1</sup> Дайжур – қишнинг узун кечаси.

бирдек, қорлар ўша-ўша оқ, қаҳратон ўша-ўша қаҳр-ли, ўт-ўлан ўша-ўша кўк, саратон ўша-ўша қайноқ эди. Одамлар замонни ўзлари қилиб қўйган қилғиликлар билан ўлчар эдилар. “Уруш йиллари”, “Месхетилар кўчиб кетган йили”, “Чернобилда атом портлаган йили”, “Аҳолини қават уйларга кўчириб, қишлоқни бузишган йили”, “Палончининг ўғлини сув оқизиб кетган йили”, дейилганидек.

Бурунлари қишлоқда “сувтошқин йили” деган бир йилни кўп эслашарди. Ёмонгина талафот келган экан-да ўзиям. Энди у кунларни кўрганларнинг кўпи ердан кўкариб чиқди. Эшитганлар гапиради энди. Ён-теваракларида сувтошқинни кўрганлар қолмаганини бил-гач, худди ўзлари ўша кунларда яшаб қўйгандек гап очадилар. Ёнингдаги одам ҳозир ўзингдан эшитган бир гапни бошқа одамга телба-тескари қилиб айтиб жиғибийронингни чиқариб юрганда, бу эшитганлар-нинг гапиргани нима бўлса экан. Барибир эшитган кўрганни енгади-да.

“Эндиги одамлар бир бошқа. Пикриям чала, шукри-ям”, деб қўярди Бойбўл чол тайинсиз гаплари орасида.

Одамлар шикоят қилишния, шикоят қилиб юр-ганга оғизда меҳрибонлик қилишния жойига соли-шарди.

– Опоқдада, бултурги оқшоқ қуртлаб кетибди. Элаб қўйдим. Қурт уруғи қолмади. Маккига элтиб бермай-сизми? Чол билан еворишади.

– Ўзинглар ишлатмайсанларми?

– Кечаги кун мошкичирига солувдим. Ўргимчак уя-нинг иси келиб қолди. Обориб бера қолинг.

– Бўпти, тугиб қўй.

– Опоқдада, чол Маккига ҳеч ким бўлмайди-да, а?

– Ҳа, ҳеч кими эмас.

– Унда нега бир жойда яшашади?

– Соқовнинг уйи бузилганда Бойбўл чол уйига олиб кетган.

– Опоқдада, ўша кичкина уйда уларнинг овқат қиладиган жойи борми ўзи?

– Бор, бор. Ёзда уйининг орқасидаги ўчоғида пиширади. Ҳар куни қилишмайди. Бир хотин овқат бериб туради уларга.

Эшитишга қулоқ бўлгани, гапиришга тилинг бўлгани ҳам ғазна экан-а. Мана, эндиги Бойбўл чол. Оғиз қимирлатади-ю, овози икки қулоч ерга етмайди. Илгариги дўриллоқлари қани. Ингичка тортган. Қўшиқ айтса, худдики бир кампир хиргойи қилгандек. Болаларга мазах, катталарнинг кўписига кулги, кўписига кексайиб, ёлғизликда мияси айнаган, тўридан гўри яқин бир даҳмаза.

“Олиб юрма, беролмасанг, ўтда қоласан”, дерди чол.

Ҳар икки кунда бир олдига келадиган ҳолдон<sup>1</sup> соқов йигитча охири шу ёнбошлаган уйга кўчиб кирди. Унинг торкўчадан кирадиган кичкинагина кулбаси билан олти қадамга олти қадам ҳовлисини Соймат тоғанинг шаҳарда ишлайдиган бойваччаси сотиб олганмиш. Пулини қачон берган, кимга берган, биров билмади. Берса бергандир... Уни суриштириб Сойматнинг ўғлига ёмон кўриниб кимга зарил? Нечтасининг ишини битириб юрадиган учар йигит бўлса. Ҳарқалай, иш битирмаса ҳам, қишлоқдан чиқиб, каттакон бўлиб кетганининг ўзи етади. Оғиз тўлдириб гапирса гапиргудек.

Одамлар авваллари соқовдан сўз кетса, “Балони билади, тирикчилигини қилиб юрибди, бировга зиёни йўқ”, дерди. Энди бўлса, “уйининг бир ёқ девори ёмғирда қулаб тушгани баҳона, шундоқ марказга – Бойбўл чолни кига келиб олгани” кўпларнинг жиғига

<sup>1</sup> Ҳолдон – ҳол-аҳвол сураб турувчи, хабардор бўлувчи.

тегади. “Тавба, ана у идорага ёпишган уйчаси бор-ку, худди кўйга ёпишган кананинг ўзи-я. Эгалари ундан баттар. Идорадан бирор нарса унади деб келиб олгандир-да?” “Идорадагилар шуларни Ғирвондаги жиннихонага ё қариялар уйига обориб ташласа бўларкан. Унақа десам, буларга ким гап уқтиради? Бировга қулоқ ҳам солмайди-ку”. “Қулоқ солмаса солмас. Барибир иккаласиям яхши эшитмайди. Битта итқамар машинага солиб олиб бориб ташлаш керак, тамом”.

Лекин Макки Бойбўл чолнинг гапларини жуда кўп тинглаган. Чол Макки ҳали Ялангқирда яшаб турган вақтларда ҳам уйига келиб қолса, ёмон севинарди. Мана энди қанча гапи бўлса, қачон бўлса айтаверади. Ҳа, гаплар кўп, айтмаса бўлмайди. Келар кунлар гапининг қизиғи йўқ. Ахир келар кун келадими, йўқми, Ўзига маълум. Кечган куннинг гапи эса, эҳ-ҳе. Айтиб адо қилиб бўлмайди, айтиб-айтиб қолай деса адо бўлиб кетади одам. Ҳарқалай, олдингда одам бўлмаса гапириб ҳам бўлмайди. Биров кўриб қолса, ўзингга индамаса ҳам, нари кетганда кулади. Миясига қўлини бигиз қилиб бир айлантиради. Барибир айтиқ айтилса дуруст. Агар эшитадиган одамнинг қулоғи кар бўлса, жуда маъқул-да. Ҳа, шу, эшитадиган одам эшитмаса.

Бунга Маккидан яхшиси бор эканми? Бурунгидек ўзини тузаб, ойнага солиб юрадиган Макки йўқ энди. Пахтаси осилган тўнани яғир бостириб, юзини қоп-қора соқолга топшириб, сочлари лайлакуядек бўлиб, “хух-хух” овоз чиқариб юради. Унга товушинг баландми, пастми, нима экан. “Қайтарворинг-а, англамадим”, демайди. “Э, қаёқдаги эски-туски гапларни валдирашдан бошқа ишингиз йўқми, бобой? Ана, чойхонага чиқинг, тенгиларингиз ҳаммаси ўша ерда”, демайди. Йўл-йўлакай учрайдиган қитмир, бемаза маҳмадоналарга ўхшаб, “Битта майиздеккина кампир

топиб берайми сизга? Зерикиб ҳам кетдингиз-а", деб мулзам қилмайди. Атай гап сўраб, жавоб берганингда орқа ўгириб бошини саракламайди. Тентаклигига ишора қилиб шеригига ишшайиб кулмайди.

Бойбўл чолнинг ўз отини ҳеч ким билмасди. Бойбўл деб кампири атаганига ҳамма ҳам шунақа дерди. Бойбўл деган отнинг эгаси бўлмасмиди, бор эди. Бойбўл – чол-кампирининг якка ўғли эди. Рязан деган жойга – ўзи хизматда кўриб келган томонларга ишлайман деб кетганича дарак бўлмади. Авваллари "Қаёққа кетиб қолди, хат-хабар борми?" деб сўроқлаганларга "Русияда Руязон деган бир жой бор. Руязон қаёқда-ю, биласанми ўзи?" дерди чол кўзини жавдиратиб, худди ўзи билган, бориб кўргандек. Энди индамайди. Биров сўраса эшитмаганга олади.

Ўшанда чол ота-бобосидан қолган уйи бузилишини эшитгач, кўксини кўтаролмай эгилиб қолди. Ёлғизгина укасининг кенжа ўғли олиб кетар бўлди. "Бузадиганлар келса, шошиб қоламиз", деди бир юртчиси<sup>1</sup>. Идоранинг югурдакларидан бирови: "Кўзларидан билмаяпсизми? Бузилганда шу ерда бўлганлари яхши. Билиб бўладими, ё ўзлари, ё бурунчилари кўмган тилла-пилла чиқса. Шунга илҳақ бўлиб ётибдилар", деди. Йигитнинг доно гапига биров қулоқ солмади. Юртчилар йиғилиб чолнинг олдига келди. Чол "Майли, тар-тари келган куни бораман", деб бир ҳовли одамга орқа ўгириб, кичкина эшикдан кириб кетди. Кейин чўмичли трахирни ҳайдаб келиб эшиги рўпарасига қўйиб, душанбадан иш бошлаймиз, дейилган куни ётиб қолди.

Бойбўл чол Гулшаннинг бобоси билан бир умрлик ҳамсоя эди. Эски қадрдон. Ҳамсоясининг ўғлига – Гулшаннинг отасига учта тугунда ўлимлигини кўрсатди.

<sup>1</sup> Юртчи – идора вакили, бошқарув ташкилоти ходими.

уйимни бузса барибир ўламан-ку, деб ўйлаган экан. Лекин кўзини қанча юммасин, ўлмади. Идоранинг қоровулхонасига ёнбошлаб қолган уйчага эски-туски кўчлари билан кўчириб қўйишди. Кампирнинг энгил-пенгилини опасининг қизи тугиб кетди.

Чолнинг уйи ўрни текислангандан кейин буз-бузлар тўхтади. Гулшанларнинг уйи бузилмади, бошқа ҳеч кимнинг ҳам уйи бузилмади.

Ҳозир эски уйлар қолмаган. Ҳаммаси янгиланиб баланд-баланд, оппоқ-оппоқ бўлиб кетган.

\*\*\*

“Ўшанда Бойбўл чолникига ўхшаб бузилиб кета қолса бўлмасмиди. Шу жойларда кўрган кунларим курсин. Минг янгилаб қўйган билан кўзингни юмсанг, эски ҳолида эсингга келаверади”.

Гулшан ҳамон ўтирган жойида ўй сурарди. Ҳовли саҳнига қарайдими, уй деразасигами, гулли пардаларгами, ялтироқ ғалтакларгами, олис кунларни кўрарди. Хаёлида ташқари кўчадаги сой аввалгидек қирғоқлари эгри-бугри бўлиб шовуллаб, қатор ўриклар оқ танга сочар, сойга эгилиб тарвақайлаб ўсган ёнғоқнинг шохи сувда тинмай силкинар, худди чўлоқ кўзининг оёғидек тийғанарди.

Осмон эса бўлиб ўтаётган ишларнинг ҳаммасини кузатар, на у, на бу тараф бўлар эди.

\*\*\*

Иккита машина, битта “чўмболтрахтир”<sup>1</sup> пайдо бўлган ўша кунда, кимдир колхоз идорасидан раисни олиб келган. Раис айланмапана бошлигини ечиб олиб ўзини елпиркан, чолни шундай “хосиятсиз” жар бўйида ёлғиз қолдирмаслигини айтганди. “Ҳукумат бор экан, мен бор эканман, сиз хор бўлмайсиз”, деганди.

<sup>1</sup> Чўмболтрахтир – экскаватор.

Ҳа, хор бўлмади. Идорага ёнбошлаган қорасувоқ уйчада вақтинча яшаб турди. Бори шу. Ўзи дунёга вақтинчага келган-ку одам. Ҳа-я, бу қорасувоқ уйни бир пайтлар идорани иситишга қозонхона бўлади деб қуришган экан. Яхшиям, қозонхонани орқага ўтказ-воришгани. Йўқса, чол нима қиларди. Мана, кейинроқ Макки келаркан. У бечораям нима қиларди.

Бойбўл чол уйининг бузилишини кўз олдида ҳам келтирмаганди. Ишонмаганди. Кейин... ростдан ҳам бузилди. Текислаб ташланганича неча маҳал ётди. Кун-соати келиб, текисланган ерлар футбол тепади-ган битта майдон бўлди. Майдон ҳамма эркаклару майда ўғилларгача маъқул келди. Тўп тепишни суй-ганлар тенг-тўши билан бақириб-чақириб ўйнайди-ган бўлди. Тўпининг кетидан чопган бир ўн етти яшар йигит сувда оқиб ўлгандан кейин майдоннинг панжа-радан бўлган эшиги қанча йил қулфланиб ётди.

Сой лаблари ўйдим-чуқур, қаровсиз эди. Суви унда ёйилиб, бунда тезлаб оқарди. Ташламадан тушган сув ўйиб юборган бўлса керак, дўнгтепадан пастга ту-шарда катта жар пайдо бўлган. Қирғоғида ҳар турли қинғир-қийшиқ толлар ўсиб, кеч тушган маҳаллар ваҳи-мали бўлиб кетарди. Шундай эса-да, суви кам чоғларда кундузлари бировларнинг молию ўрдагига яйловлик қи-ларди. Болаларнинг чўмиладиган жойи ҳам эди бу жар.

Кейинроқ стадиони ҳам бузилган. Қутижар кўмил-ган. Сои четлари текисланган, цемент қилинган. Канал деб ном олган. Суви равон ва шитоб оқадиган бўлган.

Сой лабини учарлар эгаллаб дўконми, бир нималар қуриб олди. Бири баланд, бири паст, бири кенг, бири тор, бири отли, бири отсиз – буни қошидаги ёзувидан билса бўлади.

Бойбўл чолнинг уйи ўрнида эса бир салаватлик тўйхона бўлди. “Бойбўл чолнинг уйи ўрни” деб ким ҳам

эсларди. Одамлар “истадион ўрни” дейишарди.

Тўйхонамисан тўйхона. Устунлари ялтир-юлтир, чироқлари шалдир-шулдир, аскарсифат ғалтаклари саф-саф, осиглиқ пардалари қат-қат. Ҳа, янги чоғларнинг тўйлари ҳам шу тўйхоналардек ажаб.

Бойбўл чол йигит ёшида эканида деволзанлик қилиб лой тепиб турган жойидан, шу қирқ беш йиллик кампирини думалоққина қиз етилганда далада ишлаб турган еридан етаклаб келиб бир коса сув билан ниқоҳлаб қўйишган. Эртаси бир чилдирмакаш ялла қилган – тўй бўлган.

Эндиги тўйлар, эҳ-ҳе.

Бу тўйхонага кирар бўлганда далаларда ишлайдиган не-не қизлар ҳам соч жингалаклатарларга бориб воҳ-воҳай бўлиб келишади. Еб-ичиш билан кўпам ишлари йўқ-ку, ўртада тўдалашиб ўйнагилари келади. Тўй ўтгандан кейин яна куй-куй бошқадан бўлиб ёриқтовон, қадоққўл бўлиб кетишади. Лекин бирор хешининг тўйини кутиииниб-кутиб энтикиб-энтикиб ишлашади далаларда. Суҳбатнинг қаймоғиям шу: “Вой тавба, ўша қизга уйланарканми?”, “Ўшанга тегаман дебди, эшакнинг танлагани шўра экан-да”, “Палончининг тўйи қачон экан, белгиланибдими?”, “Тўйга нима киясан? Бирор нарса олдингми?”, “Бозорга қачон борасан?”

Гулшан ҳам Бойбўл чол идора ёнбошига кўчган йили шундай, бўй етмаса ҳам ақли ҳар нарсага етиб қолган қизларнинг бири эди. Дугонаси Юлдуз ҳам.

\* \* \*

Ҳашаматли уйнинг кенг ҳовлисида ҳамма тўй тараддудида шошиб уриниб юарди. Болохонанинг зинаси четидаги ялтироқ ғалтаклари эрталабки қуёшда узун-узун сояларини ўзига тортганча бир текис саф тортиб турарди. Ҳовлига кирган кишининг кўзига

шу болохона-сӯри лоп этиб уриларди. Болохонанинг ярмини энлаган сўрининг тўрт тарафига ловуллаган кўрпачалар солинган. Ойналар ярақлар, майин шабада пешайвон устунларига тортилган янги пардаларнинг заифгина оҳорини димоққа келтирарди. Ҳовлида бўёқ ҳиди ҳам анқирди.

Машина қўйиладиган ва сўл чети йўлак бўлган дарвозахона устидаги ҳавозадан бир неча қўшни хонадонларнинг ҳам ҳовлилари ярим-ёрти кўриниб турарди.

Юруми тезлашган тўйнинг ҳавоси анча келиб қолганди. Бирам-бирам асъаса намоён этиб турган мағрур нақшин деворлар соясида, қоронғи тушишини кутаётган осма чироқлар остида ҳар нима ташиниб ёчанг-чунг тозалаб юрганларнинг бари мамнун, чеҳраси очик. Бироқ ҳовлида недир бир айтиб бўлмайдиган хавотир, қандайдир ҳадикнинг руҳи кезинарди.

Қўшнилари, қариндошлари тўй арафасида, кейин индинги кун бўладиган тўйда ҳам яхшигина хизмат қилиб, ўзларига кўп фойдаси теккан хонадон бекасининг кўнглини олишга бел боғлаганча чопиб юришарди. Ора-сира ўзлари томонга бу ёқда бўлиб турган уринишларни кўрибми-кўрмай разм солиб, ғалтакка суяниб ўтирган барваста ва истарали, кибор ва сўлғин аёл томонга зимдан қараб қўйишарди. Икки ён қўшниси ҳозиргина қаватлаб тах берганлари – ловуллаган ёстикларнинг ўнг-сўл ёғида туриб бир-бирларига нимадир қизиқ гап айтишар, енгил кулишарди.

Аёл йирик қора кўзлари билан яқин-узоқ нуқталарга тикилар, безовта нигоҳлари гоҳ-гоҳ бировни излаган каби саросар кезар эди. Оппоқ юзларида недир тажанглик ўринлашган, пешона чизиқлари ярим асрлик йўлларга ишорат қиларди. Чимрилган қоп-қора қошлари ўртасидаги тугунчакнинг бу ўринга анча олдин тугилгани сезиларди.

Қаердадир чирилдоқ тажанг овозда чириллайди. Ҳалигина қизилиштон тинмай тўқиллатиб кетган симёғочдан ғичир-ғичир овоз келади. Этакдаги олмазордан чумчуқларнинг чирқиллаши эшитилади.

Кеч кирди. Одамлар сепсилди<sup>1</sup>. Чарчаган болалари кечки овқатдан кейин кўни-кўшни, қариндош-уруғларни кузатгач, у билан хайрлашиб, яхши ётиб туришини тилаб, болачаларини бошлаганча, ўз уйларига кириб кетдилар. Куёв бўлай деб турган кенжа ўғли яна ул-булларини кўтариб, онаси ётадиган хонага йўналди.

Ҳозиргина кичик келини идишларни шақир-шуқур юваётганди. Ана, янги чой дамлаб қўйиб кетибди. Аёл чойни эрмак қилиб ўтирди. Хаёлини йиғиб пиёладан охирги ҳўпламни ҳўплади-да, пиёлани тақсимчага тўнкариб, кўзғалди. Ичкарилади. Ўғли ҳужжатлар солинадиган кичкина сариқ сумкачани олдига қўйиб, қоғозларни ёйиб ўтирарди. Ўғлининг ётар ўрнини тузатган бўлди – ҳозир ухлайди у ҳам.

Кейин ўзининг юмшоқ жойига кирди.

Уй шифтида яшил гажакли гул нақшлар солланар, гўё уйнинг тоmidан шира эмган узум гужумлари панжасимон япроқлар орасидан пастга осилиб тургандек кўринар эди. Аёл чарчоқли нигоҳ билан гажаклар изидан шифтнинг теграсини уч қур айланиб чиқди.

Уйқу унга яна қайта-қайта чап берар, худди осойиш шарпасининг ортидан чопган бедор шамол каби хаёл елкасида ҳамма кўчаларга кириб чиқарди.

Кўзи бирпас илинганда эса, ҳар галги каби, бир деганда оламча туш кўрди. Ҳаммаси алоқ-чалок. Босириқди. Уйғониб кетди, яна манглайида реза-реза тер. Ўғли унга қайрилмай ўз иши билан бўлди, хайрият.

Икки ҳафта бурунги бўлиб ўтган шўришларни эслаб, лабини тишлади, қунишиб олди. Уйқу билан уй-

<sup>1</sup> Сепсилмоқ – камайиб, аста тугамоқ.

қусизлик ўртасида мудроқ хотиралар жонини ўртар, кўксини ўярди. Киприклари тун билан олишар, кўзлари ўзи кўриб тургани – борлиқнинг мангу қонуниятлари билан чиқишиш ўрнига, иложсиз, қоронғилик билан сўзлашар, сукунат билан тиллашмоқ, сирлашмоқ бўлар, унга дардини айтмоқ, унга ишонмоқ истар эди.

Ҳа, у қоронғи билан юзма-юз ўтирарди, жимжитлик билан сўзлашар эди, кимсасизликни қаршиларди.

Уйқудан ҳам шунчалик қўрқадиган бўлиб қолдими одам? Тўйнинг етти ўлчови ўлчаб бўлинганида яна бир нарса бўлиб ҳаммани тинч жойидан бетинч қилмаса, анов кунгидек касал бўлмаса ҳам касалхоналарга тушиб юрмаса бўлгани. Шунча сурдиргани етар. “Уфф. О, Эгам, ўзинг асра!”

У дивандаги бир жуфт ёстиққа маъюс тикилди.

Бахтнинг масрурлиги нима ўзи? Борми ўша бахт? Бўлса қандай? Шакли, иси, тоти борми унинг?

Аёл яна эридан – болаларининг отасидан хаёл қилди.

Эр дегани тўй сурилганини эшитиб, бир кун жимиб қолди. Кейин сим қоқиб тўртта дўконига янги товар олиб келишганини айтди-ю, “жуда зарур” ишларини тугатиб қайтадиган бўлди.

Одамзод зарур иш деб чопиб-чопиб паккага етиб келади. Кейин унга битта гўр зарурдан зарур бўлади. Ўлик кўп кутмайди. Ўлик зарурликдан тупроққа қайтади, худди руҳ зарурликдан осмонга учганидек.

Дунё эса “жуда зарур” ишлардан тошиб ётарди...

Ўлмасбойнинг ишлари ҳамманикидан шошилинич. Ўртага бир оғиз сўз, бир жумла сўров, битта ишора сиғмайди. Бу зарур ишлар ҳув аввалида ғафлатда қолдирди Гулшанни. Зарур ишлар бундай бўлишини, шундоқ ҳам ҳилвираб турадиган юрагини тутдек тўкишини, ўзи қизиб-ўзи музлайдиган бўлиб кетган ич-ичини рашк деган аёвсиз оловда ёқишини хаёлига келтириб-

ниди. Бу ишларни важ-корсон келтиришлар эрини бошқа, ёшроқ, чиройлироқ хотинга уйлантирди.

Ў-ў, кундошлик умр.

Аёл зоти эрининг гўри устида бошқа хотинга уйланмай туриб ўлиб кетгани учун шукур қиларкан.

Чайлада яшаса бўлмасмиди. Эри ўзиники бўлсин эди.

Лекин энди шу ҳолига чайлада кун кўрди нима-ю, қасрда давр сурди нима.

Энг-энг бошдан тинчгина ҳаёт таъмини тотгани дуруст эди. Вақтни ортга қайтариб бўлсами. Эсиз!

У маҳаллар кенжаси тўрт ёшга тўлганди.

Аввалига эри уйга кам келадиган бўлди. Гулшан рўзғор ғалвасига шўнғиб кетибди.

Ҳадикланиб-ҳадикланиб, охири ортидан одам қўйдирди. Каттагинани ваъда қилди. Ёлланма айғоқчи пулини ҳалоллаб олди – бор гапни шартта-шартта айтди.

“Акамиз уйланибдилар. Бир ярим йил бўлибди. Ҳамшира бўлиб ишлаган экан. Ҳозир акага текканидан бери ишни ташлабди. Уйда ўтирар экан. Ҳомилали экан. Акамиз уни жуда эҳтиётларкан. Қаерларгадир ўзи обориб-опкелиб қўйдилар. Авайлаб юрибдилар. Икки кундаям остона ҳатлаб чиқмади. Олдига мактабда ўқийдиган бир қиз келиб ётиб қолди. Учинчи куни қўшнилари билан бир соатча кўчада ўтирди. Мақтаниб-мақтаниб гапирди. Тўрттинчи куни ўзига қараб, ясаниб, деразадан қараб-қараб қўяётган эди, акамиз келдилар. Машинанинг орқаси тугул ўриндиғида ҳам нарса олиб келибдилар. Аёлни уринтирмай ўзлари ташидилар. Кейин мактаб қизча кетди. Акамиз қолдилар. Бу сафарга шу, янга”.

Гулшан кўрпачага чўккалаб қолди. Эшитганлари шундоқ ҳам елкасига юк ортилгандек вазмин жуссасини баттар оғир торттирди. Бир одамдан изза бўлгани шунча бўлса. Ер ёрилса экан! Сойлар тортиб кетса экан!

Билдирмаганни билмай кўяверса бўлмасмиди! Шунча зарурмиди билиши?

Узоқ сукутдан кейин “У ўзи қанақа?” деди. “Чиройлими?” дегани эди бу. Пойлоқчи саволни англамсинмай ғалати қаради. Янга қошларини чимира туриб, ўзини сир бой бермаганга солди. “Кимга ўхшайди?” деган сўзлар тиши орасидан сизиб чиқди. “Мен бировга ўхшатмадим, янга. Ҳеч кимга ўхшамайди. Жуда сулув, кейин ёшгина экан”.

“Нима иш бўлса айтаверинг, янга. Ис-миси чиқмайди. Ўхшатаман”.

Айғоқ кетди.

Энг ичкари уйга кириб эшикни ёпди, ўкириб йиғлади. Жони ўртанди. Оғриди. Оёқлари остида тиканлар қаторлашгандек бир жойда ўрнамади. Ҳали деразаси олдига, ҳали эшик тагига, ҳали эрининг кийимлари турадиган жоймонга бориб келди. Уч кун қуруқ сув ичди. Уям муздек. Ичига адашган сичқон боласи кириб олгандек тирналди. Кўзидан ўт чиқди. Кўкси куйгани сари тинмай йиғлади. Оҳ билан уҳ ичини бўшатишга ёлланган эса-да, ёрдам беролмади. Ўзини кўтаролмай бир ҳафта ётди.

Одамнинг танасини ҳўл яратгани шундандир-да, ёниб кетмайсан, тутаб-тутаб ё тугайсан, ё ўчасан.

Зарур ишлар важидан уйга кам келар бўлган эрнинг нағмалари кун сайин ортиб борарди. Зарур ишлар эрнинг эътиборини иккига бўлдирди, топганини иккига айирди. “Жуда зарур” ишлар Гулшаннинг соғлигидан зарурроқ бўлди. Восвосланиб касалхонада ётганида ҳам эр деганини узоқлардан келтирмади зарур ишлар. Ундан аввал-чи? Катта ўғли велосипед билан маҳалла кўчасида “Жигули”га туртилиб кетиб, қанча сўроқ-савол бўлди. Ўртанчаси дўконда биқинини чангаллаб қолиб, кўричак олдирди. Шу виқорли, бир ким отини

айтганда ҳамма ўгирилиб қарайдиган, кимсан палончи дейдиган ота шаҳарда эди. “Энг керакли ёрдам”ни юбортириб, пул жўнаттирган ҳам “зарур ишлар” бўлди. “Ортиғи билан таъминлаб қўйган” эди ота.

Кўнгилнинг истагани энг керак ишми? Дунёнинг тагига етиш учун кўнгил йўлидан юриш керакми? Унда кўнгил тўлдим, тўйдим демайди-ку. Дунёнинг таги ҳам йўқ экан-да, етиб бўлмас экан-да.

Ишқилиб, Кўнгил деган олам яхши кечинма истаркан, турфа жилва қидираркан, нафис, ҳеч кўрилмаган гўзаллик ахтараркан.

Шугинами?

Кўнгил осмоннинг ҳаволари билан бир хил экан. Ўзгариб қолиши ҳеч гап. Безиши осон. Ҳалигина қилган аҳду ваъдасидан қайтмоғи, қиёфасидан ўзгармоғига лаҳза етарли. Кенглигини ўлчаб бўлмайди. Тўлмоғи эса... Жуда қийин. Қийиндан қийин. Тўлмаганидан кейин ўзга овунч ахтариб кезиневараркан-да ўз оламида. Танани бошлаб юраркан.

Шукурни аввал кўнгилга, кўнгилнинг ич-ичига берсин экан Яратган.

“Сени бирор нарсага зориқтириб қўйганим йўқ-ку. Қўлимда тарозим бор. Жуда сен ўйлагандек аҳмоқ эмасман. Худо уриб қўймагандир мениям. Ўзим билиб-билиб иш қиламан. Искандарларнинг ҳақини ҳеч ким тортиб олмайди. Мана, бу дўконгаям, шаҳардагигаям бу гал энг тоза товар олиб келдим. Нақ Яквалхўжанинг ўзи гаплашди мен билан, ўзи юклаб берди. Ишларим янаям юришиб кетади энди. Майли, мен бо-райин, зарур ишлар бор”.

“Битта мен шунақа ёмонман. Битта мен хотинбозман, бўлдимиз? Кўзингни каттароқ очиб, мундоқ ён-верингга қара! Ана, пулдорман деганлари юрибди ўнта-си билан, билган бўғирсоғини еб. Ҳаром жойи бўлмаса.

Кўрганга илашиб юрган бўлмасам. Айтдим-ку, сениям, болаларниям ҳеч нарсага алмаштирмайман. Ҳеч ким сенинг ўрнингни босолмайди ҳам, эгаллолмайди ҳам. Бунақа қилма, очилиб-сочилиб юр. Юракни сиқма. Менинг бугун битирмаса бўлмайдиган ишларим бор. Йўлга чиқаман, хўп?”

“Мана шу тумтайишинг, ичимдан топ бўлиб ўтираверганингга мен шу йўлни тутганман, билдингми? Ўзинг сабабчисан ҳаммасига! Ҳали бундан баттар бўласан! Етар энди! Болаларни ҳам қон қилиб юборяпсан”.

“Ўзи уруғ-зотинг билан ношукурсан. Бўлмаса шунақа бўлмасмиди. Одам нимага яраша бўлса шунга етади-да. Бўпти, мен кетяпман, ишим зарур”.

“Нега қовоқ-тумшуқ қиласан? Нечта эрсиз хотинлар ҳам тирикчилигини индамай қилиб юрибди. Бўлди, мен келганда мундоқ юзингни очиб тур! Энди бир ёшлик қилган эканман. Ўртада бола бор. Бўлмаса менгаям жа шартми иккита рўзғор қилиб? Бўғзимга келиб кетяпти. Бўпти, болаларнинг олдида бунақа қилма. Мен индинга келаман. Зарур ишлар бор”.

Йўқ, кейинги вақтлар у ўн беш йиллар орасида эри билан ўртада кечиб ўтган бу каби санчиқ гапларни эсламаётганди.

Аёл яқинда ўтган хижолатпазликларни хаёл қилиб лаб тишлади. Қўни-қўшни, таниш-билиш, қариндошлар олдида яхши бўлмади-да...

Ўша икки ҳафта бурун ҳам худди шундай қоронғи тун эди.

Кечаси осмонни булут қоплаб кўройдин бўлди.

Гулшан босинқирайдими, уйқуси қочадими, бир ўзи қолишни маъқул топган, ўзини ёлғизлик билан жазолайдиган бўлган. Невараларини чўчитиб юборавериш ёқимли бўладими. Тўй яқинлигидан болалари ўзлари билан ўзлари, каттаси анча-мунча юклари-

ни бир машина қилиб янги уйига элтган, кичиги ҳам ромга<sup>1</sup> янги стол-стул сотиб олиб келиб жойлаштирган кун эди.

Ўғиллару келинлар қатори кўп уринди, чарчади. Атай чарчади. Кўрпага кириши билан, ўйлаганидек қотиб ухлаб қолибди. Кейин... Ҳар кечадагидан тиниқ туш кўрди.

Оққирнинг далалари эмиш. Ундан нари Варзик йўли бўйида оқиш ялангда биттагина кулба кўринибди. Ҳа, Маккисоқовнинг уйчаси. Ўша-ўшамиш. Маккисоқов уйдан бақириб-чақириб чиқиб келибдимиш. Юзлари қонмиш. Келиб Гулшаннинг қизил кўйлаги этагига осилармиш. “Қооооч”, дермиш у энтикиб. Кейин кўлида катта сопол косада овқат пайдо бўлиб қопти. Уни соқовга берибди, лекин соқов овқатни ағдариб юборибдимиш. Коса думалаб сувга тушиб кетибди. Соқов эса Гулшанни бўйнидан бўға бошлабдимиш. Каврактепанинг тошқирраларига тармашиб-тармашиб, охири соқовнинг кўлидан қутулиб, Кўтарма тарафга қараб қочибди.

Додлаб туриб кетди.

Эҳ-ҳе, бу умрда бундай тушлардан қанчасини кўрди. Лекин ҳар гал...

Ёқасига туфлади.

У доим ҳам тунлари ичини тирнайдиган ўйлар ичида йўқолиб қолишдан чўчиб, калима келтирарди. Бирор нарса тикишга ўтириб оларди – зериктирсин. Кейин жойига таппа ташларди.

Ҳузурсиз кундузлар, ҳаловатсиз тунлар умрнигина эмас, унинг хаёллари, бардошларини каламушдек емириб юборган, яна емиришда давом этарди. Асли умр шу туну кунлар бўладиган бўлса, эҳтимол, унинг ўзи умр кунларини андуҳларга едирар эди. Чўчини-

<sup>1</sup> Ром – уй олдидаги ойнаванд хона.

шлари эри борлигида ҳам ҳеч камаймасди. Уйғониб қолса шошиб яна кўз юмар, уйқуни узоқлатмай қайтиб олишга уринарди. Борди-ю, ташқарига чиққан Ўлмаснинг шарпасидан уйғонган бўлса, унинг тезроқ қайтишини кутарди. Киргунича диққинафас бўлар, киргач, хотиржам тортар, енгил нафас оларди.

“Шукур. Ҳамма ёқ тинч. Эс-хушим ўзимда”.

Ёлғизлик.

Ёлғизлик Худога.

Одамга қийин. Бунақада...

Ҳовли тўла уй, уйлар тўла одам-ку, деб ўзини чалғитди, то ўша кеча касалхонага тушгунича. Ўша куни ёнида Иброҳими йўқ эди. Ўз овозидан тортиниб, ўрнидан қўзғалди. Гавдасини тиклагани жойида тахтадек қотиб турди, тураверди. Кейин бир тебраниб кетди. Туйқусдан уй тўрига ўгирилди. Қоронғи бурчакка тикилиб қолди. Боши ихтиёрсиз силкинди.

Бирдан дераза тикирлади. Бир-икки итарилди. Лахзалар худди томчидек чакиллаб бошлади.

Шамол... У ташқарида билганини қилаётир. Шамолнинг оти учқур, қўли узун. Қайсидир олманинг шохи синди чоғи. Яна нимадир, пиёлами ё шишами ерга тушиб чил-чил бўлди, шекилли. Шамол пириллаб учиб дераза кўзларини бирма-бир зириллатиб силкилаб чиқди. Кейин... кейин шамол ичкарига суқилиб киргандек бўлди. Шамолми бу ўзи?

Ўзи ақлини йўқотган шамол энди яна кимнидир ақлдан оздиргани келгандек эди.

Юрак дук-дуки эшитиладиган жимликда... Уй тўридаги тахмон пардаси шиғ этиб сурилиб кетди. Гулшан бир шарпани сездди. Шарпа... Бор деса бордек, йўқ деса йўқдек. Шарпа уй тўрида бирпас ҳилпираб турди-да, унга яқинлаб келди. Шундоқ каравотига одам каби чўкди. Гулшан ўтирган жойида бўшашди, кейин қал-

тираб узалди, нафаси ўчди. Шарпа эса осилган латтадек кийимлари, шалвираган гавдаси билан чувалиб, унга яқин силжиди. Икки қўлини узатди, Гулшаннинг кўзларига осилиб кетган бармоқларини суқа бошлади.

Гулшан инграниб ўрнидан турди, уйни айланиб қочди. Эшикка етди, титроқ қўллари билан қабзани тортди, бироқ эшик очилмади. Додлаб юборди. Шилқ этиб гиламга йиқилди...

Ички-ташқилик уйда шовқинни чала эшитган катта келин чўчиб уйғониб кетди, бирпас қулоқ солиб турди. Гурсиллаган овозни эшитиб, эрини турткилади.

– Ойимми? Туринг! Ойимга бир нарса бўлди! Туринг, бўлақолинг! Чиқинг!

“Тез ёрдам” келди, Искандар онасини касалхонага олиб кетди.

Кўзини очганида деворлари оппоқ, дори ҳиди анқиган хонада каравотда ётарди. Бўғин-бўғини бўшашган, совуқ терга ғарқ танаси зилдек оғирлашган. Беморининг ўзига келганидан мамнун шифокор бўлса нималардир буюриб ҳамшираларни пилдиратарди.

Унга ортма-орт игна санчдилар. Юборганлари бирпасда тинчлантириб, тузатиб юборишини айтиб овутдилар, атрофида айландилар.

Келинлари навбат қўйиб олиб, овқат ташиб хабардор бўлишди. Икки аёл билан ётган бўлмада бегоналарнинг сири босибми, босинқирамай беш кечани ўтказди.

Эрини чақиртиришларини ўзи рад қилган эса-да, ўзи эшикка кўз тутди. Ишқилиб, кўнгил ғалати-да ўзи.

Аввалига ҳушсизлигида ўғиллар отасига хабар қилишолмабди экан. Бирови йўлга ҳам чиқар бўлибди. Кейин эса ота кўнғироқ қилганда, катта ўғил онасининг ишораси билан гапни чалғитди. Тўйнинг сурилишига ҳар баҳоналар топди.

Муолажалардан кейин анча ўзига келгандек эди. Илҳом ўғли топиб келган “нерв дўхтири” ҳам буни бир оз чарчаш ёки руҳий зўриқишдан деди. Бешинчи куни энди анча тузалганини айтишди. Уйга рухсат бўлган вақти нарсаларини йиғиб турганда, навбатчиликка келган ёшгина шифокор кириб қолди. Ундан ҳеч ким сўрамаган бўлса ҳам, Гулшанни синчиклаб текширди, кўзини кўрди, ҳамма қоғозларини диққат билан ўқиб чиқди. Чала тахмин қилди, чоғи, томдан тараша тушгандек, “буқоққа ҳам текширтириш керак”, деб йўлланма ёзди.

Тўй нақ уч ҳафтага суриладиган бўлди.

Уйига қайтганидан бери, мана, кунми тун кичик ўғли унинг хонасида, ёлғизлатмай қараб ётибди. Учинчи куни кечга томон, кўргани келувчи қўшнию қариндошлар анча камайган, кенжаси кўчага кетган вақт эди. Охирги кунлар ичида биринчи марта хонасига бир ўзи кирди. Уй ичи ёруғ. Ўзининг уйида йўқдан-йўққа чўчиниб ўтирганига ўзидан хижолат чекиб, музтар қиёфада ойнага яқинлашди. Ойна тоқчасида ўша, буқоққа текширув ёзилган йўлланмани кўриб, қўлига олди, ўйланиб турди. Ойнадаги ўзининг салқи қовоқли рангпар юзига, тамом оқарган чакка сочларига қараркан, томоғини пайпаслаб буқоққа аломат қидирди. Йўқ, нега буқоқ бўларкан? Етти авлодида учрамаган.

Мана, ундан берисига яхши.

Йўлланмаям аллақачон чиқиндига қўшилди.

Ўғли ҳужжатларни йиғиб ўрнига кирди.

У эса каравотга оғриниб қаради. Ётишдан безган. Кўз юмдими, бас, ёруғ дунёдан узилгандай ғалат манзараларга ботиб кетади. Лекин кеч кирди, қоронғи тушди ахир, бошқа нима қилади. Ҳалигина эрининг яшшамагур кундош уйида қолиб, икки ойлаб келмай

кетганидан жаҳлланиб турганди. Энди эса... Яхши ҳам йўқлиги, бўлмаса, ҳозир нималар дерди экан.

Деразадан ҳовлига разм солди. Ана, икки келинининг бир-бири билан нималардир деб чуғурлашгани, шўх-шўх кулишгани эшитилди. Вой қурғурлар-эй, янги келинга нон синдирилиб, фотиҳа ўқиб келинмагунча бир-бирларига шунақаям аччиқ-тиззиқ гаплар айтишардики. Энди бўлса... Сира бунча апоқ-чапоқ бўлишмаганди. Ҳа-да, ана у каттаси кенжа овсин келиши шарофати билан тўй ўтар-ўтмас кўчадиган бўлиб турибди. Аҳил бўлишади-да, худди бир умр, йўғ-э, етти йил шундай келишиб-кенгашиб яшагандек. Бу икки келин ўғилларнинг ҳам орасига жар солди-ку. Кўриб турибди. Катта ўғилларнинг бир-бирига бўлишуви зўраки. Мана бу кичиги маҳмадоначилик қилиб, акаларининг устидан кулгани-кулган. Ҳали ўзи қандай бўларкин. Хотиннинг ногорасига ўйнамаган борми? Хон хонга йиқилибди, хон хотинга.

У каравотга оғир чўкиб, жимиб кетди. Пар ёстиққа бош қўйиб, кўзини юмди. “Э, Худо, ором бергин, ҳаловат бергин”.

Вақт отли буюк ва яхлит мезоннинг шу чорбурчак ҳовли билан шу чорбурчак уйга тегишли бўлаги изтиробга чўмиб кетган аёлнинг узоқ, чуқур хаёлига беланиб кечиб борарди.

Ниҳоят, қуюқ ва тикка киприкларга мизғув илинди. Унинг тушлари хаёллари билан аралашиб кетган, кўпдан бери ўйида кечганлари тасаввурми, тушми, ўзи ҳам ажрата олмай қўйганди.

Шошқин сой эмиш. Суви кўпирармиш. Бирдан сой ўзгариб, чети цементланган каналга айланиб қопти.

Бир маҳал сувнинг ўртасидан “Гулшан, тооорт” деган овоз келди. Салдан кейин ҳамма ёқ шовқинга тўлди. Одамлар узоқ катта йўл тарафдан чопиб кела

бошлабдимиш. Ораларида машъала кўтарганлари ҳам бормиш. У ҳам югуриб кетди. Оқиб бораётган Юлдуз қўлларини бемалол сув юқорисига кўтариб икки марта айланди. Худди гирдобга тушгандек. Рўмолини бошидан ечиб силкиди. Тавба, рўмол куруқмиш. "Вой-дод, Гулшаааан!" Оғзига сув тўлиб кейинги сўзи ғўлдираб кетди. Яна сув остидан чиқди: бошини қаттиқ сараклади: "Қан...". Қолган сўзи эшитилмади. Чайпалиб кетди.

Кейингисида у қарама-қаршига чопиб келаётган одамларнинг тўғрисида сувдан чиқди. Яна бошини ҳар ёққа силкиб оғиз-бурнига кирган сувни пуркади-да, чинқирди. "Ташлангла-а-ар!"

Кейинидан етиб олган сув тўлқинлари уни яна ўз қаърига тортиб олиб кириб кетди...

Аёл титраб кўзларини очди.

Тавба, бунча ёмон? Энди кундузи ҳам кўз юмиб бўлмайдими? Қачонгача? Ўлгунчами?

Ҳансираши узоқ вақт босилмади. Чуқур-чуқур нафас олди, оғриқ тортгандай ингранди. Овозидан ўғли безовта бўлди, тескарига ағдарилиб олди.

Гулшан титроғи камайгани сари уйни кўздан кечирди. Шу онда саргардон нигоҳига манзил ахтариб, девордаги суратларга қаради. Ўзининг ўн саккиз ёшдалик вақти. Чиройли эди. Ҳа, суратга ундан ҳам чиройли қилиб олишган. Нариди эрининг сурати. Мўйлов қўйиб, пўрим кийиниб юрган йигитлиги. Русияда ўқиб юрганида тушган. Уни ҳавас қилмаган, орзуламаган қиз йўқ эди қишлоқда. Сочини ўртадан иккига айириб тараб, пасти кенг, ўзи тор, ранги ҳам ғалати шимларни кийиб юриб, кўрганни ўзига анграйтирарди

"Ўлмас устудент", "Ўлмас масквачи", "Ўлмас пракурор", "Ўлмас мўйлов". Келадиган кунини ҳеч ким билмасди, лекин келиши билан эшиги тўлиб кетарди. Қариндошлари, синфдошлари.

Бир маҳаллада, битта кўчада, уч ёнма-ён эшикдан бўйга етган уч навқирон, уч келишган ёш киб-риб-чиқарди. Бири Ўлмас, бири Гулшан, бири Юлдуз эди. Ўлмас ўқишга кетиб кам-кам келар бўлганида одамлар уни ўша ёқларда бирор Марусага уйланиб олади, дейишарди. Бироқ ундай бўлмади, Ўлмас ўқиши битган йили кўч-кўронини йиғиб келди.

Одам ҳар лаҳза ёшликни эслар экан, гоҳ у, гоҳ бу палласини, унутиб бўлмас, одамни хижолатга солар хатоларини кўз олдига келтиради. Хатолар хотири билан бўлсин, ёшлик хаёллари гўзал эди. Гулшан бутун болалиги, ёшлигининг ҳар сониясини Юлдуз хотири билан бирга кечиради. Юлдузнинг чақнаган, пориллаган қуралай кўзлари, унча-мунча дўрдоқ лабли бадқовоқ қизларнинг ёмон ҳам ҳавасини кўзғайдиган чиройли лаблари, тун билан пардозлаб чиқилгандек кўринадиган қайрилма қошлари, оппоққина, ширмой кулчадек юзлари хаёлидан кетмайди. Йўқ, аввалига болаликни жилмайибгина хотирлай бошлайди. Аммо хаёлида лаҳзалар ичида худдики шабадада бирдек тебранаётган яшил майса тобора ранги сўниққан ажриққа айланади, шамолда куч олиб бораётган оловга дўнади. Чарс ёшликнинг хотири кўзларини куйдириб юборади. Олов орасидан ўша тенгқури Юлдуз ўн саккиз ёшида, ҳа, мангу ва безавол ўн саккизида солланиб чиқиб келади. Безиллайди уни кўришдан, унинг кулиб чиқиб келишларидан.

Юлдуз Гулшаннинг кўзларида, ўша-ўша ёш ва гўзаллигича суратга айланди, худди жонли сурат. Ҳа, Гулшаннинг кўзларига муҳрланди, бошқача муҳрланди. Гулшандан ўн карра гўзал эди. Айниқса, кейинги кунлар шунақаям очилиб кетганди. “Бу ўлгур келинчак бўлганда қандай очилса экан”, дерди Гулшан ундан кўзини узолмай.

Ҳа, Юлдузнинг гўзал юзларига чизиқ тушиб улгурмади. Ҳамиша ёш, ҳамиша таранг ёноқли, ҳамиша чақноқ кўзли, ҳамиша қўнғироқ овозли. Худди... ўша кунидегидек... Яна ҳамиша Гулшан билан бирга.

Ўша кун...

Ўша кун қисмат бунчалар терс кетар экан, манглай бу қадар чизилиб кетар экан, эҳ.

Кўп гапирди Юлдуз. Қандай гаплар эди-я. Уйдагилари Ўлмаснинг совчиларига ён берай деб туришганиданми, юраги бир бошқача урадиган бўлиб қолганиданми. Севги деган нарса жуда ғалати эканиданми.

“Сен ҳам биронтасини яхши кўр, Гу-ул. Қара, чиройингни. Осмонга чиқаверма. Нозланавериб эрсиз қоласан бу кетишингда. Э, яхши кўришиш деган нарса нималигини ҳеч ҳам билмайсан. Эсиз сенга бу чиройинг. Тентаксан”.

Яна нималардан гапирди. Яхши кўрган одами билан сўзлашиш, сўзлашмаса ҳам кўришиш қандай ҳам бошқача бўлишиданми. Кеча бир китобни ўқиб йиғлаганиданми. Ҳа, номини ҳам яхши эслайди: “Суҳайл ва Гулдурсун” деганди. “Қаердан ҳам қўлимга тушиб қолди”, деди. Яна гапирди, гапираверди.

Куёв у билан гаплашаман деб беҳуда вақтини кетказиб юрганиданми.

Шу жойига Гулшан сира тушунмаган, ҳалиям тушунмайди. Бирда куёви билан эркаланиб гаплашгандаги нозларини гапига қориштириб юборади, бирда “беҳуда вақтини кетказяпти”, дейди.

Гулшаннинг юраги гурс-гурс тепди.

Ахир олов-олов ўн саккизда эдилар-ку.

Севмоқ, суймоқ, кўнгил бермоқ, суйгили кимсани узоқдан кўрганда лов этиб ёнмоқ, ўртанмоқ, бир бор қарашини тилаб девор оша қарамоқ, яқинлаганда юз бурмоқ, узоқлаганда ортидан термилмоқ... унга

ҳам бегона эмасди. Жони ўртанарди Гулшаннинг ҳам. Саҳар туриб кўча эшикни супурганида, маҳалла-кўйнинг тўйларида қарашиб юрганида, ўртоқлари ё қариндошлари айтгани учун дала ҳашарига чиққанида ўзининг чаққонгиналиги, беғуборлигини, сулувлигини, ҳамма-ҳаммадан яхшилигини кўрсатмоқ бўлган кишиси бор эди унинг ҳам. Тунлари уйқуси ўчарди. Кундузлари ҳаёл суриб, беихтиёр жилмаярди, ўз-ўзига сўзларди. Қилар ишини унутарди, ҳаёли узоқ-узоқ ва сира кўрмагани – муродбахш, сокин майсазорларга кетарди. Ҳаёлида ўша орзу водийсидаги чечаклар юзини сийпаларди, ортидан кимнидир, ким бўларди, ўша – кўз олдидан кетмайдиган бирови, бировга отини атамаган кишисини эргаштириб юргандек бўларди. Зарғалдоқ рангли ҳарир рўмолидан унинг қўллари тутиб қолгандек туюларди. Гулшан ҳам ҳамма бўйси-ралардек ўзини ойнага солиб, сочларини ўн хил қилиб тарарди. Ойнадаги акси билан узоқ гаплашарди, унга кулиб, хўмрайиб, нозланиб, лабини буриб қараб кўрарди.

Сирлашса сирлашгудек сирлари бор эди унинг ҳам. Шу қурдошига<sup>1</sup> айтмаса қурсокдоши<sup>2</sup> йўқ эди, сир ишонадиган. Лекин айтолмасди. Айтгулик эмасди. Ўзи кўпам сир айтгувчи, гап ёйгувчи эмасди-да. Энди у севгилардан асар қоптими? Қанча йиллар ўтди. Мана, кейинги кўрганлари, манглайдаги эгри-бугриларни ҳам биров билан бўлишармиди. Йўқ. Ич-этининг ҳам ейдиган жойи қолмаган.

Ўша кун эса...

Ўтган кеча бир нарса баҳона Юлдузни ахтариб уйига чиққанди, тополмаганди. Демак, ҳов анов кунгидек, яна Гулшаннинг олдига чиқаман деб, Ўлмас билан

<sup>1</sup> Қурдош – тенгдош.

<sup>2</sup> Қурсокдош – туғишган.

бирор жойда учрашгани кетган-да. Пинжиги тикилиб ўтиргандир. Ҳарқалай, кўзлари ёниб турганди. Ҳали оҳ деди, ҳали уҳ деди. “Акаларим билса ўлдиради”, деди. “Яхши кўраман. Жудаям. Унақа йигит бошқа ҳеч ерда йўқ, топилмайди, Гулшан. Мен уни яхши кўраман”, деди. Рўпарадаги Ўрикзор томонларга қараб ширин энтикди. Кейин эса... йиғлади. Кўзининг оқи оппоқ эди, қораси қоп-қора бўлиб, қароғига тўлган ёш орқасидан ўт сочгандек йилтирар эди. Ниманидир айтай деди, айтмади, лаб жуфтлади, оғзини ёпди. Дугонасига тик қаради, яна кўзини ерга олди. Ичига ҳаво тўлдириб нафас оларкан, бошини орқага ташлаб кўзларини юмди, кейин уф тортиб, бир лаҳзада сўнариб-сўлжайиб қолди. Сўзсиз жим ўтирдилар. Юзлари анча оппоқ бўлса, сочлари шунча қоп-қора эди унинг. Кейинги ойларида янаям очилиб кетган, лўппи ёноқлари янаям тўлишганди.

У чоғда Гулшан дугонасини чимчилаб, “айт-айт” қилиши, анча-мунча гапни олиши, “вой, қара-я”, деб ҳавасланиши ё “намунча ўлиб тургандек чиппа ёпишибсан, сал ўзингни тортиб тур, тўйгача ўзингдан бездирма”, дегандек маслаҳат бериши керак эди. Ҳа, дугона бўладиган бўлса шунақа қилган бўларди. Ундай қилмади.

Гулшан ер чизди, Юлдуз осмонга термилди.

Сўнг эса...

Шундоқ, ўрнидан турди-ю, хитоб қилди: “Сув ичман!” Ҳа, Юлдуз ўзи турди. Сув томонга интилиб турди ўзи. Шахдига Гулшан ҳайрон бўлди. Сув ичман дейдими? У ҳам дугонасидек жойидан кўзғалди: “Ариқдан-а, лойқа-ку?” “Йўқ, каналдан ичман. Муздек. Ариқ сувинг қуёшда илиб қолган”. Кейин ортига ўгирилди. Чақноқ кўзлари баттар ёришиб кетди. Кўзларининг ўртасида энди бошқа нимадир йилт этарди. Ўша йилт этган нарсани қуриётган кўзёши эдими, ёруғ дунёнинг

сўнгги нурлари эдими. Жон-жоннинг нақ жон жойига тегарди ўша йилт этгани. У вақтда ўзи билан андармон бўлгандир, лекин ҳозир эслаганда Юлдузнинг кўзларидаги йилт этган ўша нимадир ичини жиғиллатади, кўксини куйдиради. Ёмон ҳам ажойиб мўъжиза эди Юлдуз, олчину қамчин эди, ёқимтой эди, меҳрибон эди. Камгап бўлиб кетган охирги кунларида биринчи марта унга очилиб-сочилиб, тўлиқиб-тошиқиб гапириб турган жойи эди. Кейинги ойларда бирор ёққа бирга борганларида ҳам аввалгидек ичидагини тўкмас, индамай ер чизиб юрар, тезгина хўшлашиб, уйига кириб кетарди. Ўша куни эса бирам олам жаҳон бўлиб чақирди Гулшанни. Ҳа, унаштирув яқин-да. Ўлмасдай йигитга узатиляпти. Бутун қишлоқ бу бадавлат хонадонда нима янгилик бўлиб турганидан хабардор. Яқингинада битган ҳашаматли уйда қўнғизмўйлов, ўриснинг юртида ўқиб келган Ўлмас магнитофонда тўйқиздирар мусиқаларини жаранглатиб, камига оғзида ҳуштак чалиб юрган бўлса. Унга бир хаёлдан, бир овоздан Юлдузни муносиб кўрганлар, унаштирмоқчилар. Юлдузнинг бунақа кунда ўзига сиғмаслиги аниқ. Лекин масрурлик билан бирга негандир қиёфасида бир хавотир бордек эди. Айниқса, ўша куни.

Балки, одам ўз ҳаётидаги алоҳида кунларни аввалдан сезар. “Ўладиган касалнинг қошлари тутшиб кетади, чиройли бўлади, ақл-хуши ҳам бут бўлиб қолади, касалиям нари туриб туради, элчига йўл беради”, дерди бувиси. Тавба, ўша куни Юлдузнинг ҳам қошлари бир-бирига етишгандек эди.

“Ичим куяди, Гулшан. Ичимда ўт бор. Бир гапларим бор, айтайми сенга?” Шунини деркан, кўксига мушт босди. “Ҳозир ичимдаги гапимни пичирласам, қулоғинг куйиб кетади”, деди. Кейин уфга ҳам, оҳга ҳам ўхшамаган бир нафас қилди.

Ҳа, уф ҳам эмасди, оҳ ҳам. Шу иккисининг ўртасида бир сас бор. Балки, шудир етиб бўлмас армоннинг садоси. Бу садони ҳамма умрида бир марта, ўз оғзидан эшитар, умрида бир марта юрагидан чиқарар. Бир мартагина.

Қолган садолар ёлғон. Қолган саслар ясама. Қолган оҳлар дунёники. Ахир юраккинасидан, юрагининг банд-бандидан тутқизиб севмаган борми?..

Сой томонга тўрт қадамми ташлаб ортига қайрилди, унга эргашганча кўзлари аланг-жалаңг келаётган дугонасининг кўзларига тикилди. Ютинди. Гулшан энгагини учуриб, "Сойники ҳам лойқа. Майлими?" деди.

Негадир ўшанда овози қалтиради. Ўзи ҳам ҳали-ҳали ҳайрон. Нега бир лаҳзада ўзгариб кетди, ғалати бўлиб қолди? Ич-ичидан бир қувват тошиқиб келди. Олдиндан сезганмиди? Бир умр ёдидан чиқмайдиган кун бўлишини ичидан туйганмиди? Дугонасининг куни бирданига битишига... ҳозир бўлганмиди? Йўқ! Тақдир аввалдан ёзилган бўлади-ку. Шунга, балки, унга ҳам аён бергандир. Ҳа, ҳа, шундай бўлган!

Юлдуз икки марта ҳовучлаб сув олди. Учинчисига эгилди-ю...

Одамлар Ғовасой сувларида сувпарилар бўлади дейдилар. Баҳорги тошқинда улар янаям кўпаярмиш. Тепадан – қирғиз тарафдан – Кўгала кўлидан тушиб келишармиш. Кўктошни, Кейин Ғова қишлоқни, Варзикни кесиб ўтган сойнинг этак-этакларигача бориб роса ўйин-кулги қилишармиш. Сув бўйида кўп ўтирганларни, бисмилло айтмай сув олганларни, бемаҳал сувга тушганларни, болами ё аёл бўлса кўлидан тортармиш. Худди бир-бири билан ўйнашгандек, сафларига қўшиб оладигандек. Эркаklar, йигитларни эса шундоқ думи билан уриб туширармиш. Кейин сувнинг ичида атрофида айланиб ўйнашармиш. Аввал оёғининг кучини

олармиш. Томирини торттирармиш, кейин белидан пастини ишлатмай қўярмиш. Сув ичида бош-оёғини бир қилиб чирпирак қилармиш. Ҳазиллашиб, вақтинини чоғ қиламан деб, ўлдириб қўярмиш. Ўлиги сув четига чиқиб қолса ҳам сувпарилар ўликнинг устиларидан ҳатлармиш, маза қилиб рақс тушишармиш. Бу “бир-икки калтаўй катталар”нинг “болалар қўрқоқ бўлиб қолади” демасдан гапириб юрадиганлари, холос.

Одамлар тошқин маҳали кичкиналарни эҳтиётлайдилар, бир-бирларини огоҳ қиладилар-у, барибир кутилмаганда оқиб кетганлар хабари ҳар сувтошқинда тарқалиб туради. Сув бўйида ўтириб анча қолиб кетгани ё сув оламан деб энгашгани учун эмас, бошқача, ё араваси оғиб кетиб, ё сой устидаги темир қувурдан ўтаман деб, ё қурт маҳали қирғоққа экилган тутлар устида барг кесганида, ё ўзининг ўлгиси келиб, ё бошқа бирор важдан оқади. Ўлгиси келганини ҳам бир кун аввал ўзини осмоқчи ё машина ёғ қуйиб ёқмоқчи бўлганидан, ё катта қарз бўлиб нима қилишини билмай юрганидан билса бўлади.

Ўша куни... у сув ичига шалоплаб тушиб кетгани барабари бирпас кўринмай қолган дугонаси то яна юзага чиқиб келгунча хушсиз турди. Кейин бақирди, чинқирди. Нима деб чинқирганини билмайди. “Юлдуз” деган бўлса эҳтимол. Ким билсин, балки тушгани заҳоти ҳам бақиргандир. Эслолмаётгандир. Эси чиқиб кетгани вақтда нима қилгани ҳам ёдида йўқдир.

Кўзини каналдаги бўтана сувга, Юлдуз тушиб кетган жойга қадади, лекин қиз бир лаҳзада сувнинг ўртасидан чиқди. Ваҳимали қичқирди: “Тооорт!!! Гулшан!!!” Гулшан у билан ёнма-ён қирғоқ йўл бўйлаб югурди. Додлади, бақирди. Атрофда кимки бўлса, унга қаради. Уни ҳам, сувда оқиб бораётган қизни ҳам кўрдилар. Одамлар узоқ катта йўл тарафдан чолиб кела бошлаш-

ди. Оқиб бораётган Юлдузнинг сочлари ва кейин юзи кўринди. “Вой-дooод, Гулш!..” Оғзига сув тўлиб кейинги сўзи ғўлдираб кетди. Яна чиқди: бошини қаттиқ силкитди: “Торт, қан!..” Кейингисида у қарама-қаршига чопиб келаётган одамларнинг тўғрисидадан чиқди. “Ташланглааааар!!!” чопиб юрган одамлар ортга қайрилиб, у билан тенглашиб сув бўйлаб чопиб кетдилар.

Сувнинг юзаси секин оқади, таги югуради. Чопиб етиб бўларканми. Зумда канал лаби машинаю мотоцикллар, араваю отларга тўлиб кетган эди. Шунча одам бирпасда қаердан пайдо бўлди? Бировлар кажавали мотоциклга ўтириб канал қирғоғи бўйлаб узайиб дала ёққа кетган йўлдан шитоб билан учиб кетишди. Мотоциклга кўнганларнинг икки кўзи тезоб каналнинг лойқа сувида эди. Юлдуз ҳозиргина чиқиб келган уйнинг яқинида эса ҳамма ёқ қирсон-бароқсон бўлди.

У...

У қалтироқ оёқлари чалишиб, чопа-чопа йўлда чўккалаб қолди. Рангида ранг йўқ эди.

Орқасидан оҳ-воҳлаб, бақриб-чақриб келган хотинлардан уч-тўрттаси сув бўйлаб олдинга ўтиб кетаверди, уч-тўрттаси эса Гулшаннинг икки кўлидан ушлаб таяб уйига олиб келишди. Сув ичкизишди, юзига сув сепишди. “Бунинг рангини қаранг. Шўрлик. Қўрқиб кетган. Ётқизиб ўраб қўяйлик. Юр, жоним, ичкарига юр. Бўлди, ўзингни бос. Ўртоғинг соғ-саломат экан. Тутиб олишибди”. “Вой, юрагимнинг ўйнаганини қаранглар”. “Сизникими, меникими, ўлиб қоламан ҳозир”. “Ий, Нойнис опа, сизга нима бўлди?! Сув опкелинглар! Опке, бер, ўзим сепаман!”, “Ичиринглар! Сув ичиринглар!”, “Иноят опангни чақриб кел, укол қутиси билан келсин! Таня холангниям чақир!”, “Ўчиринглар овозингларни! Йиғи-сиғига бало борми? Кўтаролмасанг йўқол уйингга иккаланг! Бу ерда кўзингнинг сий-

дигини оқизма!”, “Гулшаной, ўзингни маҳкам ушла. Тирик экан. Мана, хабарга келишди ҳозир”. Шундай дейди-ю, товуши титрайди. Бошқаси ҳам ёлғонни чиппа-чин қилиб ўхшатмоқчи бўлади: “Ҳа, кўприкда ушлашибди. Соппа-соғ. Уям сенга ўхшаб кўрқиб кетган-да”.

Ром уйда муздай кўрпага ўраб қўйишди. Юраги гурс-гурс тепарди, оғзи қурирди, тер босарди, кўзлари аланг-жаланг бўларди. Хотинларнинг бари бир-бир кириб ҳолини сўрар, шошиб гапирар, шошиб далда қиларди. Ҳамманинг ранги мурдадек оқарганди. Ҳамманинг овози қалтирарди. Бариси бирдек кўчадан яхши гап келишини кутардилар, яхши гап келмаслигини билсалар ҳам.

Сал ўтиб кўрпанинг ичи ҳаммомдек исиб кетди. Устидагини нарига итқиди, муздай нафас олмоқчи бўлди. Хотинлар бирови кўнгил беради, “дўхтирга опкетишди”, деб алдайди, бировлар пиқиллаб йиғлайди. Ён-верида айланаётган бу аёллар кўзига ғалати махлуқлардай кўриниб, яна бошига кўрпа тортди. Кимдир кечаётган ишларга лол бўлиб, катталарнинг оғзига қараб чўчинқираб турган кичкиналарни Тошби холани чақиргани ғизиллатди. Бирпасдаёқ ром деразасидан қизчанинг “Ўзлари келаётган эканлар!” деган товуши кирди. Холанинг дўриллаганча ҳол сўрагани ҳассасининг дўқ-дўқига қўшилиб дераза тагидан эшитилди. Эндигина олдига кириб ўтирган Иноят ҳамшира ҳам ташқарига чиқиб кампирни кутиб олди. Тошби кампир келиб унинг кўрпасини кўтариб юзига тикилди. Ёпиб қўйди-да, яна уйига чиқиб кетди. Беш дақиқада яна унинг сўроғи келди. “Хабар йўқми? Топишмабдими?” Биров йиғламсинди: “Йўўқ...” Кампир сув сўради. Оқ бўз халтачада олиб келгани – ваҳмакнинг уясини ярим пиёла сувга солиб эритди. Уч марта “Эми-дими шуймиш”, деб чайқатиб-чайқатиб олди,

қизнинг бошини кўтариб олиб ичирди. Кейин қадок ўнг қўлини Гулшаннинг манглайига қўйиб, сўл қўли билан билагидан қучиб ўтирди. “Ўзингга қара, қизим. Рангингни-чи. Етти йиллик кезикка ўхшаб қопсан-а. Ҳар кимнинг ўз йўли ўзиники. Одам биттагина бошига ҳар кимнинг ғамини юклайвермайди. Эртага чоршанба, қоқиқ-суқуқ қилиб, юрагингга кўчириқ солиб қўяман. Бунақа ўзингни бериб қўйма”.

Қўшнилاردан бири уларнинг олдига кирди. Кампир унга юзланди:

– Яқин бир ойки, Шодмонбининг қизини кўчада кўрганимда бирам эсноқ тутадиган бўлувди. Айтдим-а нима бало деб. Ўзи мен кўзикканни, бир ишда бисмилло демайдиганларни, бўйида борларни кўрсам оғзим йиғилмайди. Кейин ичоғриқ бўлганларниям. Қурғур, ўзиям кўғирчоқдеккина бўлиб ариқ бўйида идиш юваётган экан. Кўз тегдириб олибмиди дейман-да.

Гулшаннинг онаси ҳовлиқиб кириб келди. Қизининг ёнига чўкиб, елкасидан қучиб олди. Она яна нажот кутгандек тез-тез дераза пардани кўтариб ташқарига қарар, нима қилишни билмай талмовсирар, кўзлари аланг-жалаңг бўлар, титрарди.

Ҳовли йўлаги ёқда бирови томоғи тутилиб-тутилиб йиғлайди. Сувда оққандан гапиради:

– Юлдуз-ей. Қандоқ дуркун, шундоқ сулув қиз-а! Онасининг ҳали хабари йўқ. Далага кетган экан. Энди нима қилади-я?

– Ҳали ҳеч гап-ку, қўшни. Шошилманг. Яхши нафас қилиб турайлик, ҳар нима демасдан, э-э!

– Сувни Каттасойга ташлашмадимикан? Зора, топиб дўхтирга оборишса.

– О-о, бу сув дегани тошқин маҳалда ичига тушгани омон қўйганини билмадим.

– Вой-во-ой, энди нима бўлади? Худое, ушлаб келишсин, ўлмай қолсин.

– Илойим, илойим.

– Келин, қаёққа чиқяпсиз? Борманг, нима қиласиз?! Қўйинг, кўриб-нетсангиз кўрқиб кетасиз, юрагингиз силжиб қолади.

– Агар ушлашолмаган бўлса Шарғилдоқдан ўтиб ҳам кетди бечора. Ўлмасайди-я.

– Ўлмай қолармиди. Энди нима бўлсаям топилсин. Ота-онасининг бир дарди икки бўлмасин. Тупроқбошига келсин ишқилиб. Тутишолмаса сувомборга тушгандан кейин из-пизи қолмайди. Вақти билан бўлканондай шишиб, чириб майдаланиб кетади.

– Ажал-да, ажал. Бўлмаса каналдан сув ичармиди. Тошқин маҳалда сувни бир-икки соат тиндирмай ичиб бўлмаса. Мен кечаси пақирга олдириб қўяман.

– Бечора-ей. Ўн саккизида, – Жамолби кампирнинг халидан бери бир сўз демай жим юрган келини ўкириб юборди. – Шунақа бўлиб сувларга увол бўлса!..

У эса кўрпа ичидан бошини чиқаролмай узоқ ётди. Титроғи кўксига кўчди. Орада ташқари ҳовлидагиларнинг овозини эшитмай қўйди. Қулоғида яна фақат сувнинг шовқини эди. Кўзини кўрпа ичига олганида эса...

“Ташланглаааар!”

Ҳеч ким ташлолмади ўзини. Сувни Каттасойга буришди. Анча пастлади, лекин барибир унинг тезлигини камайтириб бўлмади.

Кечга томон Варзигон тарафдаги симтўрдан шўрлик қизнинг ўлигини тортиб олиб чиқишди. Адёлга ўраб келтиришди. Сув бўйлаб ахтариб юрганларнинг ҳам, уйида елкасидан маҳкам босиб алдаб-сулдаб олиб ўтирилган онасию момосининг ҳам, бир-бир ярим соат вақт ичида, шу орадаги қайсидир лаҳзада икки дунё ариғини ҳатлаб қўйган сулув қиз ўлигининг ҳам энка-тинкаси қуриганди.

Қиёмат қўпди.

Маҳалла-кўй туни билан нари бориб-бери келди.

Кейин Гулшанларнинг уйида тўпланганлар ҳаммаси энгил-бошини тўғрилаб, Юлдузларникига чиқиш учун тарқалди.

Гулшаннинг олдида олтинчида ўқийдиган жияни Нозима қолган. У ҳам кўзини ола-кула қилиб ўтира-ўтира охири уйкуга кетган. Бошқалар ҳали дўхтир, ҳали раис, ҳали маҳаллакўм, ҳали участка нозири кириб-чиқиб юрган қўшни хонадонда эдилар.

Гулшаннинг титрай-титрай кўзи илинди. Булғашиб кетган тушлари орасида терга пишиб ингради. Юлдузга гап айтди, Юлдуз билан пичирлашди.

Онаси хабар олгани чиққанда қизининг алмойи-алжойи гапириб ётганини эшитиб, олдида қолиб кетди. Анча вақтгача бошида ўтириб дуо ўқиди: "Ишқилиб ухлаб қолсин-да". Бир оз тинчланганида эса она ҳам бошини унинг ёстиғига қўйиб пинак қилди.

Гулшан яна чўчиб уйғонди. Онасини илғаб, нафасини ичига ютди. Токчада шунча кўргиликка парво қилмай, кейин кўчада эласлаб эшитилаётган йиғи фарёдларини бепарво босишга урингандек, чиқиллаб ётган соат янги кечани бошламоқда эди. Қоп-қора ғамга ботган ойсиз тунда ичидан келган ўкирик билан онасини ҳам, пойлоқчи қизчани ҳам уйғотиб юборди. Бир кўзларини ола-кула қилиб, бир алаҳлай-алаҳлай, охири ҳушидан кетди.

Энди бу хонадондагилар ҳам типирчилаб қолдилар. Кимдир шифокорга чопди. Ўша кеча қора қутичасини кўтарган иккита оқ халатли киши у хонадондан бу хонадонга кириб чиқиб, туни билан бўларича бўлишди. Маҳалла нозири шаҳарга хабар қилиб одам чақиртирибди.

Ярим тундаёқ таъзияхона эшигида тўпланган юртчилар жаноза вақтини ҳозирча тайин қилмаслик-

ка келишиб, шаҳардан келган машинада ўликни ёриб кўргани олиб кетишди. Юлдузнинг онаси бир оз аввал яна ўзини ташлаб, қайтиб турмаган, ҳушида эмасди. Уни пешайвондан ичкари уйга олишган, ёнида бир синглиси билан оқ халатли шифокор куйманарди.

Отасининг йиғи аралаш кўрсатган қаршиликлари кучсизлик қилди. Лекин ёрибкўрарларнинг узун ва совуқ машинаси орқасидан қўшнисининг “Жигули”сига акаси билан ўтириб кетди. Кейин эса жабрдийдаликдан ҳам бир бошқа, аламзада бўлиб келди. Юзи ёмон ҳам бўғриқиб кетганди. Аллақанақа дўхтирининг ёқасидан олганмиш. Милиция деганининг юзига солиб юборганмиш. “Қизимни иккинчи марта ўлдирдинг. Энди мени ҳам ўлдирасанми? Мана, сўйиб ташла!” деб бақирганмиш. Кийимларининг тугмаси битта қолмай узилганмиш. Деворларга ўзини урганмиш. Қўллари қандайдир шишадами кесилиб кетганмиш.

Ўликхонадан келганларидан кейин эса... уйга ўлик иккинчи марта кирганида, мотам ғалати кўриниш олди. Бошқача совуқлаб кетди. Ҳовлига худдики қора жин оралаганди.

Қизнинг жонсиз танаси уй ўртасида энди бу уйга, бу ҳовлига, бу оламга ортиқчалик қилиб ётарди.

Довдир-совдир бўлиб қолган ота дуч келган тарафга бақрайиб тураверди, кўзига ёш олмай қўйди. Катта экинлик ернинг этакларига кетиб қолаверди. отанинг юзига қараб бўлмасди. Ака-укалари, оғайнилари амаллаб олиб келиб ҳовлига кириш жойига, кекса отаси ёнига тиклаб қўйишаверди.

Бутун қишлоқ кўча бошига йиғилди. Йиғилганлар энди келаётган бошқа одамлар ўта олсин учун йўлнинг икки четига тизилдилар. Кўрганларнинг кўзида Юлдузнинг юзи бўлди, билганларнинг тилида бу ёлғизу эрка қизнинг чиройи, ақлу фаросати бўлди.

Кимлар бошларини сарак-сарак қилганлар, кимлар тилини сал кўрсатиб, энди нима бўлади, дегандек ўкинганлар, кимлар лабини қаттиқ тишлаганлар. Таҳ еб қолган эски, ғарибгина тўн, дўппи кийган кишилар ҳовли яқинида қунишиб турадилар, бирлари нималаргадир шошиб у ёқдан-бу ёққа ўтадилар.

Момоси, онаси, холалари узун чопонларни кийишиб, бошларига оқ дока ёпиб, пешоналарини қиздан қолган рўмоллар билан боғлашди. Белларига қизнинг кўйлаklarини белдамчадек ўрашди. Уввос солишди. Кўча томонда эркаклар ҳам йиғлаб фарёд қилишди. Отанинг овози бўғилганди, далда бермоқ бўлганлар орасида икки букилганча турарди. Гоҳ-гоҳ йўл топиб одамлардан узоқлаб яна этакка кетмоқ бўларди. Биров енгидан тортса силтанарди. Акаси, укалар қайтариб олиб келиб сафга қўшишарди.

Саҳардан катта йўл бўйигача одам қатор-қатор бўлиб кетди. Аёллар ийманиб, бошларидаги докаларини юзларига тортиб, ер қараб ўтиб келишарди.

Ҳовли одамга тўла эди.

Аёл кишининг минг аламга қоришган фарёди қулоқларни тешганида ҳовлида тўпланганлар бечорагина онани кўз олдиларидан ўтказиб, ичларида “яна ҳушига келибди-да”, деб қўйишарди.

“Бола-а-а-м, сен ўлгунча мен ўлсам бўлмайдим, болам! Мени ташлаб қаерларга кетяпсан, болам? Юлду-у-у-з!”

Бувиси чапга энкайиб саннайди: “До-о-о-д, қизимжоним! Тургин ўрнингдан! Тур болам! Нималар қилиб қўйдинг-а, нодонгинам-а. Мен кетай! Мен кирай гўрларга! Сен қолгин, болам. Мени навбатимни нега оласан?! Фаришталарга эргашиб кетар бўлган болам-ов! Кун кўриб ер босмаган болам-ов!”

Кечагина кўзлари чақнаб юрган қиз бугун қуюқ киприкларини шифтга санчиб, чала юмуқ қотиб қол-

ган кўзлари билан “Нега?” дея бор оламни сўроқлаётгандек ётарди. Кечагина бийрон сўзларни сўзлаган лаблари бугун бир-бирига етар-етмас бўлиб дурдек тишларидан иккисини оз-оз кўрсатиб турарди.

Майдалаб ўриб орқасига ташлаган сочлари бугун ечилиб тахтага қўйиб таралаётир эди.

Кечагина ўзини солиб табассум қилиб ўзи билан маъноли ва сўзсиз гаплашгани – ойнанинг юзига мато тутишганди – руҳ қолиб кетармиш.

Кечагина ҳовлидаги сўрида елпиниб ўтириб, узун бармоқлари билан устини силаган, кўтариб олиб бағрига босган, эркалатган мушугини у билан бир уйда қолдиришга ишонмай ташқарига қувишган эди. Мушук ўликни таталаб қўярмиш. Юлдузнинг танасида эса таталанмаган, шилинмаган жойи қолмаган, бунинг устига қорнини очиб, қайта тиккандилар.

Ювғичлар унинг қуюқ киприкларини сийпалаб кўзларини ёпиб қўйдилар.

Кечагина билакдек йўғон гапириб юрган тоғалар ҳақ ўлимнинг олдида ожизу нотавон бўлиб, елка қисиб юришар, сингилларига нима деб далда қилишни билмай бош эгиб туришар, кўзлари, бурунлари қизариб кетганди.

Фарёдлар осмонни ҳам тўлдирганди. Осмон тунд эди, ҳайрон эди. Ҳар саҳар осмонни тутиб кетадиган хўрозлар қичқириғи бугун катакларда қолиб кетган эди.

Юлдузни жойига элтиш тадориғи кўрилмоқда эди.

Бир кўча пастки маҳаллада турадиган Таня хола ҳам яшил рўмолини бошига танғиганича ғам кўтаришар, қизнинг онаси, момоси, холаларига далда қилган бўлар, пешонаси тиришиб кетган, бурни шолғомдек қизарган, кўзлари йиғидан қисилган эди. Шодмонби ора-орада ўзини кўтариб урганида, овози бирдан тиниб қолганида кимлар “Таня хола!” деб қичқирарди.

Юлдузнинг бобосигами, момосигами дори ичираётган ўрис хола ҳовлининг қай бурчидан бўлса югуриб келарди. Халати чўнтагидан идиш олиб, хушидан кетган онага ҳидлатар, юзига шапатиларди.

Туронбойнинг онаси – Келсиной момонинг қон босими ошган, ичкарига ётқизиб қўйишгани билан, орада ув тортиб яна ҳовлига чиқиб келарди.

Вой-вой. Бу аламлар чин алам-да энди. Бу тузалмас дарднинг олдида ўлдим-куйдимга ўхшаш ёлғон аламлар, ясама кўзёшилар ўтаверсин.

Юзочди қилиб қўйишди. Оқ докани юзига ёпиб, калтак билан очишди. Чимилдиқ кўрмади-да... Хургина ҳолида ерга кирар бўлди.

Юлдуз кетди.

Ке-е-е-тди.

Одамлар кўзида ёш билан тобутини кўтарди. Одамларнинг елкасида кетди. Одамлар ортда қолмай деб шошиб чопдилар, қўл узатдилар унинг тобутига.

Ўлгандан кейин бир кун қололмайди одам ўз уйида, қолгани билан рутубатга бостиради уйини.

Шоша-шоша қабристонга йўл солдилар. Ҳамма тобутга чопади, яна отани аланг-жалаңг қидириб қолади, елкадош бўлай, ўзига ёмон ҳам оғир дейди. Эркала-тиб олиб бордилар Юлдузни. Ҳурматлаб элтдилар, папалаб ерга олдилар, эҳтиётлаб гўрга қўйдилар. Сув ҳар ёққа уриб эзиб юборган танасини авайлаб тупроққа топширдилар. Эндиги авайлашларнинг фойдаси бўлмаса ҳам, буни билишса ҳам, барибир эҳтиётладилар қизнинг ўлигини. Отаси икки букилиб, қабр устида тиззалаб қолди, тоғалари эгилиб чўккалади, манаман деган полвон, барваста одамлар ҳам бардош қилмай кўзёш тўкди.

Қирларга чиқиб кетди Юлдуз. Келмайдиган бўлиб кетди.

Болачалар: “Юлдуз опам қанилар?” деб сўраганда катталар: “Гул тергани далага кетган”, дейдиган бўлишди.

Юлдуз оёғи билан юриб чиқиб, боши билан кириб борган, кейин эса сўнгги марта одамлар елкасида қарқара бўлиб чиққан остона совуқ хувиллади. Кўча ҳам одамни ютгудек бўлди.

Йўл ёнида эса шошқин сой ҳамон ҳеч нарса бўлмагандек оқарди. Йўл икки ёққа юрса, сой суви бир ёққа юрарди. У ўз йўлида эди. Қўйиб берса яна бировларни қўлидан тортиб кўтариб ургудек важоҳат солиб оқарди. Балки, “Эй одам йўлимдан қоч, ўз йўлингни топ, ана йўлинг. Хоҳла у тарафга, хоҳла бу тарафга. Йўқса, ўзингга ёмон қилиб қўясан”, дермиди.

Шундан кейин Гулшан дугонаси ўсган ҳовли эшигидан қадам қўёлмади. Биттагина юрар йўлидан ҳам минг ўйланиб, минг кесиб, минг зарур бўлганида ўтадиган, ўтганда ҳам оёғи зир титраб, тили танглайига ёпишиб, томоғи қуриб-қотиб ўтадиган бўлди. Юлдузнинг ота-онаси билан бетма-бет келишга юраги дов бермай ҳамиша ўзини нари олди. Лекин бу қалтироқлар, бирга-бирга ўсган яқин ўртоғининг изларини босолмай ҳаприқишлар, отаси ё онаси дуч келганда ўзини ўнғай туёлмай азоб чекишлар ҳеч нарса экан.

Ҳаммаси кейин бошланди. Манглайда шундай ёзиқлар экан-да, бошланди.

Кўрарингни кўриб бўлганингда, умр ўтар-кетарлигини англаб қолганингда “шунгамиди ҳамма чопганларим” деб ҳам қўяркан одам. Ўзидан ирганиб, ўзидан жирканиб ҳам кетаркан.

Кун шу кун бўлса, умрнинг ҳам жа кеткуйги бўлиб тиришишингга арзирлиги йўқ экан.

“Ўлмасга жуда муносиб эди. Бунақа қиз бошқа топилмайди энди”.

“Тақдири чала экан-да”.

“Тўйнинг кечиккани ҳам яхшиликка бўлган экан, умри калта экан-а. Яхшиям, бувангнинг гапи билан тўй қилиб юбормаганимиз”.

Бу айткиликлар эса қизнинг тобути чиққан ҳовлига икки эшик нарида, қўшни ҳовлида айланарди. Ўлмаснинг уйида.

Кунлар ойга, фаслларга бирикди. Юлдузнинг гулдек очилмай сўлгани, қўшни ҳовлининг беҳосият экани, умрнинг белгиллиги ҳақидаги гаплар ҳам айланиб-айланиб чарчади, камнамо бўла бошлади.

Кейин... ҳар кимнинг ўз йўли ўзиники бўлди.

Ўрмон ёнса ёнибди, бари куй-куй бошқадан.

Дардлар эскирди. Яна келин ахтаришга тушишди.

Узоққа боришмади. Кўпларининг – Ўлмаснинг отаси, онаси, момоси, яна кимидирнинг шундоқ ҳам дилдан ўтиб турган ўйга бир ёндевор қўшни пишанг берди: “Ана. Гулшан ҳам чип-чиройли қиз. Келин қилиб қўяқолинг, Берки опа”. “Билмасам, ўзим ҳам шуни ўйлаб юрибман. Юлдузга кўнгли бор эди-да. Шу қизни келин қилайин, десам, дарров кўнганди. Юлдуз кўчадан ўтганда кўзидан ўт чиқиб кетарди боламнинг. Энди нима дер экан?”

Ҳа, энди Ўлмасга Гулшан мос келиши ҳали Юлдузнинг ўлиги уйдан чиқмасиданоқ кўпдан-кўп бошлардан ғизиллаб ўтиб бўлганди. Ўлмаснинг ўзи нима ўйда бўлганини Гулшан шунча турмуш қилиб, шунча ҳамхона бўлиб ҳам билолмади.

Гулшан келинчакликни ҳавасу хаёл қилганда ҳали ёшгина қизча эди. Раста бўла боргани сари уни ҳақиқий дил билан севиб-суйишлари, ёниб-куйишларини аниқ ва муқаррар деб биларди. Севги олис-олислардан бир ёлқин, бир олов, бир бўрон бўлиб келиши, суюкли ёр билан висол қандайдир чексиз водийларда, тиниқ бу-

лоқлар бўйида кечишини кўнглидаги эртаклари сўзларди. Кейин хўп шоҳона, хўп қиёмат тўй бўлиши керак эди. Ҳатто бир катта эртақ китоби устидаги расмда болалигида кўриб тасаввур этгани – безакли отга қўшилган бурама кажава-аравадан андар-ажойиб либосларда тушиб келиш бахтининг болача хаёли ҳам уни тарк этмаганди. Тўй кунларида оламда ҳамма бахтли, оламда ҳамма шод бўлиши керакдек эди. Бироқ унинг учун ўша орзудаги, тасаввурдаги кунлар кутилмаганда, салгина тез, алланечук саросималар орасида кечди.

Ўлмас Гулшан билан, бир қурга бўлсин, сўзлашиб ўтирмади.

Қизнинг севги деган туйғулардан кўп йиллик кутганлари рўй бермади. Учрашув, аҳдлашув, аразлашув, соғиниш, ўртаниш, икки йўлдан кетиш хавотир-ҳадиги... ҳеч нарса.

“Шугинамиди ёшлик? Тугадими энди?”

Кўшни қизни кўшни йигитга унашиладиган бўлди. Нон синдириш куни тайин бўлди. Икки уйда катта-катта патирлар ёпилди. Ана шундан бошлаб Гулшанга карахтлик келди. Тадориклар, йўриқлар, маросимлар ўз йўли учун бошланди. Ҳаммаси алланечук ғалати ва совуқ кечди.

Ҳаёт дегани севгисиз нима экан.

Орзулар, бир неча ой аввал ҳам ширин энтикиб, ўзининг ортида алағда бўлган йигитларни ғолибона янчиб, катта бир муҳаббат кутиб юргани чоғдаги туйғулари баҳорги мўнталоқдек изсиз йўқолди. Ҳатто унут бўлди. Охирги кунда ҳам куёвнинг “Э йўқ, дугонасига уйланмайман”, деб қолишидан ҳадиксираб, ишончсиз кун санади. Эшитган қулоқ нима дейди. Тўй кунлари ҳам карахт, худди тўй ўзиники эмасдек эди. Юлдуз ўлганидан бери паришонланган хаёлини ўзи учун йиғиб ҳам улгурмаган эди.

Бошқаларнинг эса хаёли бошқа бўлди. “Тақдири бунга қўшилган экан-да”, деб “фотиҳа ўқи”, “нон синдир”, “қозон бер”, “юк юбор”дек расм-русумларни кетма-кет ўтказиб боришаверди. Карахтлики қарс-бадабанг ўйин-кулгилар бешбаттар қилди. Ҳаммаси тушда бўлаётгандек кечди-қўйди. Жуда шошқин, жуда тез.

Ичидан ўтганини ўзи билди.

Ўлмасга унашилишига бир-икки кун қолганида ҳур кетган дугонаси тушларига кирди. Тушидаги қурдоши бир бошқа бўлди. Ўлмас билан Юлдузларнинг ўртасидаги бўй етмас ёндевор устига от мингандек миниб олиб тилини чиқариб масхаралади. Узун-узон, таралмаган сочларини селкиллатиб, тиртиқ манглайдан нимадир қора суюқлик сирқиганича, бошини у ён-бу ён ташлаб кулди.

Шундан сўнг бу девор устида ҳамиша Юлдуз ўтиргандек бўлаверди, бўлаверди. Дунёда ҳақи қолгандек, дунёнинг ўзгармас шарти бўлмиш ўлим ҳам унга ҳечдек, ўтираверди.

Ёмон алғов-далғов бўлди бу умр.

Азобли эди у кунлар. Чалажон ҳислар соғ жуссасини анча эгиб қўйганди.

Жилмайишга уринди. Осонми ҳаёт деган майдонда ўйин кўрсатиш.

Кўп дуо олди тўй баҳона. Дуоларга сўнгги умидини боғлади. Тавбаларга ҳам.

“Ойдай ярқираб, кундай жарқираб юргин”. “Қўшганинг билан қўша қаригин”.

Эшитганида эса оғир ботди унга дуолар. Тавбалари қуруқ бўлди. Бирортаси бўлсин, бир ютум роҳат берса экан.

Мана, Юлдуз босмаган остонани Гулшан босди. Юлдузнинг сепи ёйилиб, кўрпаси йиғилмаган уйга Гулшаннинг сеп-сидирғаси ёйилди. Юлдуз кирмаган гўшангага Гулшан кирди. Юлдуз супуриб-сидирмоғи

керак бўлган кўча-эшикни, ҳовли-ҳарамни Гулшан супурадиган бўлди.

Бўлган битган ишлар ғалати, совуқ эди.

Тўйхона томонда сал ўнғайсизликни демаса, ҳаммаси рисолада. Хушчирой ва барваста қизни келин қилиб олиб тўлган ҳовли. Масковни ўқиган асов йигитнинг ювошгина куёвга айлангани хонадондаги ҳамманинг кўнглини саранжом қилган. Тўй кунларида ичларидан бирда-бир ўтиб қўйган енгил қиринди ҳам меҳмондорчиликларда ювилиб кетмоқда эди.

Осмондан қараганда бир деворнинг бериги тарафида оламча изтиробни орқалаган шўрлик одамлар кўринарди. Ҳа, кимнинг куни битгани – кимнинг куни туққани.

Нариги ёқда ўша тўй куни ҳар кунгидан-да совуқ изтироб, тирноқли алам эди.

Деворларнинг тили бўлса айтсин, дейишлари бежиз эмас экан-да. Бекорга тўкилиб тушмас экан-да. Бекорга кунларнинг бирида гурс этиб қуламас экан-да.

Девори қўшнининг айвонига туташ қўйхонани супуриб юрган она тинмай йиғларди.

Қизарган кўзларини яширар экан, нарида кимга дардини айтишини билмай, яна хотинига яқин келиб турган, лекин қизи ўлгандан бери тузук бир сўз айтмаган, жим туриб гапирар бўлган эрига қаради. Куч топиб, уни тўйга чиқишга ундаб имлади. Эркак тиканлаган соқолини силаб турди-ю, гап-сўз демай уй ичига қараб юрди. Шодмонби унинг ортидан кирди. Ҳам камгап, ҳам кўрс бўлиб кетган эрининг ёнига чўкди.

– Қандоқ қиламиз энди, дадаси. Юлдузгина тирик бўлса, тўй бизники эди. Ўлмасжоннинг ўзи...

– Ўчир овозингни! Отини атама! Керакмас менга! Айтма отини! Бор ишингни қил! Чикмайман тўйга, билдингми?!

Аёл чўккан жойида орқага ташланиб, қўлига тиралди, лабини тишлаб ўрнидан турди. Титраганча ҳовлига чиқди. Ҳамма ёққа кўз югуртирди. Кенг ҳовли уни бўғгудек қисар эди. Ким билсин, қизининг руҳи кезиб юргандир. Қайсидир кун устунга ўрнаган арвоҳ капалак бугун ҳам қаергадир қўнгандир. Юлдузгинанинг арвоҳидир у. Бу ерда бўлаётган ишларни кузатиб тургандир. Ўкинаётгандир. Ўзи бор бўлса, ўз уйига келинчак бўларди-я. Шу... Сув ичмаса, ичаман демаса олам гулистон эди-я. “Болам-ўв, кун кўрмай кетган болам-ўв. Ширмой кулчагина болам, тилимнинг новвоти, оғзимнинг шарбати эдинг-ку, кўзимнинг нури, кўнглимнинг қўри эдинг-ку, Юлдузи-им! Қалам қошинг қаландар қилади-я, болам! Олматарам бетларингдан айланай, болам! Ширин жонингни савил қилиб кетдингми, болажоним? Нимага ҳеч ичмаган кир сувларни ичгани тушдинг, болам-а! Нимага-я?!”

Она йиғисини яшириш учун, ариқчада юзини узоқ ювди, ҳўнграган овозини ёпай деб сувни қўп шилдиратди. Кейин ҳиқ-ҳиқлаганча судралиб тўйхонага чиқиш учун тараддудлана бошлади. Шу чоқ дарвоза очилиб Юлдузнинг катта аммаси кўринди. Шодмонби додлаб юборди. Амма кела солиб Шодмонбини маҳкам қучоқлаб томоғи бўғилиб йиғлади.

– Қандоқ қиламиз энди. Одамни одамга яратгани чин-да. Эртамандан бери ҳеч ерга сиғмайман. Борай дедим. Бирпас олиб чиқайин уларни дедим. Шунчалик ҳам шўрпешона бўламизми. Ойнонайин сиздан-ай.

Шодмонби узоқ йиғлади. Юзларини рўмолига, енгига яшириб ув тортди.

– Сўраб чиқиб қўйсак бўлди. Элга қўшилиб ўтирмаймиз-ку. Ўлганнинг кетидан ўлиб бўлмаса. Ҳали Гулшан ўртоғиникиниям бир сўраб қўйиш керак.

Шодмонби лабини қаттиқ тишлаганча ерга қаради. Юлдузнинг аммаси бурчакдаги уйдан букилиб чиққан укасини бағрига босди.

– Нимаям қилардик энди, Туронжон. Ўлмаса тўй сеники эди-ку. Ҳозир Ўрмон поччанг ҳам келади.

Сўрида ўтиришиб, яна йиғлашдилар. Ота ихраб қазноққа кириб кетди.

– Товоғингиз борми? – амма кўзини докаси учлари билан артди.

Шодмонби хомлик солинган таванни дастурхонга ўради. Икки аёл бош эгганча кўчага йўналишди.

Бир чойхўплар вақт ўтмай қайтиб чиққан аёллар яна икки ёққа қараб йиғлашарди.

Тўйхонада қаҳқаҳа, меҳмон-мезбонларнинг гангир-гунгир суҳбати кучайган вақтда Туронбойнинг поччаси кириб келди. Почча ҳарчанд уринмасин, хотини, опаси қанча ялинмасин, Туронбойни жойидан силжитиб бўлмади.

Шу кеча Туронбойнинг кўксида нимадир жиз этди.

Кўшнининг тўйидан икки ойча ўтиб, сигир боғладиган бостирма ёнида кўксини чангаллаб йиқилди. Шу билан юрак оғриғига йўлиқди. Кундан-кун ранги кетди.

Шодмоной бўлса... қуруқ ёғочга айланди. Бир гапни тушунса, бирини тушунмайдиган, ҳардамхаёл бўлиб қолди... Тўй-тўйчиқда ёлғон кулади, ёлғон гаплашадди. Ўзини чалғиғандек тутади. Бировни ярим эшитса, ярим эшитмайди. Бунинг устига қадди эгилиб, орқасида дўққи пайдо бўлди. Дўққи ҳам кун сайин туртимини узайтиб, кунгурасини кенгитиб бораверди.

\*\*\*

Кунлар рутубатли, ҳавосиз, оғир эди.

Гулшаннинг назарида ўнг томондаги – ўша Юлдуз тушига кириб масхаралагани – девор қаттиқ хўмрай-

ганича қолди. Гулшан бир умр бу деворга бош кўтариб қаролмади.

Ҳозир у деворлардан асар ҳам қолмаган, янги, баланд, ғишт девор тикланган.

Ҳар нарсани янгиласа бўлар, лекин хотир-хаёлни эмас. Деворлар қанча баланд бўлмасин, сой овозини тўсолмасди.

Сув шовури атрофга ваҳм солар, шу маҳалладаги гўзал қизнинг ўлимини ҳар лаҳза эслатарди.

Сойнинг овози Гулшанни хароб қилар, баҳорги сел вақтларида ичкари уйдан чиққиси келмай беркингани беркинган эди. Қизнинг онасидан кам эмасди унинг азоблари.

Аёлнинг юрагини ўйноқлатиб, оёғидан мадор кетказадиган биргина сой эмасди, яна Бойбўл чол ҳам бор эди. Тўғри, Макки ҳам бир-икки дуч келганда сал ғалати қилиқ қилиб, хурпайган вақтлари бўлган, лекин чолнинг қиёфаси Гулшанни қаттиқ чўчитиб юборарди.

Бойбўл чолнинг жинлари бор дейишарди. Жинлари суймайдиган одамлар қамти келганда чол хурпайиб оларкан. Эски раисни кўрганида эса бир тошни олиб бирини қўйиб, қувалаб солар экан. У қувиб юрганда раис аллақачон раислигидан тушиб, димоғи осмонда бўлса ҳам иззати ерда бўлиб юрган вақти эди.

“Человеческий мусорлар” келиб-келиб идоранинг олдига жойлашгани-чи. Ҳаммаси эски раиснинг аҳмоқлигидан. Бу иккисини дала-палада бирор қапага жойлаганда ўша ёқдан бери келмасди”.

“Кўйинг-э, далада қаерда жой бор буларга. Бир ерга кўчирсангиз, ўша ерга эга чиқади. Меросхўриям топилади буларнинг”.

Идора олдида тўпланадиган ходимлар сўзлашганида шундай ақлли гаплар ҳам бўлганди. Ўзи бу ерда ақлсиз гаплар сира бўлмаган. Идора бўлади-ю, ақллилар йиғилмайдими.

“Бу иккиси ўлмагунча чордеворларни бузиб бўлмаса. Тезроқ бир ёқлик бўлса экан, райондагиларга пича қистириб, идоранинг орқа ҳовлиси билан ўзимга ўтказиб олардим. Шундоқ зўр жойлар бўш ётибди”.

Бунақа ўй идорада ишлайдиганларнинг бир эмас, бир нечасининг ақл тўла бошида айланган.

Бойбўл чол тиригида у яшаган маҳаллада тўртта уй бузилди. Гулшаннинг ота уйи бузилмади. Келин бўлиб тушган ҳовлиси ҳам. Фақат ўрталикдаги девор четга чиқиб қолди. Энди бу сой тугул, Каттасойнинг ҳам шовиллаши бемалол эшитилади. Бу ёқдаги девор сой ҳайбатида титрагандек туради, иккинчи ёқдаги девор бўлса, ҳалигидек хўмраяди.

Деворнинг хўмрайганича бор эди.

\* \* \*

У ҳамон паришон ўтирар эди. Кўзлари хира кўраётгандек қисилган. Лекин ўша ўттиз уч йиллик ҳодисалар кўз ўнгида аниқ ва равшан жонланарди. Деворнинг нарёғига тушишидан назарини эҳтиётларди. У кўз олдида келиб турган бир кунларда хушрўй жувон бўлган Шодмонбининг – ҳозирги Шодмон холани, хола тугул, қўшни ҳовлининг бирор парчасини кўришни истамасди. Девордан юқорига ўсиб кетган тошнокнинг букри жойи Шодмонбининг жуссасини, бужур танаси Турон амакининг ғижимланиб кетган юзини эслатарди. Шунинг учун Гулшан ўз ҳовлисида ҳам этакка борганда ерга тикилар, баъзан кўзларини юмиб-юмиб юарди.

Қани энди эри бошқа хотин олмасдан, шаҳардаги уйга кўчириб кетган бўлса. Шу хотиралардан қутулса. Бир замонлар бирга ўйнаганлари, Юлдуз ўсмирлигида сув сепиб юрган ҳовлидаги бугун оғир-оғир қадамларда босилаётган хазонлар шовурини ҳам эшитмаса.

Ўз ҳовлисининг ҳашамати эса кўзни оларди.

Ҳовлида икки марта тўй қилди. Ҳар қанча ҳордиғи бўлса чиқарадиган, нимаики армони бўлса ҳам унуттирадиган тўйлар бўлди. Ўлмаснинг топганлари Гулшанни унча-мунча тўйни тўй санамайдиган, унча-мунча сепни сеп демайдиган кибор аёлга айлантирган.

Бошидаги рўмоллар, эгнидаги кийимлар маҳалла аёлларини анқайтириб қўяди. Ҳадди сиққанлар “Опа, эски рўмолингиздан битта беринг, ҳавас қилиб ўраб юраман”, дейди. Уйига кирганлар дод дегудек қиммат атирни қўлларига бир олиб томоша қилмоққа, сепиб олмоққа илҳақ.

Бир йили шундоқ ён қўшниси бошқа қишлоққа қиз узатди. Ҳамма қатори Гулшан ҳам қарашиб-этишиб юрди. Тўйнинг эртаси қудалари келишига тайёрлаган дастурхонини кириб кўрди. Кўрди-ю, қош чимириб қолди, уй эгасини чақириб, қаттиқ тегди, изза қилди Гулшан. Шугина бўлса майли. Дарров ўғлининг машинасида марказга бориб бозор қилиб келган, дастурхонгача янги олиб келган, кейин қайтатдан ўзи тузатган эди. Маҳалла аёллари тўй эгасига ҳавас қилишганди. “Худо сизга Гулшан опанинг қўли билан берди”.

Кенжаси Иброҳимнинг тўйи ҳаммасидан зўр бўлиши керак эди. Аввалги тўйларида меҳмонлари кўп бўларди, ҳаммаси ҳашамга яраша меҳмонлар. Катта дўкандорнинг хотини бўлиб ким-кимларнинг тўйларига борган ахир. Шунга яраша келишади-да. Эндиги тўйида бу уйларга сиғмай ҳам кетишар.

Кун сайин хомушланиб, оғирлашиб борарди. Ана, атрофида ҳамма ҳайрон. Тирқиратиб юборсанг. Ҳайрон бўлавергунча ишларини қилишса.

Гап бошланса уни-бунга гапиради одам, жойи келса ақл ўргатади, жойи келса қулоқ солади.

Ўзига тегишли гапларни бирда-бир эшитиб ҳам қолади. Эшитган кунлари баттар ухлолмай чиқади.

Ёмон ўйиб олади бу тасаллолар. Меҳрибонларнинг меҳрибонликлари жондан ўтади.

– Шўрлик, ўша дугонасининг оқиб кетганини кўрган-да. Ўлигиниям. Сира очилмади-я. Уч паҳлавон ўғилнинг онаси. Кап-катта хотин бўлди. Барибир ҳа-лигача хаёлпаршон.

– Ғалатимасми?

– Нега ғалати бўлади?

– Ана, Жамолби опа, биттагина ўғли ўт ўраман деб сойга туртилиб кетиб оқиб ўлди, юрибди-ку. Ўлган-нинг кетидан ўлиб бўлмаса.

– Юргани билан ҳар куни заҳар косада ош ичади.

– Уфф. Ахир у она. Эй, сиз ҳам жа гапирасиз-да.

– Мени деб ўлган дейди-да, шўрлик хотин. Ҳаммаси пешонадан-ку. Ўша куни раҳматли Турон аканинг қизи бу ўртоғини гаплашиб ўтирамиз деб чақирган экан. Чиқмаган бўлганда ўлмасмиди. Ариқ тўла сув туриб каналдан сув ичаман деган-да ўзи. Вой, ота-бола-ям раҳматли бўлди-я.

Кеч кирди. Болалари дастурхонга чақиришди. Катта келинидан мошхўрда, кичик келинидан хоним. Ҳа, дунё-нинг бор ташвиши қорин бўлиб тургач, рўзгорлари айрилган. Ёиқ-диқ қилишавергандан кейин нима бўларди. Бир йил бўлди. Икки ойки, қаердан ҳам одат бўлиб қолди-ю, бир дастурхонда ўтиришади. Икки хил овқатга қўл узалди. Икки овқат қоринларда жой талашди.

Дастурхонга фотиҳа ўқилди. Гулшан ҳар кундагидек туриб индамай уйига йўналди. Кичик келини ортидан юрган бўлди. Бирови бир нарса демайди. Биттада тушунади. Индамадими, кенжатой-эркатойи келгунча якка ўтирмоқчи қайнона.

Келинлару ўғиллар енгил тортгани сезилиб қолади. Уларнинг енгиллагани бекор кетмайди, бунинг ичига титроқ олиб киради.

Қайнонанинг инжиқлигидан, ғалати касалидан безганини билдирибгина кўяди ғиқ-диқчи келинлар. Болаларини кўрқоқ қилиб қўйишидан хавотирда. Яқиндан бери Нафосатни катта келини тез-тез Рабоҳат бувисиникига ётиб қолгани юборар бўлган. Ўғли ҳам телевизор томоша қилаётганга соладими-ей ўзини. Кичиги қаёқдадир кўчада, иш билан. Қачон қайтса экан.

Яна бир маҳалгача шифтга тикилди. “Ё Худойим, ҳаловат бер, ором бер”. Қоронғуликда элиб пинакка кетди.

Бироқ кўп ҳам ўтмай қулоғига сув шовури келди. Кўзини очди. Бу гал шифтда сой сувининг бўтаналари, кўпиклари кўринди. Шовқини эса жуда узоқ-узоқлардан элас-элас эшитилди.

Кўзини бу гал чиртта юмди. Шу юмганича миянинг изларидан юриб хаёл қила-қила ухлаб қолди. Кейин... нимадир тирқ этди, қоп-қора тун қўйнида кўзи яраклаб очилди.

Шунда...

Кўрпа-ёстиғи билан тўлқинларми ё оқиш парку бутлутларми илғаниб турган мовий бир кенгликка тушиб қолди, кўз олдида ажаб манзаралар намоён бўлди.

Тип-тиниқ кенгликлардан... сулув қизлар чиқиб келишди.

Ҳа, ҳар доимгидек.

Кўпгина. Бири-биридан гўзал. Табассумлари ёқимли, кулгулари ширин, бирам меҳрибон.

Яна сувпарилар, тинмаган-тинчимаяган, йўқлашяпти!

Бу гал сувпарилар битта-битта пайдо бўлиб, битта-битта кириб келиб уйни тўлдириб юборишди. Ҳамма ёғига келиб ўтиришди.

Тавба, оёқлари ўрнида дум-ку, юраверишгани-чи. Ана, иккитаси каравоти пастида, оёғидан икки томонда. Иккитаси боши томонга ўрнашиб олган. Иккиси уй

ўртасида эшилиб бир-бирига айланишиб, рақс тушгандек муқом қилади. Ниҳоят, боши атрофида ўтирганлар янада яқинлашиб силжишди, кейин унинг сочларини тортқилаб тўзғита бошлашди. Майин-майин табассум қилишди. Қўлларини силашди. Шунда Гулшан беихтиёр бошини кўтариб ўрнидан кўзғолди.

Булар етаклашди, у эса худди биров уни кўтариб олгандек енгил бўлиб кетди. Сувпарилар хурсанд-хурсанд, Гулшанни бошлаб эшикка олиб келишди. Зинадан тушишда учталари олдинда, учталари орқасида эди.

Вой-вой, булар овозсиз куйлашади, овозсиз сўзлашади, овозсиз далда қилишади.

Кулгилари жаранг-жаранг!

Нега ҳеч бир сўз эшитилмаса ҳам уларнинг меҳрибонлиги, яп-яхшилиги, одамжонлиги шундоқ билиниб туради?! Ҳа, одамжонлиги.

Бунча ёқимли?!

Юзларини сийпалаб, сочларини силаб, белларидан кучиб ҳовлидан олиб ўтишди, ташқарилатишди. Кўчада яна бир тўда, булардан ҳам сулув сувпарилар. Унга сари интилиб-интилиб туришибди. Гулшан ҳам уларга интилади. Вой-вой, бунча меҳригиёлик экан булар? Ором, ором. Ҳузур, ҳузур. Пардек енгил бўлиб бораберсанг, ортга қарагинг ҳам келмас экан-а. Ортда нима бор ўзи? Ҳеч нима. Уч-қуйруғини кўриб бўлмайдиган ғадир-будурликдан, ёқимсиз ислардан, бадқовоқ дунёдан бошқа ҳеч нима. Борлиқ дегани билан йўқлик сари бораётган дунё. Охири ўлмоқ, йўқ бўлмоқ эканини аниқ билсанг-да, нималарга алданиб юрасан-а орқада қолаётган бу чириб кетгувчи дунёда! Ейсан-ичасан, бориб келасан борар жойга, ейсан-ичасан, яна шу.

Нега бу парилар билан аввалроқ йўл тортмади? Нега уларни кўрганда тушдами ўнгда, алжиди, чўчиди?

Мана, ўзга тиниқ оламлар ҳам ўзини кўрсатар экан-ку! Ўн саккиз минг олам деганларидан бириси шу бўлсамикан?! Ўзи икки олам борми ё ўн саккиз мингми? Икки олам бўлса, бир оламнинг ичида яна минг турфа олам экан-да.

Оламлардан оламларга ўтиб кетмоқ, ҳатламоқ-да мумкин экан. Оҳ, қандай ажойиб! Оламларни бирида туриб иккинчисини кўрмоқ мумкин, англамоқ, ҳис қилмоқ мумкин, туймоқ мумкин.

Бироқ бу оламларни бир-бирига қўшиб бўлмайди. Оламлар бир-бирига қўшилса, одам деган махлуқнинг ичида жунун пайдо бўлади. Олам одамга ўзини қандай намоён этган эса, шундоқлигича қолгани тузук. Йўқса...

Бирга-бирга кўча бўйлаб кета бошлашди. Ана узун йўл, яна олдиндаги парилар рақс қилиб боради. Йўл анҳорга элтади.

О, бунча ажаб бу дунё! Бунча ёқимли! Кўзларини юмиб юрса ҳам кўрмоқ мумкин бўлган, туймоқ мумкин бўлган ғалати, фусункор олам. О, қандай яхши экан занжирсиз, боғловсиз, ҳашаматсиз, ўйловсиз... Қандай яхши экан ўз жисминггагина эгалик қилганинг. Қандай соз экан намчил оламнинг гўзал парилари. Баданлари кумушсимон. Жисмлари-да сувдан, сочлари-да сувдан, киприклари-да сувдан, лекин ранглари ажаб... Сочлари шаффоф қора, кўзлари кўкимтир-қора шишадек. Қўллари эшилганида балиқнинг қанотидек. Ширали ва маккора кулгулари сувнинг шилдиридек. Фақат бу кулгулар париларнинг оғзидан эмас, аллақарлардан, ўзга тарафлардан эшитилаётгандай сирли, сеҳрли.

Парилар, парилар, кетайлик, тўхтамайлик! Бунча осуда-я бу борлик! Кетдик. Ортда қолсин ҳаммаси! Яна юрайлик, яна хиром бўлсин. Мана, мен ҳам учиб-учиб юрай сиз билан, оҳ-оҳ!

Дунё тиниқлаб борди, кўнгил қушланиб борди, кўзлар сузилиб-сузилиб кетди, вужуд пар-пар бўлди.

Осудалик, осудалик.

Лаҳзада одамий дардлар, беҳаловатликлар, ташвишлар, андуҳлар, гиналар, аразлар, олим-беримлар, қарз-ҳаволалар, ҳасадлар, куйинишлар, ўртанишлар, азобланишлар, яна нима-нималардан холи бўлди. Бунча чароғон бўлмаса бу зимистонлар! Мунавварлик зулмат-да бўларкан-да. Зулмат очар экан-да басир кўзларни.

Сокин ғалвалар, жимжит шовқинлар, ёқимли азоблар.

Хотиржамлик сувнинг аёвсиз шовурида экан-да.

Нима ўзи бу?

Йўл маълум эди. Жуда таниш, кўзга қадрдон, қачонлардир босиб ўтилган яшил довон сўқмоғи. Кўз илғар ёқларда, тинглаб туймоқ мумкин тарафларда шаршаралар шовулларди.

Йўл олис ва ажиб эди. Йўлнинг ҳамма ёғи бирдек капалакзор эди.

Майсалар устида гуллар очилиб ётарди. Улар Юлдуз тушида кўрадиган гуллармикан?

Юлдуз ўзи-ку кичкина пақирча топса ҳам, ичига тупроқ солиб гул экарди.

“Ўртоқжон, Гулшанчам, бу кеча тушимда яна гул кўрдим. Шунақаям чиройли, шунақаям ажойиб. Ҳовлимизнинг ҳамма ёғи гул эмиш. Ҳеч кимникида йўқ, биз билганларга сира ўхшамаган гуллар эмиш. Маза қилиб сув куйиб юрибман. Тавба, ора-ора гул кўраман тушимда. Ҳар хилидан. Ўнгимда ахтараман, ҳамма жойдан излайман, тополмайман”.

Ҳа, ўша гуллар эди атрофда. Топибди-да охири.

Юлдузнинг ўзи ҳам париларга йўл бошлаб сурилиб борарди.

Бироқ....

Бир лаҳзада қачондир битиб кетган қулоқлар очилгандек, ёниб турган чироқ ўчиб қолгандек ё ўчиб қолган чироқ ёнгандек, нозик биллур идиш майдаланиб кетгандек бўлди. Ё асли бутун бўлган-у, кейин парчаланиб, бир-биридан узилиб кетган оламлар бирлашгандек, осмонлар ер, ерлар осмон бўлди.

Оламлар... йўқ-йўқ, оламнинг тарафлари аро туйқусда қандайдир овоз янгради. Ҳар икки тарафни сапчитган, хушёр қилган бир сас келди.

Сой лабидаги уйлар томонда нимадир қарс этди. Узун сочлари елкаларига ёйилган, гўзал ва айёр кўзларида ҳайрат чақнаган парилар қаторида у ҳам ялт этиб ўша ёққа қаради. Кулгулар тинди, соҳир овозлар битди. Сукунат ёпирилди. Сувпарилар бир силкидилар, уни ёлғизлатиб, шошқин сирғалиб сув томонга кетдилар. Худди учиб бораётгандек.

Кўча бошидаги боғча қоровулхонаси олдида бир одамнинг қораси кўринди. Қарсиллаган овоз унинг қоровулхонаси эшигиники эди. Қоровул ҳовлиқиб чопиб келди. Қўлида узун сўйилми, кетмонсопми тутган.

– Ҳой! Тўхта!!! Ия! Ким бу?! Кимсан дейман?! Гулшан опа, сизми? Нима қилиб юрибсиз кечасида?!

Кўрқув, уят яна бош кўтарди. Титроқ яна пайдо бўлди. Унинг теграсида ёлғон деб аталса-да, рост деб англанган дунё эди. Шугина ўтар дунё, шугина ўтмасдек туюлиб аврагувчи дунё. Худди чигал босган сочдек, ғовлаган миядек, моғорлаган кўлдек, бўтаналанган дарёдек, айниган ҳаводек ғалати олам қиёфаланди. Кўзни шамғалат қилиб умрни ўтказиб юборувчи дунё уни яна қуршади.

Титроғи кучайди. Тишлари такиллади.

Анҳор томонга қаради. Сув ваҳимали шалопларди.

Тавба, нега? Ахир... Тун-ку! Нега чикди? Нега чикди кўчага?!

Кимларга эргашиб чиқди уйидан? Сув томонга кетган қизлар олиб чиқишди-ку уни! Олиб чиқишдими ё йўқми? Қани улар? Ҳозир бор эди!

Бор эдими?

Қўрқмасдан эргашиб чиқавердими? Юриб чиқди-ми, учибми?

Сой суви тинмай шовуллайди. Орада балиқларми сувкаламушлар сакраганидаги каби овозлар келади.

Уят, минг уят! Қоп-қоронғида кўчада юрибди.

Энди ўғилларидан балоларга қолади.

Шартта ортига ўгирилди. Боғчанинг янги қоровули анграйганча қолаверди. Дағ-дағ қалтирагани кўйи тез-тез юриб кўча эшигига келди. Тавба, эшик қаттиқ ёпиларди. Шунчаки тортганга, беҳолгина уринганга очилмасди. Қандоқ очдийкан.

Ҳеч ким уйғонмабди. Пешайвон билан йўлак чироғидан бошқаси ўчиқ. Ҳовлига ўзини олди. Уйига кириб каравотига ўтирганида боши яна бир марта чирсиллаб кўзлари ярақлаб очилгандай бўлди. Адёлига ўранди.

Ярим соатчадан кейин катта ўғлининг эшигини тақиллатди. Овози титрар эди:

– Нафосатни чиқариб юборинглар. Мен билан ётиб турсин. Иброҳим ҳали келмас экан.

Келини ўғлининг ортидан шошиб, меҳрибон бўлиб чиқиб келгани билан, оғринди:

– Ухлаб ётувди-ку.

Искандар хотинини четга суриб, шип этиб кириб кетди, қизини кўтариб олиб чиқди. Олиб чиқди-ю, яна эшик қаршисида тўхтади:

– Киринг, яхшиси, ойи, шу ерда ётаверинг.

– Йўқ. Биласан-ку, жойсираб ётолмайман.

Уйига бошлади. Қизини ётқизиб чиқаётган Искандар онасига қараб эмас, ухлаб ётган қизига тикилиб туриб хайрлашди.

Гулшан етти ёшга кириб қолган набирасининг дўмбоққина юзларига термилди. Синиқ жилмайган кўйи титроқ қўллари билан сочини оҳиста силади. Қизча уйғонди, ҳайронланиб бувисига қаради. Кейин атрофга бир кўз ғилдиратди-да, яна уйқуга кетди. Гулшан унинг елкасига тўшак тортди. Оёқларини ўради.

Яна уйқусиз ва оғир, ҳар бири бир йилдек лаҳзалар бошланди.

Деразадан ҳовлига қаради. Ўғлидан дарак йўқ. Ҳали-бери келмайдиган кўринади.

Хаёл эса... учди, учаверди. Оққирнинг қадам етмас кенгликлари, кенгликлар охиридаги фусункор ва сирли кўринувчи қатор тоғлар, тоғлар оралиқларидаги овулчалар, улардан қил учигина кўриниб турган тераклар. Кеч кузда Толбулоқ тарафдаги нишабликда зарғалдоқ рангга кирадиган ўрикзор, тупроқ кўчани чангитган ажиб болалиги, болаликдан қачон ҳатлаганини сезмаган ўсмирлиги. Қадрдон ҳовлининг эски, қинғир-қийшиқ, лекин ўша чоғларда болалигини, атак-чечак қадамини суяб-таягувчи, беркинақочда яшириб тургувчи, устига миндириб эркалатгувчи деворлари. Меҳрибон онасининг кулимсираган қиёфаси, отасининг гурсиллаган қадамлари, Яздакнинг тўп-тўп қизлари, Дўнгсавадаги калдим<sup>1</sup> ўйинлар. Москвадан ғилдираб келган юрарюкча<sup>2</sup>, Тезламасой қирғоқлари, қирғоқларда ўсган кўзтиканлар. Эшакйўнғичқазор орқасида соқовдан беркиниб ўтказилган ярим кунлик умр, далага ёлғиз борганидаги қўрқинч.

Тўйи бўлган кун, ўша довдирак, титроқ кун, тўйи бўлдим, бўлмадим, бошидан охиригача карахт бўлгани. Кейин тўйи куни соқовнинг кўрсатган ғалати қилиқлари.

<sup>1</sup> Калдим – қувлашмачоқ.

<sup>2</sup> Юрарюкча – ғилдиракли сумка.

Келин бўлгани билан дилидан масрур бўлмагани – изтироблар.

Хотиранинг таъмига заҳар аралашиб кетганди.

Ўшанда улар ҳам шунақа кичкина қизчалар эдилар. Ўзи эса худди шу Нафосат неварасига ўхшарди. Ҳа, худди шундай эди. Қошлари камон эгмасидек, киприклари найзадек, юзлари лўппи пахтадек...

\*\*\*

*Маккисоқов макка,*

*Ўтиради якка.*

*Яланқирга дорима,*

*Сўйворади тикка.*

*Калта уйи узоқда,*

*Ичган суви булоқда.*

*Онанг қани, Маккича,*

*Сувга оқиб кееетди,*

*Отанг қани, Маккича,*

*Ерга ботиб кееетди.*

Ялангқирнинг кенгликлари Оққирнинг Қатортепа отлик тепачаларига тутшиб кетган. Унда ўша чоғлардаги яланг-яланг, оқиш-сарик қир ёқларни ҳозиргидек одамларга бўлиб “участка” қилиб берилмаган эди. Бу ёқларда Кўтарма анҳор ҳам йўқ эди. Цемент каналнинг шундоқ сўл қирғоғида бўлганига қарамай, атроф жиззоқ дашт. Ҳа-да, канал чуқурда, бу адирлар эса тепаликларга қараб ёйилган. Кенгликларнинг жуда узоқ чеккаларида қатор-қатор тоғлар, уларнинг ора-орасида адам-адам жойда – шу ёқда булоқ борлигини билдириб, узун-узун теракларнинг гужум-гужум дарахтлар кўринарди. Йироқлардаги бу миттигина боғлар, жаннат бўлагидек ажиб манзилларга анча-анча йўл бор эди. Йўл бормиди, йўқмиди, ҳарқалай, анча масофа

эди. Даштнинг у-бу ерида арава изи, одамнинг ёлғизоёқ изи йўллар ҳам кўринарди. Улар тоғ тарафга эмас, сўлда тоғ билан қир орасидан ўтиб борилса, қишлоққа, ўнгда каналнинг устига тушган кўприкка элтарди. Кўприкдан ўтгандан кейин катта йўл майда йўлчаларга ажралиб кетиб, каналнинг сўл ёғидаги ям-яшил дала-лар ораларида тикланган чайлалар, капалар, лойдевор уйчаларга элтиши маълум бўлиб қоларди.

Ўнг тарафдаги экинзорлардан кўра сўл тарафдаги кимсасиз қирлар жуда сирли, сеҳрли, одамни қаратгич, мафтун қилгич эди.

Ўзи кўзга илинарилик ҳеч нарса йўқ эди бу қирда. Биттагина қўққайган уй кенгликлар бутунлигини бузиб одамнинг нигоҳини шу қирнинг марказий нуқта-си каби ўзига қаратарди. Қандоқ ҳам қирники бўлсин, бутун дунёнинг ўртануқтасига ўхшарди бу чорбурчак уйча. Томига қорақоғоз ёпилган, устидан лойсувоқ қилинган, томи четларидан қамиш чархаклар осилиб турган бу уй Маккисоқовники. Кун-кун каналнинг ёнидаги йўлдан далага қатновчилар бирда бир Маккининг ўз уйи томига чиқиб олиб осмонга қараб ётгани ё бўлмаса тик турганча қўлларини ҳар томонга айлантириб ғалати ҳаракатлар қилаётганини кўрардилар. Макки чалқанча ётиб олганида далага меҳнатга ўтувчиларнинг ёмон ҳам ҳавасини келтиради. Ахир далада қийин ва тинимсиз иш кутиб турибди.

“Маза шу болага, ғами йўқ, иши йўқ. Битта қорнини шилдирсувга тўйдириб ҳам юраверади”.

Осмоннинг кенглигини бошқа ҳеч ердан бунча бемалол кўриб бўлмайди. Ўзини кичкина уйнинг томида осмонга қараб ётган соқов йигит ўрнига қўйиб кўради йўлчилар. Шунда бор дунё шу шувоқзор қирлару атрофини япирмоқ билан олғи босган лойсувоқ уйдан иборатдек туюлади.

Одамлар шу ёқлардан гапиришганда соқовнинг уйидан мўлжал олишади. Соқов билан унинг уйи анча-мунча гапларга аралашиб юради. “Қўйнинг ўлигини Маккисоқовнинг уйига етмасдан юз қадам берида кўрдим”, “Маккининг уйигача бориб келдим”, “Жўхорингиз соқовнинг уйича ўсибди”, “Маккига ташлаб кетаман, кетишда олиб кетарсиз”, “Маккисоқовнинг уйидан ўтиб иккинчи аравайўлдан ўнгга қайриласиз”.

Қишда ҳамма ёқни туман босганда Маккининг уйи эласлаб кўринади. Ортдаги тоғу тепалар бирдек оппоқ бўлганидан Маккининг мўрисидан чиқаётган қора тутуннинг жуда осмонга етмай туриб, уйнинг сал тепасида муаллақ қолган қорамтир булутчани ҳосил қилгани ғалати. Худди бу кенг, оппоқ, покиза оламни шу кулбанинг тутунигина булғаётгандек.

Чиллаи зимистон бошланганда ҳам Маккининг уйига яқин ёлғизоёқ йўлдан битта-яримта одам ўтиб туради. Далада ўтин бор, босиб қўйилган маккапоями, пичанми бор. Ернинг кесагини майдалаш, тошини териш, текислаб қўйишдек ишлар бор. Шу важлар билан қишда ўтишади дала ёққа. Ўшалардан бирлари, бу ҳам бўлса ҳафта-ойда бир, Маккининг уйига келганда сал исиниб ё пайтаваларини қуришиб олгани, ё иссиққина ярим пиёла чой сўраб кирадилар. Ким-кимлар далага элтган емишларидан нонми, қуруқ мевами қолган бўлса, ўшани Маккига илиниб, ташлаб кетиш учун тўхтайдилар. Катталарга ўтчи-элакчи бўлиб далага борган бола-бақрага бу уйчанинг ичини кўриш ёмон ҳам қизиқ. Уй ичкарасида деворнинг бир томонига ипдан тортиб токча қилинган. Ёнида жоймон<sup>1</sup>. Болалар тинч туролмай жоймонни тиқирлатишади. Уйўчоғида чой қайнатишга тутинган Маккининг кўзини шамғалат қилиб очиб олганларида катталарнинг ҳам кўзи Мак-

<sup>1</sup> Жоймон – кийим шкаф ёки кийим қути.

кининг у-бу ерга киядиган янги кийимларига тушиб, мийиғларида кулишади. “Ҳаваси бор шуниям”. Энди танча четига ўтириб олгач, уйдан ҳам қизиги – катталарнинг Макки билан имолаб гаплашишлари. Қиш куни даласига ер юмшатишга, ўтин йиғишга ўтганларга соқовнинг уйи ўртасидаги бозиллаган танчага оёқ суқишдан ўтадиган роҳат йўқ.

Уйчанинг ортида Маккининг қишлик ўтини босиб ғарамланганча туради. Ўтин ғарами ҳам шу йўллар билан даладан қайтувчиларнинг эваз қайтаришидан йиғилган. Маккининг уйида тўхтасалар-тўхтамасалар, битта яримта ғўлами тўнгалакни Маккига атаб ташлаб кетаверадиганлар кўп. Соқов ҳам биттани битта олиб саржинлайди. Ҳа-я, Маккининг ўзи ҳам бир кузни қишлик ўтин учун ишлашга сарф этган вақти бўлган. Лекин... томоққа чиққан чипқондек, йўқ бўлиб кетсин-да анов-манов ишлар, эслагулик эмас.

Дала гунгалагининг меҳмони борлигини йўлда тўхтатилиб катта тошга арқонидан боғлаб қўйилган отми эшакнинг ер тепиниб туришидан билса бўлади. Меҳмонлар кўп қолмайди. Қишлоқдаги уйи тарафга қараб яна йўлга чиқади. Макки уларни кузатиб шу охири йўқ ҳовлисида анча қолиб кетади. Дала ёққа кетаётганларга эса, гарчи улар соқовнинг уйига киришмаган, ҳатто сўрашиб ўтишмаган эса ҳам, канал устидаги кўприкдан беэиён ўтиб кетгунларича қараб туради.

Уйча сойдан икки юз қадам берида сўппайиб туради. Эгаси каби ёлғизлиги ўзига ёқмаётганини билдириб қўяди. Эгаси уйнинг ёнига бир тупгина бодом эккан. Беш-олти йилда дарахтчага айланса борми, уйнинг сўппайгани ҳам билинмайди. Макки бодомни пақирда сув ташиб кўкартирган. Бодомнинг тагида озгина кўкат ҳам яшнаб ётади.

Зўр чоғлар бўлган экан-да.

Кейинроқ, ўн йил ўтиб, у ёқлар хаёлдагина қолди. Энди қир тарафда тикланган, бири бири билан бўй талашаётган, деворлари тиниқ оқ ё олматолқон бўялган қатор уйларга кўз тушса, кўнгил хира тортади. Хира тортади-да. Ахир бу уйлар орасида Маккининг ўша-ўша томсувоқлигича қолиб кетган уйчаси ҳам бор. Фақат атрофи девор билан ўралиб қолган. Чор тарафдаги одамлар ўз чегараларини мустаҳкамлаганларида Маккининг жойгинаси ҳам деворли бўлиб кичкина тўртбурчак ҳовли пайдо бўлган. Қатор уйлар орасида катта машина йўли бор. Ундан Маккини мўлжаллаб кирадиган киши тор йўлакка дуч келади. Йўлак бирам узун бўлиб, икки киши бир-бирига қараб юрса четлаб йўл бермаса бўлмайди. Маккининг жинкўчаси бу.

Шошқин сой энди у-бу ерда айлан-жайлан қилиб ўтирмайди. Янги замонларда чети цементланганига, “канал” деган от билан аталган, энди тартибга тушгандек, ақли киргандек шитоб билан оқади. Ўзидан қуйисини яшнатиб яйрайди у, ўзидан юқорисига бир чакка ҳам сув узатолмай ваҳима солиб зир-зир чопиб ўтади. Унинг сувини тўриб-тўриб катталарнинг бақир-чақир билан сув омборига олиб кетадиган сувчилар кўп. Шунга ҳар бир сув даҳанасига биттадан темир тўғончалар ўрнатилган. Бураса очилади, бураса ёпилади. Канал суви бир томонни суғоришга ишлатилса ҳам талаш-талаш. Тирикчиликни зиммасига олгани билан ихтиёри одамлар қўлида.

Сўлдаги – Маккининг уйчаси кўп вақт яккаҳокимлик қилган ерларни ўша йилларда одамлар эгаллашига ҳукумат йўл қўймаган. Бўлмаса чиғир-чархпалак ясаб аллақачон экинзорга айлантириб юборишарди

Ҳа, бу анча кейинги, алака замонларнинг юзи. Уйи орада қолса ҳам, Макки одамларга тузуккина аралаш-

ган, биринчи марта кўрган одам уни соппа-соғ деб гапириб юборадиган вақтлар эди.

Энг кейинги замоннинг Маккиси эса бутунлай бошқа бўлди. Ёши каттарган сари ўзгарган, одамларга олдингидек қайишмай қўйган. Бурундаги қоп-қора, тўлқин урган сочлари ярим-ёрти оқариб тўзиб кетган.

Жинни кепатасида юрганидан одамларга ухламай ётишга қилган болани кўрқитишга оти жуда қўл келади. Оналар пешиндами тунда болаларини “Ана, Макки келди, аба-баба қияпти. Ҳозир опкетади”, “Макки ол, буни, уйингга опкет”, деб кўрқитишади. Эмлашга келган уколхонадаги оналар ҳам бир-биридан овоз олиб биғиллашга тушган болаларини Маккининг отини айтиб қўйниларига йиғиб оладилар.

Соқов инг-инг овоз қилиб нари боради, бери келади. Бировга фойдаси тегмай қўйганидан кўплар уни одам сонидан чиқарган.

Эски палаки замонлар бўлса жуда антиқа, ажойиб эди-да.

Бори бўй берган ишлар. Айтса айтгулик. Худди энг ғалати, бўрттириб тўқилган чўпчакдек.

Қир тараф кенг ва салобатли эди. Ўзи ўйдим-чуқури кўп адир бўлса ҳам, одамлар уни Ялангқир дейишарди. Қишлоқнинг ўнгми терс ўрнаган уйларида кун кўриб юрганларга чексиз адирлик бўлиб кўринарди. Дала йўлидан ўтувчиларга ястаниб-ястаниб тоғларга, экинча ерларга йўл кўрсатадиган бу кенгликлар ғаройиблигини ҳамма билса ҳам, меҳрибону сахийлигини бирор одам Маккисоқовчалик туймасди.

Қирнинг одамлар жонига ора кирадиган жойлари бор эди. Тош кўчириб ташишми, қум ё тупроқ юклашми, шувоқ, ширач тўплашми, ковул теришми, ишқилиб, бу ёқларга бир юмуш билан келиб кетганлар кўп. Бироқ қанча одам келмасин, бир-икки юмушинигина

битиран, уйига кетгиси келиб қолар, қолиб кетаётган ишларини ўйлар, қирда узоқ қолиб кетмасди. Маккининг сўппайган уйини уй қаторига қўшмаган одам жазирамада келиб қолса борми, бир пана берадиган дарахт тополмай, охири соқовни йўқлаб қолади. Қишда бўлса мунча узоқ қирларда совуқ қотиб юриш кимга зарур кепти.

Лекин барибир ҳалигидай қўра ё қўрғонча қилиб олишдек ишларга ҳукумат йўл бермаган-да.

Бу дашт кенгликларида фақат Маккига чеклов йўқ. Шувоқзорларда Маккисоқовгина бемалол яйрайди. Ҳа-да, ҳеч йўқса, канал лабига қаламча экиб теракзор қилиш, экин экиш унинг хаёлига келармиди. Тепақирда ўтирадиганлар ҳатто қўл чайдиган чуқурчани ҳам бирор мевали дарахтнинг тагидан кавлайди. “Сув аплотун бизда” дейишади. Каттакон идишларида доим сув. Яна ҳамманинг ҳовлисида ҳовузи бор. Маккига бўлса, ҳеч нарса керакмас. Болам демаса, чақам демаса.

Ундан фақат кичкиналар кўрқади, дейсизми. Катталарнинг каттаси Ваққос партком ҳам кўрқади. Болаларники сал маҳмадона бўлгунларича, холос. Ваққосники ўлгунча. Бу кўрқувлар кўтарилиши учун ё Ваққос ўлиши керак, ё соқов.

Пилол кўчанинг қизчалари ёз иссиғида Кўтарма ариқнинг ёйилмасига бориб чўмилишади. Кўтарма ариқнинг ёйилмасига Пилол тарафдан биттагина йўл бор. Уям Маккининг уйи яқинидан ўтадиган сўқмоқ. Бўлмаса, ўх-хў, қанча йўл босиш керак. Кўпда уларга кичкина ўғил болачалар ҳам қўшилиб келишади. Катта болалар бунақа кам сувни назарга илишмайди. Улар Шамалкўприк тагига боришади. Бу ёш болаларнинг хопитагига<sup>1</sup> ҳар куни келадиганлар бирда-бир кела-

<sup>1</sup> Хопитак – чўмиладиган жой.

диганларга бидирлаб иш ўргатишади. Қандай чўмилса яхши-ю, қаерга калла ташласа бўлиши, сув тагида қаерда катта тош, илдизчўр борлигигача айтишади. Яна ул-бул майда иш билан анҳорнинг сўл четидаги жўхоризорга кириб бўлмаслигини, эгаси ёмонлигини билдириб қўйишади.

Қизларнинг энг шўх-шатири Ёрқиной онабошиликни қийворади. Қитмирлиги бир олам. “Ана илон”, “Вой, сувчи келяпти”, яна алланималар деб чўчитгани чўчитган. Қизлар неча аразлаб, турилган лаблари ортидан ўзлари ҳам бурилиб нари юргандек бўладилар-у, Ёрқинойнинг атрофидан кетолмайдилар. Бу қиз ҳаммани калака қилади. Калака қилади-ю, яна ҳаммага куч беради. Ёрқиной бор кунлари ҳеч ким бу чўмилиш учун тўпланган тўдага элакишмай турмайди.

Макки қаттиқ қўрқитиб юборган ўша куни ҳам Юлдуз иккиси Ёйилмага кетишаётган эди. Енгил шиппакларини кийиб, ранги сойда чўмилиб қуёшда қуринаверганларидан униқиб кетган қўйлақларини пирпиратиб боришарди. Йўлнинг икки четида баҳор ёмғирига ишониб кўклаган, кейин қуриб сарғимтил бўлиб қолган ўтлар орасида шилдироғўт<sup>1</sup> кўп. Қизлар шилдироғўтни дасталаб узиб, шоналарини сал-сал шилиб, терисига осилтириб қўйишарди-да, қулоқларига тутганча силкитиб боришар, “меники қаттиқроқ шилдиради”, деб тортишишар эди. Туйқусдан йўл ўртасида бир қора кўринди. Қизларнинг овози ўчди. Қора тайпослаб келарди. У Макки эди. Канал лабида унинг бир ўзи гандираклар, каналнинг нариги четидаги кенгликда уйчаси оғзи очиқ қолганча сўппайиб турарди. Макки қўлини тинмай ҳавога силқир, уйи томонни кўрсатиб нимадир деб қичқирар, қичқиргани сари лаблари тарс-тарс ёрилиб, қонаб ётарди. Эғнида

<sup>1</sup> Шилдироғўт – жағ-жағ.

кирлаб кетган сариқ қўйлак, оёғида бир томони узилган шиппак эди. Тинмай ғўлдирар, қизчаларга нималардир дер, кўпроқ Гулшанга яқинлаб алланарсани тушунтирмоқчи бўларди.

Гулшанни титроқ босди, ранги ўчиб Юлдузга қаради. Кейин Макки унинг қўлидан етаклаб уйига тортмоқчи бўлганини билиб кўрқиб қичқириб юборди. Югуриб юришдан тўхтаб қолди. Сўнг шошиб Юлдузга етиб олди-да, қўлига қўл берди. Қизчалар тупроқ кўпчиган йўлдан чопқиллаб кетишди. Ўшанда нега уй томонга қайтиш иккисининг ҳам хаёлига келмади экан. Макки уларнинг ортидан бир оз яқинлаб келди, кейин анграйиб қолиб кетди. Қизчаларнинг юраги дук-дук урар, ҳансирашар, энтикишарди.

– Ана у соқов бизга етиб олса, нима бўлади? Уйига қамаб қўядими?

– Қамаб қўяди, кейин томига опчиқиб пастга та-а-шаворади.

– Ким айтди?

– Бувсора опам айтган.

– Кейин нима бўлади?

– Билмадим, қочдик, қочдик!

Улар соқовдан ҳар доим ҳам қочишарди. Лекин нега бунчалик кўрқишларини ҳам, нега қочиб кетишларини ҳам то шу кунгача билмасдилар. Ўша куни буни тушунгандек бўлдилар.

Қизлар адирнинг қирра-қирра тошларига қоқилиб-суқилиб Ёнадир яқинидаги сойнинг Ёйилмасига келдилар. Кун дим эди, қуёш қиздирарди. Ҳар куни сойга ёвуқ келганларида чўмилаётган қизларнинг овози эшитилиб, уларни шошириб юборар, чўмилиш завқига тезроқ етишиш учун охири деярли чопқиллаб келишарди. Бироқ шу кун негадир Яздак маҳалланинг қизлари чўмилгани келишмабди. Эртароқ келиб

кетишганми. Қизчалар кимсасиз сув бўйида ҳайронланиб бирпас туришди. Йўлда Маккини кўргандаги кўрқув баттар бўлди. Юлдуз Гулшаннинг қўлидан тортди. “Кетайлик, тезроқ борайлик уйга!” Қайтдилар. Сўқмоқ йўл битта эди. Соқовга рўпара келмаслик учун адир ичига йўл солмоқчи ҳам бўлдилар, лекин Юлдуз “адашиб кетамиз” деб кўнмади. Бола кўзларига адирдаги тепалар катта-катта, йўл эса олис кўринарди. Ниҳоят, тез-тез майда қадам қилиб уйга етиб келдилар. Ҳар иккисининг юраги дук-дук урарди. Келдилар-у, иккиси ҳам гап-сўзсиз уй-уйига кириб кетди.

Шу бўйи уч кунлаб кўришмадилар. Чўмилиш деган гап ҳам ёдларидан чиқиб кетишига сағал қолди.

Тўртинчи куни Юлдузнинг онаси Шодмонби Гулшанларникига бир коса қатиқ кўтариб чиқди. Кумушби кир юваётган эди, ишини йиғиб, тоғораси устини кирқўяри билан ёпиб, қўшнисини ток остидаги сўрига бошлади. Бирпасда дастурхон тузатиб, туш маҳалига солган ун ошининг<sup>1</sup> тагига хашак қалади. Кейин девор ўртасидан очилган кичкина эшикдан чиқиб, икки ҳовлини кесиб бориб, Тошби кампирни бошлаб келди. Берки опани чақирмоқчи эди, уйида йўқ экан.

Гулшан бу маҳал кўча эшикка тез-тез чиқиб келар, Юлдуз ҳам онасининг кетидан кириб келишини кутар эди. Йўқ, келмади.

Тошби кампир бу гал ҳам ўзи доим айтиб юрадиган эски қўшиқларни айтарди. Қўшиқ ўртасида бир қизик гап ташлаб қўяр, кейин ўзи яна овозини қўйиб куйлар, ёш-ёш қўшниларини ичагини узгудек кулдираар эди. У ёнига келиб ўтирган Гулшаннинг тўзиган жамалакларини тортиб-тортиб қўйди-да, дакки берди.

– Тўқолча тушмагур, ҳа, бу чўмилишни билган қиз, сочингни тез-тез ювиб сирка тароқда таратиб ол-

<sup>1</sup> Ун оши – хамирдан майда кесиб тайёрланадиган таом, угра.

гин-да. Битлаб кетади-ку. Бу патосингни қара. Қора эчкининг жуни-я, бир ойдан бери қўл тегмабди.

– Вой, каттабувиси, бити йўқ. Ўзим қараб тураман. Бозор куни ювиб ўрганман.

– Ўрибди эмиш. Қўлингда тиканинг борми, нима бало? Ҳозир дарров гулхайри ивитиб юв. Бўлақол-а, уят. Сергиганидан кейин ўзим ўриб қўяй. Кўрга ҳасса бўлади.

Онаси дастурхон тайёрлаш орасида югурганча этакка тушиб, қўрам тош орасидан чиқиб оппоқ очилиб ётган гулхайрилардан узиб келди. Чети учик сопол хўқачага ивитди, Гулшаннинг сочларини битта-битта ёзди. Унга Шодмонби қарашган бўлди. Кейин сўри яқинида қизининг бошини ювди. Хотинлар гапдан тинмадилар. Гулшаннинг бошидан илиққина сув шов-шов қуйилар экан, Тошби кампир қизчанинг онасини тинмай янир, терс-терс гапирарди. “Бу ўсармон қизгинага ёғоч тароқ ишлатсанг бўлмайдими”, “Соч сувини ариққа туширганингни кўрсам, иккиламчи уйингга чиқмайман”.

Ниҳоят, Гулшаннинг боши рўмол билан танғилди.

Ҳамма дастурхонга ўтирди. Кампир сўридан узилиб, Гулшанга сув қуйдириб қўл чайди. Ун оши дастурхонга тортилди.

Кимдир дала-дашт ёқлардан гапириб бир нарса деди-ю, гап Маккисоқовдан очилиб кетди.

– Макки касал эмиш. Эшитдингизми?

– Ие, нима бўпти унга? Юрувди-ку, чинқириб-пишқириб.

– Бўривой кирган экан, бир жойда алаҳлаб ётганмиш. Хабар берган эканмиш, дўхтир бориб обкетибди. Иситмаси тушмай касалхонада экан.

– Бечора-ей. Ёлғизгинага қийин бўлди-да. Ора-сирамантими, палов қилсам, дадасидан бервораман. Ҳадеганда уйда бўлаверсалар экан, тез-тез юборсам. Эрта

келганларида тескарисига олиб, шўрва-шулон қилган бўламан. Гулшанчани жўнатай десам ҳали кичкина. Уч-тўрт кундан бери тугал эсимдан чиқиб кетувди. Касалиниям билмабман.

Гулшан буларга қулоқ солиб бошини эгиб тураркан, ўша куни соқовнинг нима деб чақиргани, ишора қилиб нима демоқчи бўлганини кичкина бошига тушунишга уринар эди. Ўзи ҳам, Юлдуз ҳам у кунги ишни оналарига айта олмагандилар.

Онаси сочини бошидан олиб тароқлаб, сувини томдириб қўйгач, у сўри орқаси билан келиб, Шодмонбининг қўлига тегинди-да, Юлдузни сўради.

– Бувисиникига кетувди-да, асалим, бўлмаса, ҳозир чиқиб келарди-ку мен билан, – деди она.

Хотинлар гапни совутишмади.

– Бечоранинг энгил-бошини ким ювади ўзи?

– Ким билсин, подачининг хотини ювиб беради, дейишади-ку.

– Тўрт кунда қиш келиб қолади. Энди нима кун кўраркин-а?

– Онаси бир хотин эди-ей. Дадасини унча эслолмайман. Лекин эр-хотин, бир қизи, сойга оқиб кетишган.

– Ҳа, эшитганман.

– Маҳкам кичкина эди, – Гулшан ялт этиб Шодмонби холасига қаради. У соқовнинг оти Маҳкам эканини энди эшитаётган эди. – Онаси боғчага бериб, совхозда ишларди. Бир куни қибла томон қоп-қорайди-ю, ёмон қаттиқ ёмғир қуйди. Орқасидан дўл ёғди. Соат-соат деразага тикилиб ўтириб қолдик. Тарновлардан тушгани, ариқлардан тошгани билан ҳовлини сув тутиб кетди. Қанча резавор экувдик, уларниям, райҳонларниям битта қолмай оқизиб кетди. Одамлар боласини олишга ҳадеганда келолмайди, денг. Ўзимиз ҳам уйимизга кетолмай ваҳимага тушиб ўтирдик. Болалар

ётадиган хонанинг тоmidан сув шовиллаб ўтиб кетиб, олти та хотин тўхтамай пақирда сув ташиганмиз. Ўша куни Маҳкамнинг онасидан дом-дарак бўлмади. Олиб бориб берадиган кишиям топилмади. Кейин идорага хабар берсак, “Бешта хонадон сув тошқинда қолган. Биттаси шуларники”, дейишди. Боласини идорага опкетишди. Уйини билардим, шундай Каттасойнинг бўйида эди. Селда вайрон бўп йўқ бўлган. Иккита тўқол эчкиси улоқлари билан, кейин туғай деган сигириям оқиб кетган. Рўзғоридан бир капгириям қолмаган, дейишарди.

– Вой, бир қизиқсиз-а, қўшни, одамнинг жони кетганда, тағин бир уйдан бир эмас, учта-я, мол-ҳолни гапириб ўтирибсиз.

Тошби кампир кулди:

– Бирам бижилдоқ бўпсанлар бор-ку. Бир-бирингга қулоқ солмайсанлар-а. Икковингни эрингга айтиб бермасамми.

Жувонлар иккиси жилмайиб қўйдилар.

– Сиз айтинг, хола. Мана, нима бўлганини сиз айтинг.

– Ҳа, энди бир кулишдим-да, айтавур ўзинг. Мениям билганим шу. Менга қара, ўшанда сен ўзи келин бўлганмидинг ё ҳали қиз боламидинг?

– Хола, менга энди совчи келиб турган вақти эди. Вой, ўзиям ким-кимлардан совчи келмаган. Юнус бор-ку, ҳозир катта мелиса. Ўшайам одам қўювди.

– Шу хотин зотининг ҳаммаси бирдек жовчиси билан мақтанади. Тавбангдан кетай дейман. Худдики, пошони ўғлидан сўрагандек қиласанлар. Ўша ким-кимларга тегиб кетмабсанлар-да. Бўпти, гапир, гапир.

Енгил кулишгач, Шодмон яна гап жilовини олди:

– Шу, одамларга ҳайрон қоламан. Ахир сув кўпайиб боряпти, кўриб турибсан. Биттагина жонинг бор. Олиб қочмайсанми! Тепароқ жойга чиқиб олмайсанми?

– Сув тошқин битта ўзи шундоққина келиб қўймайди-да, ойимқўшни. Ҳар кўпигида биттадан сувпарибўлади. Бирпас тикилиб тулинг, бошингиз айланиб кетади. Ўша бош айлангани – сувпарилар тортди дегани.

– Бўлди қилинг! Ҳар куни сойдан сув оламан-а. Қўрқитманг ҳадеб.

– Ҳа, ҳазир қайнайверинг. Бола-чақамизнинг бахтига ҳаммамиз ҳам соғ бўлайлик. Невара-чевараниям кўрган кўради. Бир этак бола-чақа билан увай-чувай бўлиб юришга нима етсин. Маккининг кўрган кунини қаранг. Шу шўрлик, дейман-да, онасига ичикиб-пичикиб соқов бўлиб қолганмикан-а?

– Йўқ, боғчада юрганида соқовлиги билинарди. Туғма у. “Маҳкам” деб чақирсак қарамасди. Мудиримиз бирам ширин-а, бечора, деб кап-катта болани кўтариб юрарди.

Мудир кўтариб юрарди дейсизми?

– Ҳа-да, Йўлдошби опа мудир эди. У вақтдаги мудирлар хонасида буйруқ бериб ўтирмасди. Бирга-бирга ишларди.

– Бошқа қариндоши йўқми соқовнинг?

– Бор. Битта тоғасими бор.

– Ғовада эмасми?

– Йўқ-да, лекин билмайман қаердалигини. Аллақерда деб эшитганман. Ҳа-ҳа, Чодакда дейишарди. Ундан бошқа қариндошини билмадим. Хола, сиз биласизми?

Қўлидаги тасбеҳни шиқирлатиб айлантириб ўтирган Тошби кампир оқ аралашган қошларини тепага кўтарди.

– Сенлар, мен-ку мен, Эргаш чолгаям сўз бермайсанлар. Мўндига лой бериб ўтирмай, ўзинг кўза думалатаман дейсанлар-а.

– Ий, хола. Ўзингиз гапирмадингиз-да.

Шодмонби кулди:

– Биз кўза ясолармидик. Пақми тақ қилиб ўтирамиз-да.

– Бор эди, энаси бор эди. Болалари йўқ бўлиб кетиб, йўқлаб келарга гўриям бўлмаганидан бағри куйиб одош бўлган бир хотин эди. Бир йилча қаради. Кейин тоби бўлмай қолди. Ўларида раисни чақиртириб, неварамни ташлаб қўйманг, қаранг, деди. Раис бўлса ўша йили баҳоргаям бормади. Шаҳарда йиғилишдан чиқиб идоранинг олдида ўлиб қолган. Райкомпартиyasi белатингни топшир деган эканмиш. Хотин-бола-чақаси ўзининг кунини зўрға кўради-ку, соқовга ёрдам қилармиди.

Гулшан бу чоғда роса зерикиб кетган, хотинларнинг тушунарсиз ва эзгин суҳбатлари қизиганида ром уйдан олиб чиққан мунчоқ қутичасини ариқ бўйида ўйнаб ўтирарди.

У шу тарзи дугонасини яна икки кун кутди. Ниҳоят, Юлдуз келди. Келган куни “далабuvi”си тикиб, қош-кўзини чизиб берган латта кўғирчоқ, ипга шодалаб бергани қизил тошли кўзмунчоқни Гулшанга кўрсатди. Гулшаннинг ёмон ҳаваси келди. Қаерда ўйнасалар, латта кўғирчоқ папаловда бўлди. Ҳар жойга уни кўтариб олиб борадиган, ора-орада унга бири қўйиб, бири оналик қиладиган бўлишди. Бу қўлда битган одамча ҳар иккисининг уйида бор чиройли кўғирчоқлардан кўра жонли, ёқимли, суюмли эди. Худди ўз боласидек эҳтиётлашарди.

Соқовнинг касал бўлиб уколхонада ётганини бирлари бирларидан эшитишди. Ундан тўрт кунлар аввал нима учун қизларни чайла уйига киришга ундаганини тушунмай қолавердилар-у, ҳарқалай, соқовдан кўрққандаги ҳаяжонлари нари бўлди. Ўрнини раҳм-

диллик эгаллади. Ҳар куни чўмилишга боришар экан, ўша кулбачага, унинг ярим очиқ эшигига қараб-қараб қўйишарди. Бироқ унинг эгаси ҳадеганда кўрина-вермасди.

Осмон ҳамон айланар, кунлар бир-бир ўтиб борар, одамлар кўрар кунини кўриб юришарди.

Қизлар кун сайин бўй чўзишарди.

Кейинроқ Маккини тўйда учратишди. Яна чойқай-натар бўлибди.

Макки бўлмаганда бу уй-уй меҳмонлар чойсиз қолиб кетаркан-а.

Маҳаллада энг чиройли қиз Бибисоранинг тўйи бўлди. Маҳалла нима экан, қишлоқдаям биттагина эди, нодон.

Давлат қора деса бир чўчиб тушмаган одам йўқ. Жанжалкашлигига ўзиям бино қўйган. У бор жойда битта ишқал. Давлатнинг бир эмас, иккита синглиси турмуши бузилиб уйига қайтиб келган. Бунга ҳам Давлат сабабчимиш.

“Бибисора ўшанга кўнгил қўйган-да. Кўнгил ҳам ўлсин-а”, дейишди ўкиниб хотинлар.

Юлдузга онаси оқ капалакнусха қўйлак олиб берибди-ю, буниси қоладими. Тўй яқин бўлса. Бир якшанба куни Гулшанния бозорга олиб боришди. Қизил гулли яшил қўйлак унга ёқди. Бозорда кийганича қайтиб ечмай, то уйга келиб Юлдузга бир кўрсатиб олмагунча, кейин онаси бас энди демагунча ечмади.

“Бир ойда тўй экан, бир ҳафтада тўй экан”, дегандек сўзлар кўп айтилган узун кунлар ўтиб, ниҳоят, саҳардан карнай овози эшитилди. Қизчаларнинг уйқулар катталар намозга туришганидаёқ бузилган, чойга ҳам қарамай кўчага отилишганди. Кеча келишиб олганларидек, қўйлакларини кийиб, сочларига оқ гулбоғич тақиб, қўлларига биттадан хўрозқанд олганча

чопқиллаб юришганида катталар меҳмон кутиб-кузатиш билан овора эдилар. Бирдан кимдир кўча томондан ҳовлига чопар экан, қичқирди: “Келишяпти!”

Куёвнинг ўзига ўхшаш қўпол, бақироқ ошналари “бош силаш”га келишаётганди. Бош силашнинг нимаси қизиқ – танга сочгани. Куёвнавкарлар кўчанинг бошидаёқ дангир-дунгир қилиб қарсиллатиб ўйин тушишди. Куёвни ўртага олганча қичқириб-қичқириб кириб келишди. Ҳамма у ёқдан-бу ёққа чопиб қолди. Ким ширин сув тайёрлаган, ким калтақдан камалак ясаган. Ким болаларни чекка қилган, ким уйга кирадиганларни киритиб, куёвнавкарлар оёғига уй оstonасига пояндоз солган. Қозон-ўчоқдагилар ҳам шошиб қолишган.

Қизлар энди келинни оқ узун кўйлак, маҳси-калиш кийдириб, дока ёптириб, олиб кириб кетишган уйга чопишди. Ҳозир ерга танга тушади, териб олиш керак.

Куёв ичкарига қадам кўйиши билан бошидаги тўни орасидан кўлини чиқариб уй ўртасида ўтирган келиннинг эгилиб турган бошини силади. Кейин бир сиқим тангани уйнинг шифтига ирғитди. Икки ёнидаги оғайнилари эса икки қайтадан танга сочишди. Уйнинг шифти беш марта қарсиллаб кетди. Хотинлар, болалар шошиб-пишиб ерга эгилишди. Куёвнавкарлар чиқиб кетгач, эшик олдида янги кўрпа тўшадилар. Келиннинг бобоси, отаси кириб кўрпага тиззалашди, пойгакроқда Бибисоранинг бувиси, онаси, иккита холаси. Бобо узун тиловат қилди. Ёнида келинчакнинг отаси кўзига рўмолча босарди. Юзларга фотиҳа тортилди. Бобо ўрнидан туриб, уйнинг ўртасида ўтирган Бибисорага яқин келди, у ҳам келиннинг бошини силади. Бобоси нарига сурилиб, отаси қизининг бошига кўл узатди. Шунда Бибисоранинг узун ва оппоқ кўллари дока ёпинчиқ орасидан чиқиб, отасининг оёғи-

ни маҳкам қучоқлади. Увиллаган йиғиси тутди уйни. Уй ичида йиғламаган одам қолмади. Гулшан билан Юлдуз ҳам бир четда туришаркан, кулгилари йўқолиб кўзлари пирпираб қолди. Кейин хотинлар уларни ташқарига чиқишга ундашди. Бу ерда туришса оёқости бўлишаркан.

– Гулшан, мен келинчак бўлсам, йиғламайман, – деди Юлдуз.

– Мен роса йиғлайман, – деди лаби шундоқ ҳам бурилиб, кўзи ёшланиб турган Гулшан.

– Нимага йиғлайсан? Жиннимисан?

– Ий, келинчак бўлгандан кейин йиғлайди-да.

– Йўқ, йиғламаслик керак. Ўшанда аясиям йиғламайди, дадасиям.

– Йўқ, билмайсан-да, йиғлаш керак. Танга сочгандан кейин ўша тангага йиғлаб бериш керак, – деди Гулшан кўйлаги этакларидан икки томонга тортиб, нозланганча.

Куёв тарафдан тўй бошлаб келганлар орасидаги энг уддали аёллар келинни қўлтиқлаб “Москвич”га ўтирғизишлари билан одамлар катта машина тарафга шошишди. Ҳамма бир-бирининг қўлидан тортиб, машина юкхонаси тўла борди. Ҳайдовчи билан куёвнинг тоғаси машина орқа тахтасини кўтариб, катта темир калитларини бураб босиб қўйишди. Қолганлар яёв тўйхонага жўнади. Гулшан билан Юлдузни Шодмонби машинага чиқариб қўйган, кейин жияни Нигорага қизчаларга эҳтиёт бўлишни тайинлаганди. Ўзи ҳам мол-ҳолни тинчитиб ортларидан етиб борармиш.

Машина ўт олди. Барваста хотинлардан бири чилдирманинг думалоқ-думалоқ ҳалқаларини шиқирлатиб, данг-дунг чалди, ёр-ёр бошлади. Унга ҳамма хотинлар жўр бўлдилар. Қизларнинг қувончи ичига сиғмас эди. Нигора уларни ўтирғизиб, билакларидан

маҳкам тутиб олган бўлса-да, ўйдим-чуқур жойларга келганда бир сакраб кетиб тахта кузов ичига чўкка-лаб қолишарди. Ёр-ёр орасида тик турганлардан кимдир “Шох бор экан, эгилинглар!” дейди. Кейин ҳамма пастга энгашади. Машина кабинаси устига ўрикми ё бир нарсанинг шохлари шилдираб урилади.

Қизиқ-қизиғи – хотинлар нималардир деб кулишади. Нимага кулишаётгани, нима дейишаётганини қизчалар тушунишмаса ҳам, катта машина юкхонасида кетишдан қўрқувлари йўқолади. Кулги қилаётган хотинларнинг кайфияти юқиб жилмайибгина кетишади.

Ниҳоят, тўйхонага етиб келишди. Келинчак салом қилиб эгила-эгила сепи ёйилган уйга кийиниш учун кириб кетди. Дугоналари ҳали сув, ҳали игна-ип сўраб, келинни тайёрлашди.

Ҳовли ўртасидаги текислаб қўйилган экинча ерда узун-узун тахта стол-стуллар ўртасидаги даврага келин-куёв оёқ қўйганида ғира-шира тушган эди.

Базм қизиган маҳалда ёш болалар тўйхона столлари тагида тизилишиб ўтиришарди. Даврачилар ора-сира ўрнидан туриб кетган болаларни қайтадан жойига ўтирғизарди. Улар орасидан пирилдоқ қўйлакли қизча ажралиб чиқди. Ёнидаги ўртоғига ҳам қарамади. Гулшанча хотинлар орасидан Шодмон хола-сини қидириб топди ва сув сўради. Ана шунда Шодмонби қизи Юлдузни бир қўлида, Гулшанни бир қўлида етаклаб, қозонхона томонга олиб келди. Чой қўйилган тунука қумғон олдида думалоқ тўнка устида тўйнинг самоварчиси Макки ўтирарди. У ўчоққа тинмай ўтин ташларди. Ора-сира тўйбазм тарафга қараб қўяр, бир-бири билан титтонглашиб қолган ширакайф одамларни кузатар, яна ўз ишига бериларди. Кейин Шодмонбини кўриб, шарт ўрнидан турди-да, хонтах-

та устида терилган чойнаклардан бирини кўрсатиб ишора қилди: “Чой керакми?” Шодмонби ҳам ишора қилди:

– Ҳа, совуқчой бўлса, қуйиб берайлик шуларга.

Макки бир чойнакдан тоза пиёлаларга чой қуйиб қизчаларга тутди ва ўзи меҳр билан қараб турди. Қизлар бўлса, чойни дўқ-дўқ хўплашаркан, иккиси бирдек, пиёла четидан уни чўчинқираб кузатишарди.

Шодмонби Маккига раҳмат деган бўлди. Қизчаларни тўй базмига қараб етаклар экан, ўз-ўзигами, қизчаларгами, деди:

– Шўрлик, тўйларда ўтчи бўлиб, кўрган эшикда хизмат қилиб юради. Раҳмим келиб кетади-я шунга. Шугинагаям тил бериб қўя қолсанг бўлмасмиди, Художон.

Макки яна ўз ишига берилган эди. Яқинлаб келган тўйбоши эркаклардан бирининг кўлидан чойнакни олиб, хонтахта устида турган қовоқчадан ёғоч қошиқда чой сола бошлади-ю, қизлар ундан кўзларини уздилар.

Бибисоранинг тўйидан кейин ҳам икки кичкина дугона қанча тўйларда ўйнаб юрдилар. Бир-иккисини демаса ҳамма тўйда Макки ўтёқарлик қилиб, юзларига қоракуя суркаб, шимлари лой бўлиб юрар эди.

Кейинги йили баҳор сарида қишлоқ катталари “ариқ қазамиз”, деб гапириб қолишди. Экин-тикин бошланмасдан ариқларни тозалашарди, “ариқ чопди” қилишарди. Бу йил ҳашар катта бўлди. Қайтарманинг сувлари далага етгунча қирда сизовлаб камайиб кетаверганидан йиғилишиб янги катта ариқ кавлашди. Йигирма кун иш тўхтамади. Қарашгани чиқолмайдиганлар бир кун-бир кун ош дамлаб, нон ёпиб тугиб-бўғиб чиқаришди. Анҳор битиб, сув боғланганида одамлар ариқ кавлаб зап иш қилганлари, энди Тақирдала билан Ялангқирнинг оч ерлари сувни тортиб кетолмаётгани, янги ариқ тоғ оралаб ўтганига сув кў-

шилса қўшиладики, камаймаётганидан мамнун гапириб юрдилар.

Бироқ қизчаларга яхши бўлмади. Шу йили ёзда улар чўмиладиган Ёйилмага сув келмай қўйгани-ю, энди унақа ҳовузлаб, айланиб, тиниб, кейин яна ўзанлаб оқадиган қулай жой йўқлигидан алдираб қолдилар. Янги Кўтарманинг сувлари тез, худди мана бу ваҳимали каналга ўхшаб кетган. Чўмиладиган жойи йўқ эди. Шундай бўлса ҳам саратоннинг сариқ куни қизчалар йиғилишиб, бориб Янги Кўтарманинг оқизмайдиган битта қулай жойида чўмилиб қайтишарди.

Энди йўл Маккининг уйи ёнидан ўтмасди, лекин қизлар чўмилишга боришаётганда Ялангқир тарафда кун-кун соқовга дуч келишарди. Макки унда анча улғайиб қолган, қоп-қора сочларини бир ёнга тўлғаб тараб юрар, бўйнига оқ чит рўмол солиб олганча, қўлида ўроқ, ҳали у-ҳали бу ерда кўриниб қоларди. Бир-да бир Ваққос биргаднинг ўғли уч-тўрт йил аввал мақтаниб миниб юрган велосипедини етаклаб ҳам ўтарди. Ваққос велосипедни Маккига Қияламадаги буғдойини ҳафтада бир суғориб бош торттириб бергани эвазига ташлаб кетганди.

Қизлар уни кўрганда қичқиришиб, ҳазил-ҳузул қилишар, Маккининг эшитмаслиги қитмир қизларга роса қўл келарди. Улар Маккига истаганча гап отишиб, кулги яшашар, ҳали у қизга-ҳали бу қизга уни тенглашарди. Бир-бири билан айтишиб қолган қизлар: “Ўла, сени Маккига тўқийман. Ҳаммага айтаман, баттар бўласан!” “Ўзингни тўқийман Маккига! Сен бижилдоқнинг тенгинг ўша. Ўзи Маккининг тилиям сенда-ку! Кўп сайрайсан. Ўнинчини битирсанг, мана шу Ялангқирда тўй қилиб тушириб берамиз. Ўтираса-а-ан капчасида ўчоғига ўт қалаб”, дейишарди. Айтишувнинг охири юлишув ҳам бўлиб кетарди.

Макки бўлса қизларга кўзи тушганда жилмайиб қўярди. Қирда атай шу қизлар яқинига келиб, бир син солиб кетаётганга ўхшарди.

Кейинроқ бори ўзгарди, болалик шўхликлари эсдан чиққандек бўлди. Ўсмирликка етмаслариданоқ Маккидан чўчимай, уни писанд қилмай, ҳатто одам қаторида кўрмай ҳам қўйишди. Бир-икки йил ўтиб эса аввалгидан бошқа вақтлар бошланди қизларга.

Сув шалолатиб юриш уят экан-ку.

Хопитаклар кичкиналарга қолди. Ўйинлар алмашди. Орасида у маҳалла қизлари билан бу маҳалла қизлари тараф-тараф тушиб айтдилар-дедилар қиладиган бўлишди. Бир-бирларини сал ёши катта йигитларга аташтирадиган, “тўқийдиган”, калака қиладиган бўлишди.

Бу чоғларда Макки ўз иши билан овора, бу майда-чуйда болалар билан имолашиб ўтирмасди.

Макки билан энг кўп гаплашадиган одам – Бўривой подачи. Подачи ҳам, айтайлик, подани бирор кун боқиб келишни жуда ишониб қўймайди. Аммо Маккини бу кимсасиз манзилда битта ўзи яшагани учунми, энг керакли одам деб биларди. Ҳа-да, кимнинг подачига Маккичалик тузук фойдаси тегибди. Пода ёйилиб кетганида тўплаб олиш учун бир ишора ёрдам сўраса бўлгани. Бирда бир нонини унинг кулбасида қолдиради, бирда бир ёмғир ёққанда эчки-улоқни даштга ташлаб чопиб келиб уйдан пана топади. Қўй-эчкилар ҳам подачига эргашиб шу ергача чопиб келишади. Бошчилари уйга кетмай шу ерда қолганини кўриб тўхташади. Аввалида бир-икки уй тарафга бош буриб кўришган, лекин Бўривой Макки билан қайтариб олиб келган-да. Улар шундайгина Маккининг уйи атрофида тўпланиб қунишиб қолишади. Ёмғир ёки баъзан дўл тинишини, эгалари мана бу эшиги қўйхона эшигига

ўхшайдиган уйчадан чиқиб келиб уй томонга ҳайда-  
шини кутишади.

Ялангқирнинг тепадан нарисини, кўзга ташлан-  
майдиган яйдоқ тарафларини эгаллаб олган Ваққос  
биргад Маккини ёз ойларида беда билан пичан ўришга  
ёллаб ишлатарди. Макки бунинг эвазига Ваққоснинг  
ўрикзоридан қишлик ўтинини ғамлаб оларди. Пичан-  
ни ўриб, бир марта ағдариб ҳам бўлганидан кейин у  
ўрикзор ичида қуриган ўриклар, аввалги йиллар та-  
наси кесилиб кетганида қолиб кетган тўнкаларни  
кўчириб тўплаб, томининг орқасига ташиб тахларди.  
Баъзида сариқ чипта қопда Ваққоснинг ўнлаб молла-  
ридан қолган тезакларни йиғишга тушарди. Ваққос  
молларини андизга арқонлаб юриш учун соқовга  
ишониб, тайинлаб ташлаб кетганида Макки моллар-  
ни қизлар чўмиладиган жой яқинига суғоришга олиб  
келарди. Шунда ишини атай чўзар, орада чўмилаётган  
қизларга ер остидан қарар, кейин уялиб кетибми, тез-  
гина кўзини ерга олар, сигирни янги жойга арқонлаб,  
қозиғини текшириб кўрарди-да, қайсидир тарафларга  
қараб юрар, кўздан ғойиб бўларди.

Ёздан ёзгача қизлар улғайиб боришар, Маккисоқов  
ҳам тобора бўй чўзар, энди аввалгидек бир хил кий-  
имда юрмасди. Подачининг хотини уни ора-сира бо-  
зорга олиб бориб, ишлаган пуллариغا кийим олишиб  
юборарди. Макки кийимларини келиштириб, ярашти-  
риб киядиган йигит бўлиб қолганди. Уйининг бир  
токчасида қаердандир келиб қолган ойна энди теска-  
ри бўлиб ётмасди. Уни артиб синиқ четига бир ясама  
гул қистириб қўйганди эгаси. Ташқарига чиқишида,  
албатта, ойнага қараб ўзини тўғрилаб оларди.

Бир йили хунук гап тарқалди. Кеч кузда Макки тў-  
плаган ўтинларни Ваққос тракторга солдириб олиб  
кетиб қолибдимиш. Макки пичан билан бедага ёмғир

ёғиб қўймасин деб қуришиб, боғлаб, Ваққоснинг уйига ташиб, томига босиб ҳам берган экан. Далада неча ой тўплаган ўтини жойидан йўқолиб қолганини кўриб, важоҳат билан тўғри Ваққоснинг уйига борибди. Бақириб-чақирибди. Четда деворга кўндаланг тиралган нарвонни шартта кўтариб, томга ўрнатибди-да, тикка чиқиб кетибди. Босилган ҳамма пичан билан бедани боғидан ечиб пастга ташлаб юборганмиш. Биров унга яқинлашолмабди. Етиб келган Ваққос ҳам ҳайҳайлашдан нарига ўтмабди. Нуқул орқасига ўтин тахлаб қўйилган айвон тарафни кўрсатиб, “Ана, турибди! Элтиб бераман, тилсиз ёв, элтиб бераман! Яна тўпласанг ўтин кўп эди-ку, касофат!” дермиш.

Шу билан Макки бирор жойда Ваққосни кўриб қолса, тош ўқталди. Эл қанча гапирди. Хотинлар гапга қўшиб роса чўзиб-чайнади. Кўпларнинг Ваққосдан кўнгли қолди. Дала ҳашарига бориб беш танга топиб юрган далачилар ҳам Ваққоснинг одамлари ишга айтганда пешонаси тиришиб, лабини буриб қўядиган бўлди.

Бир йили қиш қаттиқ келиб, одамлар ойлаб уйларида чиколмай қолдилар. Шунда қишлоқнинг раиси нон, қанд-қурс тугдириб, бир даста пул кўтариб Маккидан хабар олгани борибди. Ерўчоғини гуриллатиб ўтирган Макки иккитагина тахлоғлик турадиган кўрпачасини солиб раисни ўтирғизибди. Чой қиламан, деб уриниб кетибди. Раис бошини сараклаб рад қилиб, қўлидагиларни берибди. Макки нонни олибди, қўлини кўксига қўйиб таъзим қилибди. Баҳорда нимадир ишингни қилиб бераман, деб тушунтирган бўлибди, лекин пулни асло олмабди. Раис чандон уриниб, ташлаб чиқибди, лекин ортидан чопиб келган Макки чарсиллаб чўнтагига суқиб қўйибди.

“Менга пулингиз керакмас”.

Қизлар энди Маккининг жилмайиб қарашларидан тортинишарди. Бир гал Маккини, унда қизлар мактабда саккизинчида ўқишарди, Ўлмаснинг опасини узатишгани куни кўчада, челақлаб сув ташиб юрганида кўришди.

Бу вақтда Макки йигитлигининг қиёмига қадамлаганди. Жуда-жуда ўзига қараб юргич бўлиб кетган. Тилим йўқ демайди. Бировга қарагани чоғда ўйчан, сўзлашаётганлар даврасига тушиб қолса, худди уларни эшитаётгандек, синчковлик билан тикилар, бирор нарсани ишора билан сўрасалар, бир оз ўйлаб туриб, кейин жавоб қиларди.

Икки дугона ул-бул йиғин, келим-кетим бор жойда кўп дуч келишарди Макки билан. У қизларга илжайиб қўярди. Гулшаннинг жони чиқарди. Ўлмаснинг опаси узатилганда Макки Ўлмасларнинг уйи орқасидаги молхонада молларга сув-ўт бериб юрар экан, ариққа сувга чиқди. Икки дугона сув бўйида ўтириб гаплашишаётганди.

“Турманглар, ўтираверинглар. Мана бу ёқдан оламан”, дея ишора қилди Макки.

– Жинни бўлганми бу? Нега ишшаяди? Катта хола-сининг маймунини ўйнатяпмизми?

Юлдуз сув олиб эшикчадан кириб кетаётган Маккининг орқасидан қараб турди-ю, индамади.

– Қўявер, ўртоқ, зиёни йўқ. Уям йигит-да.

– Э, йигит бўлмай йигит ўлсин. Соқов! Оқ кўйлак кийиб олиб қора қозонга ўт ёқади, жинни!

Юлдуз мириқиб кулди. Кейин жиддийлашди.

– Нима қипти, уям одам. Соқов бўлса, кар бўлса, ўзи тилаб бўптими?

– Э, бўлмай қолсин. Ҳаддини билсин. Сочини ўстириб олганига ўлайми. Пағажак<sup>1</sup> кўнгилга қўтир жомашов.

<sup>1</sup> Пағажак – калта, кичкина, эзилган маъносида.

– Шунақа-ю, яхшилаб қарасанг, бор-ку, Маккисоқов унча-мунча синфдошларимиздан кўра келишган. Қош-кўзи чип-чиройли. Ана Тошби кампир, буни бир шаҳар баҳоси йигит, дейди.

\* \* \*

Шу йили қиш яна қаттиқ келди.

Турон саватчининг ҳовлисида уч туп тут бор.

Йил сайин кампирбет танаси йўғонлашиб, бўйи ўсиб кетди.

Давлат тутларга қоровулликни қийиб ташлайди. Кимникида неча туп, ёши ўртача қандоқ, ҳаммаси колхознинг хатида. Тутнинг танаси тугул чўкиртак ғуддасини ҳам кестирмай қаттиқ туради. Бир йили Бармон тоғанинг тўнғичи уй соладиган бўлиб ҳовлисидаги катта тутни кестирди. Илдизков қилиб турганда тўрта мелиса келиб ота-болани идорага олиб кетган. Иккиси қанча сўроқ берган.

Қишлари уйўчоқда уй иситадиганлар кўп. Ўтин анча кетади. Совуқда юз қийналган билан ҳеч ким ўз ҳовлисидаги тутга қайрилмайди. Идорадагилар қурт боқасан деб мажбур қилиб гугурт қутидек қадоқда бир қутичадан уруғ тарқатиб юришган вақтида кимникида кўпроқ тут бўлса, кўпам мажбур қилишмайди. Ҳа-да, бу ҳовли қуртга емиш боқиб беради.

“Баҳорга чиқайин, ўзим колхоздан сўраб тут экаман”, деб қўяди бировлар қишда ўтиндан қийналганида. Ўтини фойда, деб тутишади қуртни. Қурт пули арзимасгина, кейин ҳали-бери келавермайди – тош бойлаган.

Кўпларнинг овқат пиширишга ўчоқлик ғамлагани ҳам қолмади. Январь бошларида Юлдузнинг укаси Тўрабек бир-икки шамоллаб тузалган бўлди-ю, иситмалайдиган одат чиқарди. Дўхтир ҳам уч бор келганда уч марта дори-укол ёзди. Иштаҳаси йўқ, ёрилган ла-

бларини ялаб танча ёнида ётгани ётган. Шу болагина қайтоқлаб қолмасин деб тунда печкани совутишдан қўрққан она шўрлик анча ўтинни кул қилиб ташлади. Товуқлари касал келиб қирилган товуқхонанинг эски-янги ёғочиям битта-битта суғурилиб аллақачон тугаган.

Бир тонг Шодмонби чой устида кўзига ёш олди.

– Сигирнинг янги тапписи ҳам қолмаяпти. Тутайди деб бурнимизни туриб-туриб, униям ёқиб бўлдик. Бу қиш ҳали-бери бўшашадиганга ўхшамайди. Эчкидан бирортасини бозорга опчиқиб сотсангиз, тузукроқ қаттиқ ўтин олардик.

– Ўтин қаерда экан?

– Мапирча опамнинг ўғли икки отарава ўтин опкелди. Бирам ҳавасим кепти-ей.

– Дала-паласида босиб қўйгани бўлса, олиб келган-да. Қаёқдан оларди.

– Йўғ-а, сотиб олган.

– Қизикмисан, ҳозир биров ўтин сотадими?

– Кечкурун овқатни нимада пишираман? Оёғимни чалиштириб қалайинми? Сотиб келаверинг. Ортганига ул-бул олармиз. Юзта камимиз қараб турибди.

– Э, ҳозир сувтекин кетади. Бу йил иккита туғадими деб турибман. Йўқ қилмайлик шу эчкини.

– Кечаси уй музлаб кетади, нима қиламан кейин?

Туронбой бирпас ўйланди. Салдан кейин Юлдузни имлади.

– Иссиқ кийиниб ол. Оёғингга менинг эски кирзамни кий. Далага борамиз.

Онасининг кўзлари олайиб кетди:

– Эсингизни йиғиб олинг! Далада тут кесиб қўлга тушиб қамалиб йўқ бўлиб кетманг тагин!

– Кўп бижирлама! Ким сенга тут кесаман деди? Қуруқ тўнка-пўнка бўлса кўчириб келамиз.

– Ҳой, менга қаранг, қишнинг кунда тўнка билан тўнканинг фарқи бўладими? Борманг! Тут кўчириб қўйиб сўроқ беришингиз қолди энди!

– Ҳозир йўқ гапга қўшниларниям йиғасан! Жим ўтир! Тут кесмаймиз, тўғрими, қизий?

Юлдуз севинчи ичига сиғмай учиб кириб кийинди-да, аравага чиқиб ўтириб олди. Баҳор келгунча дамга чиқиб, бостирма тагида музлаб ётган арава бир-икки қарсиллаб олиб йўлга тушди.

Қорда янги из қолдираётган ғилдиракларнинг ғичирига қор ғичири қўшилиб, бирам оҳанглар келар, қизгина аравада тебраниб борарди. Ота ора-орада “хих жонивор” деб қисталанг қиларди. Эшакнинг ҳам ота-боланинг ҳам оғзидан тинмай буғ кўтарилар, худдики улар муздек борлиқни кук-кухлаб иситмоққа чоғлангандек. Юлдуз йўлнинг йўллиги аниқ бўлмаган олд тарафга-ю, ортдаги илондек чўзилиб қолаётган арава изига қараб ажиб хаёлга чўмиб борар, жони ичига сиғмас, ўчоғи тор қиш кунда танча ёнида зерикиб ўтиришдан қутулганига севинарди.

Ажойиб кунлар сахардан билинади ўзи.

Ҳа. Ҳаммаси бошдан ажойиб эди.

Ана, Маккининг ўртада сўппайган уйчаси. Бу ёғи қир.

Ниҳоят, қир ёқлар ортда қолиб, Тоғорага етиб келишди. Сойнинг у ёғида кичиккина думалоқ тоғлик, кейин сой, ёнида йўл. Кейин яна ўша тоғлик худди ўша гавда-салобатида давом қилади. Тоғни кесиб сувга канал, одамларга йўл очилган бўлса бордир. Шунга бу йўл манзили Тоғора деб аталган. Тоғорадан тоғ оралаб ўтгандан кейин нарисси – дала.

Дала эса аллақачон шип-шийдам бўлганди. Ота-бола Оққирнинг этагигача боришди. Давлатнинг чексиз ерларини айланиб, тўрт боғ хивич ўтин, қай бир аравадан тушиб қолиб устини қор босган беш-олти кун-

габоқар пояси топишди. Туронбойнинг пешонаси тиришди. Қизини арава ёнида қолдириб, қор кечиб анча нарига – Яндаманинг сўл тарафидаги зовур бошларига ҳам бориб келди.

– Юлдузча, ҳеч нарса йўқ экан-ку. Энди нима қиламиз?

– Ана, шунча топдик-ку. Неча кунга етади.

Туронбой кулди. Катта тошга кетини қўйиб ўтирганча уф тортди. Оппоқ қорга ўраниб олиб, айбдордек ҳурпайиб қолган кенг далага кўз югуртираркан, бирдан:

– Ана у ким? – деди.

Муз ўтиб бораётган оёқларини бир-бирига уриб турган Юлдуз чирт этиб ортига ўгирилди. Узоқ йўлда бир одам яқинлаб келарди. Иккиси тикилиб қолдилар. Бундоқ кимсасиз жойга ким нима иш билан келаётган экан. Йўл узун эди. Қимирчилаб яқинлаётган қора йўлдаги ариқ чуқурида бирпас кўринмай қолди. Кейин яна юзага чиқди. Шунда Туронбой севиниб кетди.

– Ээ, Макки-ку! Вой қисталоғ-эй! Нима қилиб юрганикин.

Маккисоқов улар томонга қараб қадамини тезлатди. Туронбойнинг рўпарасига етиб келгач, қўлини кўксига босиб имлади:

“Ассалому алайкум, ака”.

Маккисоқов нимтаъзим қилиб салом берар, жилмайган қўйи, кўзлари билан иккисидан ҳол-аҳвол сўрарди.

“Нима қилиб юрибсизлар? Ҳа, ўтинга келганминдинглар?”

– Маккивой, қани, қўлни бер-чи. Зерикмай юрибсанми? Бизни кўриб келдинг-да-а, шундоқ чиллайи зимистонда? Ёлғиз ўзинг нимаям қилардинг далада.

“Ака, мундоқмисиз? Совуқда қандай энди? Ўтирибсизми уйда танчага кириб?” Йигит Туронбойга қараб бошмалдоқ қўлини кўрсатиб имо-ишоралар қиларди.

– Ҳа, ўтирибмиз, ўтирибмиз. Жа меҳрибонсан-да. Унча-мунчасидан ўзинг тузуксан.

“Ўтин топмабсиз-ку? Келишда уйимдан мени олиб олмабсиз-да. Совуқда бунча кўп қолиб кетмасдингиз”.

– Ҳа, калла ишламади-да, калла. Бўлмаса чайлангнинг олдида кўнглимга келди-я.

“Мана бу майда ўтинингиз ҳеч нарсa бўлмайди. Тўнка топиш керак. Мундоқ-мундоқ тўнкалар. Ҳеч йўқса, мана бу билагимдек келадиган ўтин бўлса уй-ўчоққа бўлади. Иссиқ беради. Қачон келдингиз? Куёш сал кўрингандами?”

Макки кунчиқар тарафга қўлини бигиз қилди.

– Ҳа, эрта келгандик.

Макки қўлини атрофга бир айлантириб, кейин ҳўшлашгандаги каби силкиди.

“Бу ерларда ўтин йўқ. Одамлар келиб олиб кетиб бўлган”.

– Ҳа энди мен қаёқдан биламан, – Туронбой қўлини икки ёққа ёзиб елка қисди.

“Юринг, ҳув анави тепанинг орқасига ўтамиз. Ўтин ўша ёқда бор”.

– Бурама тута тарафдами? Чинданми? Узоқ-ку? Бор-сак топиладими?

Ота Юлдузга ўгирилди:

– Эшакарава билан овора қипқўймасмикан бу қизталоқ?

Макки гапни эшитиб қолгандек бошини қаттиқ силкиди.

“Юраверинг, юраверинг, арава билан. Бор дедим-ку”.

Юлдуз бу чоғда дадасининг каттакон этигини кийиб келгани учун Маккидан уялиб оёғини катта тош орқасига яшириб турарди.

Туронбой аравани тўғриларкан, йўл четига чиқа бошлаган Юлдуздан сўради:

– Секин орқамиздан келаверасан, тузукми?

Макки шошиб яна ишоралади. Ерга кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб, қўл силкиди:

“Қизингизни бу ерда қолдирманг. Дайди итлар қўп. Ис искаб юрибди, топиб келади. Келиб қолса бунингиз қўрқиб кетади”.

Кейин йўл тарафга ишора қилди:

“Ҳали анча юрамиз”.

– Ҳа, ярамас, ҳар балони биласан-а. Ташлаб кетармидим. Ташламайман. Аравага чиқиб ола қолсин бўлмаса.

Туронбой қизини қўлтиғидан кўтариб аравага солди. Юлдуз қувониб арава бурчагига ўтириб олди. Макки келгани заҳоти қизнинг совуққотиши йўқолган эди. Ана, энди этиги ҳам кўринмайди.

Улар бирга соқов кўрсатган ва отаси Бураматут деб атаган тарафга кетдилар.

Қишнинг майин ва оппоқ қорлари остида қолган якранг дала барибир қизиқ, сокин эди. Юлдуз катталар ўтин тўплашгунича аравадан тушиб каттакон ялпоқ тош ортига ўтиб олди.

Макки нари-бегидаги ўтинларни усталик билан йиғиб келар, неча йиллик чириб қолган тўнкаларни Туронбойнинг қўлидаги болтани олиб ўтирмасдан музлаган ердан кўчириб олган тошлари билан уриб, кирза этигининг товони билан тепиб силжитар эди. Тўнканинг усти қурт еб, анча бўшаб жонсиз бўлиб қолган эса-да, суғурилиб чиққан илдизи яхшигина ўтин бўладиган эди. Баъзан Маккининг тепкисига дош бермай ўзагидан чўрт узилган кундалар қор устида анча нарига думалаб кетарди. Макки уни олишга шошилмасди. Яна сал наридаги чўрга қараб юрар, шу тусда беш-олти тўнгалакни кўчирганидан кейин ҳаммасини бир қилиб, қалин капанаги устидан елкасига, қўлтиғига олар ва аравага қараб юрар эди. У ўтинларни

ҳар гал аравага ортгач, Юлдуз тарафга қараб бир жилмайиб қўярди.

Туронбой қўшиқ хиргойи қилганча, Маккининг кетида пилдирар эди. Орада армияда ўрганган аллақандай куйларини ҳуштак қилиб чалиб қўярди. Экинлик ер марзаларидаги дўмпайган жойларни кесилган бирор дарахт кундаси деб ўйлаб тегиб кўрар, лекин у қорини туширган дўмпайма кўпда тош бўлиб чиқарди. Тўнка бўлиб чиққанида ҳам томирида суви борлигидан кўчавермасди. Макки бир-иккида Туронбойнинг фойдасиз уринишларига яширибгина кулиб қўяр, кейин яна хижолатга қўймасдан музлаган тўнкаларни ўзи топиб берарди.

Ниҳоят, кеч кирар маҳалда арава ўтинга тўлди. Туронбойнинг оғзи бўшашиб кетганди. Макки билан ўзича қаттиқ-қаттиқ овозда гаплашар, йигит абжир, ўзидан кўра анча ишига пишиқ бўлса ҳам, ўзича унга эшакнинг босмасини тортиш, ўтинни аравага сиғдиришдек ишларни ўргатарди.

Ишнинг юрувидан эса Макки ўргатмагунча пишиқ битмаслигини кўринарди.

“Майда чўрларини, шохларини чопиб ташлайверинг. Бўлмаса арава дарров мана бунча бўлиб тўлиб кетади. Кам ўтин сиғади. Ҳали юраётганимизда арава мундай силкинса, ўтинлар тушиб қолади”.

Туронбой иши битай деган чоғда писандсизгина бош силкийди.

Юлдуз уларни жим кузатади.

– Ҳаммаси ё бодом, ё бўлмаса, тут ўтин бўлди. Узоқ ёнади, – деди ишора билан Маккига. Макки бош ирғаб тасдиқлади.

“Ака, бундан ҳам қуйироққа тушсак, яна топилади. Агар бу ўтинингиз тугаса, келинг, меникига келинг.

Ўзим мана шу ерга бошлаб келаман, қарашиб юбораман. Кўп ўтин йиғамиз”.

– Зўр, гап йўқ сенга!

Макки ўзининг қўл имолашларига кўз чақнатиб қараб турган Юлдуз томонга ўгирилиб кулиб қўйди-да:

“Қизингизни ҳам олиб келинг. Совуқ қотса, меникида исиниб олади. Сандалимда доим ўт бўлади”, дея имолади.

– Бўпти, билағон бўлиб кетганини-чи бунинг. Хўп, келаман. Сен жуда зўр, мана бундоқ, йигит бўпсан-ку, Маккивой!”

Макки кулимсираб бош ирғади.

“Мана бу эшагингизни яхши қаранг. Кепак ялатинг. Қуёш ботганда айвонга киритиб боғланг. Қор вақтида совуқда мана бундай қунишиб ўлиб қолмасин”.

– Хўп, хўп. Ҳа, айтганча, агар хашагим етмаса, томингдаги хашакдан бериб турасан, бўладими?

“У меникимас, Сами полвоннинг ўғлиники. Каттаси бор-ку, мана бунақа кепка кийиб юради, – Макки қўлини пешонаси устига айвон қилиб кўрсатди. Кейин кунботарнинг чап ёғига бармоқ санчди, – Майдамиллатда туради-ку, ўшаники”.

– Ҳа, шунақами? Нима бўпти? Менга бешта боғда берасан. Олиб кетаман.

“Йўқ, бўлмайди. У бировники. Ҳамма сўрайверади, сўрайверади. Кузда эгасига бериб юборардим. Уйимниям иссиқ сақлайди. Шунга тураверсин, дедим”.

– Ҳа, шунақами?

“Сиз қор ёғмаганда ўтни кўп ўришингиз керак эди. Қанча кўп ўтлар бор эди-ку. Ўзим кўрганман, кўпини эшак билан молингизни боғлаб тепкилатиб ташлагансиз. Мана бунча бўлган ўтга мол боғламайди. Барибир еёлмайди. Оёғи билан мана бундай тепкилаб ташлайди. Ёзда ўт кўп бўлади. Бунақа экини олинган

ҳамма жойда боқавериш керак. Ўтни бўлса ўриб қури-тиб олиш керак”.

– Хах пишиқ. Бурганинг кетини кўрган боласан-да ўзиям. Бўпти, ўзим топаман.

“Одамлар уйидан роса сотишади. Сизнинг уйингиздан ўтганда, мундоқ чуқур сойнинг нариги томонида молхонасининг усти ёпиқ қўшнингизда ҳам бор ўт. Олсангиз яқингина, югуриб олиб кириб оласиз, ташишга қийналмайсиз”.

Қайтар чоғда далалар янаям кенг ва оппоқ эди. Юлдуз “юриб кетаман” деб отасига қанча ялинма-син, Туронбой қизини арава тортма ёғочлари устидан оёғини солинтириб, эшакка миндириб қўйди. Бир оз юргандан кейин:

– Дада, туширинг, уяламан, – деди Юлдуз пастга тушишга шайланиб.

– Ўтир, жим ўтир. Кимдан уяласан? Маккиданми? Эй, шундан уяладими? Оёғингдан совуқ ўтиб кетади.

Макки Юлдузга тикилиб, қора кўзларини бир очиб юмди ва қўллари билан ишора қилди.

“Жим кетавер. Бу далада ҳеч ким кўрмайди. Маҳаллангга борганда сакраб тушиб оласан”.

Улар дадилгина ортга қайтишаркан, чапдаст ва кучли Макки аравани ҳамма жойда ўзи бошқарар, эшак сирпана бошлаганда нўхтасидан куч билан тор-тар, йўлга солиб юборарди.

Канал бўйлаб кетган йўлга яқинлашганда отаси Макки билан бирга араванинг ҳар икки томонига – эшакнинг қаторига туриб олишганди. Улар аравани қўлларида сал тортиб келишар, жониворга далда қи-лишар ҳам қизни йиқилишдан ҳимоялашарди.

Онаси бир қоп севинди. Маккини, унга қўшиб Ту-ронбой билан Юлдузни ҳам дуо қилди.

– Гулшан, биз Искандар билан бир дам олишга чиқишни келишиб олдик. Индинга ҳаммамиз Чодакка борамиз. Бир салқинлаб сувда чўмилиб, икки кун дам олиб келайлик. Ошналар ҳам қўймаяпти. Уйдагиларни олиб бир келинг, дегани деган.

Гулшан қош чимирди.

– Кўп бориб-келиб юрган улфатларингиз чақираётгандир-да.

– Йўқ, улар билан...

– Бирга ўтириб юрган бўлсанглар, олиб бораверинг уйингиздагиларни.

– Заҳар қилмагин энди. Ўтириб юрган жойим йўқ. Келин-кечак, болалар бир ўйнаб келсин дейман-да. Иброҳимнинг иши бошланиб кетса, чиқиб кетолмаймиз.

– Ҳа, сизни болалардан сиқмаган Худо. Кичкиналарингизни олиб боринг. Берсанг болалигида бер, бўлмаса қўявер деган экан. Ўша кенжатойларингизга ҳозир бериб қолинг. Меникиларнинг болалигини еб бўлганмиз.

Ўлмас ғижи-ғижи чоғларидаги каби тишини бир-бирига босиб кўзини юмди.

– Гапни кўпайтирма, бўлди.

– Шунча вақт бормаган тоққа нега энди борадиган бўлиб қолдик? Уришиб қолганмизми суюмлигимиз билан?

– Гулшан! Бўлар энди! Сал юракни кенг қил! Борамиз десанг, болаларга айтай, тайёрланишади.

– ...

Бир катта сўрини эгаллашди. Ўлмасбой тунда ётиб қолишга ҳам жой гаплашиб қўйди. Соё бўйи салқин экан. Кийим олишгани яхши бўлибди.

Келинлар бир айтиб ўн кулади. Болалар севинчдан сакрайди.

Хонтахта усти турли емишларга тўлди. Лекин ўғиллар ҳам, келинлар ҳам, набиралар ҳам атрофни томоша қилишга, тоққа чиқишга шошишарди. Ҳамма ҳар ёққа тирқираганда, Гулшан дастурхон бошида пойлоқчи бўлиб қолди.

Тўрт тараф – пастда, юқорида, ўнгда, сўлда сўри. Бирларининг атрофи тўсиб қўйилган. Тўсиб қўйилган сўриларнинг бир-иккисидан йўғон-йўғон, кейин ҳиринг-ҳиринг овозлар келади. Айниқса, рўпара сўридан чала эшитилаётган нозли-нозли сўзлардан Гулшаннинг эти сесканди. Боши чумоли кириб олгандек жимирлади. Кўзлари яна бир хира тортди. “Кундошини шу ерларга олиб келиб танишган-да. Кейин у аёл илинтирган бунинг эрини. Ах!..”

Ҳали йўлда юриб яқинлашишгани сари улардан қочаётгандек кўринган тоғларни томоша қилар экан, машинадаёқ кўнглига завқ кирганди. Энди ғурбатга алмашди. “Бунақа жойларга аллақандай аёлларни олиб келадиганлар кўп экан. Бир-бирларини кўрганда “Туноҳкор бир менми, ҳамма шунақа”, деб ўзига таскин берсаям бор. Бола-чақа келадиган жой эмас экан-да. Кўрган кўзида қолади-я, бу оқ бўзидан ичи сал кўриниб турган ёзлик хоналар”.

Шу билан Гулшаннинг дам олар жой ҳақиға тортган ўйлари тугади. Гужумнинг хира кўкиш барглари орасидан кўриниб турган осмонда булутлар қуюқлашар, унга кўзи тушган сари яна ўзининг эзгин хаёлларига берилиб кетарди.

Ўлмаснинг ошналари кабоб пиширадиган ул-булларни олиб келиб ташлаб кетишди. Ўлмас билан ўғиллари кабоб пишириш учун бир тоғ ўркачи ёнида жой ҳозирлашди.

Келинлар бир-иккиси сўрига келди. Чуғурлашиб тоғнинг янаям ичкарасига боришга, маза қилиб дам

олишга ундадилар қайнонани. Айтарларнинг айтари-ча, тоғнинг тепа тарафи аллақаерда ҳовуз бор экан. У ерга бир жойда тўпланиб турган мотоцикллар олиб бораркан. Бир “Дамас”чи ўзининг одамларини ўзи олиб чиқиб кетаётган экан, кўп юрмасидан посбонлар тўхтатишганмиш. Тоққа машинада мумкин эмасмиш. “Дамас” қайтиб келибди. Одамлари бошқа мотоциклларга минишибди.

– Посбонлар билан кажавали мотоциклчиларнинг охури битта экан шекилли, – деди катта келини.

Гулшан ҳам икки келини ва катта невараси билан битта шунақа кажавага қўнди. Ҳовузни кўриш керак бўлса кўраверади-да.

Ҳовуз анча тепада экан. Чети цементланган. Суви кир, хира, хунук линғиллайди. Ким келса калла ташлайди, ичида кўринмай кетади, кейин сув пуркаб чиқиб келади. Одамлар нари кетгандан кейин унинг келинлари сувга тушишди. Ҳеч бири жирканмади. Гулшан эса қусиб юборгудек ўтирди. Сув дега-ни оқиб, янгиланиб турса экан. Эҳ, бу ёшлар сув билан сувнинг фарқига борармиди. Ана, қийқиришиб ҳузур қилишяпти.

Охири чўмилиб маза қилиб тўйишган ёшлар кийимларини у-бу ерда алмаштириб, тоғдан қайтиб йўлга чиқишди.

Сўрида кабоб тортилишига тайёргарлик қўрилган эди. Уйдагига қарши ўлароқ, бу ерда эркаклар хизмат-да, ҳатто дастурхонни қоқиб, идиш ювишгача уларнинг чекида эди. Таомлар ейилгач, Ўлмас бу бемаза жойда невараларини кўпам қолдиргиси келмадими, бир учи кўриниб турган ўйин майдончасига бошлади. Анча нарида эди майдон. Болаларига қизиқиб ўғилла-ру келинлар ҳам қўзғолишди. Гулшан яна дастурхон ёнида қолар бўлди.

Атроф сокин эди. Дарахтлар бирдек шовуллаб турарди. Оёқ остида ҳар турли гиёҳлар ўсиб ётар, сўрининг рўпарасидаги тоғ тарафдаги оралик тиканли ўтларга тўлганидан чакалакзорнинг бошланишидек кўринарди. Тоғдан шамол эсар, ўзи билан ўтларнинг ўткир исини олиб келарди. Сокин табиат сирли манзараларга олиб кириб кетар, лекин одамни аллаловчи, сеҳрловчи лаҳзалар бағрини тўсатдан эшитилган одам овозлари тилкалаб, ҳузур бера бошлаган афсуннинг қувватини кесиб юборар эди.

Бирдан ўнг томон сўридаги жуфтлик йиғиниб, кетишга чоғланишди. Бўз парда сурилди, тор юпқа шим кийган аёл пастга тушди. Гулшан неваралари кетган сўқмоққа бир қараб қўйди. Хайрият. Чап ёқдаги сўри жимжитлигига қараганда ундаги жуфтлар тоққами чиқиб кетишган.

Атроф ғалатидан-ғалати тинчиди. Майдон бир чети кўриниб тургани билан қуйироқда эканидан болалар овози ҳам эшитилмай қолди. Гулшан мизғигиси келиб, бир-икки аланглади-да, бошига ёстиқ тортди, чўзилди. Эҳтиёт учун устини оқ чойшаб билан ёпди. Лекин лаҳза ўтмай ёнгинасидан устма-уст жаранглаган кулгилар эшитилди. Бошини кўтариб қаради-ю, дик этиб ўрнидан туриб кетди. Қиз-жувонлар бирам кўп эди. Ҳаммалари сўрига яқинлашиб келишарди. “Туринг, дугонажон, нега ётибсиз? Сиз ҳам ҳовузда чўмилмай келдингизми? Биз ҳам”, деди улардан бири. “Ҳа, жуда кир экан”. “Шунча жойга келиб чўмилмай кетасизми? Юринг, сойга тушамиз. Муздеккина. Маза қиласиз”. “Туринг-э, кетдик”, деди яна бири – сочлари юзининг ярмини тўсиб тургани. Қизларга эргашди.

Сой суви чиндан ҳам муздек эди. Кийими билан аста-аста сувга тушди. Қиз-жувонлар қийқиришиб кулиб унга сув сепдилар. Сои ичида оёқ чўзиб ўтирди.

Тўлқинлар кўксига урди. Қизлар шўх-шодон эди. Қўларидан тортқилашарди. Сузишга чунонам уста эканлар, худди балиқдек.

Вой-бў! Сув ичида турганда одамга сой жуда кенг кўринарканми? Нима бало, тоғлар ҳам қочиб кетгандек. Ҳамма ёқда бу шўх-шодон шериклар, сочлари гўзал товланадиган жувонлар. Ана у пишиллаган овоз келадиган сассиқ сўрилардан яхши-да. Ҳаммаси сувдек пок, сувдек тиниқ, сувдек майин.

Қизлар унинг бошларини пишиб-пишиб олишар экан, Гулшан кулар, энтикар, оғзига кирган сувни чиқаришга ҳам қурби келмай оёқ-қўллари бўшашарди.

Бирдан белидан қуйиси карахт бўла борди ва ортиқ қимирламай қўйди. Чўмилаётган қизларга гапиришга мажоли қолмади. Кейин фойдасиз эди. Чунки қизлар фақат сув шалолатишар, тинмай ўзларини отишар, худди шаршара овозида шилдир-шилдир кулишарди.

Олам жуда кенг ва ажиб эди. На совуқ, на иссиқ, на очлик, на тўқлик, на ғам, на ташвиш, на дард, на ҳасрат эди, на олис, на яқин эди бу сирли борлиқ. Одам дегани ўз-ўзидан чиқиб, яна ўз-ўзинигина олиб сувлар устида учар, ҳаволарда сузар, лаҳзада олислаб-олислаб кетар, лаҳзада қай бир номлаб бўлмас манзилларга етиб борар, айна вақтда ўз жисми ичида оғриқсиз, дардсиз, маконсиз бўлар эди.

– Ҳой, опа! Нима бўлди сизга?! Тушайми?

Ногаҳонда қирғоқдан бегона бир эркакнинг ғамхўр, лекин ёқимсиз овоз келди. Қизлар бир сесканиб, бошлари билан сойга шўнғиб барилари тенг йўқ бўлишди. Бутун борлиқ сувдан иборат бўлиб қолди.

– Сизнинг онангизмилар? Боринг-боринг! Қаранг! Тушинг! Тез-тез! Чўкиб кетадилар-а! Оёқлари тортишиб қолган шекилли!

– Ойи!!! Ойи?! Нима қияпсиз?

Ўғил энгил-боши билан сув кечиб, ярим юриб, ярим сузиб етиб келди. Онасини қирғоққа тортди. Она сув юзалаб енгилгина борарди – ўғлининг қўлидаги ўз кийимига бир қоп юк бўлиб ортилиб. На қўли, на оёғи бўйсунарди ўзига.

Қирғоқда қий-чув қилиб турган невараларию келинларини кўзи илғади. Иброҳим ёрдамга етиб келди. Ўт устига ётқизишганида катта келини ўзининг елагини қайнонасининг устига ёпди. Гулшан титроқ ичида хижолатга кўмилди. Ўлмаснинг ўқрайган нигоҳини бир марта илғади-ю, қаттиқ уйқуси келаётганини туйиб, кўзини юмди.

Йигирма дақиқа ўтмай “Тез ёрдам” тоғ йўллари оралаб шошиб борар, чўмиламан деб ҳушидан кетган аёлни касалхонага элтарди. Чўкишига бир баҳя қолган аёлнинг ёнида ўғли ва эри ўтирарди. Эр бир сўз демас, пешонасини тириштириб, бошини қуйи солиб олган, ўғил куйинарди. “Сира сувга яқин бормасдилар. Нима бўлди, билмай қолдим”.

\*\*\*

Қиш чиқар яқин қорасовуқлар қайтиб келди. Ҳақи бор эди-да ҳали. Туронбой тагин ўтин овига борди. Бу гал ҳам энди ўнiglана бошлаган ўғлини эҳтиётлаб, Юлдузни ўзи билан олди.

Арава йўлга ҳозирланганда Юлдуз ўзида йўқ севи-нар, ичидан келаётган хушнудлик кулгисини аранг босиб турарди.

Қорлар анча эриб кетган, лекин қорасовуқда йўл яхлаб ётарди.

Катта асфальтни кесиб ўтиб, суви жилдираган канал бўйидаги кимсасиз йўлга тушишганида совуқ ҳариккиларига ўзини билдириб қўйган эди.

Қиз бу гал отасига айтиб ўтирмай ўзининг бежирим қизил этиги билан тўй-тўйчиққа, меҳмон-изломга киядиган яшил пальтосини кийиб олганди.

– Макки акани олиб кетамизми, дада? – сўради Юлдуз кичкина уйча кўринганида.

– Ҳа, олиб кетамиз, олиб кетамиз. Зерикиб ҳам ўтирган-да. Қарашади, айланиб келади.

Уйча кўрингунича, Юлдуз қир тарафдан кўзини олмай, бир сўз демай арава устида тебраниб борар эди. Унинг хаёлида йўл жуда узайиб кетгандек туюларди.

Ана, уйча – ўша – болалигидан бери сирли ичкарисини кўргиси келган уйча. Эгаси ундан қизиқ, туриш-турмуши ҳам, нимадир дейиши ҳам ҳеч кимга ўхшамайдиган кулбача.

Ниҳоят, арава уйчанинг тўғрисида яқинлаб қолди. Юлдуз тинмай ортига ўгирилиб дадасига қарар, ҳозир Маккини олиш эсидан чиқиб қолмасайди деб хавотирланарди.

Туронбой соқовни нақ тўйга олиб бориб келадигандек йўғон гапириб, аравани тўхтатди. Макки буларни дарчадан кўрганми, чиқиб келди. Бирйўла кўлида болтаси.

– Болта ҳам олдингми, эсли бола?

Макки болтанинг орқа томонини кўрсатди.

“Мана бу ери кучли, тўнкаларни тарс урсангиз кўчиб, думалаб кетади. Олдинги сафар сизнинг болтангиз сал кичкиналик қилди. Сопиям калта экан”.

– Ҳа, сен соқовмас, балосан.

Қорасовуқ заптига олганди. Шамол ерда, дарахтлар шохида қотиб қолган қорпарчаларни совурар, орада хуштак чаларди. Юлдуз ич-ичида кўшиқ айтарди. Борлиқ унинг кўшиғига тўлиб борарди. Кўшиқлари ҳам оппоқ эди. Бу оҳанглар қизнинг кўнглига ором берар, кўзлари тобора чарақлаб, юзлари тобора қизариб бо-

рарди. Қизгина жўшиб-тошиб куйлар, унинг овозини олис осмон ҳам тингларди.

*Боғ оралаб ўтган йигит ким ўзи,  
Шўх мўралаб ўтган йигит ким ўзи.  
Меҳр тўла кўзларидан қалбимга  
Олов қалаб ўтган йигит ким ўзи.  
Ким ўзи, ким ўзи, боғдан ўтган ким ўзи...*

Осмон борлиқ ичида қизни ҳам сокин кузатиб борарди.

Отаси унинг хиргойиларини эшитмасди.

Бутун борлиқ Юлдуз атрофида айланар, уни тингларди. Жами қорлар, қорлар остида қолган улкан тошлар, калтак-чўрлари сўппайиб турган итбурунлар, дала четида узум симбағазидан тикланиб бузилмай қолдирилган қапа, унинг устига босилганича рангини йўқотган жўхори поялари ва бор дунёга қўшилиб Маҳкам ҳам тингларди Юлдузни. Қизнинг кўзлари пориллар, гўзал ёноқлари қизаринқираб турар, арава худди беминнат, ўз куйидан сармаст созанда каби ғичирлаб унинг қўшиқларига жўр бўларди.

Бу оҳанглар йигитнинг юрагида садо берарди, аравага яқинлашгани сари кўҳлик қизнинг майин наво-зишларини туяр, оҳиста жилмаяр, нигоҳи ер чизгани, узоқ далаларга тикилгани билан кўзлари ўт сочарди.

Юлдуз оламнинг мангу ва гўзал ёрлиғи – севги ҳақида куйларди. У Худонинг даргоҳида эркаланиб-эркаланиб, Худо берган биллур муҳаббатга лиммо-лим кўнглига эргашиб-эргашиб борарди. Манзилга ҳадеганда етиб бормасликларини, арава ҳам ўтинга сира тўлмаслигини, отаси ва соқов йигитнинг ҳали далада кўп изғишларини, Маҳкамнинг бот-бот арава олдида келишини, қизга қараб қайта-қайта кўз қисишини,

тезроқ чойга ўтиришларини, термосдан чой қуйиб узатганида Маҳкамнинг унга миннатдор қарашини истарди, кутарди.

Совуқ заррача сезилмасди. Бутун борлиққа оппоқ муҳаббат сочилиб ётарди.

Унинг юраги урарди: дук-дук. Ҳар гал Маҳкам аравага яқин келганда қаттиқроқ тепарди унинг юраги.

Арава кўзланган жойга етиб келди.

Ўтинлар йиғилиб келди ҳар тарафдан.

“Йўқ, бу далада ўтин сира тугамайди, арава ҳам тўлмайди”.

Ниҳоят, кун ботар мўлжалда иш битди. Қаттиқ ўтинларнинг устига шох-шабба босиб, арқон билан тортиб боғладилар. Йўлга тушиб, ортга қайтдилар. Юлдуз аввалига отаси билан етаклашиб юрди. Ўн бешдан ўн олтига илгарилаган қиз қорачиқларида оппоқ дунё жилва қиларди. У шундайгина ёнига қаролмас, ёнгинасида забардаст бир йигит ерни гурсиллатиб борарди. Юлдуз бирдан уялиб кетиб, қўлини отасининг қўлидан бўшатиб олди ва қўлқопи билан ҳам бўлса, пальтоси чўнтагига суқди.

Йўл олис эди. Қор ва музлаган тупроқ қадамларни оғирлатиб борарди.

– Юлдузой, кел чарчаб кетдинг, эшакка миниб ол.

– Йўқ, дада, чарчамадим. Юравераман.

– Кел дедим сенга. Бўлақол!

Тўсатдан қизини тўхтатиб, қўлидан таяб эшакка миндирди. Юлдуз эгар бошини ушлади-ю, хижолатда юзини яширди. Эй, нима қилиб қўйди-я дадаси. Ўтган гал бунчалик бўлмаганди. Аммо иложи йўқ. Энди уйгача жимгина бориш керак эди. Сал ўтиб, унинг ҳажондаги юрак дукурлари анча пасайди ва хаёллари-га берилиб силкинган кўйи бора берди.

Отаси билан Макки яна икки томонида уни эҳтиётлаб боришар, бир қўллари билан эшакка мадад қилиб аравани итариб юришарди.

Катта йўл бошланди. Бир ёни чексиз ва ҳордиққа чиқиб ухлаётган далалар. Иккинчи томони суви ариқ сувича келмай қолган Ғовасой эди. Энди арава ёлғиз ўзи қўшиқ айтарди – ғичир-ғичир.

Отаси узун йўлдан зерикди, чоғи, уловни қўриб, сой тарафда келар экан, қўлини арава ёғочидан олиб бўшатди. Толиқиб ҳам кетганди. Кейин Макки билан қўлсиз гаплашиб бўлмаса. Имо-ишоралаб у-бу деб гапга сола кетди. Йўлдошлар гапга андармон бўлганида Юлдуз яна куйлашни бошлаб юборди. Овозини баралла қўйиб, лекин садосиз, лабларини қимирлатмай куйлар, ўзи туйган сурудан ўзи тебранарди. Жониворнинг тебратишлари бир бошқа, ўзининг тебранишлари бир бошқа эди. Ҳалигина солинган боши яна мағрур кўтарилган, эшак минганидан уялмай ҳам қўйганди.

Йўл сокин осмон остида узайиб борарди. Бу неча-неча излардан қурилган обида – узун ва иланг-биланг йўллар тўғри уфққа элтадиганга ўхшарди.

Ногоҳда арава сирпанди. Эшакнинг оёғи тойди. Йўлнинг чуқур сой тарафга нишаб жойида сурила бошлади. Бу вақтда ота нимадир бўлиб аравадан орқароқда келаётган эди.

– Ия, ия! Ишш! Ишш дейман! Макки, қара!

Маҳкам аравани чаққонлик билан ўзи тарафга тортди. Туронбой арава ортига ўтиб, ўтин остидан қўл юбориб, уни ушлаб тўхтатмоқчи бўлди. Бироқ арава сурилиб, эшакни ҳам итариб кетди. Бир лаҳза, биргина лаҳзада хаёлларга ёмон ҳис ўрлади. “Фалокат! Чуқур сойга думалаган арава билан кетиб, на эшак, на унинг устидаги одам тирик қолади!”

Ота нимадир деб қичқирди. Унинг қўлига бўйсунмаган арава эшакни ҳам сургалаб сой тарафга силжиб кетмоқда эди.

Маҳкам бор кучи билан торта-торта оёғи сурилиб бораркан, қаттиқ овозда ўкириб юборди. Худди бировни ёрдамга чақиргандек. Ниҳоят, энди юкниям, эшакниям оғишдан ушлаб қололмаслигини билди. Сой тарафга тийғониб бораётган жониворни куч билан яна бир марта тортди. Шунда арава қаттиқ силкинди. Эшак яна узунроқ тийғанди. Макки Юлдузни шартта кўтариб эшак устидан юлқиб олди-ю, бағрига босди...

Бутун жисми титроқда қолган қиз кўрқув ичида Маккининг пахталигига юзини яширди. Макки уни йўл четига олиб ўтди. Чўккалаб ўтирди. Шу туришида қизга тинмай далда қиларди, “Ўв-ўв” дегандек овоз чиқарарди, “кўрқма”, дея қаттиқроқ бағрига босарди.

Туронбой қизининг олдига келиб унинг бошини ушлади-да, юзига юзини қўйди. “Худога шукур!” Қиз отасининг бағрига интилгани чоғда ота ҳансираганча ортига бурилиб сойга чопди.

Туронбой эшагини амаллаб бўшатди, сойдан чиқарди. Орқа оёғи синган эшак сакраб-сакраб йўлга тушаркан, бошини оғриқ зарбидан тепага-пастга қилиб қаттиқ силкир, айбдор каби эгилиб қолган эди. Юлдузнинг жониворга раҳми келиб, кейин ўзи кўрққанидан тўлиб йиғлаб юборди.

– Йиғлама, қизим. Ҳеч нарса бўлмади, хайрият! Хайрият! Худога шукур. Ҳозир уйга етиб оламиз! Етиб оламиз! Сен... Сен Макки билан ўтириб турасанми? Мен Ҳайит амакингнинг эшагини олиб келаман.

Макки уст кийимини ечиб Юлдузни ўраб қўйган эди. Юлдуз йўқ, деб унга кийимини қайтариб берди.

“Ака, қизингизни олиб кетинг. Кўрқиб кетди. Совуқ қотиб қолади. Уйга кириб иссиқда ўтирсин. Бу ёғи кўпмас. Етиб олади”.

– Тўғри! Тўғри! Хўп, хўп, юр, қизим. Сен ҳам юр, исиниб келасан. Қолаверсин ўтин-пўтиниям, э! Худога шукур, ўзимизга ҳеч нарса қилмади. Юлдузим-эй, яхшиям, Маҳкамбой чаққонлик қилиб қолди.

“Мен сойдан ўтинни ташиб чиқаман. Тортолсам араваниям тортиб чиқарман, баллони яхши-ку. Бошқа эшак олиб келсангиз, опкетаверамиз”.

– Яша, ука, яша. Жуда чаққонсан, зўрсан. Калланг ҳам тез ишлаб кетаркан сен боланинг. Мен ўзим бўлсам, қизимни сойга йиқитиб қўярканман-а. Вей, нима-лар бўлиб кетай деди-я. Қойил, Маккивой. Бор бўлгин, бой бўлгин.

Маккисоқов Юлдузнинг елкаларидан силкилаб қўлини сиқиб қўйди. “Ҳаммаси зўр. Бардам бўл. Йиқилмадинг. Уйга борақол”.

\* \* \*

Баҳор ўтиб ёз бошланди.

Гулшанлар тўққизинчини тугатишди. Энди яна бир йил ўқишса, мактабни ҳам битиришади. Ёзи билан дўппига ўтиришиб, тинмай тикишди. Ёзда дўппи қиммат бўлади. Нимагаки, тўй кўпаяди. Тикадиган хотинларнинг кўплари эса далада. Юлдуз ингичка ипакли-сига қизиқиб, Тошби кампирнинг келинидан ўрганди. Ёзлари Тошби кампирнинг супасида бир тўда қизлар дўппи баҳона, гаплашиб ўтиришади. Қаймоқ-қаймоқ гаплар шу ерда бўлади.

Бир куни, аввал келишилганидек, иккисини Ёрқиной қиз ўзининг иккита ўртоғи билан чақирди. Бешовлари Ялангқирга айланиб келгани чиқмоқчи эдилар. Ёрқинойга ширач керакмиш. Ниманидир ёпиштиришга ишлатаркан. Юлдузнинг онаси аввали қош чимирди, кейин бўлса, Тошби “табиб”нинг гапи билан кавар олиб келишни буюрди. Тошби кампир анча ёшга бор-

ган-ку, тиниб ўтирмайди. Яхшилиги, Юлдузнинг дада-сига дори қилиб берармиш. “Оёқ оғриғи дард бўпти-ми. Бошлик-кўзлик. Ҳаммаси совуқдан”, деган эканмиш. Ўн кун оёғини солиб икки қултумдан ичиб турса кўрмагандек бўлиб кетармиш.

Қирни қизларнинг шўх кулгиси тутди. Гапнинг энг яхшиси шу ерда бўлди. Ахир Тошби кампирнинг супа-сида ўтирганда, ўзларининг орқаларидан маҳаллагача, кўча эшиклари тагигача келиб ялиниб юрадиган йигитлар, жовчи-совчилар ҳақида гаплашиб бўлармиди.

Кўнғироқ овозлари бутун атрофни тутиб кетганди. Саксовуллар, итоғизлар, калта чакандалар, ҳамма-ҳаммаси ҳам бу хандон-хушон овозларга тебраниб кўярди. Ер бағирлаган каварларнинг баргларигина силкинарди. Бирови бир тугунча кавар, бири ширач, бирови ширач билан олғи, бириси исириқ, кўзтикан олиб белбоғларига туғиб олгандилар. Қайтишда тоғлар тарафга қараб акс-садо билан ҳазиллашиб айтишишди. Ҳар айтишувдан кейин жаранг-жаранг қулгиларга тоғлар ҳам кулиб жавоб қайтарди.

Қизлар Ялангқир йўлида соқовнинг уйига яқинлашиб қолдилар. “Қизим уйда, қилиғи тузда<sup>1</sup>”, дегандек, маҳалла-кўйда, ота-акалари қаршисида сипо юрган қизлар бу кенгликларда роса очилишган эди.

– Мундоқ юрайлик. Маккига гап сотамиз. Ўзиям зерикиб кетгандир, шўртумшуқ, – деди Ёрқиной ирғишлаб.

Қизлар бир сергак тортишди. Бирови қийқариб кўйди.

Зерикарли кун эди-да, соқов билан бирпас имо-ишора қилгилари, унинг устидан кулиб ўзлари бир завқ олгилари келди.

– Макки-чи, парткомникида ишлаётганмиш. Унча-мунча ойлик бераман деганмиш-да.

<sup>1</sup> Туз – дала.

– Ҳа, қорни бор, эгни бор. Ёзда пул ишласа, қишда ейди-да.

– Шунинг бирорта қариндоши йўқми?

– Чодакда битта тоғаси бор экан. Маккини беш-олти марталаб Учқўрғондаги соқовмактабга ташлаб келибдимиш. Лекин бу қочиб келган экан-да. Энди тоғаси билан гаплашмас экан. Келиб қолса сўйил олиб қувлармиш.

– Мен ҳам эшитдим. Бир сафар идорадан катталарни олиб келган экан, барибир бўлмабди.

– Ўшанда партком “Қўяверинг, ўзим қарайман. Ўқшиниям қиламиз”, дебди. Тоғаси: “Менга деса хоҳ ўқисин, хоҳ йўқ. Интернатда бўлса овқат-озиғи ичида эди. Элдан номус қиламан. Бўлмаса бундан бошқа қиладиган ишим йўқми?” дебди.

– Шунда Макки ўқишни билмайди-да, а?

Билмайди, билмайди.

– Чакки-да шу.

– Чакки бўлса, опкелиб мактабга тиқинг, соғлар билан ўқийди. Ё бўлмаса, ёнингизда олиб ўтирарсиз. Битта партада. Билла дарс қиласизлар. Вазифа кўчиртирасиз, – орада пиқ этиб кулади Ёрқиной. – Бир йилда сиз эрга тегадиган бўлиб битирасиз, соқовингиз мулла бўлади.

– Нега менинг соқовим бўларкан?

– Жон куйдирыпсиз-ку. Ўқитиб олсангиз, ўзингизга яхши дейман-да.

– Э-э! Ўқиганлар жа эшак бозорга даллол бўлди-ю, бу қолди.

Бир-бирисиз туролмайдиган дугоналар гап билан бир-бирларини мот қилишарди.

– Ўқимагани ёмон, дедингиз-ку. Ўқимишли бўлса тегарди шу қиз шунга деб қолдим.

– Оббо, якка ўтиргани ёмон дейман. Намунча энди, шаҳодатномангизга шайтонга дарс беради, деб ёзганми?

Жаранглаган кулги қирга ёйилди.

Қизлар Маккининг уйига яқин келишди. Уй эшиги қиягина очик эди.

– Парткомникига ишга кетмаган, нимагаки, эшиги очик.

Ёрқиной шўхлиги тутиб, деразадан қўлини пана қилиб қаради. Кўзи илғамади шекилли, овозини қўйиб чақирди:

– Маккиво-ой! Қанисиз-а, йигитнинг гули? Ҳа сизни кўргани бир гала маликалар келдик. Бир чиқинг энди саройингиздан! Ҳо, шаҳзода дедим-а!

Яна жаранг-жаранг кулги кулба деворларига урилиб қирга тарқалиб кетди. Юлдуз ҳам куларди. Мастана-мастана, масрур-масрур, товушсиз куларди у. Маҳкамни кўриш бахтига етказган Худога шукур айтиб, интиқиб турарди соқовнинг эшиги олдида.

– Нима бало, парткомникига кетмаган бўлса, ўзининг даласига кетганми?

– Қаёқда. Экинчи бўлгани билан экинчаси йўқ.

– Уйда йўқлар шекилли, кетақолайлик, – Юлдузнинг овози титраб чиқди.

Шунда Гулшан дугонасига қайрилиб қараб баттар кулиб юборди.

– Шаҳзода деганига сизлаб юборақолдингми, ўртоқ? Вой, тузукмисан ўзи? Рангинг ғалати-я?

Маккисоқов уйдан эмас, қирнинг бир чуқур ерида четига қанор тутилган бурчакдан чиқиб келди. Уни биринчи бўлиб Юлдуз кўрди. Кўрди-ю талмовсираб қолди. Кичкина уйдан келаётганини кўришсами, яна калака.

Макки то уйига яқин келгунча қизларни кўрмади. Нариди – ўша холо<sup>1</sup> йўлида тўртта кўм-кўк шампан идиши текис терилиб турарди. Макки уларнинг бири-

<sup>1</sup> Холо – ҳожатхона.

дан қўлига сув қуйиб ювди. Кейин қўлбола супачаси четидага шумуртга илиғлиқ турган сочиқчага қўл артди. Шумуртнинг кунгай тарафида Маккининг қўйлаги осилган эди. Йигит қўйлакка қўл узатган жойида меҳмонларини кўрди-ю, довдираб қолди. У ёйилган кийимини бутадан, кўзини қизлардан ололмай қаққайиб турар эди.

– Ия-ия. Мана эканлар-ку! Юлдуз, кўриб туриб айтмайсан-а! Вой, қайси адирда адашиб юрибсиз, Маккитоға?

Макки супага оёқ қўйди. Кейин мулозамат билан қизларга битта-битта таъзим қилиб чиқди. Эсанкираган қўйи қия очиқ эшигини каттароқ очиб ичкарига ишора қилди.

“Киринглар ичкарига. Чой қайнатаман. Ичасизлар. Киринглар”.

– Йўқ, акў. Кирилмаймиз. Тўй қиласиз-ку, мана бунақа қилиб қўлтиғидан қўлтиқлаб келин олиб келасиз-ку, ўшанда кирамиз саройингизга. Мана бу кенг ёқларда ка-атта тўй қилганингизда келамиз. Бунақа қилиб ўйнаймиз тўйингизда.

– Мен чочалоқ қиламан. Бундай қилиб, – Зухра қиз ердан беш-олтита тошчаларни териб олиб осмонга ирғитди ва бошини бўйнига тортди. – Во бўлади-да ўзиям.

– Маккивой ака, ё бирортамизга уйланасизми? Мана, сиз бормаганингизга биз келдик совчи бўлиб. Танланг, Ялангқирнинг пошшоси, танланг! Мени оласизми ё мана бу қизними? Ё Зухра яхшими, айтинг!

Қизлар Ёрқинойнинг гапларига буралиб қолгудек кулишарди. Макки уялиб кўзини жавдиратар экан, талмовсираб турган Юлдузга эски қадрдонлардек қаради ва имо қилди:

“Сен олиб кир буларни. Қозонда нон ёпганман. Ўтирасизлар. Юрақол”.

Юлдуз бошини сараклади.

Қизлар Маккининг устидан кула-кула охири йўлга тушдилар.

– Вой, маза бўлди, қизлар. Чарчоқларимиз чиқиб кетди. Мана шунақа далага айланишга тез-тез чиқиб туриш керак. Менга раҳмат денглар. Юринглар демасам, ҳечам бормасдинглар.

Гулшан билан Юлдуз ҳам ўз кўчасига қайрилди.

– Юлдуз, сенга нима бўлди? Шунча йўлдамиз-у, бир нарса демайсан? Тинчликми? Билмай хафа қилиб қўйдимми? Ё Ёрқинлар бирор нарса дедими?

– Йўқ, Гул, ҳеч хафа эмасман.

– Бўлмаса нега ғалати бўпқолдинг?

– Чарчадим шекилли.

– Офтоб урганмикан-а. Ҳозир уйга кирибоқ бошингга япирмоқ<sup>1</sup> боғлаб, битта ухлаб олсанг, очилиб кетади.

– Хўп, яхши қол, ўртоқ.

\* \* \*

Бойбўл чол энди йўқ. Бойбўл чолнинг сўзиям.

Идора қоровулхонасига суяниб қолган уйчаси бўлса Маккисоқовга мерос бўлди.

Бойбўл чол ўлганда идора ичида кўп эди енгил тортганлар. “Бири кетиб, бири қолди. Унисиям йўқ бўлса, шу бекор ётган жойларни ўзимга ўтказиб олардим”.

Гулшан ҳам сағалгина енгил тортди ўшанда. Мана энди Бойбўл чол уни кўрса қовоқ уйиб, ер остидан қараб, хурпаймайди.

\* \* \*

Осмон тажанг бир аёлнинг ўйчан нигоҳларини бағрига сингдириб олиб, энди унинг ўзини кузатарди.

<sup>1</sup> Япирмоқ – қариқиз.

“Бўлар энди! Адо бўлиб бўлдим. Ўлиб ўлолмасам, қолиб қололмасам. Манглайимиздаги ёзиқлар шунчалик ҳам эвриладими, а? Бунчалик ҳам эзғилайсанми жонимни?! Кўнглимни тоғ билдим. Кўксимниям тоғ қилай дедим. Арзирликмиди? Арзирликмиди?! Дунё дедим. Рангларини кўраман дедим. Нурларида дарахтдек гуркираб кетаман дедим. Ўзи бир пуф дерлик руҳим бор менинг. Қилмиши еб-ичиш, ўйнаб-кулиш бўлган танам ичида қовжираб ётибди. Шунчалик қуриган, енгиллаб қолганки, бу тана савилни осонгина ечиб кетади.

Дунё менинг додимни берди. Дунё деб шу дунёда унисидан ҳам кечиб қўйганман.

Кечалари тушимга кирма, ўртоқ. Қўрқаман. Сувга йиқилганингда, оқиб бораётганингда нега менинг отимни айтдинг? Ахир сени яхши кўрардим, биласан-ку.

Юлдуз! Мен сени итариб юбормадим! Сенга шундай туюлган! Сенга шундай туюлга-ан! Биров итариб юборгандек бўлган. Балки, сув парилар ўзлари бирлари туртиб юбориб, бирлари сув тагига тортишгандир сени?! Сен билмай қолгандирсан?! Ҳа, ҳа, шундай бўлган! Юлдуз, ўтинаман, тушларимга кирма... Мени бошлаб кетма сувларга! Чўкиб ўлишдан қўрқаман! Эшитяпсанми, қўрқаман!!!

Гулшан неча соатлаб дераза ёнида тизза билан чўккалаганча қолиб кетди.

Охири ўрнидан туриб, каравотига яқинлашди.

\* \* \*

Бойбўл чол пуф деб жонини пуфлади-ю, ўлди.

Саҳар соқов унинг ўлиги устида нима қилишини билмай увиллар экан, кўчадан ўтаётган биров эшитиб қолиб кирди. Билган-этганлар ҳаракатга тушиб, пешинга қолмай кўмиб келишди.

Уйи, бола-чақаси йўқ одамнинг таъзияси қандоқ бўларди.

Айтар гаплари жойидалигида гўристон қоровулига кампири ёнидан жой тайинлаб қўйганди. Лекин гўрков зўр келган кунда у жойга ҳам аллақачон одам кўмдириб юборган. Э кўмилса кўмилибди. Қаерда ётишниям талашадими.

Чолга девор тагидан кавлашди.

Қабр устида Макки қолди. Бир соатлар ўтиб унинг ёнида яна бирови пайдо бўлди. Бу Туронбой эди. Унинг кўзлари ости кўм-кўк кўкариб кетганди. Юзини баттар бужрайтирганча кеча Бойбўл чол билан бўлиб ўтган сўзлашувни эслар, қулоғи остида чолнинг овози хирилларди.

\* \* \*

Нимагаям сув суғоргани борди. Ҳали буғдойи чанқамаган экан-ку. Нимагадир тентираб борди-да. Бойбўл чолдан эшитмаса қани эди. Эшитгилик, тегишлик жойи бор экан-да.

Ер бошида ҳозиргина тўриб келган суви ариқдан етиб келишини кутиб ўтирган эди, Бойбўл чол пайдо бўлиб қолди. Оғзида бир қанақа хиргойи. Дардинг бўлса, бировларни ҳам эшитаркансан одам. Бойбўл чол минғирласа ҳам ғаму ҳасратдан айтарди яна. Кейин у Туроннинг шундай ёнида, ер бошидаги дўнгалакда тўхтаб чордона қуриб ўтирди. Сўл ёқларга бирпас қараб турди-да, деди:

– Ўлмаснинг буғдойи сеникидан бўлиқ. Қихх.

Уч-тўрт йилки, гап орасида хунук овозда кулиб юборадиган қилиқ чиқарган эди.

Турон йигирма қадам наридаги кўм-кўк буғдойга қараб қўйди-ю, тишини ғичирлатди.

– Кўп суғордингми? Бош тортгунча сувни камай-тир, қихх.

Турон ижирғанди. “Тириклиги бировларнинг бўйнида-ю, экмак-эмгақдан ўргатади”.

Бойбўл чол инқиллаб ўрнидан турди. Соқолига ёпишган мушал ўтни олиб ташлаб, чопони барини кўтарди, кир белбоғига қистирди. Йўлга тушар экан, яна хитоб қилди:

– Ўлмас ўрис бор-ку, қизингни кўрмаган, ваххей. Ҳаромиси ундан эмас.

Турон чолга бақрайиб қолди. Чол уч-тўрт қадам ташлади-ю, яна деди:

– Иккита болангга битта гўр. Мени қара, яримтаман, яримта. Эртага ўлсам битта гўрга кираман. Бор, қихх, бир сиқим қоратурпоқ ташлайсан. Тузукми, қихх.

Кейинги кулгилари аламга қоришган эди чолнинг. Узоқлаб борар экан, овозини бориचा қўйди.

Эшагим чўлоқ бўлди, Мазгилим йироқ бўлди...

Турон узун туни билан йўталиб-йўталиб, юти-ниб-ютиниб кўксини чангаллаб чиқди. Етти йил бола тилаб етишгани – Юлдузининг туғилганидан тортиб ширингина қизча бўлиб ҳовлида чопқиллаб юрганларигача кўз олдидан ўтди. Ана, ҳовлида тўйларга кийиб чиқадиған оқ капалакнусха кўйлагида юрибди. Ширин эди, асал эди унинг қизи. Сулув қиз бўлиб ба-лоғатга етганди.

Саҳаргача томоғи чиппа-чиппа бўғилди.

Ўйга ботди.

Кейин... Ўша раста бўлиб тўлишиб турганида ерга қўйгани – кун. Шугина боши бирпасда тушган бунча кўргиликдан тарс этиб ёрилиб кетмагани-чи.

Шаҳардаги дўхтирни эслади. Оғиз-бурнини қонга тўлдирган эди ўшанда. “Эрга теккан-тегмаганини кўриб бермайди улар! Бўлари шу, ёзишган, мана! Ҳо-

миладор! Мелисага берамиз, текширади”. “Хўв ит, кимсан сен, менинг қизимни мелисага бериб текширадиган! Бер дедим қизимни! Бер дедим!” “Ҳой ака, жон ака, биламан, ҳозир оғир, лекин сиз тушунинг, қизингизни эмас, ўша болани текширади, топади!”

Дераза синди. Формали киши чошиб кирди. Кетидан келган иккиси елкасидан босди. Сўкиниш, тепиниш, қичқириш бўлди. Охири бошқа йўли қолмагандир-да, каттаси ўшқирди. “Тилхат ёзсин! Қаттиқроқ туриб ёздиринглар! Олса опкетсин! Қизи ўлмаганида ҳозир тиктирардим тикадиган жойига! Ўлиб кетарди, чириб”, деди.

Турон Маккининг ёнида ўтирарди. Гўр устида кечагина бир гап очиб ҳайрону вайрон қилиб кетган чолни ағдариб сўкди, қайта-қайта гўрга тикиб, гўрдан чиқарди. Бу девона чол қаердан биларди-ю, нега ўларида айтди? Нега?

Хўнг-хўнг йиғлар эди-ю, ёнида Макки бор эди. Гапирганингда соқов бор бўлди нима-ю, йўқ бўлди нима.

Шомга яқин Маккисоқов ўрнидан туриб икки қатор наридаги бошқа гўрга бориб ўтирди. Туронбой аввалига момосининг гўридир деб қўяқолди. Кейин эса шарт ортига ўгирилди. Нотавон ва манглайи тиришиб кетган Маккисоқов бошқа гўр устида ўтирар, ўзича бир нарсалар дер, афтидан, ўзи билганча дуо ўқирди. Турон ҳам энди ўша гўр устига – қизининг бошига бормоқчи бўлиб турганди. Макки бўладиган ишларни олдиндан билармикан.

Соғлар телба, телбалар соғ дунёда гўрнинг кимникилиги, қаердалиги тирикларгагина керак.

Бир маҳал бўлиб, соқов кетди.

Туронбой ҳам ўрнидан турди. Гўристондан чиқиб, уйи томон гандираклаб юра бошлади.

Осмон тўла юлдузлар унга ҳали чимилдиқ кўрмаган қизининг бўйида бола бўлганлиги ёлғон, янглиш гап эканини айтаётгандек эди.

Бу оламда очилмаган не-не сирлар бор. Уларнинг руҳи осмонни ора-ора йиғлатади. Шунга-да, осмон шамолларга елпиниб олади, тўлиб-тўлиб йиғлайди.

Туронбой катта йўлда ихрай-ихрай кимларнидир бўралатиб сўкиб борарди.

Эртасига саҳардаёқ жарқин<sup>1</sup> яна бир таъзияга чақирди.

\* \* \*

– Зирк ҳам опкеламиз. Шўлти-шўрвага таъм беради-я қурғур.

Шодмонби эрининг “хотин кишига бало борми”, деб рад қила-қила охири рози бўлганида эртароқ тадорик кўриб олиш ғамида эди.

– Ҳа. Кейин исириқ ҳам узиб келамиз. Кўктошдаги исириқлар катта-катта бўлади.

– Исириқни пода йўлидан опкелармиз. Нима қиламиз узоқ жойдан исириқ кўтариб? Ана, Юлдуз олиб келгани ҳали турибди. Ундан долчин билан чака<sup>2</sup> олиб келармиз. Тоғпиёз ҳам.

– Тоғпиёзни ҳозир олиб бўлмайди. Тугаган. Қопмоп тайёрла, бўлмаса.

Она учиб-қўниб қазноққа кириб кетди. Сал ўтмай икки қизил белбоғ, бир қоп ва бир қопчиқда юк тайёр бўлди.

Тоғ сафарининг дараги Юлдузни ҳам севинтириб юборди. Юмушларига уринар экан, хурсанд эди.

Тоғда сигир-бузоқлар бор. Ўспан қирғизнинг олти ойлик пулини ҳам бериб келиш керак. Туз, ем ташлаб

<sup>1</sup> Жарқин – айтиқчи, хабарчи, жар солувчи.

<sup>2</sup> Чака – чаканда.

келиш керак. Яна тўрт ой ўтиб, ноябрь бошида мол-ҳол тоғдан қайтиб келади. Унгача хабар олиб, мол-боқарни бавлиб<sup>1</sup> турмаса бўладими?

Эрталабдан йўлга чиқадиган бўлишди. Оқшом анжомларни эшик ортига жамлаб шайлашар экан, Шодмонби чойга ўтирган эрига сўз қотди:

– Бунча юкни қандай қилиб олиб борамиз? Яна юқорига қараб юриш керак.

– Энг зарурларини ажрат. Нима олдинг ўзи? Бирор ойда Ўспан ўзи бозорлагани келар.

– Керакмаси йўқ.

– Билмадим бўлмаса.

– Маккини чақирмайсизми? Қарашиб бориб келарди. Қорнини қиламиз. Чақирсангиз, келгунча битта овқатни пишираман. Еб олиб уйига кетадими, ётиб қоладими, ишқилиб гаплашиб оламиз.

– Ҳа, тўғри, бўлади. Чақириб келаман ҳозир. Сенлар тадоригингни кўравер. Йўлакай бувимниям кўриб келаман. Оқ йўл қилиб берсин. Тўрабекни икки-уч кун ўзи қараб ушлаб турсин. Дарвозани қулфлаб кетамиз. Ҳа, товуқларга кўпроқ дон ташла. Сувини янгилаб тўлдириб қўй.

Ҳа, товуқларни Кумушойгаям тайинлаганман.

Юлдуз кўча эшик йўлагини қайта супурди. Эшик олдидаги ариққа ўн марта чиқиб, сув олиб кирди. Кун имилларди. Кўёш ҳам оғаётган жойида тўхтаб қолгандек эди. Бир вақт юрагини ҳаприқтириб, Маҳкам – бир қопчиқни орқалаб – пайдо бўлди. Юлдуз у билан бош ирғаб сўрашди ва дув қизариб ичкарилади. Туронбой ош пишгунча унга қўли билан гап берди.

– Макки, қара, мана бу иккаласиям кетяпти. Хотинга тоғда бало борми, десам ўламан саттор, дейди. Май-

<sup>1</sup> Бавлимоқ – парваришламоқ, эътиборли бўлмоқ.

ли, бир борсин, тоғ дегани маза дегани шекилли-да буларга. Вой-вой оёғим деб беш кун ётади ҳали.

Туронбой меҳмонини орада ҳовлига олиб чиқиб майда молларини кўрсатди.

Юлдуз ўчоқ ўтини пуфлаб турган эди. Отаси билан Маҳкамни кўриб ўрнидан даст турди. Унинг юраги гурс-гурс тепар, томоғига ширин нарса тикилиб турарди. Бир ҳарорат жонига туташиб борарди.

Нихоят, ош сузилди.

Маҳкам тонг саҳар келадиган бўлиб, кўлини кўксига қўйиб, Шодмонбига қуллуқ қилганча чиқиб кетди.

Юлдуз ҳамма ишни ҳар кунгидан чаққон саранжомлади.

Саҳар қоронғисида қишлоқ чегарасидан ўтиб Қирғиз ёқларнинг – Булоқбоши, Кўктош деб айтилладиган томонларига қараб йўлга чиқдилар. Бу йўлдан пешонасига “Олабуқа” деган ёзув битилган автобус ҳафтада бир ўтиб кетади. Лекин унга сира чиқиб бўлмайди. Доим тўла бўлади.

Чапда Ғовасой сувлари йўл тортганларга терс ёққа оқиб ётарди.

Тоғ сафари Маҳкам билан Юлдузнинг юрагини шу сойлардек тоширар эди. Туронбойнинг елкасига қўнган қопчиқдан бошқа ҳамма юкни кўтарган Маҳкамнинг билагида кучи тошиқиб борарди.

– Аяси, Маккиполвоннинг чарчамаганини қара. Егани ҳалол бунинг, – дерди Турон қоши билан йигитга ишора қилиб.

Юлдуз йўл юрган сари сой сувлари тоғлар оралиқларидан оқиб чиққан майда жилғалардан йиғилганини кўриб ўйга ботиб борарди.

Булоқбошидан ўтдилар.

Тоғлар, тоғлар, яна тоғлар. Бутун борлиқ осуда ва ажиб эди. Тоғ оралаб юқорига юрган сари ҳаво со-

вуклашиб борарди. Олдинда отаси Макки билан, орқада Юлдуз онаси билан йирик қадамлаб кетаётган эркакларга етишиб юрай деб талпинишарди.

Одамлар молини қамаб кетиб, икки-уч ойда бир хабар олиб кетадиган бир жой бор экан. Отини Кирым деркан. Турон бу жойни хотини билан қизига кўрсатди. Жуда ажаб-ку, ҳамма ёғи тоғ. Биттагина йўлига тошдан тўсиқ терилган. Рўпарасидаги тоққа беш-олти қадам чиқиб қарасанг, тошқўрам орқасида, тоғлар орасида бемалол ўтлаб юрган сигир-бузоқлар кўринади.

– Тавба, худди қутининг ўзи-я. Укам неча йилдан бери Кирымга мол ташлаб келдим дерди. Шу ер эканда. Дадаси, нега сиз ҳам шу ерга қамаб кетавермайсиз? Ҳозир юк юклаб Ўспан-мўспан қилиб ўтирмасдик. Мана шу ерга келиб хабар олиб кетаверардик.

– Кўп гапирма. Қирғизларниям ризқи бор, билдингми? Соғиб ичади. Бу ерда қолса, молингнинг оёғи синдими, оқсим касал келдими, ўлдими, қолдими, билмайсан. Қани, илдамладик.

Манзилга бирор чақирим қолганда ҳаммалари ўтириб бир қур чой ичишди. Юлдузнинг ва Маккининг кўзлари тобора яшнаб борарди.

Кўктошга кириб борганлари сари осмонни булут эгаллаб, ёмғир бошлаб юборди.

– Калтасой бўйида чайла бор, – деди Туронбой.

Ҳамма Туронбойнинг орқасидан чопди.

Чайла кичкина, бунинг устига ярим томи бузилиб кетган экан. Туронбой хотини ортидан Маҳкам билан Юлдузни чайлага киритиб, ўзи ташқарида қолди. Шодмонби қўймай эрини ёнига чақирди. Туронбой Маҳкамни тортиб ёнига олди.

Ҳамма бир-бирига яқин турарди. Юлдуз майин титрар, онасининг қўлига ёпишиб олган эди. Маҳкам ердан кўзини узмас, нималарнидир ўйлар, ҳўл бошидан

терилган томчилар юзидан сирғалиб тушар эди. Бирдан чайла тепасидаги толчивиқ билан юлғун шохлари орасидан – шундоқ Юлдузнинг тепасидан сув қуйилиб кетди. Буни кўрган Маҳкам Юлдузнинг устига қўлидаги оқ қопни шошилганча тутди. Сув ерга қопдан нари йўл топди. Отаси мамнун бўлиб, Маҳкамнинг елкасини қокди.

Юлдузнинг юраги дук-дук урар, бу ғалаёнли дукурлар ёмғир куйларига жўр бўлаётганга ўхшарди. Уни Маҳкамдан келаётган ҳарорат иситарди. Юлдуз оламнинг нақадар гўзаллигини, умрнинг нақадар тотлилигини туйиб, ёмғирлар куйига жўровоз, ич-ичида куйлар, масрур жилмаярди.

Қирғизнинг ўтовига етмай туриб, ҳаммасининг кийимлари қуриди.

Улар энди қотган ва қорт бўлиб қолган қорни ғарч-ғарч босиб, сарғайган қорларнинг кўрпасини минг ёриб, совуққа парво қилмай тоғ бағирларини эгаллаган ям-яшил майсаларни тепкилаб манзилга интилишарди.

Намхуш ўт-ўланлар, оппоқ, паға-паға булутлар, ўтлаб юрган қўй-қўзилар, бутун атроф Маҳкам билан Юлдузни кутиб олгандек эди. Кўкда учиб юрган бир жуфт қушга термилган Маҳкамнинг юрагида ҳам олов гурилларди.

\* \* \*

Осмонга узоқ қарасанг, юлдузларнинг шивирини эшитасан. Улар ҳаммага бирдек гапирадилар. Лекин уларни ҳамма ҳам эшитолмайди.

“Маҳкам акам нима қилаётган экан. Балки у гаплашаётгандир юлдузлар билан. Имолаб, ишоралаб. У биздан яхшироқ илғайди юлдузлар овозини. Уларга нималар дер экан. Мени сўраётгандир, балки...”

Юлдуз онаси билан отасининг тўйга кетишларини эшитганидан бери ичига сиғмасди. Укаси бувисиникида.

Бориб Маҳкамни бир марта кўриб келса бўлгани. Майли, агар узоқроқдан кўрса ҳам.

Ташқарига чиқди. Кўча кимсасиз эди. Ёз кунида ҳамма далада.

Маҳкам бу йил уйчанинг олдида беш туп гул экканди.

Юраги ҳаприқиб уйчага яқинлашди. Бу вақтда уйини саранжомлаётган Маҳкам бир сесканиб, ниманидир туйгандек, дераза оша ташқарига қаради.

Қиз қиёгулнинг майин гулбаргларини силаб, кўзларини пирпиратди.

Эшик очилиб Маҳкам пайдо бўлди. У қизни етаклаб уйига олиб кирди. Кичкина танчанинг икки ёғида бир-бирларига рўпара ўтирдилар.

Деворга осилган эски соат эса югурарди.

– Маҳкам ака, бизга ҳеч нарса керакмас.

“Ҳа, тўғри айтасан. Сен очилиб, бундай бўлиб кетибсан. Ҳар куни шу ерда бўлсанг эди”.

– Бир-биримизга тикилиб бир тунни ўтказсак, бир кунни гул териб ўтказсак, оҳ, маза. Кейин ўлиб кетсам ҳам армоним йўқ.

“Кетмайдиган бўлиб келсанг эди”.

– Даламизда ишласак, борасизми? Қарашиб келардингиз.

“Жўхори ўрасизларми? Даданг чақирса бораман”.

– Бунча ҳам яхшисиз?! Сизни яна қачон кўраман? Қачон кўраман ахир? Кўзларингиз менга кўп гапларни айтади. Мени роса яхши кўрасиз, шундайми? Ҳа, яхши кўрасиз. Сиз оламнинг энг тоза одамисиз. Сизсиз менга қийин бўлади. Тушуняпсизми? Эшитяпсизми мени?

“Мен ҳам сени эҳтиёт қиламан. Бу томонда, ҳув ана у ораликда бўри бор. Қишда очлигида тушиб келади.

Шу ёққа қараб туриш керак. Кечасида кўчада юрмаслик керак”.

– Кафтларингиз бунча қайноқ?

“Нега йиғлайсан? Йиғлама. Қара, иккимиз ҳам яхшимиз, мана бундай, зўрмиз-ку”.

– Йиғлама дейсизми? Йўқ, йиғламайман, мана, мана, ҳеч ҳам йиғламайман. Кулсам куласиз. Ана. Кўзингизда ёшми? Шундай ҳам яхши бўласизми? Сочларимни силаган бармоқларингизни беринг, ўпаман. Кўзларимга сураман.

“Сен жуда чиройлисан”.

– Ростданми? Ҳа, хотинлар доим шунақа дейди. Ўртоқларим ҳам.

“Сени жуда яхши кўраман”.

– Биламан, Маҳкам ака, биламан.

“Кўшнингни ёмон кўраман. У алдайди. У ҳамма қизларга гап отади. Сени унга беришса...”

– Ҳа, Ўлмасними? Мен ҳам уни яхши кўрмайман.

“Сени менга беришмайди. Пули йўқ, уйи йўқ дейишади, ота-онаси йўқ, дейишади. Менинг онам зўр эди. Жуда зўр эди, Юлдуз. Уйимиз қаерда эканини билмайман. Мен уни йўқотиб қўйдим”.

– Маҳкам ака, энди нима қиламиз?

“Уйимизни қайтиб тополмадим. Айтайми, менинг дадам ҳам бор эди. Уни яхши эслолмайман. Қанақа эди экан, билмасам. Ойим бўлса жуда чиройли эди. Сенга ўхшаб киприклари узуууун-узун эди”.

– Қани эди ҳамма каби ота-онангиз бўлганида. Кўнишармиди. Ҳозир айтишга ҳам кўрқаман.

“Қанийди гапира олганимда. Кеча пакана бор-ку, Зариф, ўшанинг телевизорида кўрдим. Зариф айтиб турди. Битта гапирмаган болани дўхтирлар гапиртиришибди. Бошига бундай нарса қўйиб, қулоғига дума-лоқ бир нарса тутиб қўйибди”.

– Ҳа, кўрдим мен ҳам, кўрдим.

“Зўр-а?”

– Зўр, мана бундай.

“Юлдуз, кўзларимга қараб тур, қара. Ерга қарамагин, менга қара, ҳа, мана шундай, менга қара”.

– Энди нима бўлади?

“Лекин мен ишлайман. Партком бор-ку, бошига бунақа шапка кийиб, қўлтиғига қора чарм жилд қистириб юрадиган, менга ер берди. Ҳу ана у ёқда. Мен унга ловия экаман. Кейин жавдар ҳам. Агар унинг ерларида яхши ишласам, экадиган уруғ беради. Бундоқ-бундоқ бор-ку”.

– Сиз чарчамайсиз. Ишлайверасиз. Сизни Худодан уялмай ишлатиб масхара қилиб юрганларни Ўзига солдим.

“Улар ёмон эмас. Яхши. Мўйлов бор-ку, буғдойини янчиб берганимга бир қоп ун берди. Мана, қара. Мен қозонда нон ёпаман. Ширин чиқади. Эртага ҳам келсанг, кулча ёпиб бераман. Ўзингга ўхшаган чиро-ойли бўлади”.

– Мана, қўлларингиз қадоқ бўлибди. Вой, мана бу ерини нимада кесиб олдингиз?

“Кўявер, ҳеч нарса қилмайди. Қўлларинг бунча но-зик. Сен... Қўлларимни ўпма. Куйдириб кўясан. Жоним оғрийди. Мана бу ерим титраяпти, қара”.

– Ҳа, бу ерда юрак бор.

“Бундай-бундай тепиб туради”.

– Чиндан ҳам юрагингиз билан яхши кўрасизми мени?

“Мен сени хоҳдайман. Мен билан шу уйимда... яшайсанми?”

– Мен... Кетишим керак, Маҳкам ака.

“Сенсиз нима қиламан?”

– Сизсиз нима қиламан?..

“Ташқарига қараб келай. Сен кетасан-ку. Одамлар кўриб қолмасин. Бўри подачи ҳам қайтади энди”.

– Ҳа, қаранг, кетаман, ҳеч ким йўқ бўлса бўлди, кетаман.

“Бир марта сочингдан ўпсам майлими?”

— ...

“Сочларингда атиргулнинг ҳиди бор. Кейин мана бунақа ўт бор-ку, чой ичадиган, ҳув ана, тепада боғланган, ўшанинг ҳам ҳиди келади. Кўзларим юмилиб кетади”.

— ...

“Мен билан қолсанг нима бўлади?”

– Кетдим, Маҳкам ака. Индинга яна келаман. Ҳа, иккита қоронғи бўлиб иккита ёруғ бўлганда, икки марта ётиб тургандан кейин пешинда, қуёш тиккага келганда келаман, майлими?

“Кел, кел. Келмасанг, мана бу ерим оғрийди. Касал бўлиб қоламан. Ўлиб қоламан”.

– Одамлар кўриб қолмаса бўлди.

“Дўнгламанинг ёни билан юрсанг, кўришмайди”.

Юлдуз масрур ва мағрур эди. Тоза юрагини яна тозартган севги ҳароратидан, тотидан сархуш, кўзлари сузилиб-сузилиб, чиройини ойнага солиб-солиб қадам сайин гўзаллашиб борарди. Сой устидан ўтганда ўзининг аксига қараб, хира кўрса ҳам жилмайиб ўтарди, ҳар галгидек.

Сандиғи тўла сепи бўлгунча юраги тўла эпи бўлсин. Бу йўлларда нимқоронғи тугул кундузи юриш ҳам ҳаммага эмасди.

\* \* \*

Ўша кун эркаклар ҳам кўп йиғлади. Тобут кўтариб, қабрга тупроқ ташлаб йиғлади. Уйида қолган кексалар ўкиниб, бир ачиниб, бир лаб тишлаб ўтказди кунни.

Макки эса...

Макки ўз уйида эди. Унинг биттагина дўсти, меҳрибони, таягувчиси, суягувчиси, яшатгувчиси – қўлбола уйи бугун унинг эгасини фарёд қилиб турганда бутун дунёдан яширмоқда эди.

Макки ўртаниб-ўртаниб, эмраниб-эмраниб, ўксиниб-ўксиниб, қайғуриб-қайғуриб йиғларди. Гапиролмайдиган гапларини гапириб-гапириб, ҳеч ким туншунмайдиган кечинмаларини ўкирикларига орқалатиб, анг-анг овоз қилиб фарёд чекарди.

\* \* \*

*Олислардан эса қўшиқ эласларди:*

*Энг биринчи ва сўнгги*

*Муҳаббатим эди бу.*

*Армонлари узун экан...*

Ўша шўришли кун саҳардан дарвозани тақиллатган Юлдуз сувга тикила-тикила кўзлари ёниб-ёниб дунёга сиғмай-сиғмай тўлиқарди.

– Кетдик, сув бўйида ўтирамиз, Гулшангул. Битта гап айтаман. Ҳеч кимга айтмайсанми?

– Йўқ, айтмайман.

– Менинг эрга текким келяпти.

Гулшан оғзини очиб қолди. Шу билан ичида, нақ қовурғаси остида бир нарса зирқ этди.

– Ростдан, ростдан. Эрга тегаман. Нимага, айтайми? Кўргим келяпти уни. Ҳар куни, ҳар куни кўрсам. Тегаман унга. Ҳали ҳамма мени алланималар дейди, момоларим қарғайди, онам уришади. Сен ҳам жинни бўпсан дейсан. Барибир мен тегавераман. Унинг уйида яшайман, Гулшан. Яшайман. Маза қилиб яшайман. Менга қараганида, биласанми, кўзлари нималар деди? Биласанми? Билмайсан-да. Кўзлари жуда яхши кўришини, мени ёмон нарсалардан эҳтиётлашини, ҳамма

нарсани айтди. Ҳа, айтди. Сенга бун тушунтириб беролмайман. Юрагим куяди, Гулшан. Юрагим куяди!

Гулшаннинг томоғи қуриди. Кўзлари аланг-жаланг бўлди.

– Мен унинг олдига бордим, Гул, бордим. Дадам билса ўлдиради. Ўўўлдиради! Майли, ўлдирса ҳам тегаман.

Гулшаннинг ичаклари айланиб кетди. Қорни тошдай қотиб, ичида қайдандир кириб олган қўрғошин бўлаги тўхтаб қолгандай бўлди. Бошига темир болға урилгандай бўлди. Зирқироқ товонигача тушди. Кўзидан олов чиқди.

“Мен бунга ҳамма сиримни ишониб айтаман. Бу бўлса писмиқлик қилади. Мана, ишни пишириб бўлди ҳамки, ўзини гўлликка солади. Жодугар!”

Тинглаётган қизнинг қўллари титрарди. Бутун борлиғида ёшликнинг аёвсиз шиддати тўлиқар, ичи ёнарди. Бу аёвсиз аланга эди.

“Ўлмасни кўрсам кўзимга ўт киради, Юлдуз билан тўйи бўлади десалар, кўзимдан ўт чиқади. Ўлмас менга мос. Менга тўғри келади.

Юлдуз! Уч ойки сир бермай писмаяди. Уч ойки, ўт юлиб келишга борамиз деса мингта баҳона қилади. Уч ойки далага кичкинагина қариндош жиянини опичлаб боради. Ҳа-а. Ўтган ҳафта Ўлмаснинг ери томондан келаётганини кўриб қолди-ку. Ҳар куни Ўлмас велосипедда ўт олиб келади. Кейин яна ер суғоргани кетади. Яшириб нима қилади? Ўша дала ёқларда ажи-ажи қилишиб юрган-да. Маккорлигини-чи! Ўлмас шунга муносибми? Сабоҳатнинг тўйида Юлдуздан кўзини олмади. Вой аҳмоқ. Имо-ишора қилиб ташқарига чақириб ётибди-я. Вой аҳмо-оқ! Лекин Юлдуз чиқмади. Қайрилиб ҳам қарамади. Қарамайди-я қарамайди, душманкўзи қилади-да. Сир бермагани билан кечда

укасидан суриштирганида “сизларникида бўлмаса, Дилоромникидадир”, деди-ку. Ўша ёқда эди. Агар уйдигилари билса, бўлиб турган тўй ҳам тўхтаб қолсинми”.

Ўтган икки кеча кўзига уйқу келмаганди Гулшанинг. Раҳиманинг тўйида Ўлмасга шаъма қилгандек бўлди. “Юлдуз бўлмаса, бошқа яхши қизлар ҳам бор”, демоқчи бўлди-ю, шунга яқин нимадир деб ғудранди. Лекин йигит уни эшитмаганга олди.

Умидини узолмади. Умид қилди. Юлдузга бирор йигит гап отиб, ортидан келса, эшигида кўпроқ айланса-ю, шуларнинг гапи чиқса. Кимлар келарди-я эшигига. Кимлар ўлдим-куйдим қиларди Юлдузга. Ҳаммаси Ўлмасни деб тирқираб кетганми? Энди нималар қилса экан. Нима қилса ундан Ўлмасни узоқлатса бўлади? Ҳа, узоқлатиш керак. Ҳали ҳеч нарсага кеч эмас.

Кейин эса...

Имкон эшигида худбинлик исён қилди. Сўнгги дафъа, сўнгги нафасда ўзига ўзи эгалик қилолмади.

Осмон сой сувларини ҳар баҳор шундай тоширарди. Бариси унинг ихтиёрида эди.

Қизлар ҳам, йигитлар ҳам сой сувлари кўпайган кўкламда бир ўзгариб бир тўлқинланиб қолишарди.

Гулшан Юлдузнинг қўнғироқ овозини охирги марта шундай кўкламда эшитганди.

“Торт, қанжииниқ!!!”

Гулшан ич-ичидан келаётган йиғини тўхтатолмай ҳаприқди. Нимадир кўксини ёриб чиқмоқчи бўларди.

“Юлдуз! Бу ютқизиқни ютолмасам, нима қилай?!”

Сен кетдинг.

Сен хургина кетдинг. Гуноҳсиз эдинг, гуноҳсизлигингча кетдинг.

Сени итариб юбормадим! Йўқ! Мен сени ушлаб қолмоқчи бўлдим. Шакартўкилди кўйлагингдан тутиб қолмоқчи эдим. Ҳа, тутиб қолмоқчи бўлдим, холос.

Ҳа, ҳа! Сен сирпаниб кетдинг. Сувпаридек эдинг-ку ахир ўзинг! Ўшаларга қўшилиб кетдинг-да, Юлдуз! Биз дугона эдик. Сирдош эдик. Ҳамма бизга ҳавас қиларди. “Мунчаям бир-биридан чиройли қизлар”, дерди. Эсингдами?!

Сен... Сен...

Яшагинг жуда ҳам келганди. Яшамоқчийдинг!

Нега мен кўнгил берган одамга сен ҳам кўнгил бердинг?! Нега?!

Менинг ёнимга келиб нима қиласан, Юлдуз? Мени омон ҳам, беомон ҳам қўймайсан. Нима қил дейсан? Мана, сендан кейин қанча кун ботди, кун чиқди.

Сувпарилар йўқ дейди хотинлар. Ҳамма шунақа дейди! Қани йўқ бўлса!

Балки, йўқдир.

Йўқ!

Мен кўрмадим уларни! Сен ҳам улар орасида йўқ эдинг! Ҳа, йўқ эдинг! Ҳаммаси тушимда эди! Тушимда! Мендан юз бурдинг. Сочларинг юзингни тўсиб турганди. Сен сочингни орқага ташламадинг, юзларингни очмадинг. Лекин кўлимдан тортган қизларнинг кўлини силкидинг-да, ўзингга тортиб, етаклаб сувга кетдинг. Ҳа, учиб кетдинг, ҳавода сузиб кетдинг. Уларга эргашгани қўймадинг мени! Нега?! Азобларда кўпроқ қийналсин дедингми? Баттар бўлсин дедингми?

Ҳа, ҳали бу дунёда гулдай ўн саккиз ёшида қилиб қўйган иши учун жавоб беролмай ҳам қолар, дедингми? Азобини тортар дедингми? Шундоқ ҳам кўрган куни азоб дедингми? Кўй, унгача шу дунёда юрaversин дедингми? /

До-од! Дод! Мени азобларим устида яна азоблама, Юлдуз!”

Аёл ёқасини йиртиб чок қилганича уйи остонасида, шундоққина ойна олдида ўзини кўтариб ерга урар,

ўкириб йиғларди. Унинг кўксидаги куйиклар тобора қизиб-ёниб борарди.

\*\*\*

Шаҳарнинг озода ошхонасида келишилгани бўйича йиғилган уч ўғил ва уч келин, маза қилиб суҳбатлашишар, чуғурлашиб ўйнашар, таомланишар, шарбатлар ичишарди. Ўғиллар ўзаро оталарига ўхшаб қолмаслик учун ёқа тутиб гапирсалар, келинлар ҳамма нарсаси бўлса ҳам ношукур, касал бўлиб касалмас, соғ бўлиб соғмас қайноналарига ўхшаб қолишдан Худо асрашини сўрашарди.

Соат янги кунни бошлаётган кечада уйга қайтган ўғиллар эшикни тақиллата-тақиллата охири бузишди. Она ҳеч бир хонада йўқ эди. Ювиниш хонасида эса шариллаб сув оқиб ётарди.

Иложсизликда бу хонанинг эшигини буздилар.

Онани кийим-боши билан ваннага чўзилган ва устидан сув куйилиб ётган ҳолда топишди.

Яна касалхонада ўзига келган аёл ўтган кечани эслашга уринди.

Уйқулари кейинги вақтда анча тинч эди.

Бу кеча ухلامасдан эрини кутиб олмоқчи бўлди. Бугун келаман деган. Куруқ келмас, Янгибозорда мато сотишга ўтганига кўп бўлди-ку. Кела қолса эди. Энди кими бор ўша яримта эрдан бўлак. Ҳар галги иши – бирор чиройли кўйлакликми, бошқа энгилми олиб келса, шунга чалғир. Ишқилиб олиб келсин. Шу дунёнинг ҳашамлари ҳаммаси одамни чалғитиш учун-ку. Яхши-да. Тиктиргани боради. Чевар билан сўзлашади. Журналини варақлайди. Посон танлайди.

Аёл шу аччиқ умид билан эшик пойларди.

Шу чоғда эри шаҳардаги уйида ёнбошлаб футбол кўриб ётарди. Қариган сари қуюла бошлаган, лекин шаҳар уйидаги болалари катталаридан ширин, ёқим-

ли бўлиб чулдираб турса, кичик хотин иззатини жойига қўйса, қишлоққа қайтгиси келармиди. Чимрилган, пешонаси тириш, доим норизо, доим хаёлпаридон Гулшаннинг юзини кўз олдида келтиришни-да истамаса, суймаса.

Ўлмаснинг шу ҳаваслидек ҳаётида, хотира ҳаёлида ўша ёшлик кўнглини ёритиб ўтган Юлдуз севгисигина йилт этарди. Қолганлари шунчаки нафси саркаш изми, шу дунёнинг боғловлари, Яратган бир-бирига ўтказиб қўйган ҳалқалари эди.

\* \* \*

Осмон эса ҳаммасини бирдек кузатарди.

Унга ҳамма бир эди. У ҳеч ким тараф бўлмасди.

Бир тараф бўлиб олиш китобларда бўлади.

Лекин ерда бировга ёмғир керак, бировга қуёш. Бировга олов керак, бировга шамол. Бировга сув керак, бировга ўт. Ҳаммасининг ҳукми эса кўкда, Ўзининг қўлида. Бировнинг шамоли бировнинг ўтини ёқади, бировнинг ўти бировнинг сувида ўчади.

Гулшан дунёдан истаганларининг кўпига етган эди. Ёлғондан бошланган турмушда энди минг марта рост сўзласа ҳам, бари ростларнинг ип тортими учлари ўша ёлғонга туташарди.

Қуриб кетсин ҳаммаси. Ана, соат энди ўн бўлибди. Ҳали биргача уч соатлаб вақт бор. Яхшиси – ухлаб қолмаслик, ғафлатга кетмаслик. Босинқираб қичқириб войвойлашлари билан набираларини ҳам қўрқитиб юборади. Бунақа вақтда эри тузук эди. Ҳеч йўқ туртиб уйғотиб қўяди-да, битта хунук уф тортиб, орқасини ўгириб ётиб олади.

Кеча қўлига олиб ўқигани, нажот излагани – дуолар китобини қидирди. Ҳа, мана, токчада экан.

Қисмат китобининг варақлари эса коинот шамоллари айлангани сайин у юзидан бу юзига шитирлаб аста-аста алмашиб борар, заминнинг юзини босган одам кирдикорлари шамолларда олис-олисларга учиб кетгандай, ёмғирларда ювилаётгандай, ҳамма тубанликлар унутилиб кетаётгандай бўларди. Шунда неки бир таскин, неки бир юпанч оҳор каби борлиққа сепилар, йўқса бу одамзорнинг иши баттар оғир бўлар, фасод боғлаб маддага айланар эди.

\* \* \*

Қиз ихтиёридан ташқари йўлларда ўлим сари борарди.

Бугун уйидан тошиқиб чиққанида шу йўлга тушганини билмаган эди у.

Қиз тенгқурига қалбининг энг тоза жойларида унган севгисининг суруридан сўзламоқчи, худди муҳаббат тотидан боши айлангани каби, унинг таъмидан хабар бермоқчи эди.

Олис-олисда туриб қалбига ширин озор солган ўша йигитни кўрганидаги кўнгил ғалаёнларидан сўз очмоқчи эди. Муҳаббати – оғир гуноҳ, муҳаббати эшитганни ҳайрон этадиган, лол қиладиган, охири, “тавба, шунақаси ҳам бўладими”, деган бир нодон хитобга элтадиган қисса эди.

Одамлар Ғовасойни жуда ёмон кўриб кетдилар. Биров деди: “Четига панжара қилиб чиқиш керак”. Бошқаси: “Қалин қилиб итбурун экиш керак”. Яна бири: “Эсингиздами, Ғанихон раис водопровод сув опкеламан”, деб қанча уринди. Ўлиб қолмаганда опкелармиди. Ҳозиргиларнинг қиттай иши йўқ”.

Ҳовлиларда хотинлар, кампирлар, гузарларда чоллар ўт бало, сув балолардан омонлик тилашарди. Сув балонинг яқин ўн ё йигирма йилдаги солган офатла-

ри, кўргиликларини эслаб куюнишар, ёши кичикларга ўгит беришарди.

Сувнинг ўзи-да бу ёмон фожиани сезгандек, энди ўзи сув бўлиб туриб, бу ишларни нима билан ювмоқ ҳақида бош қотираётгандек эди. У одамзод тушунмайдиган тилда сурон солар, агар қўллари бўлганида Дамариққа машиначасини ювмоқ бўлиб тушиб кетган Юнус болакайни ҳам, қурт маҳали бир боғ тутнавдани кўтараман деб сойга оғиб кетган Раҳмонни ҳам, икки челақни сув учун олиб чиқиб, челақларию бир пой шиппаги қолиб ўзи оқиб кетган Мастура келинни ҳам ўзи, ҳа-ҳа, ўзи сал наридаёқ қирғоққа олиб чиқиб қўйган бўлишини айтарди. Ўша куни Юлдузни кўтариб уришни истамаганини, қизнинг ўзи сувга қараб қулоч ёзганини, сув эса иложсиз қолиб, азал йўриғига юрганини айтарди.

Сув яна бошқа бир нималарни ҳам айтарди.

Ўшандан кейин Гулшан ҳовлисининг сойга қараган катта дарвозасидан эмас, бувиси томонга очилган пастак эшик орқали орқа йўлдан қатнаб юргани, сувнинг кўзига кўринолмай қолганини айтарди. Сувсиз ким нима қила олади? Сув шуни ҳам айтарди. Бошингга не бало келса бировданмас, ўзингдан дейди-ку одам. Сув шуни ҳам айтарди. Яна кў-ўп айтарди.

Гулшан қурча ўртоғини тинглаганида эди, чин сирдош бўлганларида эди, “айт, айт”, деб қайта-қайта сўраганида эди, қисталанг қилганида эди, хаёли бўлинмаганида эди, шунча йиллар бирга ўсган тенгқуридан Ўлмасни қизғонмаганида эди, Юлдуз ширингина муҳаббатю унда кечирган новвот кунларини, етиша олмаслигига кўз етгани сари қалбидаги боғлов янада зичлаб, куч олиб бораётганини, уни учратмоққа, тасодифан учратиш қолмоққа, уни атай бориб кўрмоққа, янги очган кичкинагина экинча ерида

ишлаётгани вақтда атрофида бўлмоққа, унга ёрдам бермоққа қанчалик интиқ, муштоқ эканини айтарди. Йигитнинг олис ёлғизоёқ йўлда Юлдузни кўрганидаги шодлиги, севинчи, қиз то етиб келгунича типирчилаб ўзини қўярга жой топмагани, юзига шошинқираб тикилганидаги оташ чўғда қолган кўзларидан ўқиганлари – болдай севги, аянч, ўкинч, шафқатни – ҳаммасини айтарди.

Агар ҳеч бирини айтмаганида ҳам, бир марта бўлсин, “Ўлмас унинг тирноғигаям арзимайди”, деб хаёлида кечганлари оғзидан чиқиб кетарди. Шунда Гулшаннинг кўзлари ярақлаб очилармиди. Эртаси, индини дугонасини изма-из пойлармиди, уни Маккининг кулбачасига кириб кетгани ё чиқиб келганида кўриб қолармиди. Маҳкам билан Юлдузнинг хуфия кўришишлари ҳақида Бойбўл чол билганчалик бўлмаса ҳам, унча-бунча хабар топармиди. Бойбўл чолнинг минғирлаб қўшиқ қилиб айтганларига қулоқ солиб, Юлдузнинг афсонадан бери бўлмаган севгисию шу севгига сабаб бўлган йигитнинг кимлигини билиб қолармиди. Кулгидан ичаклари узилармиди. Хохолаб-хохолаб бу тентак дунёнинг ёмон ҳам телбалигига амин бўлиб, “севармиш-а”, деб ким кўрганга айтармиди. Ҳаммасига “бировга айтманг-у”, деб чиқармиди.

Аммо бу муҳаббат эди. Тоза, пок-покиза, ҳарирдек нафис, ипакдек юмшоқ, гулдек гўзал, шабнамдек латиф, тоғдек улкан, асалдек тотли, яна нима-нималардек эди. Ҳа, ҳамма гўзал ва уйғун нарсаларга ўхшарди унинг севгиси.

Ахир муҳаббатдан пайдо эди-ку бу олам.

“Ўртоқжон, ўзингдан қолар гап йўқ”.

Бироқ иккисининг ҳам қолар гапи бор эди.

Қолар гаплар шундай кўп ва бутун эдики, айтаберса дoston бўлгудек. Гаплашиб ўтираман деб бир-бири-

га сир ишонган аёллар ҳам энг ички сирларини бировларига айтармидилар. Энг устки сирларини айтиб, бировга ишонганларида ҳам, шу арзимас сирлар ёйилиб кетганида аразлаб юрадилар.

“Юлдуз, мени кечир! Балки, сен мендан ўч олиш учун тирилиб келдингми? Ўликлар ичида йўқмисан шунда?

Йўғ-э. Йўқ!

Сендан кейин кун кўрдимми? Қайси кунни айт-тай? Кечаси тушларим бузилганида додлаганим учун Ўлмаснинг ижирғаниб қарашларини, тонгдан қо-воқ-тумшуқ қилишиними? Топган-тутганига ёш хоти-нига уй олиб берганиними? Ундан ҳам иккита болали бўлиб олганиними? Одамлар тўйларда менга ачини-б қараганлариними? Эримнинг менинг ертўладалигим-дан беҳабар, уйда йўқ деб ўйлаб телефонда “Нега сени эртароқ учратмаганман-а... Менга қанчалик қийинли-гини биласанми?” деб ёш хотинига вовайло қилганла-ри куниними? Эримнинг мени ҳеч нарсани билмайди, деб ўйлаб неча йил сурган даври даврониними ё ўзим-нинг ҳамма нарсадан хабардорлигимни қанча вақт яшириб олов ичида юрганимними? Онамнинг вафоти куни биттагина куёв бўла туриб эшикда бел боғлаб туриш ўрнига қайноғасининг тўйида машинаси билан хизмат қилганиними?

Ота уйимга чиқишни истамаслигимними? Эрим-нинг уйига ҳам очилиб бориб-келолмаслигимними? Гул умримни тор тувакда қисилган гулдек заъфарон қилганимними?

Кулиб кулмаганим, яйраб яйрамаганим, очилиб очилмаганим.

Юлдуз, менинг тунларимни адо қилган – сенсан. Кўзимни юмдиргани кўйдингми? Бутун умримда! Ҳар кечамда бор эдинг сен! Сувпарилар билан бирга қар-

шимда бино бўлганинг бўлган. Устимдан куласан. Кулаверасан. Қўлимдан тортасан. Сойларга бошлайсан. Ҳа, кўзларинг, сочларинг шишадек бўлса ҳам мен сени танийман, Юлдуз! Минг-минг парилар орасида бўлсанг ҳам таниб оламан.

Ўша эшитганим ростми? Сувпарилар сувда ўлган қизларнинг руҳидан бино бўладими, Юлдуз?”

Ҳовлини аёлнинг аламли фарёдлари босиб кетган эди.

“Нимасини айтай энди? Чўмилгани борганимда кўзимга кўриниб белимдан қучганинг, дугоналаринг билан оёқларимга тушов солиб қимирлатмай қўйганинг, сув тагига тортқилаганинг.

Нима қилар эдинг? Сувга чўктириб, ўзинг билан олиб кетармидинг? Ўзинг каби шишакўз, патоёқ қилармидинг?

Гулшан ҳовли ўртасида ўзини телбаларча кўтариб урарди.

“Юлдуз! Кўрган кунимни сен ҳам кўриб турибсан! Мен адо бўлганман. Сен эмас, мен ўлганман! Мен! Бундан ўлганим яхшимасмиди?!

Ахир сен у ёқда маза қилиб юрибсан, Юлдуз. Мен бўлса ит кунини кечиряпман.

Дооод!!!

Тутантириққа ўхшайман. Шу ўтар-кетар дунёнинг, ҳовучгина жонга бунча кўп ғалва солган дунёнинг тутантириғи. Юлдуз! Бир кун лов этиб ўт оламан-у, кул бўламан. Бир ҳовуч кул, йўқ бўлиб кетаман!

Қандай яшадим, қандай кун кўрдим? Бирор ўлчови борми кўрган кунларимнинг?

Эшикдан кирдим, ғурбатга ботдим, дарчадан чиқарим ҳам тайин, елкамда шунча юк билан. Қандоқ чиқаман ахир? Қандоқ? Сен бор эсанг эди, сен ўлмаган эсанг эди, қарзимни берардим. Ўша... узиб бўлмайди-

ган қарзимни. Барибир берардим. Қандай қилиб дейсанми? Билмасам. Билмасам!

Юлдуз! Мен Худога элтадиган китобларнинг ҳаммасини ўқидим. Ичим таскин топсин дедим. Оловларим ўчсин дедим. Лекин улар мени атиги шу кунгача олиб турди. Ҳайқирмай шу бир сиқимгина йилларни яшадим. Ҳа, энди болаларга ҳам кераклигим йўқ. Энди яшаб бўлмайди.

Юлдузой! Шошма, мана, кетингдан чиқаман! Бораман! Соё бўйигами? Албатта, бораман. Ким қай ҳолда ўлса, қиёматда шу ҳолида тириларкан. Чўкиб ўлишим керак. Чўкиб ўламан. Ҳа, чўкаман. Шунда сен билан бир жойда тириламан. Сен ёнимда бўласан. Шунда сенга умрингни бераман. Ҳа, бераман!!! Нима қилиб ҳам бўлса бераман!!!”

Сув тошқинланиб оқарди. Шовулларди тинмай. Сувнинг садолари фақат оқиб турган жойларидагина сочилар эди. Борлиқдаги бардавом ҳаёт овози эди бу садолар.

Сув ҳамон ўша, мангу ва ҳам ўттиз йил аввалги суронларини солиб баланддан пастга ўрларди. Ўзи билан ёнма-ён то далаларгача кетадиган йўл бўйидаги уйлардан ҳали ҳам одамлар чиқиб, челақларида сув олиб кириб кетишарди. Ёш ва сулув қизлар сувга чақноқ кўзларини тикишар, нозик бармоқларини суқиб, юзларини чайишарди. Бировлари айниган тушларини айтишарди. У ҳаммасини кўтарарди.

Кейин тўғри омборга борарди. Сувнинг уйи янги, салобатли, тартибли эди. У ерда қайсидир кун бир ёқларга бошлашларини истаганча, қулдек ишлатишларини кутиб, шовуллолмай, овоз чиқаролмай жимирларди сув. Эмин-эркин яшаган одамнинг кенг ҳовлисини бузиб, ўзини янги қурилган қават уйга кирит-

ганлари қандай бўлади? Сув ҳам то одамлар ўзининг улкан эҳтиёжини қондиришга йўллагунича омборда ночор шовуллаб тўсиқларга бош урмоққа мажбур эди. Бу ерда у шамоллардагина чайқалар, кунларини шамолни кутиб ўтказарди. Аввалги – бориб-бориб Сирдарёга қуйилган ерлари энди қақраб ётарди.

Бу саҳар ҳам сувнинг чап юзида, авваллари кимсасиз дашт бўлган тепа ёқда қаторлашган уйлардан уч-тўрт келинлар иккитадан челақ кўтариб сойга яқинлашишди. Қўл узатиб хўшлашишди. Бирови ҳовли супуриб бўлганини айтса, бириси ҳозир нўхат ёйганини сўзларди. Бириси эғнидаги янги кўйлагининг бозордан қандай келганини гапирарди.

Келинлардан бирининг кўзи ҳув нарида сувнинг нариги юзида ўтирган Маккига тушиб қолди.

– Ие, соқов-ку, ўшами? Ҳа, ўша. Яна тутқаноғи тутибди шекилли.

Маккининг соқовлиги кўпларга унинг тентаклигиниям билдириб қўя қоларди. У бошини бирдек тебратиб инг-инг овоз чиқарар, ўзича нималардир дер эди...

– Қаранглар, мен шу соқовдан роса кўрқаман. Жинни-ғинни бўлиб кўчамиздан ўтиб кетади.

– Ростдан, сизларнинг кўчадан ўтадими? Вой-эй, якка учраб қолса ўлиб қолсам керак.

– Эрталабда нима қилиб юрганикин. Сувнияам ҳаром қилади. Яхшиям, нариги бетда экан, бўлмаса, сув ҳам олмасдим.

Макки сув бўйида юрар қўлини олдинга чўзиб, худдики биров билан сув бўйлаб етаклашиб юргандек силтаниб, кейин узун йўл устига чиқиб ирғишлаб ўйнаб кетарди. Бирдан қўлларини икки томонга ёйиб, осмонга қараб айланарди. Салдан кейин эса ерга мук тушиб ўтириб олар, икки қўлини муштлаб оғзига тутганича инграб йиғларди.

– Анча ғалати-да шу Макки. Ўтган гал келганингиз-да ҳам эшигимга келиб олганди, опа. Бугун яна келибди. Бир нарсалар дейди. Тушуниб бўлса ўлсин. Зўрға ҳайдавордим.

Гулшаннинг ичига титроқ кирди. Лаблари пир-пир учди. Ўзини қўярга жой топмай ўнғайсиз бўлди.

Чой қуйиб узатаётган келини укасининг гапига қўшилди:

– Ўзи нима керак экан унга? Телбалиги баттар ошиб, энди чин жинни бўлиб қопти шекилли-а? Сувтошқинда қўзийди-да жинниларники.

– Ким билсин? Илгарилари, опа, эсингиздами, ҳам-манинг ишига қарашиб юрарди. Қўрғончамизнинг деворини урганимизда охиригача деволчиларга кесак ташиган. Энди бўлса гўристонларда изғирмиш, кечалариям қолиб кетаверармиш. Жума кунидан бошқа куни доим ўша ёқдаймиш. Момосининг гўри атрофида айланса керак-да.

Гулшаннинг ранги қум ўчди.

Укаси идорага яқин жойда уй солиб кўчиб чиққан.

Гулшан қўрқади Маккидан. Нега ҳамон? Нега неча ўн йиллар ўтиб ҳам қўрқади? Кўрса титрайди? Рост, ўша ёш пайтида икки-уч марта ортидан қувгандек бўлган. Аранг қочиб кириб дарвозасини ёпиб олганди. Аммо, назарида, Макки у вақтларда телба эмасди. Туппа-тузук йигит эди.

– Қош-қўзлари қоп-қора, бир яхши йигит эди-а?

– Билмасам. Қариди шу шўрлик ҳам. Бойбўл чол тиригида иккиси бир гўр бўлиб, бир-бирига ҳампо эди. Чолдан кейин баттар увол бўлиб юрибди.

– Идоранинг орқасидаги Потма кампир бор-ку, молхонамизнинг деворидан нарёғи шу кампирники. Ўша ҳар куни овқат чиқараркан.

– Ҳа, бўлмаса аллақачон ўлиб кетарди-ку.

– Эй, ану куни тоғам айтадиларки, гўр билан гўр-  
ниям фарқига бормай қопти. Момосининг гўри қолиб,  
бошқа бир гўрнинг тепасида ўтирибдйкан.

– Дўстмат ота олиб кетаман деб идорадагиларни  
уйига олиб чиққан экан, ҳаммасини олдиға солиб кал-  
так кўтариб қувлаганмиш.

– Ҳа, бу биринчи марта эмас-ку.

Қоронғи кечада Маҳкам Ғовасой бўйида ўтирарди.  
У оҳиста-оҳиста тебранар, сойда уни гўё масхаралаб  
сакраётган балиқларни санаётгандек бармоғи билан  
кўрсатиб-кўрсатиб қўярди.

\* \* \*

Тонг ёришаётган чоғда Маҳкам идорага ёнбошлаб  
қолган уйчадан чиқиб, юлдузлар тобора хиралашаёт-  
ган осмонга термилди. Ҳар куни чиқиб ўтирадигани  
– харсангтош устиға бошини қўйиб кир босган чопони  
енгига жағини тираганча хириллади. Шу туришида у  
жуда аянчли ва ҳатто қўрқинчли эди.

Бир оздан сўнг Маҳкам ўрнидан даст туриб, оёғи-  
даги қийшиқ этигини судраганча тез-тез юриб борар-  
ди. Қилгиликлари биров билан етаклашиб кетаётган-  
дек кўрсатарди уни. Кўзлари ялтирарди. Баъзан ғала-  
ти ирғишлаб қўярди.

Йўл сой бўйига элтарди. Сойга яқинлашган сари  
Маҳкамнинг қадами тезлашиб борарди.

Маҳкам бирдан чопиб кетди.

Бомдоддан кейин кўрпачада ёнбошлаб ўтирган  
укани хотинининг дод-войи чўчитиб юборди. Дик ту-  
риб ташқарига йўналди.

– Опам жойларида йўқлар! Дарвозаям очиқ!

Ука ҳар куни саҳарда очадиган кўча эшикка бугун  
бормаганини ўйлаб, ялангоёқлигича уйдан чиқди. Су-

падаёқ хотинига бақирди:

– Ваҳима қилма-эй! Таҳоратхонададирлар! Катта уйниям қара!

– Йўқлар, дедим-ку, йўқлар!

– Қаёққа кетадилар?!

– Билмасам, жойлариям совуқ!

– Турган заҳотинг қарасанг ўласанми?

– Қараганимга айтяпман-да! Мунча гангийсиз?!

Боринг, катта йўлга чиқинг! Касаллари кўзиган бўлса, бир ёққа кетвормасинлар.

Эр-хотин кўчага чиқиб ҳар ёққа аланглашарди.

Уйдан икки юз қадам нарида, далалар бошланишида эса сой бўйлаб Макки чошиб юрарди.

Кунчиқар уфқи қизариб келар, сойнинг яримдан камроқ суви шовиллаб бирдек оқарди.

У сойнинг ёйилган жойида тўхтади-да, бирдан ўзини сувга отди ва қулочкашлаб суза бошлади. Ана шунда юқоридан оқиб келаётган бир гавдани тутиб олди. Судраб қирғоққа олиб чиқди. Ётқизди, ағдарди. Оёқларини силкитиб оғзидан сув чиқишига қараб турди.

Бир оздан кейин тўрт-бештача одамлар чошиб яқинлаб келаётган маҳалда Маҳкам қунишиб олганча узоқлаб кетди. Ўзини кўринтирмаслик учун зовур ичига тушиб олди.

\* \* \*

Уч кун ўтиб аҳволи анча ўнганган Гулшан касалхона деразасидан ташқарини кузатаркан, ерпарчин бўлган кўнглининг изтиробларини ичига ютиб, жисми каби мажолсиз хаёллар суларди. У бу касалхонанинг кўп хоналарида ётиб чиққанини ўйлар, хижолат чекиб лаб тишларди.

Яшаб яшалмаган умрнинг кунлари бир қараса, бир тутам, бир қараса, минг аср. Умрини қилғиликлар пу-

шаймони, изтироби асрларга тенглаб, дардларга қориштирарди. Ҳу ўша аввалдаги эзгу хаёллар тотӣ эса кўнглидан кетмасди.

\* \* \*

– Бориб ўлдириб келаман! Жинни! Ифлос!

– Нимага давлат шунақа жинниларни жиннихонага тикмас экан-а. Ўзи илгаритдан онамни кўрса қувади. Жиннилиги тутади.

– Дадаси, барибир тушунмадим-да, ойим кўприкдан нарисигача оқиб борганмилар шунда?

– Э, аралашаверма! Калланг ишламагандан кейин нима қиласан суқилиб? Гап кўпайтириб унга-бунга айтиб юрма, тушундингми?! Бор, келинга ёрдамлаш, овқатингга қара!

Гулшан катта ўғилнинг вазоҳатини кўриб чўчиб кетди. Унинг ўзигагина аён бўлган сир билан бундай бир уй одам, уларнинг бир жуфтдан кўзлари қаршисида ўзини ўнғай тутолмай қийналди.

– Дам оласизми, ойи?

У жим қолди, кўрпаси четига тикилиб олди.

– Бўпти. Қани, ҳаммамиз чиқайлик-чи. Сал ухлаб олсинлар. Кейин овқатланармиз. Ишимизни қилиб турайлик.

– Дадаси, ойим яхши бўлсалар биз кетақолайлик дегандим. Эртага акамникида қуданикига қозон берилади. Бориб бирор нарса пиширардим.

– Нафосатни олиб кетавер, бўлмаса. Мен қоламан.

– Сиз билан кетар. Яккаям қолмайсиз.

– Опкетавер. Чўчиб юрмасин тағин.

– Ҳўп. Кейин... Сиз ҳам борарсиз-а эртароқ.

– Кўп гапирмай бориб туравер-чи. Кўрайлик аҳволларини. Унга қараб...

Хона жимиб қолганди. Гулшан яна узум гужумлари

осилиб турган шифтга тикилиб ётарди.

Токчада пўрим кийинган, ўрисда ўқиб келган на-  
вқирон йигит мағрур қараб турарди.

\* \* \*

Олам одамлардан тошиб ётарди. Одам деган ном  
хайф бўлиб ётарди ерда. Бирлари дастурхондан бо-  
шлаб кичкина хонагача тортилган йўлни яшарди.

Одам дегани барибир ёлғиз эди. У ўзига ҳам дўст  
бўлолмай бешбаттар ёлғизланар эди.

Гулшан кимсасизлик кўйларида ўзининг беҳаловат  
ўйларига бота-бота уф тортарди. Ҳеч ким йўқ вақтлар-  
да яна уни ёлғиз қўймайдиган парилар пайдо бўлар,  
уларнинг ўртасида – ўша, пешонаси ёрилган, кўзлари  
кўкарган пари гир айланар, қўлларини Гулшаннинг  
кўзларига суқиб олгудек яқинлатарди. Бирда-бир шу  
сувпари тенгсиз гўзал қиёфада пайдо бўлар, Гулшанни  
кулиб-кулиб қучоқлар, мастона-мастона тебранарди.  
Бирда-бир тортқилаб сувлар қирғоғига олиб келарди.

Гулшан кўрқарди бу хаёллардан. Яна ўша хаёллар  
ичидаги сулувга ҳафта-ўн кунда ичиқарди.

Кўзлари кўкарган сувпари бўлса ёлғиз келмасди.  
Дунё мавжлари орасида унинг ўз тўлқинлари, ўз тўда-  
си бор эди. Гулшан бу парилар орасида ўзини хуш се-  
зар, пардек енгил тортарди. Эндигина, эндигина ти-  
ниқ пардалардан нарига ўтиб кетмоқ бўлганида бари  
чаппа кетарди. Нимадир рўй берарди-ю, Гулшан па-  
риллар қуршовидан чиқарди.

Сувлар тинмай оқар, кунлар тинмай янги бўлар,  
ҳаёт бир маромда давом этарди.

Янги ҳафтада марказдаги энг катта, там-там бўлиб  
кетган одамларгина тузаладиган касалхона шифокор-  
ларининг кўрсатмаси билан Гулшанни буқоқ касал-  
ларга қарайдиган шифохонага жойлаштиришди.

“Ҳаммаси буқоқники. Кўзларига ҳар нарса кўринадиган бўлиб қолган. Буқоқда шунақа, галлюцинация кучайиб кетади. Даволаймиз, мерказолинга ўтказамиз. Яхши юрадилар”, деди даволовчи шифокор.

\* \* \*

Шифохона ёнида катта сув шовиллаб оқарди. Сувнинг шилдир-шилдири тўп-тўп қизларнинг кулгисига ўхшарди.

## НАСРИМИЗ БАЙРАМИ

Қиссани ўқиб чиқдим-у, бир нарса ёзиш шартлигини ўйладим, аммо нимасини ёзаман? Тилининг гўзаллиги, услубининг кўркемлигиними, ҳаётӣй-ҳаққонийлигиними, хотиржам насрий оқиминими? Энг оддий, кичик одамларимизнинг қалб тўлқинларими, нимасини ёзаман? Ердан чиқдим, осмондан тушдим бу безовта юрак соҳиби, деб ёзаманми, аммо бунақа гаплар ҳеч кимни ишонтирмайди. Ўзимни босмасам бўлмайди.

Мактаб ҳаётининг ҳаққоний манзаралари, таълим тизимларимизнинг ожизлиги, билими саёз кадрлар билан тўлаллиги, улар гарчи алоҳида олиб қараганда яхши инсонлардир, аммо яхши мутахассис эмаслиги, маориф кишиларининг бола ҳақ-хуқуқларини менсимаслиги, ўқувдан қолдириб оғир меҳнат ишларига жалб қилинишини қалб оғриғисиз қабул қилиб, фақат ижрочиликни биладиган, мансабдан айрилиб қолмаслик учун, болалар маърифатини ошириш у ёқда турсин, расмий таълим дастурларига ҳам амал қилмасликлари асар марказида туради. Айни чоғда ички оилавий ҳаёт, моҳиятан гўзал хислатларга эга бўлса ҳам, муаммолар аро кечаётган турмушнинг ёрқин сувратлари асар жисмониятида мавж-мавж кўзга

ташланиб туради. Кўнгилсиз хотин (Ойдин)га ошиқ бир эр (Турғун)нинг ичга ютган изтироблари китобхон хотирасига бир-бир тугила бошлайди. Ўзи аслида кўнгилсизлик оила ҳаётида оғир бир муаммо, Оллоҳ ўзи ўнгламаса, бандаси йўлга сололмайдиган, тузатолмайдиган дард, қачон, қаерда, қандай туғилганлиги англашилмайдиган бош оғриғи (балки, шундай бир яхши, тўғри, журъатли бир инсон шахсининг ерга урилган, ҳаётдан ўрнини топмаганлиги сабабдир, ким билади, дейсиз...) бизга ҳам юқади. Ичингизда шу мактаб болалари, ўқитувчилар, Турғуннинг бувиси каби миллий қўшиқларимизни, ота сўзларимиз, нақшин ибораларимизни, мақол-маталларимизни наинки, тилида, балки жон-жонида асраб келаётган ажойиб инсонларга каттакон бахт улашсайдим, деб хаёлларга чўмасиз. Қиссанинг фазилати ана шунда. Инсонпарварликдан чиройли дарс беради.

“Бойчечак” – менинг назаримда, бугунги кун ўзбек насрининг катта байрами бўлиши лозим.

Муаллифга саломатлик, илҳом, толе тилайман. Қиссахонга ҳам.

Миразиз Аъзам  
2020 йилнинг 19 майи.

## МАЪМУРА ЗОҲИДОВА ҚИССАЛАРИНИ ЎҚИБ...

Мен Маъмура Зоҳидованинг барча қиссаларини мароқ билан ўқиб чиқдим. Айниқса, “Бойчечак” қиссаси. Муаллиф асар бошида “Бу асар она тилимизга давлат тили мақоми берилганлигининг 30 йиллигига бағишланади”, деб қайд этадики, шунинг ўзиёқ ўқувчини ҳушёр торттиради. Дарвоқе, шу йил она тилимиз мақомига 30 йил тўлади.

Биз ҳар йили 21 октябрда “Она тилимиз бой, ширали тил” деб мақтаймиз. Аммо унинг бойлиги қанақа, қай даражада, буни амалда исбот қилишга ҳафсаламиз келмайди, шу мақтовнинг ўзи кифоя, деб ўйлаймиз.

Тилимизнинг чин бойлигини мен Маъмура Зоҳидованинг шу асарида кўрдим. Гарчи бошқа бир қанча адибларнинг асарларида ҳам тил ширали, бой, аммо “Бойчечак” шу нарсани махсус кўрсатиш учун ҳам ёзилгандай. Мана бу жумлалар эса айни асар руҳининг ифодаси ҳам бўла олади: “...тагдор сўзларини қай пучмоқларида яшириб тургандек, агар қазноққа осилган кувани, шоли солинадиган ёғоч идишни, жавдар туйиладиган келини, бир пайтлар сувишлик вазифасини қойил қилиб, энди тепага осиб қўйилган чети учик таррақовоқни ва унинг ичига солинганича қолган чўмичқовоқни, қорни пачоқ бўлган кичкина мисқозонни яна нима-нималарни олиб чиқиб ичига бошни солгудек қилиб гапирилса, ўша бирда доно, бирда пардасизроғу нимҳазил, бирда узун-узон оҳангларга қоришиқ, не-не одамларнинг тилида узоқ-узоқ кун кўрган, не-не йиллар, балки ўнлаб асрлар, балки, ундан ҳам кўп вақтлар оғизларда яйраган ўйноқи жумлаларни сайраб юборадигандек”.

Қисса бир қишлоқдаги оддий ўқитувчи йигит ҳақида. Унинг ҳаёти, тақдири, афсуски, фожиали. Нимагаки, бу самимий, ҳалол муаллим атрофидаги оламга сиғмайди, тўғрироғи – қалбида гўзалликка, олийжанобликка жой қолмаган жоҳил одамлар уни сиғдирмайдилар, унинг ўз олами борлиги, у ҳам нималаргадир ҳақли эканини тан олишни исташмайди. Шулар унинг умрига зомин бўлишади. Иккинчи ёқдан, уйланган хотини уни хушламайди, кўнгли бошқада эканини айтади. Бу эса унинг тийра кўнгил уйини ёритиб турган сўнгги чироқнинг ҳам ўчиши эди.

Унинг дунёда биттаю битта бувиси бор – бу содда, умри меҳнат билан ўтган кампир эса нақд хазина, ганжина. Бу кампирнинг оғзидан ҳар онда тўкиладиган мақол ва маталлар, топишмоқлар ҳеч бир адибнинг тил хазинасида топилмайди. Турғун муаллим шу бувиси билан овунади, ундан юқтирган она тилимизга, сўз санъатимизга меҳрни ўқувчиларга ҳам илинади, ижодий дарслар ўтади. Бу эса “районо” деган даққи ташкилотнинг расмиятчи вакилларига ўлақолса ёқмайди.

Мана шундай ўринларда ёзувчининг маҳорати яққол кўринади – у кампир билан районочиларнинг нутқидаги контрастларни “билинтирмай” биз китобхонларга пеш тутади:

Кампир: “Синамасиз фариштадан синашта шайтон яхши”. “Шу Самсоқ ер қитиқлагурни бир кунлигидан олиб, пуфлаб, ерга қўйсам чанг бўлади, осмонга қўйсам гард бўлади деб катта қилди-я. “Ўғлинг қани”, десам, “Кўчага кетди. Уришсам – ёлғиз, уришмасам – ялмоғиз, опа, нима қилай энди”, дейди. “Қизнинг эркаси – итнинг серкаси”.

Мактаб вакили: “Так, значит, сизларга бугунги бешинчи-олтинчи соат дарсдан жавоб берамиз. Ҳамма уйига бориб, ётоққа тайёргарлигини кўради. Эрта-индин сродна команда бўлиб қолиши мумкин. Иссиқ кийимми, кружка-пружками, пастел-мастелми, майиз-туршакми, тахт қилиб қўйинг! Фақат шийпон, тоест, штаб белгиланишини кутяпмиз. Тағин команда бўлганда, этагим йўқ эди, раскладушкам синган, касалман, деган баҳоналар бўлмасин. Этак запаси билан бўлсин. Военный ҳолатда тайёр турамиз”.

Ёзувчи унча-мунча тилчи, фольклорчи ёки адибнинг хаёлига келмаган, аммо асосли кашфиётларини ҳам асар персонажлари тилидан баён қилади. Маса-

лан, “қариндош-уруғ” сўзи. Бунда қариндош – она томондан (қориндош) бўлган, уруғ эса – ота томондан бўлган яқин жигарга айтилиши, “Бойчечак” қўшиғи эса шунчаки ялла эмас, балки символларга тўлиб тошган топишмоқ эканини ҳамма ҳам инкишоф этавермайди...

Асар ниҳоятда реал. Муаллиф қишлоқ ҳаётини, айниқса, мактаблар аҳволини, ўқитувчиларнинг турмушини жуда яхши билади, шунинг учун ҳам воқеликни “ичидан” туриб тасвирлашнинг уддасидан чиққан.

Муболаға қияпти, деб айтишларидан қўрқмаганимда, мен “Бойчечак” қиссасини “XXI асрнинг “Зарбулмасал”и бўпти, деб баҳолаган бўлар эдим. Аслида, “Бойчечак”да бундай тил дурдоналари Гулханийнинг Кулонкир султон билан Гунашбонунинг тўйи можароларидан иборат тамсилий асаридаги мақолу маталларга қараганда кўпроқ ҳам. Қолаверса, асосий нарсаси – бир софдил, ҳалол ва камтар йигитни ажал чоҳига судраб келган ижтимоий воқеликнинг реал тасвири.

Қиссада халқимизгагина тегишли, фақат халқимиз вакиллари яхши тушуниб ҳис қиладиган мақол ва иборалар шундай кўпки, уни бошқа тилга ўгириш анча мушкул кечади, деган фикрдаман.

“Садоқат” қиссаси 2018 йилда “Шарқ юлдузи” журналида чоп этилди. Кичкина қисса. Унда бир ит ҳақида ҳикоя қилинган. Лоп этиб, ҳаёлимга итлар ҳақида ёзилган асарлар келди. Аммо бу асар билан ит ҳақидаги бошқа асарлар ўртасида тафовут катта. Одатда, муаллифлар итнинг бошидан ўтган яхши-ёмон кунлар, жониворнинг кечинмалари одам нуқтаи назаридан тасвирлашган бўлса, М.Зоҳидова асарида бунинг акси – бир хонадондаги одамларнинг ўзаро муносабати, тушунарли-тушунуксиз хатти-ҳаракатлари итнинг кечинмалари орқали баён қилинади. Ва бу, албатта,

чандон мушкул тажриба. Адиба буни уддалабди!

Қиссада инсонларга берилган меҳр-оқибат, садоқат каби туйғуларнинг ноёб бўлиб бораётгани маҳорат билан тасвирланган. Ижодкор сифатида бу синглимиз ёзганларининг энг катта фазилати, менингча – уларни аёл киши ёзгани сезилмаслигидир. Бошқа адибаларимиздан узр сўрайман, лекин, очиги, кўпларида мавзу танлашдан тортиб тасвир ва ифода воситаларини қўллашига қадар, ҳамма жойда бу – аёл ижодкорнинг маҳсули экани, ўқувчи шуни ҳам ҳисобга олиб, қандайдир “чегирма” қилиши лозимлиги сезилиб туради-да!

Муаллифнинг “Манглайдаги ёзиқ” қиссасини ўқиганимда эса “Шундай қисса ёзиш ҳам мумкин экан-ку”, деган гап хаёлимга келди.

Унда тасвир этилган воқеалар...

Воқеалар деярли йўқ. Бори – узук-юлуқ хотиралардан иборат. Бир аёлнинг: тевараги тўкис, еяр-ичардан ками йўқ, рўзгорини ким кўрса, ҳавас қиладиган бир ўрта яшар хотиннинг толеи, аслида эса бахтсизлиги битилган саҳифалар. Ҳатто адабиётшунос олимлар тили билан “сюжет линияси” деб айтиладиган нарсга ҳам номигагина, шартлигина.

Аммо қиссада фикр оқими деган нарсга бор. Гулшан отли бу аёлнинг изтироблар билан ўтаётган кунлари ва йиллари унинг касалу бемажол, хаёл-хуши тарқоқ бир пайтида ёдига келган, келаётган, бирда эзгин, бирда хуш-хандон умр лавҳалари ўқувчини гирдибод сингари ўраб олиб, ўз қаърига тортиб кетади. У “Манглайдаги ёзиқ” деб аталгани билан, манглайдаги бу ёзиқни ўзгартириш, ўзининг толеига, келажакдаги ҳаётининг осудалигига одамнинг ўзи ҳам сабаб бўлиши, бунга эса ўйланмай босилган бир қадам, ўйланмай айтилган бир оғиз гап туртки бўлиши ишонарли

кўрсатилган. Ҳатто энг бокира, маъсум туйғулар, болаларча бир қарор ва хулосалар кейин даҳшатли бир оқибатларга олиб келиши мумкинлигига адиба бизни ишонтира олади.

Асарнинг бошқа қаҳрамонлари – Маҳкам, Юлдуз, Бойбўл чол кабиларнинг манглайдаги ёзиқлар ҳам ҳар бири бир катта тақдир, бир воқелик, бир бошқа сюжет, аслида.

Асарнинг энг катта ютуғи эса, менимча, шундаки, уни ўқиб бўлгач, воқелик ичидан чиқиб кета олмай-сиз – хаёлан воқеаларни бир-бирига улайсиз, ёзувчи атайин айтмай кетган “сир”ларни кашф қиласиз, асар сизнинг ичингизда яшай бошлайди, давом қилади. Ўлмас отли келишган, барно йигит – Гулшаннинг эрига аввалбошида нафрат пайдо бўлгандек бўлади, у бўлак ёш хотинга илакишган. Аммо кейинчалик айб бошқа ёқда экани, унинг – неварали бир одамнинг бошқа оилада тинчини топишига эса ҳатто энг оғир кунларида ҳам “овуниш” учун янги бирон кийим кийсам дейдиган хотинининг бизга айтилмайгина айтилган феъл-атворида, йўл қўйган хатоси туфайли кўпинча ёмон ҳолатда, тажанг бўлиб юришида экани; Юлдузнинг ўлимига ҳам Ўлмас сабаб эмаслиги сезилиб-сезилмай аён бўла бошлайди. Шу маънода, асар жуда сиқик. Масалан, ёзувчи келинларнинг Гулшанга муносабатини бир оғиз гап билан ифода қилади-қўяди. Аммо ана шу бир оғиз жумлада ҳамма нарса бор. Маъмурахоннинг ўрнида бошқа қаламкаш бу каби “қайнона-келин можа-ролари” тафсилоти билан ўнлаб саҳифаларни қоралаши мумкин эди.

Асар тили ўзига хос. Нимага десангиз, ёзувчи шева сўзларидан фойдаланиш масаласида ўзига хос позицияга эга: воқеалар тасвирида шундай сўзларни ишлатадики, уни бошқа бир “адабий” сўз билан ал-

маштириб бўлмайди. Шу маънода, унинг қиссалари адабиётимизнинг тилини ҳам бойитади.

Очиғини айтганда, ҳозир ёзилаётган ўнта асардан – у ҳикоями, қисса ё романми, барибир – саккиз-тўққизтаси Тошкент ва Тошкент атрофидаги одамлар ҳақида бўлиб қолди. Бу қиссада эса Фарғона водийси одамларини кўрасиз, яқин бир қариндошининг уйига меҳмонга бориб келгандек бўлиб яйрайсиз, саёҳатга бориб ҳаво алмаштирган одамнинг руҳияти тозаргани каби, ўқиб бўлгач, шу қариндошларининг қадри кўз олдингизда оша бошлаганини пайқайсиз.

Маъмура Зоҳидованинг қиссалари бир китобга жамлангани жуда маъқул иш бўпти. Ўзбек китобхонлари ўзлари учун тоза нафасли, ўзига хос бир ёзувчини кашф этишади, деб ишонаман.

Зухриддин Исомиддинов

## МУНДАРИЖА

Бойчечак

Садоқат

Манглайдаги ёзиқ

---

• Маъмура Зоҳидова •

---



Маъмура Зоҳидова

# МАНГЛАЙДАГИ ЁЗИҚ

(Қиссалар)

Муҳаррир *Дилрабо Минғбоева*  
Бадий муҳаррир *Нодир Сувонов*  
Мусахҳиҳ *Иқбол Исамуҳамедова*  
Саҳифаловчи *Азамат Қаямов*

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
«АДАБИЁТ-НАШРИЁТИ» МЧЖ

Нашриёт лицензияси: АИ № АА 0043. 27.01.2020.  
100129, Тошкент шаҳри, Марказ-15. 1/90.

Босишга 20.05.2021 йилда рухсат этилди:  
Офсет қоғоз. Қоғоз бичими: 84x108 1/32.  
Офсет Босма. Ҳисоб-нашриёт т.19.32. Шартли б.т. 23.0.  
Адади:1000 нусха. Буюртма №147.

«AZMIR NASHR PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
100200, Тошкент шаҳри, Адҳам Раҳмат кўчаси, 10-уй.

19,672.00 =



МАЪМУРА ЗОҲИДОВА  
**МАНГЛАЙДАГИ  
ЁЗИҚ**

*Қиссалар*

**“ADABIYOT”**

NASHRIYOTI

ISBN 978-9943-6779-8-2



9 789943 677982